

Volume 1 Issue 2
June 2023

Innovation Science and Research

International scientific journal



www.sciencejournal.uz

International Scientific Journal
INNOVATION
SCIENCE AND RESEARCH
Volume 1 Issue 2
June 2023



SCIENCEJOURNAL.UZ

International Scientific Journal INNOVATION SCIENCE AND RESEARCH. volume 1 issue 2 – 254p.

The journal publishes the results of research conducted by professors and teachers and independent researchers of the Republic of Uzbekistan and international higher education institutions in the form of scientific articles.

© Innovation Science and Research

© Authors



| Editorial | |
|--|---|
| Editor in chief Juraev Ziyovuddin Mukhitdinovich | Bosh muharrir Jurayev Ziyovuddin Muhitdinovich |
| Preparing for publishing Abdurakhimova Dilbarxon Abdurakhmonovna | Nashrga tayyorlovchi Abdurakhimova Dilbarxon Abdurakhmonovna |
| MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD | |
| INNOVATION SCIENCE AND RESEARCH <small>JOURNAL</small> | <p>Juraev Ziyovuddin Mukhitdinovich <i>Doctoral student (DSc) of the department "Study of Islamic Studies and Islamic Civilization ICESCO" of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Faculty of Islamic Studies and International Relations</i></p> <p>Ismoilova Muhayyo Qozoqboyevna <i>Tashkent State University of Uzbek language and Literature named after Alisher Navoi, candidate of philological Sciences</i></p> <p>Artikova Nargiza Shuxratovna <i>Teacher of the Department of theory of Primary Education at Chirchik State Pedagogical University</i></p> <p>Koziev Umidjon Yandashalievich <i>Head of the Department of Uzbek linguistics, PhD, Associate Professor member of the editorial board of the scientific journal "Innovation Science and Research"</i></p> <p>Dilfuza Jalolova <i>Candidate of Medical Sciences, Associate Professor of Samarkand State Medical University.</i></p> <p>Umarova Maxliyo Yunusovna <i>Uzbekistan State University of world languages, candidate of philosophical Sciences, Associate Professor</i></p> <p>Arslanov Sharafutdin Sultanovich <i>doctor of chemical sciences, professor</i></p> <p>Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna <i>Doctor of philosophy in Pedagogical Sciences</i></p> <p>Oripov Orolboy Ahmedovich <i>Navoi State Pedagogical Institute, PhD</i></p> <p>Fazliyeva Zebo Kamarbekovna <i>Uzbekistan State Academy of choreography, associate professor</i></p> <p>Artikov Askar Akbarovich <i>Doctor of philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor of the Department "theory and methodology of football" of the Uzbek State University of physical education and sports</i></p> |

Darvishov Ibroxim

Associate professor of the Department of Uzbek linguistics member of the editorial board of the scientific journal "Innovation Science and Research

Sevara Nazarova

Philosophy Doctor on Agricultural sciences, Associate Professor of the Department of Soil Science of Bukhara State University.

**BUG'DOYNING BOBUR NAVIDA O'SIMLIK BO'YI VA YOTIB QOLISHGA
CHIDAMLILIGIGA O'G'IT ME'YORINI TA'SIRI.**

Y.A.Matyakubova, dots.,
Urganch davlat universiteti, Urganch

Z.B.Alloberganova, dots.,
Urganch davlat universiteti, Urganch

D.M.Qabulova,
magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch

D.A.Mambetsoburova, talaba,
Urganch davlat universiteti, Urganch

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8033311>

Annotation. *In this maqila, the Beaver variety of soft wheat grown in Khorezm soil climates has been studied for its effect on fertilizer norm on plant height and resistance to laying. In this case, the effect of different fertilizer norms on the plant height of the varieties was determined, with OGE in three options: organic fertilizer (humus manure) in the amount given to 30 t/ha, mineral fertilizer in the option with N180P90K60, and N180p90k60 + manure in the options when mineral fertilizer and organic fertilizer (humus manure) were given together.*

Keywords: *breeder, wheat, bread quality, milk ripening, productivity, bushy grain, bushy grain.*

Annotatsiya. *Ushbu maqilada Xorazm tuproq iqlim sharoitida yetishtirilayotgan yumshoq bug'doyning Bobur navini o'simlik bo'yi va yotib qolishga chidamliligiga o'g'it me'yorini ta'siri o'rganilgan. Bunda turli o'g'it me'yorlarini navlarning o'simlik bo'yiga ta'siri aniqlangan bolib, o'git uch variantda: organik o'g'it (chirindi go'ng) gektariga 30 t/ga berilgan miqdorida, mineral o'g'it N₁₈₀P₉₀K₆₀ solingan variantda va N₁₈₀P₉₀K₆₀ + Go'ng 30 t/ga mineral o'g'it va organik o'g'it (chirindi go'ng) birgalikda berilganda variantlarda o'rganilgan.*

Kalit so'zlar: *seleksioner, bug'doy, non sifati, sut pishish, mahsuldorlik, boshqoli don, boshqoli don.*

Yumshoq bug'doy butun dunyo qishloq xo'jaligi ekinlari orasida eng muhim boshqoli don ekinlaridan biri hisoblanib, non va non mahsulotlari ishlab chiqarishda asosiy manba bo'lib xizmat qiladi. Bug'doy ekiladigan jami ekin maydonlarining 17 foizini egallaydi va har yili 724 million tonna don hosili yetishtiriladi.

Bug'doy - jaxonda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlovchi eng muhim va asosiy ekin turi hisoblanadi. Rivojlanayotgan davlatlarda insonlar uchun zarur bo'lgan oqsil kaloriyasining qariyib 40 foizidan ortig'i bevosita bug'doy mahsulotlari hissasiga to'g'ri keladi. Mamlakatimiz aholi sonining har yili yildan yilga oshib borishi bug'doy doni yetishtirishda yuqori hosilli va don sifatiga ega bo'lgan bug'doy navlarini yaratish ustida seleksioner olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlarni yanada rivojlantirishni taqazo etadi [1].

Respublikada bug'doy asosan non sifatida istemol qilinishini e'tiborga olsak, ikkinchi asosiy gen bu sifatni ta'minlovchi gen bo'lishi zarurdir. Shunday navni yaratishda fanning eng so'nggi yutuqlari bo'lgan biotexnologiya va gen muxandisligini seleksiya jarayoniga tatbiq qilish amaliy

axamiyatga egadir. Jaxonda bugungi kunda shunday yo'llar bilan sintetik bug'doy navlari yaratilmoqda. Bu nav namunalarini maxalliy seleksiyaga jalb qilish uchun xalkaro tashkilotlar bilan urug'lik materiallarini almashlash ishlari olib borilmoqda.

Bug'doy o'simligining yotib qolishi ko'p hollarda sut pishish yoki o'suv davrida ro'y berishi mumkin. Bunday holatda o'simliklar bir-birini soyalab qo'yadi, yotib qolish natijasida fotosintezning sekinlashuvi donning puch yoki mayda bo'lishiga olib keladi. Bug'doy o'simligining pishish davrida yotib qolishi don hosilini yig'ishtirib olishni ancha qiyinlashtiradi. Ba'zi bug'doy navlarining bo'yi baland, ammo baquvvat bo'lmagan poyaga ega bo'lib, boshog'i salmoqli bo'ladi. Bunday paytda kuchsiz shamol ta'sirida ham ularning yotib qolishi kuzatiladi.

Yumshoq bug'doyning intensiv tipdagi yangi navlarini yaratishda boshlang'ich manba sifatida ko'pincha kalta poyali shakllardan foydalaniladi. Bu ma'lum maydondagi o'simliklar sonini oshirish hisobiga yotib qolmaydigan serhosil va yuqori sifatli don yetishtirishga imkon beradi. Bug'doy ekinining yotib qolishi kuchli shamol, do'l, sel va boshqa tabiiy holatlar ta'sirida ham bo'lishi mumkin.

Yotib qolgan bug'doyni o'rib olishda katta qiyinchiliklar yuzaga keladi va donning ko'p qismi yo'qotiladi.

Bug'doyni sug'oriladigan sharoitlarda parvarish qilganda, ularning yotib qolishi ayniqsa keng tarqalgan. Buning asosiy sababi, uning jadal tuplanishi va o'sishi davomida yorug'likning yetishmasligidir [1].

Sug'oriladigan yerlar sharoitida bug'doyning yotib qolishga chidamli navlari yuqori samara beradi. Yotib qolganligi tufayli hosilning 25-60% ga kamayishi, don sifatini, 1000 dona donining vazni, naturasini pasayishi, kasalliklar bilan zararlanishi kabi ko'rsatkichlar tajribalarda kuzatilgan.

Yuqori mahsuldor, yotib qolishga chidamli navlar poyaning yuqori anatomik elementlari bilan xarakterlanadi. O'rtacha mahsuldorlikka ega bo'lgan namunalarda esa bu ko'rsatkichlar o'рта va past bo'ladi. Bu ko'rsatkich uzun va past bo'lyi shakllarda bir xil darajada bog'liq bo'lmaydi. Bug'doy o'simligining yotib qolishga chidamliligini oshirishda asosiy e'tibor kalta bo'lyi, poyasi va ildiz tizimi baquvvat bo'lgan shakllarga beriladi.

G.O.Tomm va boshqalarning [3] tajribalarida mineral o'g'itlarning me'yordan ko'p berilishi ham navning yotib qolishga chidamliligini kamaytiradi.

Taxlil natijalarida turli o'g'it me'yorlarini navlarning o'simlik bo'yiga ta'siri aniqlandi. O'simlik bo'yi Bobur navida 88,3 sm bo'lganligi qayid etildi. Birinchi variant organik o'g'it (chirindi go'ng) gektariga 30 t/ga miqdorida berilganda eng yuqori ko'rsatkich 85,6±0,13 sm natija qayid etganligi aniqlandi. Ikkinchi faqat mineral o'g'it N₁₈₀P₉₀K₆₀ solingan variantda o'simlik bo'yi biroz ko'tarilganligi qayid etilib 89,2±2,85 sm bo'lganligi kuzatildi.

Uchinchi variantda N₁₈₀P₉₀K₆₀ + Go'ng 30 t/ga mineral o'g'it va organik o'g'it (chirindi go'ng) birgalikda berilganda birinchi va ikkinchi variantga nisbatan o'simlik bo'yi oshganligi qayid etilib, 89,2±2,85 sm ni tashkil etganligi aniqlandi. O'simlik bo'yining yuqori bo'lishida o'g'itning tarkibi va me'yor oshib borgan sari o'simlik belgilariga ijobiy ta'sir qilishi bilan izoxlash mumkin.

O'simlikni yotib qolishga chidamlilik ko'rsatkichi o'rganilganda ushbu belgisi bo'yicha chidamli ekanligi qayid etildi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR.

1. Мамеев, В.В. Влияние гуминовых и минеральных удобрений на урожайность озимой пшеницы. / В.В. Мамеев, И.В. Сычева, С.М. Сычев // Агрехимический вестник. - 2015 - №5. - С.6-9.

2. Siddiqui, M. H., Iqbal, M. A., Wajid, N., Imtiaz, H., and Khaliq, A. (2019). Bio-economic viability of rainfed wheat (*Triticum aestivum* L.) cultivars under integrated fertilization regimes in Pakistan. *Custos e Agronegocio* 15, 81-96.
3. Tomm G.O., A.D.Didonet., J.L.Sandri. and M.I.Frizon. "Lodging in wheat: relationships with soil fertility and plant characters in southern Brazil". 6th International Wheat Conference. Abstr. Budapest. H. 5-9 June. 2000. p-85.

TALABALARNING AUDITORYADAN TASHQARIDA FIZIKADAN OLGAN BILIMLARINI MUSTAQIL ISHLAR YORDAMIDA SHAKLLANTIRISH

Asfandiyorov Ma'ruffjon Mansur o'g'li

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalar unversiteti

m.asfandiyorov@tuit.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8036874>

Kirish. Fizika fanidan talabalar bilan auditoryadan tashqari ishlarning bunday turi hozirda har bir ta'lim muassasasida olib borilmoqda. Shu bilan birga, fizikani o'qitish samaradorligini oshirish, qoloq talabalar bilan qo'shimcha o'quv ishlarining qiymatini pasayishiga olib kelishi kerak. Ideal holda, auditoryadan tashqari ishlarning birinchi turi aniq individual xususiyatga ega bo'lishi va faqat istisno hollarda namoyon bo'lishi kerak (masalan, talabaning uzoq davom etgan kasalligi, boshqa turdagi umumiy ta'lim muassasasidan ko'chirilishi va boshqalar). Biroq, hozirgi vaqtda bu ish fizika o'qituvchisidan hali ham jiddiy e'tiborni talab qiladi[1,2].

Uning asosiy maqsadi talabalarning fizika fanidan bilim va ko'nikmalardagi kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish (va oldini olish).

Fizika fani o'qituvchilarining ilg'or tajribalari orqada qolgan talabalar bilan auditoryadan tashqari ishlarni tashkil etish va o'tkazish bo'yicha quyidagi qoidalarning samaradorligidan dalolat beradi.

1. Fizika fanidan qo'shimcha (auditoryadan tashqari) mashg'ulotlarni orqada qolgan kichik guruhlar (har birida 3-4 kishi) bilan o'tkazish maqsadga muvofiq; talabalarning bu guruhlarida talabalarning bilimlaridagi bo'shliqlar nuqtai nazaridan ham, o'rganish qobiliyatlari bo'yicha ham oqilona bir xil bo'lishi kerak.

2. Bu auditoryalarni imkon qadar individuallashtirish kerak (masalan, bu talabalarning har biriga oldindan tayyorlangan individual topshiriqni taklif qilish va uni amalga oshirish jarayonida har biriga aniq yordam berish).

3. Umumta'lim muassasasida past o'zlashtiruvchi talabalar bilan haftada bir martadan ko'p bo'lmagan holda mashg'ulotlarning ushbu shaklini individual reja bo'yicha mustaqil uy vazifalari bilan birlashtirgan holda o'tkazish maqsadga muvofiqdir.

4. Qo'shimcha auditoryalarda fizika kursining mavzusi yoki bo'limi qayta o'rganilgandan so'ng, mavzu bo'yicha baholash bilan yakuniy nazorat o'tkazilishi kerak.

5. Fizikadan qo'shimcha darslar, qoida tariqasida, o'quv xarakteriga ega bo'lishi kerak. Mashg'ulotlarni o'tkazishda didaktik materiallardan mustaqil yoki nazorat ishlari uchun mos variantlardan, shuningdek, dasturlashtirilgan turdagi o'quv vositalaridan (va vazifalardan) foydalanish foydalidir.

6. Fizika o'qituvchisi alohida talabalarning fizik va astronomik materialni o'rganishda qolib ketish sabablarini doimiy ravishda tahlil qilib borishi, muayyan mavzuni o'rganishda talabalar tomonidan yo'l qo'yilgan tipik xatolarni o'rganishi zarur. Bu qo'shimcha mashg'ulotlarni samaraliroq qiladi.

Fizika bo'yicha auditoryadan tashqari ishlarning yuqoridagi yo'nalishlaridan ikkinchisi - Fizikani o'rganishga qiziqish ortgan talabalar bilan mashg'ulotlar quyidagi asosiy maqsadlarga javob beradi:

1. Talabalarda astronomik obektlar va hodisalarga bolgan barqaror qiziqishni uygotish va rivojlantirish.

2. Maktab Fizika kursi doirasida va undan tashqarida talabalarning astronomik materiallar haqidagi bilimlarini kengaytirish va chuqurlashtirish.

3. Talabalarning kuzatish qobiliyatini optimal rivojlantirish va ularda tadqiqot xarakteridagi muayyan malakalarni singdirish.

4. Kommunikativ madaniyatni, tabiatshunoslik tafakkur madaniyatini tarbiyalash.

5. Fizika fanidan yomon o'qigan, lekin Fizikaga qiziqish bildirayotgan talabalarda o'ziga ishonchni qo'llab-quvvatlash va tarbiyalash.

6. Talabalar shaxsining psixologik sifatlarini rivojlantirish va takomillashtirish: bilimga qiziquvchanlik, tashabbuskorlik, mehnatsevarlik, iroda, matonat, bilim olishda mustaqillik.

7. Talabalarning ilmiy, o'quv va ilmiy-ommabop adabiyotlar bilan mustaqil, ijodiy ishlash qobiliyatini rivojlantirish.

8. Fizika bilimlarining texnika va dunyo tartibidagi amaliy ahamiyati haqidagi talabalarning tasavvurlarini kengaytirish va chuqurlashtirish.

9. Talabalarning astronomik bilimlarning madaniy-tarixiy qadriyati, milliy Fizika maktabining jahon fanidagi yetakchi roli haqidagi tasavvurlarini kengaytirish va chuqurlashtirish.

10. Talabalarda jamoaviylik tuyg'usini, yakka mehnatni jamoaviy mehnat bilan uyg'unlashtira olish qobiliyatini tarbiyalash.

11. Fizika o'qituvchisi va talabalar o'rtasida yaqinroq ishbilarmonlik aloqalarini o'rnatish va shu asosda talabalarning bilim qiziqishlari va ehtiyojlarini chuqurroq o'rganish va kengaytirish.

12. Talabalar o'rtasida Fizika o'qituvchisiga Fizika fanini barcha auditoriya jamoasiga o'qitishni samarali tashkil etishda yordam bera oladigan aktivni yaratish (ko'rgazmali qurollar, taqdimotlar tayyorlashda, orqada qolgan darslarda ko'maklashish, talabalar o'rtasida astronomik bilimlarni targ'ib qilishda, umumiy ta'lim muassasasi, kuzatishlar tashkil etish) [5-8].

Ushbu maqsadlarni amalga oshirish qisman auditoriyada amalga oshiriladi deb taxmin qilinadi. Biroq, auditoriya mashg'ulotlari jarayonida, o'quv vaqti va o'quv jarayonini tashkil etishda foydalaniladigan o'quv materiallari bilan cheklangan, buni etarli darajada to'liq bajarish mumkin emas. Shu sababli, ushbu maqsadlarni yakuniy va to'liq amalga oshirish ushbu turdagi auditoriyadan tashqari mashg'ulotlarga o'tkaziladi.

Fizika fanidan auditoriyadan tashqari ishlarning u yoki bu turining ustunligi quyidagi omillar bilan belgilanadi:

Ta'lim muassasasining an'analari va xususiyatlari. Masalan, umumta'lim muassasasida o'qitish ustuvor vazifa bo'lsa, auditoriyadan tashqari tarbiyaviy ishlarda kognitiv jihat ustunlik qilishi mumkin. Diniy konsessiya homiyligidagi umumta'lim muassasasida auditoriyadan tashqari ishlar tegishli ma'naviy-axloqiy tushunchalarni o'z ichiga oladi. Tegishli profildagi umumta'lim muassasasida ekologik ta'lim ustuvor yo'nalishga aylanadi va hokazo;

talabalarning yoshi, auditoriyai, individualligi xususiyatlari;

o'qituvchining o'ziga xos xususiyatlari, uning qiziqishlari, moyilligi, kasbiy mahorati. Agar o'qituvchi talabalarni o'qitishda yuqori natijalarga erishishga intilsa, u holda auditoriyadan tashqari ishlarda u ushbu maqsadga erishishga yordam beradigan tarkibni tanlaydi, ya'ni, tarbiyaviy tadbirlarni tashkil etish.

Boshqa bir o'qituvchi uchun o'quv jarayonida talaba shaxsini shakllantirish muhim ahamiyatga ega, shuning uchun auditoriyadan tashqari ishlarda u mehnat va ijodiy faoliyatga ustunlik beradi. Sportga mehr qoygan oqituvchi talim muassasalari oquvchilariga dam olish va sport mashgulotlarini tashkil etish orqali tasir korsatadi.

Auditoryadan tashqari ishlarni tashkil etish xususiyatlarini ajratib ko'rsating

1. Auditoryadan tashqari ishlar oquvchilarning turli faoliyat turlarining yigindisi bolib, ularni tashkil etish mashg'ulot jarayonida olib boriladigan tarbiyaviy tasir bilan birga shaxsiy fazilatlarni shakllantiradi.

2. Vaqtning kechiktirish. Auditoryadan tashqari ishlar - bu auditoryada ta'lim mazmuni elementlarini o'rganish bilan solishtirganda, natijalari o'z vaqtida kechiktirilgan katta va kichik holatlar yig'indisidir.

3. Qattiq tartibga solishning yo'qligi. O'qituvchi o'quv mashg'ulotlarini o'tkazishdan ko'ra, auditoryadan tashqari tarbiyaviy ishning mazmuni, shakllari, vositalari, usullarini tanlashda ko'proq erkinlikka ega. Bu, bir tomondan, o'z qarashlari va e'tiqodlariga muvofiq harakat qilish imkonini beradi. Boshqa tomondan, o'qituvchining tanlov uchun shaxsiy javobgarligi ortadi.

Bundan tashqari, qat'iy qoidalarining yo'qligi o'qituvchidan tashabbus ko'rsatishni talab qiladi.

4. Auditoryadan tashqari ishlar natijalari ustidan nazoratning yo'qligi, birinchi turdagi auditoryadan tashqari ishlar – fizika fanidan qoloq talabalar bilan ishlash bundan mustasno. Agar darsning majburiy elementi talabalar tomonidan o'quv materialini o'zlashtirish jarayonini nazorat qilish bo'lsa, auditoryadan tashqari ishlarda bunday nazorat mavjud emas. Kechiktirilgan natijalar tufayli mavjud bo'lishi mumkin emas. O'quv-tarbiyaviy ish natijalari talabalarni turli vaziyatlarda kuzatish orqali empirik tarzda aniqlanadi. Maktab psixologi maxsus vositalar yordamida bu ish natijalarini ob'ektivroq baholashi mumkin. Qoida tariqasida, umumiy natijalar, individual fazilatlarning rivojlanish darajasi baholanadi. Muayyan shaklning samaradorligini aniqlash juda qiyin va ba'zan imkonsizdir. Bu xususiyat o'qituvchiga afzalliklarni beradi: yanada tabiiy muhit, muloqotning norasmiyligi va natijalarni baholash bilan bog'liq talabalar o'rtasida keskinlikning yo'qligi.

5. Auditoryadan tashqari ishlar tanaffus vaqtida, darsdan keyin, bayram, dam olish kunlari, ta'til kunlari, ya'ni darsdan tashqari vaqtda amalga oshiriladi.

6. Auditoryadan tashqari tarbiyaviy ishlar yosh avlodni o'qitish va tarbiyalashga qiziquvchi ota-onalarni jalb etishda keng imkoniyatlarga ega.

O'qituvchi auditoryadan tashqari ishlarni muvaffaqiyatli tashkil qilishi mumkin, agar u doimo muayyan printsiplarga rioya qilsa, ya'ni normalari, xulq-atvor qoidalari [9-12] .

Har qanday fan bo'yicha auditoryadan tashqari ishlar tizimining ishlashi shaxsga pedagogik ta'sir ko'rsatishning mazmuni, shakllari, usullari, yo'nalishi, tizimning alohida elementlari o'rtasidagi bog'liqlik xarakterini belgilaydigan bir qator tamoyillar va alohida talablarga asoslanadi.

Xulosa. Bizga ma'lumki inson qanchalik ko'rib tajribada amalga oshirganda uning fizikaning mohiyatini tushunib yetishiga asos bo'la oladi. Auditoryadan mashg'ulotlaridan tashqari talabalarning kognitiv fikrlashini keyinchalik masalan pedagogika oliy ta'lim muassasalari talablari kelajakda maktab o'quvchilarga mukammal bilim bera olishlari uchun ulkan zamin yaratadi. Har bir mavzuga tegishli mustaqil ishlarni ekskursiyalar yordamida kuzatish o'rganish, tajribada sinab ko'rish muhim ahamiyat kasb etadi. Fizika fanida elektr mavzularini tushuntirish jarayonida elektr qayerdan paydo bo'lishini tajribalar yordamida yoki bo'lmasam elektrostansiyalarga o'quv sayohatlarni tashkil etish. Fizikani tushunishda hal qiluvchi rol o'ynaydigan inson idrokining ba'zi asosiy dinamik xususiyatlarini ko'rish, uyg'otish va ishga tushirish uchun kuchli kalit. Biz taklif qilayotgan o'quv modelida bu o'quvchilarning ehtiyojlariga moslashtirilgan, ularning hislari va tajribalarini hisobga oladigan rezonansli o'qitish strategiyalarini loyihalashni o'z ichiga oladi. Biz taklif qilayotgan intizom mazmuni bo'lajak o'qituvchilarning asosiy bilimlari

bilan iloji boricha rezonansli bo'lishi uchun didaktik maqsadlarda qayta ko'rib chiqiladi va yo'naltiriladi. Shunday qilib, biz o'quvchilarda dolzarbligi haqidagi tasavvurni shakllantirishga harakat qilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Э.З.Имамов, Х.Н.Каримов, С.С.Халилов, А.Э.Имамов. // Будущее за обучением с активным процессом самообразования студентов. // «Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2022. № 5. -С. 479-482. (https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=i5SoNTcAAAJ&citation_for_view=i5SoNTcAAAAAJ:YOwf2qJgpHMC)
2. Имамов Э.З., Имамов А.Э., Холмедов Х.М. //Значение парадигмы самообразования в совершенствовании системы современного высшего образования. //Высшая школа: научные исследования. Материалы Межвузовского международного конгресса (г. Москва, 12 ноября 2020 г.). – Москва: Издательство Инфинити, 2020. –176 с. В42ISBN 978-5-905695-98-8С.61-69.
3. X.N.Karimov, M.M.Asfandiyorov, M.A.Axmadov. //Zamonaviy yondashuvlar asosida fizika o'qitishni rivojlantirish.// Engineering problems and innovations. 2023. –P. 113-115 (https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=i5SoNTcAAAJ&citation_for_view=i5SoNTcAAAAAJ:M3ejUd6NZC8C)
4. Kh.N.Karimov. // Methods of self-education in teaching students physics using information and computer technologies. // International Interdisciplinary Research Journal, 11(2), -С. 471–475. (<https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/4889>).
5. B.B.Turdiqulov, O'S.Nazirov, Yu.N.Karimov. // Atom va molekularning yorug'likni yutishi va nurlanishi // UIF = 8.1 | SJIF = 5.685. 2022. –С. 1252-1258. (https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=WD0PvtcAAAJ&citation_for_view=WD0PvtcAAAAAJ:u5HHmVD_uO8C)
6. E.Z.Imamov, A.Karimkhodjaev, A.E.Imamov. // The place and role of vocational education in the 21st century. // Perspectives of higher education development/ The proceeding №7. 2019. With the support of the Erasmus+ Programme of the European Union. p.p.32-40.
7. Э.З.Имамов, А.Э.Имамов. //Взгляд на систему образования// Монография, “Fan va texnologiyalar Markazining bosmoxonasi”. Ташкент.2016. -С. 96.
8. E.Z.Imamov, Kh.N.Karimov, S.SXalilov, A.E.Imamov. // The future belongs to learning with an active process of self-education of students // //«Science and innovation» international scientific journal. Volume 1 Issue 5. 2022. -С. 479-482. (<https://scientists.uz/view.php?id=1272>)
9. Э.З. Имамов, Х.Н.Каримов, А.Э.Имамов. // Янги Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар. //«Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2022. № 3. -С. 367-372. (<https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekistonda-ayta-tiklanuvchi-energiya-manbalarini-zhoriy-etish-bilan-bo-li-muammolar>)
10. X.N.Karimov. //Fizika fanini o'qitishda virtual laboratoriya ishidan foydalanish.// Engineering problems and innovations. 2023. –P. 102-104 (<https://fer-teach.uz/index.php/epai/article/view/130>).
11. X.N.Karimov, A.E.Imamov, E.Z.Imamov, //Development of creative thinking in higher education.// Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2023. №3. -С. 359-361. (<http://scientists.uz/view.php?id=3836>)

12. X.Sh.Asadova, Yu.N.Karimov. // Effective organization of the educational process based on new modern technologies. //«Science and innovation» international scientific journal. Volume 1 Issue 7. 2022. -S. 230-233. (<https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zamonoviy-tehnologiyalar-asosida-uv-zharayonini-samarali-tashkil-etish>).

O‘ZBEKISTONDA BANK SOHASIDA XUSUSIYLASHTIRISH SIYOSATI TARIXI

Sharipov Shohruz Faxriddin o‘g‘li
O‘zFA Tarix instituti kichik ilmiy xodimi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8036965>

Annotatsiya: Ushbu maqolada so‘nggi yillarda Respublikamizda amalga oshirilgan bank-moliya sohasidagi tub o‘zgaishlar va unda xususiy mulkchilik shaklini oshirish maqsadida qilingan ishlar xususida so‘z boradi.

Аннотация: В данной статье рассказывается о коренных изменениях в банковском деле и финансах, которые были осуществлены в нашей Республике за последние годы и о работе, проделанной в целях увеличения формы частной собственности.

Annotation: This article talks about the fundamental changes in banking and finance that have been implemented in our Republic in recent years and the work done in order to increase the form of private ownership.

Kalit so‘zlar: Xususiylashtirish, bank sohasi, raqamli bank, xususiy bank, “Harakatlar strategiyasi”, “Taraqqiyot strategiyasi”, bank, Murojaatnoma.

Ключевые слова: приватизация, банковский сектор, цифровой банкинг, частный банкинг, стратегия действий, стратегия развития, банк, приложение.

Keywords: Privatization, banking sector, digital banking, private banking, Action Strategy, Development Strategy, Bank, Application.

O‘zbekistonda 2016-yilda xususiylashtirish jarayoni haqiqiy ahvoli qanday ekanligi haqidagi Respublikamiz Prezidenti Sh. M.Mirziyoyevning quyidagi fikrlarini keltirish juda ham o‘rinlidir:”.....Davlat raqobat qo‘mitasining raisi D. Xidoyatovdan shaxsan siz va qo‘mitaning bo‘linmalari xususiylashtirish jarayonida pirovard natijani nima uchun nazorat qilmaysiz yoki ta‘minlamaysiz. degan savolga javob berishni qat‘iy talab qilishga haqlimiz. Siz nima uchun ushbu muammolarni amalda hal etish o‘rniga menga o‘zingizning hech qanday natija bermagan va bermaydigan xorijiy xizmat safarlaringiz va «taqdimot»laringiz to‘grisida og‘iz ko‘pirtirib axborot berasiz? Bugun davlat budjeti hisobidan katta mablaglarni xarajat qilib, xorijga xizmat safariga borib kelayotgan rahbarlar va ishchi guruhlaridan so‘rashga haqlimiz: qani sizlar og‘iz to‘ldirib, qog‘ozga chiroyli qilib yozib bergan natijalar, qani investor va investitsiyalar? Siz bu ishlarga mutasadi davlat qo‘mitasining rahbari bo‘lib, bunday natijalarni kimdan talab qilyapsiz? Birgina Koreya Respublikasiga korxonalarini sotamiz, investitsiyalar olib kelamiz, deb tashkil etgan bir nechta biznes forumlaringiz natija berdimi, qani va‘dalar? Agar sizlar xorijiy safarlarga sarf qilgan xarajatlarni hisob-kitob qilsak, shu yilning o‘ziga ikkita yirik korxonani sotib olsa bo‘lardi. «Nol» qiymati bo‘yicha 1 ming 27 ta obyekt sotilgan. Albatta, bu yaxshi, biroq nima uchun ularning ko‘pchiligi, ba‘zilarini hisobga olmaganda, ishga tushirilmagan va vayrona holida yotibdi? Biz ularning o‘rniga nimani tashkil etdik, qanday quvvatlar va ishlab chiqarishlar barpo etildi, qancha odam ish bilan band? Nima uchun sotilishi lozim bo‘lgan 119 ta aksiyadorlik jamiyatidan faqat yarmining 15 foizlik ulushi xorijiy investorlarga sotilgan? Davlat mulki talon-toroj qilingani uchun bugun kim shaxsan javob berishi kerak? So‘zsiz va birinchi navbatda siz, qo‘mita raisi sifatida javob berishingiz shart. Siz oldingi rahbarlarning xatolarini takrorlab, sustkashlik qilib va faqat statistika

bilan shug'ullanib asosiy bo'g'inni - mamlakatning va xalqning boyligiga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishni boy beryapsiz. Sizga... muammoli masalalarni bartaraf etishni, ikkinchidan. sotilgan va sotib olingan davlat mulkining ishlamasligi, undan samarasiz foydalanilgani yoki talon-toroj qilingani uchun rahbarlar va mansabdor shaxslarning huquqiy majburiyat va mas'uliyatini puxta ishlab chiqishni nazarda tutadigan kompleks aniq chora-tadbirlarni taqdim etishni topshiraman"¹ deya aytgan so'zlarida 2016-yil holatida bo'lgan xususiylashtirish jarayoning aniq holatini ko'rishimiz mumkin.

O'zbekistonda 2016-yilning oxiri va 2017-yilning boshlarida yangi islohotlar davri boshlandi. O'zbekiston o'z oldiga kuchli iqtisodiyotga ega davlat tuzishni maqsad qilib qo'ydi. Bu maqsadga yetish uchun avvalo davlat mulkini va ulushini iqtisodiyotda kamaytirgan holda xususiylashtirishga keng o'rin berishni ko'zladi. Aynan shu maqsadda, 2017-yil 7-fevralda "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha "Harakatlar strategiyasi" to'g'risida"gi prezident farmoni qabul qilindi². Ushbu farmonning "iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish" nomli 3 banddida O'zbekistonda 2017-2021-yillarda "Agar xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va kuchli bo'ladi" tamoyili asosida iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish, davlat mulkini xususiylashtirishni yanada kengaytirish va uning tartib-taomillarini soddalashtirish, xo'jalik yurituvchi subyektlarning ustav jamg'armalarida davlat ishtirokini kamaytirish, davlat mulki xususiylashtirilgan obyektlar bazasida xususiylashtirishni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish vazifasi belgilandi. Xususiylashtirishda davlat siyosatini muqobillashtirish maqsadida, 2017-yil 18-aprelida O'zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalariga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasini tashkil etildi³. Harakatlar strategiyasiga muvofiq davlatning iqtisodiyotdagi rolini pasaytirish va bozor iqtisodiyotining asosi bo'lmish raqobat muhitini shakllantirish maqsadida davlatga tegishli nafaqat korxonalar va obyektlar, mulklar, balki endi ta'lim, transport, fuqaro aviatsiyasi va boshqa sohalarda xususiylashtirish ishlarini olib borish mumkinligi belgilandi. Bu esa, O'zbekistonda xususiylashtirish sohasida tub burilishlardan boshlanishini anglatar edi.

O'zbekistonda bank-moliya sohasida davlatning ulushi deyarli 80 foizdan ortiq ekanligi, bu sohada ham islohotlar zarurligini anglatadi. Bundan deyarli 30-yildan oldin, ya'ni 1991-yil 15-fevralda "Banklar va bank faoliyati to'g'risidagi" to'g'risidagi qonun qabul qilinishi bilan O'zbekistonda mustaqil bank tizimini yaratish uchun asos yaratilgan edi⁴. Ammo, O'zbekistonda bank tizimi 1991-yildan beri davlat tassarufidagi sohalardan biri edi. Lekin, qonun bilan O'zbekistonda xususiylashtirishni banklarni tuzish mumkin edi (o'z vaqtida "Rustambank va boshqa xususiylashtirish banklari ochilishiga qaramasdan, ularning faoliyati ba'zi sabablarga ko'ra 90-yillarda to'xtab qolgan edi). Bir qancha xususiylashtirish banklari faoliyat yuritgan bo'lishiga qaramasdan hali- hanuz bank sektoridagi davlat ulushi 83 foizni tashkil etadi. Shuning uchun ham bank sohasini xususiylashtirish va unda davlat ulushini kamaytirish bugungi kunda dolzarb masalardan biridir. Negaki, davlat banklarini xususiylashtirish masalasida asosiy iqtisodiy masala mulkning davlat yoki xususiylashtirish ekanligida emas, balki korxonaning qanchalik samarali ishlashidadir. Tadqiqotlar shuni

¹ Мирзиёев, Ш. М Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондиаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б 37.

² "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон <https://lex.uz/docs/3107036>

³ Xalq so'zi gazetasi 2017-yil 19-aprel.

⁴ Bank ishi. Darслиk. (Sh. Abdullaeva) Toshkent, Toshkent Moliya instituti, 2003. 13-bet.

ko'rsatadiki, davlat banklari xususiy banklarga qaraganda kamroq samarali ishlaydi⁵. Chunki, Rossiya Federatsiyasida banklarni xususiylashtirish moliyaviy rivojlanishni sezilarli darajada oshirgan va ishsizlikni kamaytirgani haqida kuchli dalillar mavjud⁶. Shunga o'xshash muvaffaqiyat O'zbekistonda ham bo'lishi mumkin. Hukumat hech bo'lmaganda davlat banklarining bir qismini xususiylashtirish masalasini ko'rib chiqishi kerak edi⁷.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev raisligida 2018-yilning 22-noyabrda o'tkazilgan moliya-bank tizimiga bag'ishlangan videoselektorda bank sohasida vaziyat muhokama qilinadi. Unda respublikada mavjud tijorat banklaridagi ustav kapitalining asosiy qismini davlat ulushi tashkil etishi va xususiy sektorga mablag'larni deyarli ajratilmagani tanqid qilinadi. Bundan tashqari, Prezidentning Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida ham bank sohasida davlat ulushining yuqoriligiga yana bir bor to'xtalib, banklardagi davlat ulushining 83 foiz ekanligi, respublikadagi bank-moliya tizimining sifat darajasiga ta'sir ko'rsatib, sog'lom raqobat muhitini pasaytirayotgani tanqid qilindi⁸. Hukumat bank tizimini qo'llab-quvvatlash uchun ko'p yillardan buyon moliyaviy samaradorlik past bo'lsa ham byudjet juda kata mablag' ajratib kelayotgan edi. Shuning uchun ko'plab tijorat banklari davlatning ushbu yordamiga tayanib qolgan edi. Shuning uchun ham 2018-yildan so'ng davlat bank faoliyatini samaradorligini oshirish maqsadida bank sohasida davlat aralashuvini kamaytirish va xususiylashtirishga ko'proq e'tabor bera boshladi⁹. Albatta, davlat bank sohasidan chiqib ketadi. Davlatga teghli banklar xususiylashtiriladi. Bu jarayon uzoq davom etishi mumkin, ammo, albatta sodir bo'ladi¹⁰.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi "2020-2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida"gi PF-5992-sonli farmonida bank sohasini rivojlantirish maqsadida bo sohada xususiy mulkchilikning rolini oshirish va davlat ulushini kamaytirish maqsadida bir qancha zarur chora-tadbirlar ishlab chiqilgan edi. Unga ko'ra, 2025-yilgacha xususiy aktivlar hajmini 15 foizdan 60 foizga oshirish va bir qancha banklarni (Ipoteka-bank, O'zsanoatqurilishbank, Asaka, Aloqabank, Qishloq qurilish bank, Turonbank) xususiylashtirish zarurligi ta'kidlandi¹¹. Bu stratetigayada belgilangan xususiylashtirish jarayonlarini tashkil etish maqsadida bir qancha ishlar qilindi. Masalan, 2021-yil 30-sentyabrda "Poytaxtbank" AJ xususiylashtirish bo'yicha "Ekspobank" AJ va Davlat aktivlarini boshqarish agentligi o'rtasida Memorandum imzolandi¹². Bundan tashqari, 2022-yilda "O'zagroeksportbank" (2017-yilda respublikada qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqaruvichlar uchun shart-sharoit yaratish va eksportchilarning

⁵ Cole, S. 2009. Financial Development, Bank Ownership, and Growth: Or, Does Quantity Imply Quality? *The Review of Economics and Statistics*. 91(1): pp. 33–51.

⁶ Berkowitz, D., M. Hoekstra, and K. Schoors. 2014. Bank Privatization, Finance and Growth. *Journal of Development Economics*. 110: pp. 93–106

⁷ Kym Anderson, Edimon Ginting, and Kiyoshi Taniguchi Uzbekistan quality job creation as a cornerstone for sustainable economic growth country diagnostic study ADB 2020 may p.24

⁸ Ханнаев Ш. Турли мулкчилик шаклидаги банклар фаолияти самарадорлиги таҳлили // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил -Б 2.

⁹ Валижонов А.Р. Ўзбекистон банк секторида хусусийлаштириш масалалари. // Янги Ўзбекистонда молия институтларини трансформация қилиш: муаммолар ва счимлар. Республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (24 август 2022 йил). – Тошкент: Молия, 2022. – Б. 23-25.

¹⁰ Т.Ишметов «Государство не будет наращивать долю в банках», Газета.uz, Ташкент, 26.11.2018 <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/26/bank/>

¹¹ <https://lex.uz/docs/-4811025>

¹² <https://davaktiv.uz/uz/news/mezhdu-agentstvom-po-upravleniju-gosudarstvennymi-aktivami-i-ao-ekspobank-podpisan-memorandum-o-namerenii-privatizatsii-ao-pohta-bank>

moliyaviy qo`llab-quvvatlash maqsadida tashkil etilgan bank)ning 100 foiz davlat ulushi Rossiya Federatsiyasining “Sovkombank”iga 4 mln AQSh dollariga sotuv bo`yicha kelishuvga erishildi¹³. Ammo, keyinchalik ma`lum sabablar tufayli u bitim bekor bo`ldi. Lekin, 2023-yil 1-yanvar holatiga ko`ra, hali ham birorta davlat banki to`liq xususiy lashtirilgan emas.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мирзиёев, Ш. М Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Xalq so`zi gazetasi 2017-yil 19-aprel.
4. Bank ishi. Darslik. (Sh. Abdullaeva) Toshkent, Toshkent Moliya instituti, 2003.
5. Cole, S. 2009. Financial Development, Bank Ownership, and Growth: Or, Does Quantity Imply Quality? *The Review of Economics and Statistics*. 91(1):
6. Berkowitz, D., M. Hoekstra, and K. Schoors. 2014. Bank Privatization, Finance and Growth. *Journal of Development Economics*. 110: pp. 93–106
7. Kym Anderson, Edimon Ginting, and Kiyoshi Taniguchi Uzbekistan quality job creation as a cornerstone for sustainable economic growth country diagnostic study ADB 2020 may
8. Ханнаев Ш. Турли мулкчилик шаклидаги банклар фаолияти самарадорлиги таҳлили \ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил
9. Валижонов А.Р. Ўзбекистон банк секторида хусусийлаштириш масалалари. // Янги Ўзбекистонда молия институтларини трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами (24 август 2022 йил). – Тошкент: Молия, 2022.
10. Т.Ишметов «Государство не будет наращивать долю в банках», Газета.uz, Ташкент, 26.11.2018 <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/26/bank/>
11. <https://lex.uz/docs/-4811025>
12. <https://davaktiv.uz/uz/news/mezhdu-agentstvom-po-upravleniju-gosudarstvennymi-aktivami-i-ao-ekspobank-podpisan-memorandum-o-namerenii-privatizatsii-ao-pohtaht-bank>
13. <https://davaktiv.uz/uz/news/information-on-sale-of-100-state-block-shares-of-jscb-uzagroexportbank>

¹³ <https://davaktiv.uz/uz/news/information-on-sale-of-100-state-block-shares-of-jscb-uzagroexportbank>

О ВЛИЯНИИ КОМПЛЕКСНЫХ МОДИФИКАТОРОВ НА ОСНОВЕ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИХ ОТХОДОВ НА СВОЙСТВА КВАДРАТНОГО БЕТОНА

*Досжанова Гулжайнар Файзуллаевна,
Тажетдинова Бибиназ Бахтияровна*

Каракалпакский Государственный Университет имени Бердаха

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8037095>

Аннотация: В данной статье описано влияние механоактивированных микронаполнителей на основе многотонных отходов, образующихся в сталелитейной промышленности, на физико-механические свойства бетонного щебня.

Ключевые слова: Щебень, поликарбоксилат, минеральный микронаполнитель, металлургический шлак, прочность, водопоглощение, коррозионная стойкость.

Введение.

Недавнее увеличение доли строительства в стране приводит к увеличению спроса на новые современные строительные материалы. Примером таких материалов является мелкозернистый бетон. Спрос на мелкозернистый бетон, который характеризуется высокой плотностью, удобным расположением и однородностью структуры по сравнению с бетоном на крупном заполнителе, в последние годы увеличивается [1-4].

Мелкозернистый бетон широко используется благодаря своим уникальным свойствам. Железобетонные и на их основе применяются при возведении тонкостенных ограждений, фундаментов, дорожных плит, бордюров и монолитных зданий. Однако возрастающие требования к качеству мелкозернистого бетона требуют решения проблемы повышения строительно-эксплуатационных, технологических и прочностных свойств этого вида композитов. Поэтому получение и получение новых видов комплексно-модифицированных мелкозернистых бетонов с высокими физико-механическими и низким расходом цемента с применением минеральных микронаполнителей и пластификаторов является актуальным вопросом. Перспективным направлением улучшения свойств газобетона является использование поликарбоксилатных суперпластификаторов нового поколения и кремнеземсодержащих микронаполнителей на основе нанотехнологий.[4-5]

В данной статье представлен анализ физико-механических свойств щебня, модифицированного поликарбоксилатным суперпластификатором и микронаполнителем на основе отходов металлургической промышленности.[6-9]

Практическая значимость исследования заключается во введении в бетон добавок, применяемых в строительном процессе, повышающих физико-механические свойства бетона, экономии продуктов и области применения, поликарбоксилатных суперпластификаторов и кремнийсодержащих микроорганизмов в соответствующие количества, исходя из структуры новых композиций. Характеризуется употреблением стимуляторов. Помимо работы, которую необходимо проделать на каждом этапе процесса, главная цель — достижение новых результатов путем подбора продуманного контента. Для работы

из металлургических отходов, содержащих элемент кремния, через шаровую мельницу была приготовлена фракция, близкая к зерну цемента. Из этих фракций были приготовлены образцы размером 40x40x160 мм для двухкомпонентных исследований. (Таблица 1)

В результате опытов была отобрана фракция с площадью поверхности СНС = 2117 см²/г. Физико-химические свойства исследуемых компонентов, такие как прочность на сжатие, прочность на изгиб, водопоглощение, морозостойкость, коррозионная стойкость, плотность, изучались в течение 3, 7, 14 и 28 сут твердения. На следующем этапе была определена оптимальная пропорция нашей фракции, которая еще больше улучшила свойства цемента путем увеличения доли количества в смеси. По результатам установлено, что наиболее альтернативным по своим свойствам является состав цементной смеси с 15 % металлургических отходов МЧ.

На основном этапе, на основании приведенных опытов, свойства комплексно-модифицированного мелкозернистого бетона (ММБ) были заполнены 15% цемента с площадью поверхности металлургических отходов СНС = 2117см²/г.

Таблица 1
Эксперимент

| | Цемент, г | Песок, г | Вода, г | Минеральная добавка (МЧ), г | Сп, % |
|--|-----------|----------|---------|-----------------------------|-------|
| Стандарт | 500 | 1350 | 200 | - | - |
| Комплексно-модифицированный контент | 425 | 1350 | 170 | 75 | 1 |




Рис. 1. Прочность на сжатие стандартных (1) и комплексно-модифицированных (2) компонентов

При изучении прочности на сжатие микропористого бетона (стандартного) с образцами, содержащими комплекс-модификатор (КМ), через 28 суток (нормальные условия) результаты показали, что образец (КМ) показал прочность 20 %. оказался высоким по индексу.




Рис. 2. Прочность на изгиб стандартных (1) и комплексно-модифицированных (2) деталей




Рис. 3. Водопоглощение стандартного (1) и комплексно-модифицированного (2) составов

Состав (эталон) СВЧ-заполнителя и бетона (КМ) оказался низким по степени насыщения 24,01% за 28 суток. Водопоглощение образцов на 24% меньше по сравнению с эталонным содержанием.

Заключение.

Результаты экспериментов показывают следующее:

- Прочность на сжатие компонента комплекс-модификатор (КМ) увеличилась на 20 % по сравнению с эталонным составом, а предел прочности при изгибе увеличился на 12,3 %:
- По результатам водопоглощения можно сказать, что водонасыщенность образца снизилась на 24% по сравнению со стандартом за счет снижения пористости модификаторов на разных уровнях:
- Морозостойкость привела к увеличению на 1 балл комплексно-модифицированного состава, снижению коррозионной стойкости на 10,01%, снижению плотности на 2121 кг/м³.

В целом применение комплексных модификаторов для снижения расхода цемента на 15 % приводит к повышению физико-механических свойств модифицированного состава и снижению энергозатрат на производство данного вида композитов на 5-7 %.

Литература

1. Adilkhodjayev, A. I., Kadyrov, I. A., & Umarov, K. S. (2020). ABOUT THE INFLUENCE OF A ZEOLITE CONTAINING FILLER (NATROLITE) ON THE PROPERTIES OF CEMENT BINDER. *Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers*, 16(2), 20-27.
2. Adilkhodzhaev A.I., Umarov K.S., Kadyrov I.A. (2020). Some features of the rheological properties of cement pastes with zeolite-containing fillers. *International Engineering Research and Development Journal* , 5 (CONGRESS), 4-4.
3. Adilkhodzhaev, A. I., Kadirov, I. A., Umarov, K. S., & Azimov, D. T. (2021, October). FEATURES OF CONTINUOUS UNITS FORMING OF REINFORCED CONCRETE PRODUCTS. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 1-4).
4. Adilkhodzhaev, A. I., Umarov, K. S., Kadirov, I. A., & Azimov, D. T. (2021, September). Modern Resource-Saving Technologies for Production of Pre-Concrete Concrete Structures. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 86-89).
5. Zamyshlyayev B.V., Evterev L.S. Tuproq muhitini dinamik deformatsiyalash va yo'q qilish modellari.- Moskva: Nauka, 1990. - 216 b.
6. Lyaxov G.M. Tuproqdagi to'lqinlar va g'ovakli ko'p komponentli muhitlar.- M.: Nauka, 1982. - 238 b.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISH

Batirova Zinat Nuratdinovna

Xorazm viloyati Yangiariq tumani 28-son maktab

Sultonova Nargisa Shonazarovna

Xorazm viloyati Yangiariq tumani 22-son maktab

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8038700>

Anotation: *the purpose of writing an article is to increase the activity of students in elementary school classes, to study psychological, psychological and pedagogical problems.*

Keywords: *doctor of Pedagogical Sciences in the general education system R.Safarova correctly returns to activating the mental activity of students and making it possible for them to be interested in the process of teaching.*

Аннотация: *целью написания статьи является повышение активности учащихся на уроках начальной школы, изучение психологических, психолого - педагогических проблем тату.*

Ключевые слова: *педагогика в системе общего образования доктор педагогических наук Р.Сафарова правильно обращает внимание на активизацию умственной деятельности учащихся и возможность их заинтересованности в процессе обучения.*

Anotatsiya: *Maqolani yozishdan maqsad boshlang'ich sinf darslarida o'quvchilarning faolligini oshirish, psixologik, psixologik - pedagogik muammolarni o'rganishga qaratilgan tatiqotlar.*

Kalit so'zlar: *Umumta'lim tizimidagi pedagogika fanlar doktori R.Safarova o'quvchilarning aqliy faoliyatini faollashtirishda va ularning o'rgatish jarayonida qiziqishlariga imkon yaratishni to'g'ri qayt etadi.*

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyevning “biz ta’lim va tarbiya tizimining barcha bo’g’inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o’zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz” degan fikri muhim ahamiyat kasb etadi. Ta’lim amaliyoti ko’rsatishicha, maktab ta’limida fanlararo aloqadorlikni yo’lga qo’yish fan va jamiyat hayotida bugungi kunda sodir bo’layotgan integratsion jarayonlarning yorqin ifodasidir. Ushbu aloqadorlik o’quvchilarning bilimlarni ongli o’zlashtirishi, dunyo haqidagi yaxlit tasavvurlarini rivojlantirish va amaliy va ilmiy-metodik tayyorgarligini oshirishda muhim o’rinni egallaydi. Bunday tayyorgarlik umumiy o’rta ta’lim bitiruvchilarini darsda va darsdan tashqari mashg’ulotlarda, ishlab chiqarishda va umuman har qanday faoliyatda o’zlashtirgan bilim, ko’nikma va malakalarini erkin qo’llash imkoniyatini beradi.

Ijtimoiy taraqqiyotning hozirgi bosqichida yangilanayotgan pedagogik tafakkur asosidagi ta'lim - tarbiya samaradorligiga erishish bevosita o'quvchilar faolligini oshirishga bog'liq bo'lib qolmoqda. Ma'nan eskirgan va ta'limning sho'rolar tuzumi davridagi avtoritar usuliga asoslangan shakllari bugungi kun talablariga javob

bermay qoldi. Zero, bugungi ta'lim jarayonida o'qituvchi hukmron bo'lgan, o'uvchining faolligi va mustaqil fikr yuritishga intilishini mutlaq bo'g'ib qo'yadigan o'qitish metodlaridan batamom voz kechish zarurligi ta'lim taraqqiyotining muhim shartidir. Buning o'rniga o'quvchi faolligini oshirish hamda mustaqil fikrlashga kengroq imkon beradigan pedagogik texnologiyalarni joriy etish kun tartibidagi dolzarb masalalardandir.

Ta'lim tizimini modernizatsiya qilish natijasida samaradorlikni oshirishning o'quvchi faolligi bilan bog'liqligi mazkur muammoni alohida tadqiq etish zaruriyatini yuzaga keltiradi. O'quvchi faolligining mohiyati, uni amalga oshirishning ustuvor yo'nalishlari, kelajak avlodni komil insonlar qilib tarbiyalashga tutgan o'rniga doir muammolar metodika ilmida kechiktirmay hal qilishi lozim bo'lgan vazifalardir.

Faollik arabcha "faol" so'zidan olingan bo'lib, biror ishga g'ayrat bilan kirishish, astoydil ishlash, ishchanlik ma'nolarini anglatadi. Shundan kelib chiqib o'quvchi faolligini oshirishni ta'lim jarayonida uning bilishga bo'lgan ishtiyoqi va intilishiga erishish, shunga odatlantirish, deyish mumkin. O'quvchilar faolligini oshirish masalasi bugun o'rta qo'yilayotgani yo'q. Forobiy, Al - Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino kabi Sharq mutafakkirlarining inson tafakkuri va aqliy kamoloti bilan bog'liq qarashlari bevosita ilm olish faolligi muammosiga daxldordir. Jumladan, Forobiyning ma'lum bir fan asosida tamoyillarni o'zlashtirish, undan tegishli xulosalar chiqarish, nomaqbul g'oyalarni dalillar bilan inkor etishning inson kamolotida muhim o'rin tutishi da doir mulohazalari, Beruniyning ta'limni izchillik, ko'rgazmalilik, muayyan tizim asosida tashkil qilish yuzasidan bildirgan fikrlari aslida o'quv - biluv faolligining asosini tashkil etadi.

Yigirmanchi asrning o'rtalaridan boshlab M.G.Davletshin, E.G'oziyev, M.Qodirov kabi psixolog olimlar, A.Zunnunov, K.Qosimova, O.Roziqov, Q.Abdullayeva va A.G'ulomov kabi pedagog metadoistlar o'quv - biluv faolligi ta'limiy muammosi yuzasidan e'tiborli kuzatishlarini bayon qilganlar. So'nggi yillarda esa Q.Yo'ldoshev, S.Matchonov, N.Saidahmedov, O.Tolipov, R.Ibragimov, Q.Husanboevalarning ushbu muammoga daxldor tadqiqotlari yuzaga keldi. Shundan ham ma'lumki, o'quv - biluv faolligi ta'limning bilimlarni o'zlashtirish va uni amalda qo'llashning eng maqbul jihatlarini o'zida mujassamlashtiradigan asosiy sifat mezonidir.

New technology edged up over the years but not everything remained the same. This may be result of the growing concerns over security and the wearing out of some innovations. Those that have stood the test of time possess a solid teaching practice.

Blended learning- here trend is reflected by course material and resources of teachers as they combine technology with the more comprehended traditional mode of teaching. Blended learning is a more preferred classroom interaction model due to fact that it accommodates the learning style of each pupil to reach the highest level of absorbance.

Mobile learning. - it is evident that mobile apps provide more access to online resources. For example, Oxford University Press uses Essential English to give pupils and teachers free resources that consist of flashcards, lesson plans, phrasebooks, etc.

Gamification were learning occurs through the use of gaming apps and software. Interactive games help language skills to be used to collaborate, negotiate, and create friendships [8].

Embodied learning is not strictly based on remembering, it also entails the use of the body and mind, exploring, discussing and collaborating. For instance, Doodle Town course by Macmillan Education involves hands-on activities, visual and audio to inspire and stimulate the learner thus getting them to be inquisitive, to create and draw. Learning and teaching management platforms - such as Edmodo provide learners with online access to handouts, submit homework, and continue with classroom discussions. Currently, online platforms are being additionally used to communicate with stakeholders and parents, assist in the management of materials and lesson plans, and provide a better curriculum overview for the teachers and the administrative staff.

CONCLUSION

The application of new technologies in ELT in today's conditions is inescapable to maintain the trend of systematic learning of modern English at all levels of education [9]. The Computers, Internet, modern platforms, smartphones and watches are tools that pave

the essential way of using modern tools for learning English language fully and quickly. The application of modern technologies at the schools shows a positive trend, which is directly reflected in the percentage of those technologies and their application of the teaching staff. The most commonly used platform is Moodle with 40%, while Google Classroom is used with 10% (but with great progress in the past period). Filmed stories and videos are used regularly by teachers in learning English with 55%, while they are occasionally used in 45% of cases.

REFERENCES

1. Rahmonova, M. (2021). Patriotic ideas in the works by fitrat: theoretical and practical harmony. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1466-1474..
2. Raxmonova, M. (2022). ZAMONAVIY TADBIRKOR AYOL PSIXOLOGIYASINING KASBGA YO'NALGANLIGI. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(6), 204-206.
3. Xasanovna, R. M. (2022). ZAMONAVIY TADBIRKOR AYOL PSIXOLOGIYASINING MUHIM KOMPONENTLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 394-396..
4. Xasanovna, R. M. (2022). ZAMONAVIY TADBIRKOR AYOLLARNING IJTIMOY FAOLLIGI. *Science and innovation*, 1(B3), 497-500.
5. Khasanovna, R. M. (2022). The uniqueness of personality traits in modern entrepreneurial women. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(6), 304-307.
6. Khasanovna, M. R. (2022). The entrepreneur's psychology of family relations.
7. Nishina, Y. (2019). A Lexical Study Based on Parallel Corpora, DDL, and Moodle. U R. d. Marriott, & P. L. Torres (Eds), *Handbook of Research on E-Learning Methodologies for Language Acquisition* Hershey/New York: Information Science Reference (pp. 204-218).
8. Nomass, B. B. (2013). The Impact of Using Technology in Teaching English. *English Language and Literature Studies*, pp 111-116.
9. Recanoski, S., Serafimovska, S., & Serafimovski, D. (2021). Proposed model for better english language acquisition, based on wearable devices. *ETIMA*, 1(1), 123-131.

«ЗАРРИН ИПЛИ НАМОЁНДА – ҲАЗРАТ НАҚШБАНД ДУРУ-
ГАВҲАРЛАРИ»

С.С.Носирова.

*Осиё халқаро университети ММ-8ПП-22 гуруҳ
магистранти*

Д. Насимов

*Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
катта илмий ходими*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052007>

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда Устазода ҳунарманд зардўзлик санъати ҳунармандчилиги орқали диний ва дунёвий қарашларини нақшлар тимсолида инсонларга таълим ҳамда тарбиявий аҳамияти баён этилган.

Калит сўзлар: Бухоро давлат-музей қўриқхона, зардўзи намоён, устахона, марказий композиция, нақш, зар.

Бухоронинг олис тарихи давомида бир неча бор маданий мерос объектлари вайронага айланган бўлсада, йиллар асрлар оша қайтадан бунёд этилган. Лекин шаҳар ўз тарихий илдизларидан ҳеч қачон узилиб кетмаган. Унинг бағрида олис ўтмишдан то бугунги-кунгача меъморий обидалардан тортиб ажодлар фойдаланган уй-рўзғор буюмларигача сақланиб келинган. Мана ўша қадимий уй-рўзғор буюмлари ҳозирги кунда 1922-йилда ташкил этилган Арк қўрғонида Бухоро давлат-музей қўриқхонаси фонд захираҳоналари ва кўргазма намоишларидан жой олган. Дарҳақиқатдан музейларда сақланаётган ашёлар – бутун бир тарихимизнинг очилмаган сиру-синоати яъни очилмаган тилсимоти ёки бўлмаса дуру гавҳари деб бежизга айтмасак керак. Сизу-бизнинг ўрганган ва ўрганадиган, нодир – дурдона санъат асари ҳозирги кунда дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Барчага маълумки ҳар бир ҳудудда яшаган халқларнинг урф-одати, удумларидан тортиб, либосларию, диний эътиқоди билан бир-биридан фарқланиб турган. Аждодларимиз нафақат бизга ўзининг буюк кашфиётларини балки ислом диний эътиқодларини дурдона санъат асарларида яратиб тарихимизнинг сиру-синоатларини ашёларда қолдиришга муваффақ бўлишган. Ҳозирги кунга қадар ҳар бир маҳаллий ҳунарманд ўзининг санъат асарини яратар экан илмий, диний ва дунёвий қарашларини нақшлар тимсолида баён этишган бўлган. Мана шундай ҳунарлардан бири зардўзлик санъатида бунини яққол кўришимиз мумкин.

Зардўзлик санъати ўзи Бухорода икки тоифага бўлиниб, ишланган. Бир тоифа зардўзлар фақат Бухоро амири устахонасида, яъни амир саройида, иккинчи тоифа эса ота-бобосидан мерос бўлган, алоҳида – алоҳида шахсий устахоналарда фаолият олиб боришган. Ушбу зардўзлик ҳунарини ўрганиш учун болаларни 10-12 ёшданок зардўзи касбига ўргата бошлашган.

Ота ўғлини, касбга ўрганиши (биринчи тоифа) учун устага олиб бориши ўзига яраша тантана бўлган. Бу тантана шундан иборатки, боланинг ота-онаси «бўй» (ис) деган бўғирсоқ ва ҳалвайтар қилиб, устанинг ҳузурига боришган. Бу пишириклар уста билан бирга тановвул қилиниб, боланинг ота-онаси устага «боланинг гўшти сизники, суяги бизники», қабилида уста ихтиёрига

топширишган. Шогирд бир йилгача устанинг уйида ҳар хил уй юмушларига қарашган, сув ташиган, супуриб сидирган, бозор бориб харид қилиб келган. Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида уни озиқ-овқат билан таъминлаб ҳам турган. Бир йилдан сўнг унга оддий тикиш сирларини ургата бошлаган. Касб ургатиш текин бўлган, бундан ташқари уста билан ота-она ўртасида ёзма шартнома бўлмаган. Шогирдга маблағ тўланмаган ва ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Зардўзлик таълимини ўргатиш муддати 4 йилдан 7 йилгача бўлиб, айрим қобилиятли шогирдни 8-10 йилгача сақлаганлар. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ рухсат беришни сўратган. Бордию, шогирдининг талаби ўринли бўлса, оқ-соқол устадан шогирдига ё оқ фотиҳа беришини ёки бўлмаса меҳнатига ҳақ тўлаши лозимлигини келишиб олган. Уста ўзининг малакали ишчисидан айрилишни хохламаган ва шогирдига маош тўлаб турган. Қобилиятли шогирдлар ўртасида норозилик бўлмаслиги учун уста шогирдларига иш олишларига қаршилиқ қилмаган, лекин уста пулнинг кўп қисмини ўзига олиб қолган. Уста ўз шогирдини ўқиш муддатти тугаганидан сўнг, уни уйига юбориш ўзига хос маросим ҳисобланган, маросимни «миён бандон» (белини боғлаш) деб аталган, яъни касб-ҳунар арвоҳи пир ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деган маънони билдирган.

Шогирд ўз уйига уста, бобо, оқсоқол пойкор ва зардўзлик уюшма аъзоларини таклиф қилган. Устага бош оёқ, сарпо тугун: бобо, оқсоқол, пойкорларга ҳам бирор нарса берилган. Шогирдига уста: «Шоҳи Мардон ҳаққига белингга белбоғ боғладим» дея оқ фотиҳа берган. Кейин уста шогирдини мустақил ишлашига рухсат берган. Илк баҳор кунларида, хусусан “Гули сурх” айёмида ҳамма ҳунармандлар Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғига келиб, пирнинг ҳаққига қуй сўйиб, худойи қилганлар ва Нақшбанд бобомизнинг “Дил ба ёру даст бакор”, “Кўнглинг оллоҳда, кўлинг ишу-меҳнатда банд бўлсин” деган эканлар. Бухоро аҳли шу ҳикматли сўзларга амал этиб келишган.

Аслида бухоролик уста зардўзларнинг ҳунари отадан мерос бўлиб келган, унинг фарзандлари “Устазода” деб аталган. Бундан ташқари, энг яқин қариндошлар ҳам шогиртликка олинган, натижада бутун бир зардўзлар сулолалси вужудга келган. Фақат устозода фарзандларига “миёнбандон” қилинмаган. Улар тўғридан – тўғри уста ҳисобланган. Мабодо шогиртликни охиригача адо этмасдан, бели боғланмаган шогирд ўзи мустақил ишламоқчи бўлса, уни ҳеч ким тан олмаган уста ҳисобланган. У на жамиятда, на усталар орасида обрў-эътиборга эришмаган, ҳеч ким унга буюртма ҳам бермаган. Натижада, у бирор устахонага яна қайтиб шогиртликка тушган ёки бошқа бирон бир касбни танлашга мажбур бўлган.

Мана шу ҳунарлардан бири зардўзлик ҳунари ўзимизнинг ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириб ғайри оддий жозиба, нафосат ва ҳарорат уфуриб турадиган дурдона санъат асарларини маҳаллий зардўзи усталаримиз заррин ипларда қўл меҳнати орқали яратиб келмоқда.

Ҳозирги кунда зардўзлик санъат асарларидан бири “Юмшоқ буюмлар фондида” сақланиб келинаётган 32744/10 инвентар номер остида **Зардўзи намоён** Бухоролик қўли гул зардўз ҳунарманд Устозода Бахшилло Жумаев ва Муқаддас Жумаева томонидан 1993 йилда Бахоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига атаб тикилган намоён – ҳақиқий санъат асарига айлантирган. Юқорида таъкидланганимиздек намоён соҳиби Устозода Б. Жумаев бобо мерос касбларини ҳозирги кунгача давом эттириб келмоқда. (Боболари моҳир зардўз ҳунарманд Ражаб

Абдурахмонзода Тоқи Телпақфурушон ва Тоқи Заргарон оралиғида зардўзлик устахонаси бўлган. XX аср бошларида)

Ушбу асарни яратишдан олдин ҳунарманд уста ўша давр санъати ва адабиётини жудаям яхши билган албатта. Ушбу ашё ҳақида 1993йилда Ҳафиза Аҳмад қизи томонидан “Бухоро ҳақиқати” газетасида санъат асари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Намоён тўртбурчак шаклдаги эни 120 см, бўйи 180см ўлчамда бинафша рангдаги олий навдаги бахмал матода олтин толалар юксак дид билан “Гулдўзи” услубида нафис безак турларига кирувчи икки турдаги четки ва марказий композиция нақшлари уйғунлаштирилган ҳолатини моҳирона маҳобат билан тикилганлигига гувоҳ бўламиз. Намоёнда қадимийлик билан замонавийлик уйғунлаштирилган бир дурдона санъат асари яратилган. Ислом динига йўналтирувчи **“Нақшбандия таълимоти - тилсими”** мужассамлаштирилган ҳолда тикилган нақшлар жилоси кишиларни ҳайратга солмасдан иложи йўқ. Бундан ташқари қадимда наботот оламининг барча мавжлари ўз ифодасини топгани учун, қизил ва яшил ранглар ўзаро мутаносиб равишта уйғунлаштирилган ҳолда тикилган.



- Намоённинг **марказий композициясида** чиройли араб алифбосида (форс) заррин ишларда - сатрлар ила безалган **“Дил ба ёру, даст ба кор”** сўзлар оҳанги нафис қилиб тикилган.



- Ёзувларнинг марказида ҳар бир аҳли муслимни ҳидоятга бошловчи **“Оллоҳ”** сўзи муҳр шаклида жойлаштирилган ва тўрт томонида ярим ой - тўртта юраксимон нақшида туташган (Оллоҳ сўзини юракда нақш айлаш ила - муслимнинг йўли нурафшон ва ойдин бўлишидан намуна бўлган, яъни ярим ой – нурафшон ва ойдинлик маъносини билдирган), икки ён томонидан қанотлар муаллақ кўтариб турган ҳолат уйғунлаштирилган, қуйи қисмида **“Зоҳиран кишилар ила, Ботинан Аллоҳ ила”** деган муқаддас калималар зардўз ҳунарманд томонидан нақшлар кўринишида - Нақшбандия таълимоти тилсими битилган. Зардўзи намоёндаги зарин нақш-нигорлар орқали маъно ва мазмун ўйини қилинган. Намоёндаги нақшлар Нақшбандия таълимотини туб маъносини очиб берувчи бир манба сифатида хизмат қилади.

Инсон кўп зоҳирий-ташқи ва ички, ботиний сифат ва фазилатларга эга. Кишининг ҳақиқий мақсади Оллоҳу Таолога яқинлашиш, унинг васлига етишдир. Бунинг учун инсонлар нафси тийиши, пок ҳаёт кечириши, фикрлашда ҳам, сўзлашда ҳам ва амалда ўзгалар билан муносабатда ҳам пок, мусаффо бўлмоқ лозим. Пок инсон қайерда бўлмасин, меҳнат амалини бажариш жараёнида, анжуман даврида ҳамиша унинг дили, қалби Ёрига, яратгувчисига қаратилган бўлмоғи лозим, Оллоҳ таолонинг ном ва сифатларини зикр этиб, бошқа фикрга йўл қўймаслик керакли эканлиги таъкидланган. Баҳоуддин Нашқшбанднинг айтишларича: **“Ҳар қандай ҳолатда, қаерда, ким билан мулоқот в а суҳбатда бўлмасанг, юрагинг кўзини Ёрингга – Тангрига қаратгил”**²

Яна шуни унутмаслик керакки, ҳар бир мусулмон инсон бешта нарсани қадрига етишини англаши керак: буларга

Соғликни қадрига ет – то танда дард, касал келгунча,

Бойликни қадрига ет-то камбағал бўлгунча,

Вақтнинг қадрига ет – то етук инсон бўлгунча,

Ёшлиқни қадрига ет – то қарилик келгунча,

Хаётнинг қадрига ет-то ўлим келгунча.

Яъна шуни таъкидлаш жоизки - Нақшбандия тариқатида – инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз қўл меҳнати билан кун кечиршига, муҳтожларга хайр эҳсон беришга, софдил ва камтар бўлишга чақиради.

Намоёндаги нақшлар жилоси шунчаки оддий кўриниши билан – бунда бутун Нақшбанд таълими тилсимоти ёритилганлигига гувоҳ бўламиз албатта.



-зар иплар билан **четки композицияда** тўрт томонлама кўндаланг тарзда жойлаштирилган ҳолда тўлқинсимон параллел нақшлар мажмуаси тикилган. Параллеллардаги нақшлар эса бир-бирини, кетма-кетликда такрорлайдиган қизил рангдаги бахмал матода меҳробсимон, яшил рангдаги бахмал мато аппликациясида юраксимон нақш тикилган.

Нақшбандия таълимотида “Нақш банд **бар** дил банд” яъни кўнглингга Аллоҳ таоло зикрини нақш айла демакдур. Нақшбанднинг мазмуни юракда Аллоҳ номини нақш айлаш маъносини англатади.¹

Яъниким намоёнга эътиборимизни қаратсак - намоённинг четки композициясидаги қизил бахмалда **юраксимон нақш** – Оллоҳ номини юракка нақш айлаганликлари.

Яшил бахмал- Ислом ранги яъни кўкариш-яшариш маънога ҳам эга бўлган.

Қизил рангдаги бахмал мато- зикр тушаётганларида қон юрак ва тана бўйлаб нақш каби айланган дейилса.

Юрак нақшининг ички қисмида – **уч шоха** ёки бўлмаса **уч япроқли барг** кўринишдаги зардўзи нақшда Нақшбандия таълимотининг учта ахлоқий талаблари бўлганлигини назарда тутган бўлиши мумкин.

Буларга:

Вуқуфи замоний - инсон ўз вақтини сарҳисоб қилиб туриши ва қандай ўтказиши - умрининг қанча қисми яхшилик, қанча қисми ёмонликка, қайча қисми эса беҳудага сарфляпти, шуларни билиши лозим.

Вуқуфи ададий- қилинган зикрни сарҳисоб қилиб туриши даркор. Солик ҳамиша зикр пайти ададга риоя этса, у ўз хаёлини бошқа нарсалардан сақлай олади.

Вуқуфи қалбий – Солик доимо Аллоҳни зикр этиб туриши даркор, зокир қалби ҳамиша Аллоҳдан огоҳ бўлиши керак.² (Хаёлда шундай манзарани тавассур қилиш керакки юракда Оллоҳдан бошқа мақсад йўқ)

Йиллар асрлар ўтиб Ислом динига йўналтирувчи диний таълимот - тариқатлар орқали Ислом динини бутун дунёга кенг тарғиб этилган бўлса. Ҳозирги кунга қадар уста ҳунармандлар ўз асарларини яратар экан, албатта ҳам диний, ҳам дунёвий билимларини ўз санъат асарларида ўзгача меҳр билан нақшларда баён этишмоқда. Халқ амалий безак санъатида олтин толалар ила - тарих тилсимотини сўзлагувчи санъат асарларидаги ранг-баранг безакларнинг такрорланмас жозибаси бутун дунёдан ташриф буюрувчи сайёҳу-олимларни жалб қилиб келмоқда. Ушбу намоённи тиккан қўли гул ҳунарманд аёл Муқаддас Жумаева ўз ҳунарларини ҳозирги кунга қадар давом эттириб келмоқда. Нафақат зардўзлик ҳунари ҳатто каштачиликда-дуруя услубида тикаётган кашталари бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Айниқса Ўзбекистон мустақиллиги берган чексиз имкониятлар шарофати билан Бухоро зардўзи мактаблари ҳам янада раванқ топиб, ҳозирги кунга қадар Б. Жумаев, М. Жумаева “Совға” зардўзлик маркази томонидан тайёрланаётган зардўзи кийим-кечаклар жаҳон аҳлини хайратга солиб келган бўлса ҳаттоки Бухоро музей кўргазмалари залларини безатиб дунё аҳлини хайратга солиб келмоқда. Бухорода бу санъат тури авлоддан-авлодга ўтиб ҳозирги кунда ҳам анъана тариқасида ривожланиб, такомиллашиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Садриддин Салим Бухорий. “Дилба ёр”.1993 й. 14-бет
2. Садриддин Салим Бухорий. “Дилба ёр”.1993 й. 31-бет
3. Ҳафиза Аҳмад қизи. “Бухоро ҳақиқати” газетаси 1993 йил 14 сентябр.
4. Умр боқий мерос. Б. Жумаев. Бухоро 1995 й. 59-70-бетлар
5. Зардўзлик санъати. Б. Жумаев. Бухоро 2022 й. 32-34-бетлар

МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗОНИНГ ИРФОНИЙ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА

Файзуллаева Райҳон Абдуллаевна

ҚарДУ Адабиётшунослик кафедраси, ф.ф.ф.д.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052350>

Аннотация: Мақолада XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида ижод қилган Муҳаммад Расул Мирзо шеъриятининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ва адабий меросининг гоёвий-бадиий, поэтик жиҳатларини очиб беришга эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: девон, газал, образ, услуб, тасвир, ташбеҳ.

Резюме: В статье хорезмская литература конца 19-начала 20 вв. Узбекская классическая поэзия Мухаммада Расула Мирзы, творившая в его среде показать его место в истории развития литературы и литературного внимание к раскрытию идейно-художественных, поэтических аспектов его наследия направленный.

Ключевые слова: диван, газель, диван, газель, образ, стиль, аллегория.

Resume: In the article, Khorezm literature of the late 19th and early 20th centuries Uzbek classical poetry of Muhammad Rasul Mirza, who created in his environment to show its place in the history of the development of literature and literary attention to revealing the ideological-artistic, poetic aspects of his heritage directed.

Key words: divan, ghazal : (form of a poet), image, style, image, allegory.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ислом дини гоёлари, қарашлари ва фалсафасидан айри ҳолда тадқиқ қилиб бўлмайд. Буни мусулмон Шарқида яратилган туркий адабиётнинг илк намунаси бўлган “Қутадғу билиг”дан бошлаб бугунги адабиётга қадар турли кўринишда тасвирланаётганини кўриш мумкин. Мумтоз адабиётимизнинг улуғ сиймоси Навоий ижодининг ана шу хусусияти тўғрисида адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг қуйидаги хулосалари эътиборли: “Шарқ ўрта асрлари муҳитида Навоий ижодини баҳолашга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг ва унинг асарларининг “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Далиллар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса унинг асарларининг катта ва умумбашарий мазмун қасб этишига олиб келган. Масалан, “Ҳадис”ларда “Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас”, “Ўзингга назар қил, сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан кўркиш ва тақво билангина фазилатларинг зиёда бўлиши мумкин”²². Айни шу мазмундаги қарашлар

²² Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 35.

таниқли адабиётшунос олимлар А.Қаюмов ва А.Рустамийлар томонидан ҳам эътироф этилади²³. А.Рустамий бу мазмундаги асарларнинг маърифий характерга эга эканлигига алоҳида урғу беради²⁴. Шундан келиб чиқиб, Мирзо қаламига мансуб диний мавзудаги асарларининг маърифий характерини ҳам инобатга олган ҳолда, ирфоний мавзу сифатида талқин қилиш лозим.

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида ижод қилган Муҳаммад Расул Мирзо ижоди яратилган кам сонли тадқиқотларда, асосан, унинг ишқий мазмундаги шеърлари таҳлилга тортилади. Ирфоний ва ахлоқий характердаги шеърлари “унутилади” ёки давр мафқураси таъсири остида танқид қилинади. Шоир ижодининг мундарижасига диққат қилсак, унда мазкур мазмунда яратилган шеърларнинг салмоғи сезиларли эканини кўрамиз.

Шоирнинг *ирфоний* мавзудаги асарларини ҳамд, муножот, наът ва ахлоқий мазмундаги шеърлар гуруҳига бўлиш мумкин.

Мирзонинг ҳамд мазмундаги “Пайдо”, “Анга” радифли ғазаллари ва бир қатор мухаммаслари айни пайтга қадар мутлақо ўрганилмаган ҳамда жорий имлода берилган кам сонли шеърлар орасидан ҳам ўрин олмаган. Ваҳоланки, Мирзо адабий меросида диний мавзу ҳажм ва мазмун жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. Қолаверса, шоирнинг ирфоний шеърлари ушбу мавзуда яратилган асарларнинг сара намуналари бўлиб, асосан, ҳамд ва наът мазмундаги ғазал ва мухаммаслардан иборат. . Маълумки, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар адабиётида ҳар бир йирик асар – девону тазкиралар, баёз ва йирик ҳажмдаги лиро-эпик асарлар, албатта, Оллоҳ таолога ҳамд ва муножот билан бошланган. Шарқда девон тартиб беришда ҳам, аввало, ҳамд мазмунидаги ғазалларнинг берилиши асосий мезонлардан эди. Ҳатто айрим ижодкорларда қофия ёки радифи ҳар бир ҳарф остидаги ғазалларнинг дастлабкиси ҳамд, муножот ва наът билан бошлангани маълум. Хусусан, Навоийнинг ўз девонлари тўғрисидаги эътирофи фикримизни далиллайди: “...ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазалини ё Тангри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига долл бўлғай, муваззах қилинди”²⁵.

Мирзо девони ҳам анъанага мувофиқ “Пайдо” радифли ҳамд ғазал билан очилади. Ер юзида барча нарса, жамики яратилганнинг аввали(ибтидо) ва охири(интиҳо) бор. Шу жумладан, одамнинг ҳам. Буларнинг барчаси биргина сўз билан бунёд бўлди. Азалда буларнинг ҳеч бири мавжуд эмаслигига ишорат қилади. (Зиҳи аввалки йўқдур аввалига ибтидо пайдо, Анингдекдурки, эрмас охирига интиҳо пайдо.) Шоир бу ўринда Аллоҳ таолонинг “Асмой ҳусна” сирасидаги икки сифати – **ал-Аввал** (У ҳамма нарсадан аввал, яъни барча мавжудотлар йўқлигида мавжуд эди. Мавжудотларни “Аввал” сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди. Яъни Аллоҳ келишининг бошланиши йўқдир) ва **ал-Охир** (У ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади) бадийий ният рўёби учун маҳорат билан фойдаланади.

Бу радиф билан ғазал ёзган ижодкорлар кўп бўлиб, Алишер Навоий ва Фузулийдан сўнг Огаҳий, Феруз, Комил ва Мирзога замондош шоирларнинг деярли барчасида учрайди. Эътиборлиси, бу радиф билан тугайдиган ғазалларнинг барчаси

²³ Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. Асарлар. 1-жилд, 1-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 10-12. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 64-66.

²⁴ Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 65.

²⁵ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20-21.

ҳамд руҳида ёзилган бўлиб, ҳар бир шоир олам ва одам Яратувчисининг салоҳиятини ўз бадиий маҳорати қадар таърифлашга интилдани англашилади.

Огаҳий:

Зиҳи жонларға васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гаҳи дарду фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо²⁶.

Феруз:

Зиҳи бордур зухурингға азал бирла абад пайдо,
Тафаккур айлабон Зотинг, қила олмас хирад пайдо²⁷.

Комил:

Зиҳи ҳуснунг гулиға йўқ баҳори ибтидо пайдо,
Ҳам эрмас бу баҳорингға хазони интиҳо пайдо.²⁸

Кўринадики, Мирзо мумтоз адабиётда шаклланган девонларни ҳамд билан бошлаш анъанасига риоя қилади ва унга муносиб жавоб айта олади.

Мирзонинг Огаҳий қаламига мансуб “Пайдо” радибли (юқорида матлаъси келтирилган) ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам ҳамд мазмунида яратилган.

Зиҳи, оламда йўқдур сандин ўзга ҳеч Раб пайдо,
Бори зокирға зикринг эмнидин олий ҳасаб пайдо.
Бўлур сандин оларға иффату ҳилму адаб пайдо,
Зиҳи, жонларға васлинг шавқидин айшу тараб пайдо,
Гаҳи дарди фироқинг хавфидин ранжу тааб пайдо. [33^б-36^а]

Тахмисда иймон-эътиқодли банданинг Яратганга бўлган чексиз муҳаббати, шукронаси ва тавозуъси мадҳ этилади. Мирзо устозининг илгари сурган фикрларини, диний-ирфоний қарашларини давом эттира олган. Бир қарашда тахмис ягона қалам остидан чиққан мустақил асар каби тасаввур беради. Шу ўринда яна бир жиҳатга диққат қаратиш лозим. Мирзо тахмис бандларида қўшилган уч мисранинг бошланиши (аниқроғи биринчи сўзи) да ғазал байтининг илк сўзини айнан келтиради. Биринчи бандда “зиҳи” (“қандай яхши”, “қандай гўзал”) ундовининг икки ўринда қўлланиши байтга қўшилган учликлар шаклан бир бутунлик ҳосил қилиш билан бирга моҳиятнинг мукамаллигига хизмат қилган. Буни тахмис сўнгги бандида ҳам кузатамиз:

Тонг эрмас, айласанг Мирзони зикринг зокиридинким,
Ҳавойи нафсни билкулл чиқарсанг хотиридинким,
Ғубори жаҳлни қилсанг адам кўнгли еридинким,
Нетонг, огоҳ бўлса Огаҳий ишқинг сиридинким,

²⁶ Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б. 51.

²⁷ Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 91.

²⁸ Девони Комил. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв 1949. 16-варақ.

Анга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо. [36⁶]

Мирзо ижодида ушбу йўналишда яратилган асарлар қаторига муножотларни ҳам киритиш мумкин. Муножот Шарқ халқлари адабиётида лиро-эпик асарларнинг анъанавий кириш қисмида алоҳида боб сифатида қўлланган бўлса, девонларда одатда ҳамдан сўнг келадиган ғазаллар ва тартиб билан жойлаштирилган бошқа жанрларга оид “ёлвориш”, “илтижо” мазмунидаги шеърлардир. Шайх Аҳмад Тарозий таъбири билан айтганда, муножот “Тенгри ҳазратинда тазарру қилмоқ”²⁹дир. Мирзонинг ушбу мавзудаги ғазаллари худди шу руҳда ижод этилган. “Бу хилдаги ғазалларда Оллоҳнинг борлигию бирлиги, буюк қудратию чексиз саховати, раҳматининг беададлигию лутфининг беқиёслиги, Унинг улуғ сифатлари мадҳ этилади”³⁰. Масалан, шоир Оллоҳга муножот руҳидаги “Илоҳо” радифли ғазалида бундай ёзади:

Илоҳо, гарчи журмимдур фаровон,

Вале афв айласанг оллингда осон. [27⁶]

Инсоннинг ўз гуноҳлари кўплигидан надомати, бунинг афви учун Яратганнинг раҳматидан умидворлиги исломий эътиқоднинг асосий мезони. Бу ҳақда Қуръони каримнинг “Шўро” сураси 25-оятда ўқиймиз: “Унинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур”. Негаки, Унинг сифатларидан бири – бўлган ва бўладиган, аввалги ва охириги, зоҳир ва ботин, умуман, ҳар бир нарсани билувчи(ал-Алийм)дир:

Илоҳо, борча сиррим санга маълум,

Эрур гар зоҳир ўлсун, хоҳ пинҳон.

Муножот-ғазалларда, одатда, шоирнинг ўзи ягона лирик қаҳрамон вазифасини бажаради. Ушбу ғазалда ҳам худди шундай. Ўзини гуноҳкор ҳис этиш, бунинг учун тавбада бўлиб, Яратгандан маҳшар кунда шарманда қилмаслигини илтижо қилиш – мўминга хос сифат.

Илоҳо, мунда бир инсоф тавфиқ,

Ато қил рўзи маҳшар нури иймон.

Ғазалнинг мақтаъсида шоир қалб кечинмаларини хотималаб, доимо Аллоҳнинг лутфи ва марҳаматидан умидворлигини баён этади:

Илоҳо, айлабон лутфингдин уммид

Эрур Мирзо ҳамиша зору гирён.

Профессор Н.Жабборов эътироф этганидек, “Муножот – ўз моҳиятидан огоҳ инсоннинг Яратганга илтижоси. Ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида айтмайдиган иқрорномаси”³¹. Бу фикрни Мирзо шеърлятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ушбу 11 байтдан иборат ғазалнинг композициясига диққат қилинса, ундаги ҳамма байт “Илоҳо” илтижоси билан бошланади.

²⁹ Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил, №1. – Б. 76.

³⁰ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 184.

³¹ Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. док-ри...дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 129.

Шоир ижодида “Илоҳо, ғарқ ўлуб исён аро ман” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ҳам барча байти(12) шу сўз билан бошланади. Ва, табиийки, шоир ҳар икки ғазалда бетакрор поэтик мазмун билан мукамал шаклни уйғунлаштира олган.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ижод қилган деярли барча адиблар ижодида Муҳаммад с.а.в.ни васф этиб яратилган асар(наът)ни учратиш мумкин. Девон тартиб бериш мезонларига мувофиқ наът, асосан, ғазалларда учрайди. Уларнинг мазмунига диққат қилинса, Муҳаммад с.а.в. энг улуғ ва комил инсон сифатида таъриф-тавсиф қилинади. Ғазалларда нафақат пайғамбар с.а.в. мадҳи, балки юксак ахлоқий ғоялар, инсоний фазилатлар ҳам тарғиб қилинганига гувоҳ бўламиз. “Ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуғ хулқ соҳиб эгани, хайру саховати, жасорат ва шижоати, етимларга шафқати, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади”³². Мирзонинг наът ғазали ҳам Муҳаммад с.а.в.нинг улуғ сифатлари билан бошланади:

Беҳад салом онгаки, эрур шоҳи анбиё,
Маъмури амр ўлурга русулдур онга сипоҳ. [2^a]

Барча пайғамбарлар раҳбари бўлган улуғ зотга саловот ва саломлар бўлсинки, улар (расуллар) бу зотнинг амрларига бўйсунувчи сипоҳларидир. У зотга бошқа пайғамбарларга берилмаган кароматлар насиб этди. Хусусан, “Меърож” воқеасида рўй берган ҳодисалар шулар сирасидандир.

Чун айлади карам анга Ҳақ рутбаи уруж,
Ул тун жамоли шамъи била бўлди пурзиё.

Ҳақ таоло пайғамбар алайҳиссаломга Ўз ҳузурига кўтарилиш мартабасини (рутбаи уруж) берди. Ўша тунда у зотнинг юзларидан таралаётган нурдан бутун олам чароғон бўлди.

Пайғамбаримиз Меърож мўъжизаси орқали тириклик пайтларидаёқ Оллоҳ васлига мушарраф бўлганлар. Шунинг учун ҳам энг комил инсон – Муҳаммад с.а.в.³³. Мирзо бу зотнинг руҳонияти билан боғлиқ воқеа ва сифатларни ғазалда истифода этар экан, бунда ижодкорнинг мустаҳкам эътиқоди ва руҳияти ҳам намоён бўлади.

Тонг йўқ, жаҳон эли бори фахр этса онгаким
Раҳмат демиш вужудини Ҳақ оламийн аро.

Раҳм айлабон жазо куни Мирзони ҳолиға
Қилғил шафоат, эй бори мурсалинға пешво.

У билан бутун олам эли ифтихор қилса, ажаб эмас. Негаки, Ҳақ таоло у зотни “Раҳматан л-ил-оламийн” (Икки оламнинг раҳмати) дея лутф қилди.

Одатда, наът ғазаллар хотимасида Муҳаммад с.а.в.нинг Маҳшар кунида ўз умматлари учун Яратгандан шафоат сўрашлари акс этади. Мазкур ғазал мактаъсида

³² Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти// “Ҳазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар” китобига сўзбоши. – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – Б. 3.

³³ Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 109.

ҳам шоир пайғамбарлар пешвосининг Қиёмат кунида ўз ҳолига раҳм қилиб, шафоат қилишини сўрайди.

Мирзонинг Муҳаммад с.а.в.га наът мазмунидаги шеърларидан яна бири мухаммас жанрида битилган. Матлаъси:

Эй, ҳидоят авжи узра меҳр янглиғ жилвагар,
Бордурур кадринг била меҳри нубувват номвар,
Остонинг туфроғи даҳр аҳлиға куҳлу-л-басар,
Ё Муҳаммад мустафо, ё саййиди хайрул башар,
Раҳматан-лил-оламин пайғамбари воло гуҳар. [36^б]

Мазкур мухаммасда Муҳаммад с.а.в.нинг “Раҳматан лил-оламин”, “Саййиди хайрул башар”, “расули мўътабар” каби сифатларига ишора қилади, “Шаққу-л-қамар” (Мўъжизотинг ошкоро айлади шаққу-л-қамар), “Лайлату-л-меърож” (Лайлату-л-меърож бурҳон келди улвий шониға) сингари мўъжизалар тасвиридан кенг ва моҳирона фойдаланади.

Наът ғазалда ифодалангани каби ушбу мухаммасида ҳам асосан, ўзининг гуноҳкорлигидан надомат қилиш, Муҳаммад с.а.в.нинг қиёмат кунида ўзи учун шафоатхоҳ бўлишидан умидворлик мотивлари етакчилик қилади. Мухаммаснинг хотима банди фикримизни тасдиқлайди:

Ё Наби, Мирзо гунаҳ остида бордур дарднок,
Кўнгли маҳзун кўз тутуб сандин шафоат, кўкси чок,
Қил анга кўз учи бирла илтифот, эй нури пок,
Равнақи маҳзун маосийдин баса бўлмиш ҳалок,
Еткур онинг комиға нўши шафоатдин шакар.

Мирзонинг юқорида мурожаат қилинган мавзулардаги шеърларини аниқлаш ва истифода этиш шоир ижодий мероси, унинг қарашлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларимизни тўлдириши билан бирга мумтоз адабий меросимиз хазинасини ҳам бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. -690 б.
2. Огаҳий. Девон. Асарлар. VI жилдлик. I жилд.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. -692 б.
3. Феруз. Элға шоҳу ишққа қул. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. -160 б.
4. Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил, №1- б.
5. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 194 б.

THE EFFECT OF CERTAIN SUPRAMOLECULAR COMPLEXES ON WHEAT GRAIN VIRTUE AND CHLOROPHYLL AMOUNT

Kh.T. Saydullaeva¹, T.A. Djuraev², Kh.A. Yuldashev¹

A.S.Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan¹, 83 Mirzo Ulugbek St., 100125.

E-mail: saydullayeva2018@mail.ru

Gulistan State University², micro-district 4, 120100.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052396>

Abstract. *In this scientific article, in order to determine the biological activity of supramolecular complexes of glycyrrhizic acid with phytohormones, the effect of complex solutions prepared at different concentrations on wheat germination and the growth and development of seedlings was studied.*

Key words: *glycyrrhizic acid, 6-benzylaminopurine (6-BAP), supramolecular complex, 3-indolyl butyric acid (IBA), sodium chloride, fertility, germination, chlorophyll.*


Literature analysis. In the "Book of Medical Laws" of our great-grandfather Abu Ali Ibn Sina, it was mentioned that the root of is a cure for colds, inflammation, liver diseases and other diseases. Currently, medicinal properties of licorice plant and the triterpenoid contained in its root - glycyrrhizin acid (GA), its salts are isolated, and many derivatives are obtained. In particular, its wide-scale biological activity was one of the main reasons for the emergence of GA chemistry. In particular, scientists have conducted and are currently conducting a number of studies on the gel-forming properties of GA, its salts and derivatives, obtaining supramolecular complexes based on them, and biological activity. Not only were many supramolecular complexes obtained with GA, they were converted from water-insoluble to highly soluble.

One of the most notable biological activities, GA and its salts have been studied on the growth and development of wheat in different salinity soil conditions, and it has been found that they have stimulating properties in the growth and development of plants. These compounds are important in controlling the growth and development of plants, protecting them from external factors, strengthening the immune system or creating resistant varieties [1-2]. Phytohormones are plant bioregulators, most of which are not well soluble in water [3]. Taking into account the above, in order to obtain complexes of GA with phytohormones, supramolecular complexes with GA and some phytohormones were obtained and some of their physicochemical parameters and spectral properties were determined. The effect of the received supramolecular complexes on the germination and chlorophyll content of wheat grain was studied [4].

Research methodology. In this case, the wheat grain was kept in the solution of GA complexes for one day, and the germination rate was 83-93%. A relatively high indicator was recorded when the concentration of the solution was equal to 10^{-5} (93.33%). The viability of the seeds kept in the solution for two days was 90-96%. Fertilization in this warrant was 96.67% in a solution with 10^{-7} . Fertilization in seeds stored for three days decreased in 10^{-6} and 10^{-7} options compared to the previous day, but changed in 10^{-5} option. Fertilization was consistently high in this 10^{-5} solution. The amount of chlorophyll in the section of solutions was 16.08-23.59. A relatively high concentration of the reference solution was recorded at a concentration of 10^{-6} and was equal to 23.59 (diagram-1). When


sodium chloride salt was added to the solution, seed germination increased compared to the control. This solution concentration was recorded in 10^{-6} and 10^{-7} concentration options. The observation of such a situation was the low level of action of the sodium chloride salt in a low concentration solution. When wheat grain (GA: IBA 5:1 (control)) was collected in an equal variant, the germination was high at 10^{-7} concentration and was 100%. The amount of chlorophyll was 33.04-32.54 in variants with a solution concentration of 10^{-5} - 10^{-6} . Under the influence of the 0.5% solution of this undissolved sodium chloride salt, the grain germination was high in the 10^{-7} solution and was 93-100%. The amount of chlorophyll was relatively high in the solution with 10^{-4} and 10^{-5} equal to 36.67-29.89 (diagram-2). In the GA: IBA 9:1 (control) warrant of the experiment, the titer was higher in the 10^{-4} variant and was 100%. Chlorophyll content and germination were higher in 10^{-7} solution compared to other cultivars. In this variant, the amount of chlorophyll was equal to 25.84, which was higher than other variants. When exposed to undissolved sodium chloride (GA: IBA 9:1) (0.5% NaCl), the germination and chlorophyll content was 93.3-100% and the chlorophyll content was equal to 93.3-100% and chlorophyll content was 20.05-31.62 (diagram-4).

Analysis and results.




In the version of the experiment with GA: BAP 2:1 (control), wheat was 96-100% in the solution stored for two days. When wheat grain was stored for 3 days, the yield was 90-96.67%. The amount of chlorophyll was higher in the 10^{-4} solution and equaled 23.39. Chlorophyll content also decreased when the solution concentration was 10^{-7} . When a 0.5% solution of sodium chloride was added to this solution, the germination decreased compared to the grain stored for three days in the solution for two days. It was 96.66% when it was stored for two days, and it was 85.83% when it was stored for 3 days. When the

concentration of the solution was equal to 10^{-6} , the content of chlorophyll was high and equaled 21.7-31.36.



In the BAP (control) variant of the experiment, a high result was recorded in wheat grains stored for two days. Fertility and chlorophyll content were high in varmint with 10^{-5} and 10^{-6} , fertility was 93.33-96.67%, and chlorophyll content was equal to 27.74-29.36. When sodium chloride salt was added to this solution, the amount of germination and chlorophylls increased at a concentration of 10^{-6} and became equal to 96.67% and 29.36.



In conclusion. When grain was exposed to saline for 1, 2 and 3 days, germination was higher on 3 days than on 1 and 2 days. This means that the sodium chloride salt affected the germination. The amount of chlorophylls in the 10^{-6} solution of pure glycyrrhizin acid was higher compared to other concentrations. When 0.5% sodium chloride solution was

added to the solution, it was found that the amount of chlorophyll increased from 10^{-6} and 10^{-7} solutions. So, when the solution concentration is equal to 10^{-4} , 10^{-5} , the synthesis of chlorophyll decreased. In the GA: IBA 5:1 option, the amount of chlorophyll was the highest in the 10^{-5} option compared to all options. When this solution was exposed to sodium chloride salt, the amount of chlorophyll in this concentrate (10^{-5}) was high. The GA: IBA 9:1 variant had higher seed germination and chlorophyll content than the control and sodium chloride at a concentration of 10^{-7} . In GA: BAP 2:1 and GA: BAP 2:1 (0.5% NaCl) and BAP (0.5% NaCl) versions of the experiment, it was found that the concentration of the solution was 10^{-6} and the amount of chlorophyll increased.

REFERENCES

1. Толстикова Г.А., Балтина Л.А., Шульц Э.Э., Покровский А.Г. Глицирризиновая кислота (обзор) // Биоорганическая химия. – 1997. -Т.23. - №9. - С.691-709.
2. Столярова О.В., Фаррахова Г.Ф., Балтина (мл.) Л.А., Габбасов Т.М., Баширова Р.М., Кондратенко Р.М., Балтина Л.А. Выделение глицирризиновой кислоты и ее моноаммонийной соли из корней и корневищ солодки коржинского (*Glycyrrhiza korshinskyi grig*). Вестник Башкирского университета. 2008. -Т.13. - №2. -С.256-258.
3. Л.В.Чумикина, Л.И.Арабова, В.В.Колпакова, А.Ф.Топунов Фитогормоны и абиотические стрессы (обзор) Химия растительного сырья. 2021. №4. С.5–30.
4. Сайдуллаева Х.Т., Эсанов Р.С., Далимов Ш.И., Гафуров М.Б., Юлдашев Х.А. Узб.хим.журн. 2021.- №4.- С.73-78.

QIYMATLARNING O'ZGARISHINI HISOBGA OLGAN HOLDA VVER-1200 REAKTORI UCHUN ATOM ELEKTR STANTSIYASINING SAMARADORLIGINI HISOBLASH.

Avezov Ismoil Yoshuzoq o'g'li
Buxoro Davlar Universiteti Fizika kafedrasida o'qituvchisi.
ismoil.avezov.yoshuzoqvich@gmail.com


<https://doi.org/10.5281/zenodo.8052482>

Annotatsiya: Maqolada VVER-1200 reaktori uchun samaradorlik keltirilgan va ushbu reaktor uchun ma'lum o'zgarishlar kiritilgan holda ushbu turdagi reaktorlar uchun samarador qiymatlar tanlashimiz mumkin bo'lishini ko'rib o'tilgan.

Tayanch so'zlar: Yadro energetikasi, energoblok, quvvat blogi, reaktor, VVER-1200, PVR, sovuqch, turbina, neytron, siklning samaradorligi.

Yadro energetikasi dunyo iqtisodiyotining ajralmas qismidir. Hozirgi vaqtda (2022 yil iyul) dunyoning 32 ta davlatida umumiy elektr quvvati 394 GVt bo'lgan 440 ta yadro reaktori (energobloklar) ishlatilmoqda [1]. 54 ta energiya blogi qurilmoqda, 201 ta quvvat blogi yopilgan[2][3].

Dunyo bo'yicha atom elektr stansiyalarining joylashuvi xaritasi.



Atom elektrostansiyalari turlariga qarab otadigan bo'lsak:

| | |
|--|---|
| Ishlatilishi bo'yicha reaktor turlari: | Neytron energiyasiga ko'ra: |
| Energiya reaktori; | Termal (sekin) neytronlardagi reaktori; |
| Transport reaktori; | Tez neytron reaktori; |
| Eksperimental reaktorlar; | Oraliq neytron reaktori; |
| Tadqiqot reaktori; | Aralash senergiyali reaktor; |
| Sanoat (qurol, izotop) reaktori; | |

Shu bilan bir qatorda, yoqilg'i joylashtirish bo'yicha, Sovuqch turi bo'yicha, dizayn bo'yicha, MAGATE tasnifi kabilar bo'yicha bir qancha turlarga bo'linadi.

VVER – suv bilan sovutiladigan suv bilan sekinlashtriladigan reaktor turi bo'lib, dunyoda keng tarqalgan atom elektr stansiyalarini rivojlantirishning eng muvaffaqiyatli tarmoqlaridan biri vakili.

Boshqa mamlakatlarda (Yevropa davlatlarida) ushbu turdagi reaktorlarning umumiy nomi PWR bo'lib, ular dunyoning tinchlik yo'lidagi yadroviy energiya asosidir. Bunday reaktorga ega birinchi stansiya 1957 yilda AQShda ishga tushirilgan (Shippingport atom elektr stantsiyasi).

Birinchi Sovet VVER (VVER-210) 1964 yilda Novovoronej AESning birinchi energiya blogida ishga tushirilgan.

VVER-1200 ga asoslangan AESlar xavfsizlikning yuqori darajasi bilan ajralib turadi, bu ularni "3+" avlodiga kiritish imkonini beradi. Bunga stansiya to'liq quvvatsizlanganda ham operator aralashuvisiz ishlashga qodir bo'lgan yangi "passiv xavfsizlik tizimlari"ni joriy etish orqali erishilgan. Loyihaning yana bir xususiyati ikki qavatli xavfsizlikka ega bo'lib, uning ichki qobig'i avariya yuz berganda radioaktiv moddalarning sizib chiqishini oldini oladi va tashqi qobiq tabiiy va texnogen ta'sirlarga, masalan, tornado yoki samolyot halokatiga qarshi turadi.

Quyida kiritilgan o'zgarishlar orqali VVER-1200 foydali ish ko'rsentlarini o'zgarishlarini qarab chiqaylik.

| Reaktor | Reaktor sovutish suvi oqimi tezligi. | Bosim | Kirish temperaturasi. ΔT |
|-----------|--------------------------------------|-------|----------------------------------|
| BBƏP-1200 | -5 % | +1% | -5K |

VVER-1200 reaktorida tegishli ma'lum qiymatlarni hisobga olgan holda nominal ishchi holatida ish siklining samaradorligi 35,7 ekanligi ma'lum.

Biz yuqorida keltirilgan o'zgartirishlarni hisobga olgan holda VVER-1200 reaktori ish siklining samaradorligini o'zgarishini ko'rib o'taylik.

1-jadval. VVER-1200

| | |
|--|----------------|
| Nominal issiqlik quvvati, MVt | 3200 |
| Nominal elektr quvvati, MVt | 1200 |
| 1-chi konturdagi bosim, MPa | 7 |
| 2-konturdagi bosim, MPa | 16,2 |
| Aylanma halqalar soni, dona | 4 |
| Reaktordagi sovutish suvi harorati: | |
| - kirish joyida, °C | 298,2 |
| - chiqish joyida, °C | 328,9 |
| Reaktor sovutish suvi oqimi tezligi, m ³ /h | 86000 |
| Yadrodag yonilg'i agregatlari soni, dona | 163 |
| TVSdagi TVELlar soni, dona | 312 |
| O'rtacha yoqilg'ini boyitilishi, % | 4,71 ÷ 4,85 |
| Yadro reaktori yoqilg'i balandligi, m | 3,73 |




tavsifnomasi.

Cheksiz ko'p regenerativ tanlovlar bilan siklning samaradorligini aniqlash.

Issiqlik elektr


stantsiyalari (IES, AES) ishlashini qarab o'tadigan bo'lsak umumiy holatda barcha issiqlik elektr stantsiyalari quyidagi sxema bo'yicha ishlaydi va har bir qismdagi jarayon turli issiqlik elektr stantsiyalarida turlicha yuz beradi ammo ishlash sxemasi



- I – isitgich.
- T – turbina
- EG – elektr generatori
- K – kondansato'r
- PBI – past bosimli isitgich
- TN – taminlovchi nasos
- YBI – yuqori bosimli isitgich

umumiyliги saqlanadi.

Atom elektrifikatsiyalarida issiqlik tashuvchisining 1 skilda aylanish sxemasini qarab o'tadigan bo'lsak u quyidagi grafik bo'yicha o'zgarishini ko'rishimiz mumkin.



- 1-a turbinadagi bug'ning kengayishi*
- a-a' yuqori bosimli bug'dan izobarik issiqlik olish.*
- a-b turbina kengayishi*
- b-b' past bosimli bug'dan izobarik issiqlik olish*
- b'-2 turbina kengayishi*
- 2-2' kondensatorida bug' kondensatsiyalanish jarayoni*
- 2'-3 suvning siqilishi*
- 3-4 taminlovchi suvni qaynash nuqtasiga qadar isitish*
- 4-5 bug'lanish jarayoni*
- 5-1 bug'ning haddan tashqari qizishi*

VVER-1200 reaktori sovutish suvi oqimi tezligi, $86000\text{m}^3/\text{h}$ agar bu qiymatni tanlangan qiymat qadar o'zgartirsak $81700\text{m}^3/\text{h}$ qiymatga ega bo'lamiz. Kirish temperaturasi asil holatda 328.9°C o'zgarishni hisobga olgan holda 325.9°C temperaturani olamiz.

Umumiy o'zgarishlarni hisobga olgan holda nazariy jihatdan qaraladigan bo'lsa VVER-1200 reaktori foydali ish ko'rsentini: reaktorda sovutish suvi oqimi tezligi kamayishi issiqlik aylanishini sekinlashtiradi buning natijasida esa samaradorlik kamayadi. Kirish temperaturasi pasayishi natijasida esa olingan issiqlik miqdori kamayadi va ma'lumki bu holatda ham samaradorlik kamayadi.

Nazariy keltirilgan ma'lumotlarni asoslash maqsadida ma'lum formulalardan foydalanib samaradorlikni qaraydigan bo'lsak quyidagicha qiymatlarga ega bo'lamiz:

$$\eta_t^\infty = 1 - \frac{T_K * (S_{\text{пер}} - S'_{\text{сеп}})}{(i_0 - i_{\text{пв}}) * \frac{S''_{\text{сеп}} - S'_{\text{сеп}}}{S_0 - S_{\text{пв}}} + (i_{\text{пер}} - i''_{\text{сеп}})} \approx 44\%$$

$$\eta_t^0 = 1 - \frac{T_K * (S_{\text{пер}} - S'_{\text{сеп}})}{(i_0 - i_{\text{пв}}) * \frac{S''_{\text{сеп}} - S'_{\text{сеп}}}{S_0 - S_{\text{пв}}} + (i_{\text{пер}} - i''_{\text{сеп}}) + (i'_{\text{сеп}} - i'_K)} \approx 42\%$$

$$\eta_t^n = \eta_t^0 + \frac{n}{n+1} (\eta_t^\infty - \eta_t^0) \approx 43.9\% \quad \eta_{\text{брутто}} = \eta_t^n * \eta_{\text{ЭГ}} * \eta_M * \eta_{\text{oi}} * \epsilon_{\text{ИТ}} \approx 34.8\%$$

Xulosa: Qilingan ishdan xulosa qilib shuni aytish mumkinki reaktorlarda ma'lum qiymatlarni o'zgartirgan holda qaralayotgan reaktor uchun samaradorlikni tanlab olish mumkin bo'lar ekan. Ma'lumki, avaldan qilingan hisob kitoblar bo'yicha VVER-1200 reaktorida atom elektr stansiyasining samaradorligi $35,7\%$ ni tashkil qilish ma'lum. Bizni qilingan o'zgarishlarni hisobga olgan holda samaradorlik $34,8\%$ chiqishini ko'rib o'tdik.

Ma'lum bo'lishicha, biz kiritgan o'zgarishlar tanlangan VVER-1200 atom elektr stansiyasining samaradorligini pasaytiradi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Operational & Long-Term Shutdown Reactors (англ.). IAEA (7 июля 2022). Дата обращения: 7 июля 2022. Архивировано 23 июня 2018 года.
2. PRIS — Permanent Shutdown Reactors Архивная копия от 2 мая 2019 на Wayback Machine, International Atomic Energy Agency (IAEA).
3. Маргулова Т.Х. Подушко Л.А. Атомные электрические станции - Учебник для техникумов. – Москва: Энергоиздат, 1982. – 264с. 3
4. Денисов В.П. Драгунов Ю.Г. Реакторные установки ВВЭР для атомных электростанций. – Москва: ИздАТ, 2002. – 480с.
5. Авезов Исмоил Ёшузок ўғли. Основные физические процессы энерговыделения в реакторах //Theory and analytical aspects of recent research. International scientific-online conference: __Part 1, Issue 5: MAY 31st 2022// <https://doi.org/10.5281/zenodo.6598661>.
6. Авезов Исмоил Ёшузок ўғли. перспективы использования атомных электростанций в узбекистане для обеспечения потребности в электроэнергии // *gospodarka i innowacje*. *Volume: 24.2022*.
7. Avezov Ismoil Yoshuzoq o'g'li. Energiyaga ehtiyojni qoplashda aes dan foydalanish istiqbollari /Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: даврий анжуманлар»_май 2022 16-қисм.
8. Avezov Ismoil Yoshuzoq o'g'li. Respublikamizda Aes dan foydalanish istiqbollari.//”Involta” Ilmiy Jurnal. Vol. 1 No.6 (2022). Vebsayt: <https://involta.uz/>.
9. Авезов Исмоил Ёшузок ўғли. Добыча и переработка ядерной топлива для аэс // *Gospodarka i innowacje*. *Volume:24/2022/ISSN: 2545-0573*.
10. Sh. Mirzaev, J. Kodirov, S.I. Khamraev. Method for determining the sizes of structural elements and semi-empirical formula of thermal characteristics of solar dryers. // АРЕС-V-2022 IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science. 1070 (2022) 012021.
11. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом. // Молодой ученый, (2018) С 50-53.
12. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелио-водоопреснителя. // Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.
13. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них. // Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.
14. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов. // Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-19.
15. Мирзаев Ш.М., Кодиров Ж.Р., Ибрагимов С.С. Способ и методы определения форм и размеров элементов солнечной сушилки. //Альтернативная энергетика и экология (ISJAEE). 2021;(25-27):30-39. <https://doi.org/10.15518/isjaee.2021.09.030-039>.
16. Mirzaev Sh.M., Kodirov J.R., Ibragimov S.S. (2021) "Method and methods for determining shapes and sizes of solar dryer elements," // Scientific-technical journal: Vol. 4: Iss. 4, Article 11.
17. Qodirov, J. (2022). Установление технологии процесса сушки абрикосов на гелиосушилках.// Центр научных публикаций. Том 8. № 8. (2021).

18. Mirzayev Sh.M., Qodirov J.R., Hakimov B. Quyosh qurilmalarida o'riklarni quritish uchun mo'ljallangan quyosh qurilmasini yaratish va uning ishlash rejimini tadqiq qilish. // *Involta Scientific Journal*, 1(5). 2022/4/29. 371–379.
Reklama shiorlarini tarjima qilishda e'tiborga muhtoj bo'lgan masalalar Skopos nazariyasiga ko'ra, tarjimaning ishonchliligi jarayoni va tarjima tomonidan qabul qilingan strategiya tarjimaning maqsadi va qabul qiluvchi guruhni hisobga olishi, shuningdek, o'qilishi va qabul qilinadigan protseduralarni hisobga olishi kerak. "Tarjima" shior harakatga chaqiruvchi hujjat bo'lib xizmat qiladi va Nyumarkning so'zlariga ko'ra, ushbu madaniyatning o'zagi o'quvchidir, chunki uslub o'quvchini harakat qilish, o'ylash yoki maqsadiga javob beradigan his-tuyg'ularni yaratish uchun mo'ljallangan. Shu sababli, reklama tarjimasi "Ijtimoiy manfaatlar va auditoriyani qabul qilish va javob berishga qaratilgan bo'lishi kerak. Har qanday vosita bilan reklama tarjimasining yakuniy maqsadi shu maqsad bo'lishi kerak". Masalan, xitoylik tarjimon Liao Chi Yi tarjimada uchta tamoyilga amal qilish kerak, ya'ni: birinchi navbatda, "samaradorlik", "maqsadli til madaniyatiga muvofiqlik tamoyili", "reklama standartlari va maqsadning xususiyatlariga muvofiqlik printsipi" deb hisoblaydi. Tijorat reklamalarini tarjima qilishning ikkita prinsipi va to'rtta standarti, ya'ni transkreatsiya prinsipi va funktsionallik prinsipi, "targ'ibot kuchi", "ijodkorlik", "go'zallik" va "madaniyat" to'rtta standarti mavjudligi taklif etiladi. Boshqa tomondan, Yang Chiyi va Bao Tong Fa, reklama shiorlarining tarjimasi "chiziqdan voz kechish va tozalikni izlash", "tomoshabinlarga ko'ra o'zgartirish" va "madaniy ma'lumotlarni uzatish" kerak deb hisoblaydi. Birgalikda biz reklama shiorini tarjima qilish tamoyillarini "qisqa va kreativ", "mashhur va go'zal" va "tomoshabinning madaniy o'ziga xosligi" deb umumlashtiramiz.

Xulosa:

Xulosa qilib aytganda, reklama matni bu o'quvchilarni ma'lum bir voqea yoki narsaga ishontirish yoki ularga ma'lum voqelikni ko'rsatish orqali jalb qilish niyatida yozilgan yozuv. Bu reklama qilishda keng qo'llaniladigan vosita bo'lib, unda potentsial mijozlarga ma'lum bir mahsulot yoki xizmatni sotib olish yoki undan foydalanishga qaratilgan matn turi mavjud bo'ladi. Tilda har bir so'z o'zining leksikgrammatik xususiyatlariga ko'ra bir-biridan farqlanadi va bu tafovutlar matnni ko'rish jarayonida yaqqol ko'rinib turadi. Bu xususiyatni so'z birikmalariga nisbatan ham ayta olamiz. So'zlar va so'z birikmalari ma'lum usullarda birikadi. Bu grammatik abstraktsiyaning natijasi hisoblanadi. Umuman olganda, reklamadagi asosiy g'oyaning noan'anaviy tarzda o'z ifodasini topishi, kulminatsion nuqtaning kutilmagan ko'rinishlarda o'z yechimini topishi uning ta'sirchanligini oshirishda mislsiz darajada muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday paytlarda reklama sloganining qanchalik talab darajasida tuzilgani, to'qilgani, yaratilgani ham juda muhim ahamiyat kasb etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Савельева О. О. Введение в социальную рекламу [Текст] / О. О. Савельева. – М.: «РИПХолдинг», 2006.
2. Алешина В. В. Лингвистические особенности англоязычных рекламных слоганов [Текст] / В. В. Алешина // Современная филология: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Уфа, июнь 2014 г.). – Уфа: Лето, 2014.
3. Solijonov M. Reklama matnlarida turg'un birikmalarning lingvistik xususiyatlar. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 3 | March, 2022 DOI:10.24412/2181-2454-2022.
4. Огилви Д. Тайны рекламного двора. 2009.
5. Фарби Э.Д. Как создать успешную рекламу. СПб., 2004.

MATEMATIKA DASRLARIDA O'QUVCHILAR TA'LIMI

Esonturdiyeva Nasiba Toshmurodovna

*Jizzax viloyati Zomin tumani 57-maktabning Matematika va
Informatika fani o'qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8059413>

Annotation-in this article, scientific views on the education of students are put forward in mathematics lessons. Scientific opinions are summarized based on facts.

Keywords-mathematics, lesson, reader, day, independent, logic, law, confirmation.

Annotatsiya – Ushbu maqolada matematika darslarida o'quvchilar ta'limi haqida ilmiy qarashlar ilgari suriladi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar – Matematika, dars, o'quvchi, kun, mustaqil, mantiq, qonuniyat, tasdiq.

Bizga ma'lumki, matematika darslarida o'quvchilar o'qishning dastlabki kunlaridanoq mustaqil ravishda xulosa chiqarishga o'rganadilar. Ular avvalo kuzatishlar natijasida, so'ngra esa mantiqiy tafakkur qilish natijasida xulosa chiqaradilar. Ana shu chiqarilgan xulosalar matematik qonuniyatlar bilan tasdiqlanadi.

Matematika o'qituvchisining vazifasi o'quvchilarda mustaqil mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bilan birga ularda matematikaning qonuniyatlarini o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini tarbiyalashdan iboratdir. O'quvchilarda matematik tafakkurni va matematik madaniyatni shakllantirish.[1] Matematika darslarida o'rganiladigan har bir matematik xulosa qat'iylikni talab qiladi, bu esa o'z navbatida juda ko'p matematik tushuncha va qonuniyatlar bilan ifodalanadi.[2] O'quvchilar ana shu qonuniyatlarni bosqichmabosqich o'rganishlari davomida ularning mantiqiy tafakkur qilishlari rivojlanadi, matematik xulosa chiqarish madaniyatlari shakllanadi. O'quvchilarni biror matematik qonuniyatni ifoda qilmoqchi bo'lgan fikrlarni simvolik tilda to'g'ri ifodalay olishlari va aksincha simvolik tilda ifoda qilingan matematik qonuniyatni o'z ona tillarida ifoda qila olishlariga o'rgatish orqali ularda matematik madaniyat shakllantiriladi.[3]

O'rta maktablarda matematika o'qitishning maqsadi quyidagi uch omil bilan belgilanadi:

1. Matematika o'qitishning umumta'limiy maqsadi.
2. Matematika o'qitishning tarbiyaviy maqsadi.

Matematika o'qitishning umumta'limiy maqsadi o'z oldiga quyidagi vazifalarni qo'yadi:

a) O'quvchilarga ma'lum bir dastur asosida matematik bilimlar tizimini berish. Bu bilimlar tizimi matematika fani to'g'risida o'quvchilarga etarli darajada ma'lumot berishi, ularni matematika fanining yuqori bo'limlarini o'rganishga tayyorlashi kerak. Bundan tashqari, dastur asosida o'quvchilar o'qish jarayonida olgan bilimlarining ishonchli ekanligini tekshira bilishga o'rganishlari, ya'ni isbotlash va nazorat qilishning asosiy metodlarini egallashlari kerak.

b) O'quvchilarning og'zaki va yozma matematik bilimlarini tarkib toptirish. Matematikani o'rganish o'quvchilarning o'z ona tillarida xatosiz so'zlash, o'z fikrini aniq, ravshan va lo'nda qilib bayon eta bilish malakalarini o'zlashtirishlariga yordam berishi kerak. Bu degan so'z o'quvchilarning har bir matematik qoidani o'z ona tillarida to'g'ri gapira olishlariga erishish hamda ularni ana shu qoidaning

matematik ifodasini formulalar yordamida to'g'ri yoza olish qobiliyatlarini atroflicha shakllantirish demakdir;

v) O'quvchilarni matematik qonuniyatlar asosida real haqiqatlarni bilishga o'rgatish. Bu erda o'quvchilarga real olamda yuz beradigan eng sodda hodisalardan tortib to murakkab hodisalargacha hammasining fazoviy formalari va ular orasidagi miqdoriy munosabatlarni tushunishga imkon beradigan hajmda bilimlar berish ko'zda tutiladi. Bunday bilimlar berish orqali esa o'quvchilarning fazoviy tasavvur qilishlari shakllanadi hamda mantiqiy tafakkur qilishlari yanada rivojlanadi.[4]

Matematika o'qitishning tarbiyaviy maqsadi o'z oldiga quyidagilarni qo'yadi:

a) O'quvchilarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirish. Bu g'oya bilish nazariyasi asosida amalga oshiriladi.

b) O'quvchilarda matematikani o'rganishga bo'lgan qiziqishlarni tarbiyalash.

Matematika o'qitishning amaliy maqsadi o'z oldiga quyidagi vazifalarni qo'yadi:

a) Matematika kursida olingan nazariy bilimlarni kundalik hayotda uchraydigan elementar masalalarni echishga tadbiiq qila olishga o'rgatish. Bunda asosan o'quvchilarda nazariy bilimlarni amaliyotga bog'lay olish imkoniyatlarini tarkib toptirish, ularda turli sonlar va matematik ifodalar ustida amallar bajarish malakalarini shakllantirish va ularni mustahkamlash uchun maxsus tuzilgan amaliy masalalarni hal qilishga o'rgatiladi.

b) Matematikani o'qitishda texnik vosita va ko'rgazmali qurollardan foydalanish malakalarini shakllantirish. Bunda o'quvchilarning matematika darslarida texnika vositalaridan, matematik ko'rgazmali qurollar, jadvallar va hisoblash vositalaridan foydalana olish malakalari tarkib toptiriladi.

v) O'quvchilarni mustaqil ravishda matematik bilimlarni egallashga o'rgatish. Bunda asosan o'quvchilarni o'quv darsliklaridan va ilmiy-ommaviy matematik kitoblardan mustaqil o'qib o'rganish malakalarini shakllantirishdan iboratdir.

Matematika fanini o'qitish metodlari.

O'rganilayotgan matematik obyektidagi narsalarning O'xshash va farqli tomonlarini aniqlovchi metod taqqoslash metodi deyiladi. Taqqoslash metodi ham ilmiy izlanish metodlaridan biridir. Taqqoslash metodini matematika darslarida o'rganilayotgan mavzu materiallariga tatbiq qilishda quyidagi prinsi plarga amal qilinadi:

- 1) taqqoslanayotgan matematik tushunchalar bir jinsli bo'lishi kerak;
- 2) taqqoslash o'rganilayotgan matematik obyektidagi narsalarning asosiy xossalariga nisbatan bo'lishi kerak. Matematika o'qitishdagi ilmiy izlanish metodlari

Ma'lumki, matematika fanini o'rganadigan obyekt materiyadagi narsalarning fazoviy shakllari va ular orasidagi miqdoriy munosabatlardan iboratdir. Ana shu shakllar orasidagi miqdoriy munosabatlarni aniqlash jarayonida matematiklar izlanishning ilmiy metodlaridan vosita sifatida foydalanadilar. Matematikadagi izlanishning ilmiy metodlari bir vaqtning o'zida matematikani o'qitishdagi ilmiy izlanish metodlari vazifasini ham bajaradi. O'qitishdagi ilmiy izlanish metodlari quyidagilardan iboratdir.

1. Tajriba va kuzatish.
2. Taqqoslash.
3. Analiz va sintez.
4. Umumlashtirish.
5. Abstraksiyalash.
6. Aniqlashtirish.
7. Klassifikatsiyalash.

Tajriba va kuzatish metodi Ta'rif. Matematik obyektidagi narsalarning xossalari va ularning O'zaro munosabatlarini belgilovchi metod kuzatish deyiladi. Misol. o'quvchilarga bir necha figurani ko'rsatib, bu figuralar ichidan o'q simmetriyasiga ega bo'lgan geometrik figuralarni ajrating deb buyursak, o'quvchilar barcha figuralarni ko'rib chiqib quyidagicha xulosaga kelishlari mumkin. Figuralar ichida o'zidan biror o'qqa nisbatan ikki qismga ajragan figuralar bo'lsa hamda ularni ana shu o'q bo'yicha buklaganda qismlar ustma-ust tushsa, bunday figuralar simmetrik figuralar bo'ladi. Ammo boshqa figuralarda o'zlarini teng ikkiga bo'luvchi to'g'ri chiziqlar bo'lmasligi mumkm. U holda bunday figuralar nosimmetrik figuralar bo'ladi. Biz figuralardagi bunday xossa va ular orasidagi munosabatlarni kuzatish orqali figuralarni simmetrik va nosimmetrik figuralarga ajratildi. Ta'rif. Matematik obyektidagi narsalarning xossafari va ular orasidagi miqdoriy munosabatlarni sun'iy ravishda bo'lak (qism)larga ajratish yoki ulami birlashtirish tajriba metodi deyiladi.

Analiz va sintez metodi Ta'rif. Noma'lumlardan ma'lumlarga tomon izlash metodi analiz deyiladi. Analiz metodi orqali fikrlashda o'quvchi quyidagi savolga javob berishi kerak: «Izlanayotgan noma'lumni topish uchun nimalarni bilish kerak?» Analiz metodini psixologlar bunday fa'riflaydilar: «butunlardan bo'laklarga tomon izlash metodi analiz deyiladi» Matematika o'qitishning amaliy maqsadi o'z oldiga quyidagi vazifalarni qo'yadi:

a) Matematika kursida olingan nazariy bilimlarni kundalik hayotda uchraydigan elementar masalalarni yechishga tadbiriq qila olishga o'rgatish. Bundan asosan o'quvchilarda nazariy bilimlarni amaliyotga bog'lay olish imkoniyatlarini tarkib toptirish, ularda turli sonlar va matematik ifodalar ustida amallar bajarish malakalarini shakllantirish va ularni mustahkamlash uchun maxsus tuzilgan amaliy masalalarni hal qilishga o'rgatiladi.

b) Matematikani o'qitishda texnik vosita va ko'rgazmali qurollardan foydalanish malakalarini shakllantirish. Bunda o'quvchilarning matematika darslarida texnika vositalaridan, matematik ko'rgazmali qurollar, jadvallar va hisoblash vositalaridan foydalana olish malakalari tarkib toptiriladi.

v) O'quvchilarni mustaqil ravishda matematik bilimlarni egallashga o'rgatish. Bunda asosan o'quvchilarni o'quv darsliklaridan va ilmiy-ommaviy matematik kitoblardan mustaqil o'qib o'rganish malakalarini shakllantirishdan iboratdir. Bizga ma'lumki, matematika o'qitish metodikasi fani pedagogika fanining ma'lum bir bo'limi bo'lib, u matematika fanini o'qitish qoidalarini o'rganish bilan shug'ullanadi. Matematika o'qitish metodikasi matematika fanini o'qitish qonuniyatlarini o'rganish jarayonida pedagogika, mantiq, psixologiya, matematika, lingvistika va falsafa fanlari bilan uzviy aloqada bo'ladi. Boshqacha aytganda, maktabda matematika o'qitish muammolari mantiq, psixologiya, pedagogika, matematika va falsafa fanlari bilan uzviy bog'liqda hal qilinadi. Matematika o'qitish metodikasining metodologik asosi bilish nazariyasiga asoslangandir. Matematika metodikasi fani matematik ta'limning maqsadi, mazmuni, formasi, uslubi va uning vositalarini dars jarayoniga tadbiriqiy qonuniyatlarini o'rganib keladi. Matematika fani fizika, chizmachilik, kimyo va astronomiya fanlari bilan ham uzviy aloqada bo'ladi.

Matematika fanining boshqa fanlar bilan uzviy aloqasi quyidagi ikki yo'l bilan amalga oshiriladi:

1) Matematika tizimining butunligini buzmaganda holda o'qitishni fanlarning dasturlarini moslashtirish.

2) Boshqa fanlarda matematika qonunlarini, formulalarini teoremlarni o'rganish bilan bog'liq bo'lgan materiallardan matematika kursida foydalanish. Hozirgi vaqtda matematika dasturini boshqa fanlar bilan moslashtirish masalasi ancha muvaffaqiyatli hal qilingan. Matematika darslarida boshqa fanlardan foydalanish masalasini dasturda aniq

ko'rsatish qiyin, buni o'qituvchining o'zi amalga oshiradi, ya'ni o'quv materialini rejalashtirishda va darsga tayyorlanish vaqtida e'tiborga olishi kerak. Masalan, tenglamalarni o'rganish davrida fizik miqdorlar orasidagi bog'lanishlarni aks ettiradigan tenglamalarni, ya'ni issiqlik balansi tenglamasi, issiqlikdan chiziqli kengayish tenglamasi va shunga o'xshash tenglamalarni ham yechtirishi mumkin. Har bir fanda bo'lgani kabi matematika fanida ham ta'riflanadigan va ta'riflanmaydigan tushunchalar mavjud.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Farberman V. «Ilg'or pedagogik texnologiyalar». T. «Fan» 2000 yil.
2. Ishmatov Q. «Pedagogik texnologiya». Namangan 2004 yil
3. Yuldashev Z.Kh., Ashurova D.N. Innovative-didactic program complex and new formalized model of education. Malaysian Journal of Mathematical Sciences 6(1);, 2012, 97-103 p.

MATEMATIKA FANINI O‘QITISHDA INNOVATSIYA

Ibragimova Zulfiya Raximovna

*Farg‘ona viloyati, Beshariq tuman 2-son kasb-hunar maktabi matematika fani
o‘qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8059473>

Annotation: *this article provides information on the application of educational technologies to the process of teaching mathematics.*

Keywords: *mathematical education, the use of educational technologies, the development of Science and technology, Natural Sciences.*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada matematika fanini o‘qitish jarayoniga ta’lim texnologiyalarini tatbiq etish borasida ma’lumotlar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Matematik ta’lim, ta’lim texnologiyalaridan foydalanish, fan-texnika va texnologiyalarning rivojlanishi, tabiiy fanlar.*

Matematika fani insonning intellektini, diqqatini rivojlantirishda, ko‘zlangan maqsadga erishish uchun qat’iyat va irodani tarbiyalashda, algoritmik tarzda tartibintizomlilikni ta’minlashda va tafakkurini kengaytirishda katta o‘rin tutadi. Matematika olamni bilishning asosi bo‘lib, tevarak-atrofdagi voqea va hodisalarning o‘ziga xos qonuniyatlarini ochib berish, ishlab chiqarish, fan-texnika va texnologiyaning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun matematik madaniyat — umuminsoniy madaniyatning tarkibiy qismi hisoblanadi. Matematika fanini nazariylashtirgan holda o‘qitishga yondashishdan voz kechib, o‘quvchining kundalik hayotida matematik bilimlarni tatbiq eta olish salohiyatini shakllantirish va rivojlantirishga erishish, o‘quvchilarning mustaqil fikrlash ko‘nikmalarini namoyon qilish va faollashtirishga e’tiborni kuchaytirish – davr talabi. Matematik ta’limga kompetensiyaviy yondashuv o‘quvchilarda kasbiy, shaxsiy va kundalik hayotda uchraydigan holatlarda samarali harakat qilishga imkon beradigan amaliy ko‘nikmalarni shakllantirish va rivojlantirishni hamda matematik ta’limning amaliy, tatbiqiy yo‘nalishlarini kuchaytirishni nazarda tutadi. Mamlakatimizning dunyo hamjamiyatiga integratsiyalashuvi, fan-texnika va texnologiyalarning rivojlanishi yosh avlodning o‘zgaruvchan dunyo mehnat bozorida raqobatbardosh bo‘lishi, fanlarni mukammal egallashini taqozo etadi. Bu esa ta’lim tizimiga, jumladan, matematikani o‘rgatishga ilg‘or milliy va xalqaro tajribalar asosida standartlarni joriy etish orqali ta’minlanadi.

Fanlarni o‘qitish jarayoniga yangi ta’lim texnologiyalaridan foydalanish shaxs kamolotini ta’minlashga xizmat qiluvchi mustaqil fikr yuritish, o‘z ustida ishlash, faoliyatga nisbatan ijodiy yondashish kabi xislatlarning ham shakllanishiga zamin yaratadi. Shu bois quyida xususiy fanlarni o‘qitish jarayonida (xususan, tabiiy fanlarni) ta’lim texnologiyalaridan foydalanish, ularning bu boradagi ichki imkoniyatlarini ochib berish xususida gapiramiz.

Pedagogik texnologiyaning muvaffaqiyatli loyihalaniishi va yakuniy natijaning kafolatlanishi o‘qituvchining didaktik masalalar mohiyatini anglab yetish darajasi va darsda ularni to‘g‘ri baholay olishiga bog‘liqdir. Har bir darsda ta’limning aniq maqsadi belgilanishi o‘qitish texnologiyasini loyihalashda muhim shartlardan biri sanaladi. Bunda fan mavzulari bo‘yicha o‘qitishning tashxislanuvchi maqsadi aniqlanadi. Darhaqiqat, har qanday fan o‘zining paydo bo‘lgan vaqtdan boshlab katta bilimlar hajmini to‘plagan va u

yuqori tezlikda boyitib bormoqda. O'qitish faqat zaruriy axborotlarnigina tanlab olish va o'quvchining o'zlashtirish qobiliyatlariga mos holda ular hajmini miqdoriy o'lchamga keltirish zarur. Har qanday fan bosqichma-bosqich o'rganish asosida rivojlanib boradi. Rivojlanishning uzluksiz jarayoni turli fanlarda turlicha, hatto bir fan bo'limlari o'rtasida ham notekis kechadi. Shu bois o'quv mavzulari bo'yicha maqsadni aniq belgilash uchun abstraktsiya pog'onalari va unga mos o'quv unsurini bayon qilish foydalanish maqsadga muvofiq.

Mavzular bo'yicha ta'lim maqsadini aniq belgilashning abstraktsiya pog'onalari:

1. Ob'ektning xususiyat va sifatleri qayd etilib, o'zlashtirish unsuri odatdagi tilda tushuntiriladi.
2. Fan uchun xususiy bo'lgan tushuncha, atama va qonuniyatlarni o'zlashtirish unsurining tarkibini tashkil qilib, ilmiy tilda bayon etiladi.
3. Fanga tegishli ma'lum hodisalar ularning sonli nazariyalari asosida tushuntiriladi.
4. Tavsiflashning yuqori darajali umumlashmasidan foydalangan holda amalga oshirish bilan belgilanadi.

O'quv predmetining ilmiylik darajasi va bu parametrlar yordamida o'quvchilar bilim sifatini baholash uchun koeffitsient kiritiladi. O'quvchilar tomonidan o'quv unsurini qay darajada o'zlashtirish ularning faoliyatiga bog'liq. Faoliyat ko'rsatma vositasida yoki ko'rsatmasiz mustaqil ravishda bajariladi.

Yuqorida tilga olingan o'zlashtirish darajasini aniqlash uchun munosib testlar ishlanishi kerak. Test – bu biror bir faoliyatni bajarish uchun ma'lum darajadagi bilimni egallashga qaratilgan topshiriqlardir. Testning to'g'ri bajarilganligini o'lchash va baholash maqsadida har bir testga ekspert metodi yordamida etalon ishlab chiqiladi. Etalon yordamida test yechimiga olib keladigan jiddiy amallar sonini aniqlash qiyin emas. O'quvchining javobi etalon bilan solishtirgach, testning sifatli bajarilganligi to'g'risida tegishli xulosaga kelinadi va to'g'ri yechilgan amallar yordamida o'zlashtirish koeffitsienti aniqlanadi. Shunday qilib, pedagogik aylanmaga o'quvchilarning tajribani o'zlashtirish darajasi sifatini o'zlashtirish koeffitsienti yordamida aniq hisoblash metodikasini kiritish pedagogik texnologiyaning muhim tamoyillaridan birini ifodalashga imkon beradi. Bu ta'limning tugallanganlik tamoyilidir. Mazkur tamoyil maktabda o'qitish jarayoni samarasiz kechishi muammolarning yechimi va yo'nalishlarini izlab topish imkonini beradi.

Adabiyotlar:

1. Jakayeva K. Aymurzayeva G. O'quvchi mustaqil fikrlasin. "Ma'rifat" gazetasi, 26-sentabr 2012 yil.73-son.
2. Tolipov O'.Q., Usmanboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. Monografiya. Toshkent: "Fan". 2006.

PSIXOLOGIYA FANINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI

Abdullayeva Shoxidaxon Shamsiddinovna

Farg'ona viloyati, Beshariq tumani 2-son kasb-hunar maktabi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8059569>

Annotatsiya: Ushbu maqolada psixologiyaning qisqacha tarixi, kimlar tomonidan o'rganilganligiga to'xtalangan. Shu bilan bir qatorda zamonaviy psixologiya yo'nalishlari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: psixologiya, ruhiy bosqich, eksperimental psixologiya, psixologiya laboratoriyasi, insonlarning ruhiy holati, ruhning rivoj darajasi, karma, chakralar.

Psixologiya fanining fan sifatida shakllanishi uzoq tarixga borib taqaladi. Antik davrdan boshlab psixologik bilimlar falsafa va tibbiyot fanlari negizida rivojlanib kelgan. Psixologiya fani tabiatshunoslik fanlari va falsafa negizida paydo bo'lgan bo'lib, to hanuzgacha uning na gumanitar na tabiiy fanlar qatoriga kiritilishi aniqlangani yo'q. [1] Chunki psixologiya ilohiy fandır. Inson ongi, his-tuyg'ulari, voqealikni boshqarishi, insonlar bilan muloqotga kirishishi, ichki kechinmalari bu barchasi psixologiya fanining asosiy tamoyillaridir. Psixologiya eng qadimiy fanlardan bo'lib, bundan 2,5 ming yil ilgari jon haqidagi ta'limot sifatida vujudga kelgan. Mil.avv. VII—V asrlarda o'tgan qadimgi grek faylasuflarining asarlaridayoq kishining jonli va ruhiy xayoti to'g'risida juda ko'p xilma-xil fikrlar bayon qilinganligini ko'ramiz. Bu masalalar qadimgi Xitoy va qadimgi Hind mutafakkirlarining muhokamalarida ham katta o'rin tutadi. Psixologiya taraqqiyotida XIX asrdagi eksperimentalar alohida ahamiyat kasb etdi.

Bu davrda psixologik real voqealikni o'rganish uchun metodlar majmuasi qo'llana boshlandi. Kuzatish, lab. eksperimenti, tabiiy eksperiment, faoliyat natijasini tahlil qilish, ruhiy jarayonlarni modellashtirish genetik metodi, test, ekspert baholash, intervyu, anketa, so'rovnoma, tarjimai hol va h.k. XIX asr oxiri XX asr boshlarida qator psixologik ilmiy maktablar, yo'nalishlar vujudga keldi: bixeviorizm, geshtaltpsixologiya, personalizm, freydizm va h.k.

Qadim-qadimdan insonlar o'zi haqida, shu bilan birga, o'z ichki olamida bo'layotgan ruhiy jarayonlar bilan bog'liq savollarga javob topishga harakat qilib kelgan. Va bu o'z o'rnida biz sevib o'rganadigan psixologiya faniga asos solinishiga sabab bo'lgan. Psixologiya ajoyib fan. Shu bilan birga, u ham yosh, ham eng qadimiy fanlardan biridir. "Psixologiya" atamasi tom ma'noda ruh haqidagi fan degan ma'noni anglatadi (Psyche — ruh; logos =fan)

Ilgari psixologiya metafizikaning bir qismi bo'lib, ruhning tabiati, kelib chiqishi va taqdiri bilan shug'ullangan. U ratsional psixologiya deb ataldi. Ammo zamonaviy psixologiya empirikdir va ruh bilan bog'liq muammolar bilan shug'ullanmaydi [3]. Allaqachon antik davr faylasuflari zamonaviy psixologiya uchun shaxsiy bo'lgan muammolar haqida o'ylangan. Ruh va o'zaro bog'liqligi, idrok, xotira va fikrlash masalalari; ta'lim va tarbiya, inson xulq-atvorining his-tuyg'ulari va motivatsiyasi va boshqa ko'plab savollar Yunonistonda birinchi falsafiy maktablar paydo bo'lganidan keyin miloddan avvalgi 6-7-asrlarda olimlar tomonidan ilgari surilgan. Ammo eski mutafakkir psixolar zamonaviy ma'noda emas edilar. Psixologiya fanining ramziy tug'ilgan kuni 1879 yil, Vilgelm Vundt tomonidan Germaniyaning Leyptsig shahrida birinchi eksperimental laboratoriya kashf etilgan yil. Shu vaqtgacha psixologiya spekulativ fan bo'lib qoldi. Va

faqat V. Vundt psixologiya va eksperimentni birlashtirish erkinligini oldi. V. Vundt uchun psixologiya ong haqida fan edi. 1881 yilda laboratoriya negizida eksperimental psixologiya instituti ochildi (hali ham mavjud), u davlat ilmiy markaz, balki psixologlar xalqaro markaziga aylandi.

Uygʻonish davrida Leonardo da Vinchi, X. Vives kabilar Psixologiya rivojiga oʻz hissalarini qoʻshdilar. 18-asrga kelib M. V. Lomonosov, A.N. Radishchev, G. S. Skovoroda, T. Gobbs, B. Spinoza, G. Leybnits. J. Lokk, K. A. Gelvetsii, P. A. Golbax, D. Didro psixologiyada bir talay kashfiyot qildilar, uni amaliy maʼlumotlar bilan boyitdilar. Psixologiya taraqqiyotida umuman XIX asrdagi eksperimentlar alohida ahamiyat kasb etdi. Bu davrda psixologik real voqelikni oʻrganish uchun metodlar majmuasi qoʻllana boshlandi: kuzatish, laboratoriya eksperimenti, tabiiy eksperiment, faoliyat natijasini tahlil qilish, ruhiy jarayonlarni modellashtirish genetik metodi, test, ekspert baholash, intervyu, anketa, soʻrovnomma, tarjimai hol va h.k. XIX asr oxiri —XX asr boshlarida qator psixologik ilmiy maktablar, hamda yoʻnalishlar vujudga keldi: bixeviorizm, geshtaltpsixologiya, personalizm, freydzizm va h.k. psixologiyaning rivojiga I. M. Sechenov (psixikaning reflektor tabiati), I. P. Pavlov (oliy nerv faoliyati) taʼlimotlari muhim hissa boʻlib qoʻshildi. Rossiyada V. M. Bexterev eksperimental laboratoriyasi (Qozon, 1885), Harkov universiteti va N. N. Langening Odessadagi laboratoriyasi, G.Chelpanovning Kiyevdagi, S. Korsakovning Moskvadagi, keyinchalik V. M. Bexterev, A. Lazurskiy, A. Nechayevlarning Peterburgdagi, V. Chijning Yuryev (Tartu, Estoniya)dagi eksperimental laboratoriyalari psixologiya taraqqiyotiga alohida taʼsir oʻtkazdi. 1912-yil Moskva universitetida Psixologiya instituti ochildi. Shu yili I. A. Sikorskiy tomonidan Kiyevda jahonda birinchi marta Bolalar psixologiyasi instituti tashkil qilindi. XX asr ning 1-yarmida Rossiyada K. N. Kornilov, P. P. Blonskiy va boshqa psixolog olimlar dialektikaga asoslangan ilmiy psixologiyani yaratishga kirishdilar. Hozirgi zamon psixologiyasi koʻp tarmoqli psixologik bilimlar tizimidan iborat fan hisoblanib, oʻzining tadqiqot predmetiga ega boʻlgan koʻplab sohalardan tashkil topgan: umumiy psixologiya, aviatsiya psixologiyasi, harbiy psixologiya, differensial psixologiya, psixofiziologiya, muhandislik psixologiyasi, kosmik psixologiya, huquq psixologiyasi, tibbiyot psixologiyasi, neyropsixologiya, patopsixologiya, pedagogik psixologiya, mehnat psixologiyasi, sport psixologiyasi, maxsus psixologiya, ijodiyot psixologiyasi, menejment psixologiyasi, marketing psixologiyasi, ijtimoiy psixologiya, yosh psixologiyasi, tashkiliy psixologiya, din psixologiyasi, oila psixologiyasi, psixologiya tarixi, genetik psixologiya, amaliy psixologiya, eksperimental psixologiya, kasb psixologiyasi, psixolingvistika, siyosiy psixologiya va boshqa psixologiyaning tarmoqlarga ajralishining asosiy sababi uning tarkibida tadbqiqiy sohalar vujudga kelishidir. Psixologiya sanoatda, jamiyat boshqaruvida, taʼlim tizimida, sogʻliqni saqlash, madaniyat, sport, transport, radio, televideniye va boshqa tuzilmalarda muhim masalalarni hal qilishda faol ishtirok qilmoqda. Psixologiya erishgan yutuqlari shaxs imkoniyatlarini roʻyobga chiqarish va ularni harakatga keltirishda alohida ahamiyat kasb qilmoqda hamda shu asnoda mehnat samaradorligini oshirishga taʼsir oʻtkazmoqda. Zamonaviy psixologiyada elektron-hisoblash texnikasi, elektr va kimyoviy vositalar yordami bilan psixikani chuqur oʻrganish kabilar qoʻllanilmoqda. Psixologiyada insonni, uning ruhiy kechinmalarini, rivojlanish bosqichlarini, kognitiv faoliyatini oʻrganishda bir nechta metodlar qoʻllaniladi. Shulardan biri, oʻzini-oʻzi kuzatish (introspeksiya) metodi atrofida keskin baxslar davom etmoqda. Baʼzi yoʻnalishdagi psixologlar uni tadqiqot oʻtkazishning asosiy metodi deb taʼkidlasalar, boshqalari esa uning cheklanganligini eʼtirof qiladilar, buning oʻrniga obʼyektiv metodlardan foydalanishni tavsiya etadilar. Obʼyektiv metodlar tufayli psixikaning moddiy negizi aniqlangan, inson ichki munosabatlari bilan subʼyektiv holatlar sababiy bogʻliqligi yakka shaxsda, jamoada

namoyon bo'lishi isbotlangan. Jahon hamjamiyatida AQSH, Angliya, Fransiya, Germaniya, Rossiya, Shvetsariya mamlakatlarida ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarida, universitetlarda psixologik izlanishlar keng ko'lamda olib borilmoqda.

Vaqtlar, zamonlar o'tib borarkan, Yer o'lchamlari o'zgarib bordi, shu bilan birgalikda insonlarning ruhiy o'lchamlari, ruhning rivoj darajasi, karma, chakralar kabi tushunchalarni o'z ichiga olgan yangi yo'nalish – ezoterika yo'nalishi ham paydo bo'ldi. Garchi bu yo'nalish ilmiy-amaliy jihatdan asoslanmagan bo'lsa-da, bugungi kunda ushbu yo'nalishda dunyoning eng yetakchi va ilg'or psixologlari faoliyat yuritmoqda hamda psixologik yordamga muhtoj kishilar uchun foydali bo'lib qolmoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, inson ruhiyati haqidagi fan, ya'ni psixologiya insonlarga foydaliligi va qiziqarliligi jihatidan nafaqat eramizdan oldingi yillarda, balki bugungi axborot texnologiyalari, ijtimoiy tarmoqlar rivojlanayotgan bir paytda ham o'z o'rnini va ahamiyatligini saqlab qolgan yetakchi fan yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Insonlar uchun har bir inson rivojlanish va yuksalish bosqichida o'zi haqida anglashlarga ega bo'lish va shu asnoda o'zini yanada rivojlantirish istagi kuchli bo'lganligi sababli psixologiya fani yaqin kelajakda ham o'zining yetakchi o'rnini va ahamiyatligini saqlab qoladi.

ADABIYOTLAR:

1. Ergasheva G.Q. Rus va O'zbek tillari psixologiya terminlarining leksiksemantik xususiyatlari. Filol. fanlari bo'yicha fal. dok. (PhD) dis. aftoref. -T.:2018
2. Kazakova E.V va b..Psixologiya. O'quv qo'llanma. –A.:2018

OPTICAL COMMUNICATION NETWORK MANAGEMENT METHOD AND ALGORITHM

Zufarova Nargiza Nigmat kizi
Tashkent city, Mirzo Ulugbek district
"Uzbektelecom" Joint Stock Company

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8062633>

Abstract – *This article presents scientific ideas about the optical communication network management method and its algorithm. Theoretical ideas about optical fibers and their means of communication are described.*

Key words - *Optical fiber, mass media, technology, experiment, lecture, optical tube, experiment, shell, nucleus, refraction.*

Despite the fact that optical fibers are a widespread and popular means of communication, the technology itself is simple and has been developed for a long time. The experiment of changing the direction of light rays by refraction was demonstrated in 1840 by Daniel Colladon and Jacques Babin. A few years later, John Tyndall used this experiment in his public lectures in London, and already in 1870 he published a work on the nature of light. The practical application of the technology was found only in the twentieth century. In the 1920s, experimenters Clarence Hasnell and John Byrd demonstrated the ability to transmit images through optical tubes. This principle was used by Heinrich Lamm for medical examination of patients. It wasn't until 1952 that Indian physicist Narinder Singh Kapani conducted a series of experiments that led to the invention of fiber. In fact, he created the same set of fiberglass, and the shell and core were made of fibers with different refractive indices. The shell actually served as a mirror, and the core was more transparent - this is how the problem of rapid diffusion was solved. If earlier the beam did not reach the end of the optical fiber and it was impossible to use such a means of transmission over long distances, now the problem has been solved. Narinder Kapani perfected the technology by 1956. A set of flexible glass rods transmitted the image with almost no loss or distortion.

The invention of optical fibers by Corning specialists in 1970, which made it possible to repeat the system of transmitting telephone signals without repeaters over the same distance through copper wire, is considered a turning point in the history of the development of optical fiber technologies. The developers were able to create a conductor capable of maintaining at least one percent of the optical signal strength at a distance of one kilometer. By today's standards, this is a very modest achievement, but almost 40 years ago, it was a necessary condition for the development of a new type of wired communication.

Originally, optical fiber was multiphase, meaning it could carry hundreds of phases of light simultaneously. In addition, the increase in the diameter of the fiber core allowed the use of inexpensive optical transmitters and connectors. Later, high-performance fiber, which can transmit only one phase, began to be used in the optical medium. With the introduction of single-phase fiber, signal integrity could be maintained over longer distances, facilitating the transmission of large amounts of data.

The most popular fiber today is single-phase, zero-wavelength. Since 1983, it has been a leader in the fiber optic industry and has proven its work over tens of millions of

kilometers. Broadband optical signals due to very high carrier frequencies. This means that data can be transmitted over an optical communication line at a speed of about 1 Terabit / s. In other words, one fiber can simultaneously carry 10 million phone calls and a million video signals. The speed of data transmission can be increased by simultaneous transmission in two directions, since light waves can propagate independently of each other in a single fiber. In addition, light signals of two different polarizations can be propagated in an optical fiber, which makes it possible to double the throughput of an optical communication channel. To date, the limit of data density transmitted through optical fibers has not been reached. And this means that until now, with such a heavy load on our Internet, there was not a lot of information that caused a decrease in the speed of the data stream transmitted with the simultaneous transmission. Very little (compared to other means) attenuation of the light signal in the fiber. In other words, signal loss due to the resistance of the conductor material. The best examples of Russian fiber are so weakened that it allows the construction of communication lines 100 km long without extending the transmission. In the optical laboratories of the United States, even "transparent" fibers, namely fluorozirconate fibers, are being developed. Laboratory studies have shown that communication lines with regeneration sections of up to 4,600 km based on such fibers can have a transmission speed of approximately 1 Gbit/s. The fiber is made of quartz, and its basis is silicon dioxide, which, unlike copper, is a common and therefore cheap material, so it has a relatively low price to respect and almost no cases of theft.

Optical fibers have a diameter of about 1 - 0.2 mm, which means they are very compact and light, making them promising for use in aviation, instrumentation and cable technology. Fiberglass is not metal, galvanic isolation of segments is automatically achieved during the construction of communication systems. Using extra strong plastic, cable factories produce indoor cables that contain no metal and are thus electrically safe. These cables can be installed on the poles of existing electric networks separately or mounted on a phase conductor, which allows to save large costs for laying cables through rivers and other obstacles.

Communication systems based on optical fibers are resistant to electromagnetic interference, and data transmitted through optical fibers is protected from unauthorized access. Fiber optic communication lines cannot be heard without damage. Any effect on the fiber can be noted by monitoring (constant control) the integrity of the line. In theory, there are ways to bypass surveillance protections, but the costs of implementing these methods are so high that they exceed the value of the intercepted data. For example, you still decided to do it. To detect the intercepted signal, you need a specially designed tunable Michelson interferometer. In addition, the appearance of the noise pattern can be weakened by many signals transmitted simultaneously through the optical communication system. The transmitted information can be spread over several signals or several noise signals can be transmitted, thereby worsening the conditions of data retention. Distorting an optical signal requires a significant amount of power in the fiber, and this interference can be easily detected by surveillance systems. (FOCL), optical communication lines, in which information is transmitted using optical fiber elements. FOCL consists of transmitter and receiver optical modules, fiber optic cables and fiber optic connectors. Optical fibers are the most perfect medium for transmitting large streams of information over long distances. It is made of silica-based silicon, a widely available and inexpensive material unlike the copper used in conventional wires. Optical fibers are very compact and light, with a diameter of only approx. 100 microns. Optical fibers - bundles of optical fibers, the ends of which are glued or sintered, protected by an opaque mask, and the ends of which have a polished surface. Fiberglass is a dielectric, so there is no need to separate individual optical

fibers when building a fiber optic communication system. The durability of optical fiber is up to 25. When creating fiber-optic communication lines, very reliable electronic elements that convert electrical signals into light, light into electrical signals, as well as optical connectors with low optical losses are needed. Therefore, expensive equipment is needed to install such lines. However, the advantages of using optical fiber communication lines are so great that despite the listed disadvantages of optical fibers, these communication lines are increasingly being used for information transmission. Data transmission speed can be increased by transmitting in two directions at the same time, because light waves can propagate independently of each other in a single optical fiber. This makes it possible to double the throughput of the optical communication channel.

Fiber optic communication lines are resistant to electromagnetic interference, and fiber optic transmission is protected from unauthorized access. It is not possible to connect to such communication lines without breaking the integrity of the line. For the first time, the transmission of signals through optical fibers was carried out in 1975. Today, intercity optical communication systems are developing rapidly over distances of thousands of kilometers. US - Europe, US Pacific line - Hawaii - Japan transatlantic communication lines are successfully operated. Work is underway to complete the construction of a global optical fiber communication line between Japan - Singapore - India - Saudi Arabia - Egypt - Italy. In Russia, TransTeleCom has created a fiber optic communication network with a length of more than 36,000 km. It is dubbed satellite communication channels. At the end of. In 2001, a single backbone digital communication network was created.

REFERENCES:

1. N.M. Jorayev. Technician for fiber optic communication systems and networks service. Tashkent, 2017.
2. N. Yu. Yunusov, R. I. Isayev, G. Kh. Mirazimova, Fundamentals of optical communication. Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. - T.: NMIU named after Cholpon, 2014, 368 pages.
3. N. Jorayev. Technical service of telecommunication transmission systems show Fergana, 2013.
4. Khanvilkar S. et al. Multimedia Networks and Communication // Electrical Engineering Handbook / edited by W.K. Chen. – [S. l.]: Academic Press, 2004. –P. 401–425.

BIOLOGIYA FANI O'RGANISH METODOLOGIYASI

Raximboeva Iroda Ergashboevna

*Toshkent viloyati Qibray tumani 14-maktab biologiya fani
o'qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8064097>

Annotatsiya: *Biologiya atamasi 1802 yilda bir-biridan mustasno fransuz olimi J.B. Lamark va nemis olimi G.R. Treviranus tomonidan fanga kiritilgan bo'lib, yunoncha bios-hayot, logos-fan, ya'ni hayot haqidagi fan degan ma'noni anglatadi. Biologiya qisqacha aytganda hayot, uning shakllari, tuzilishi, rivojlanish qonuniyatlari to'g'risidagi fandır. Biologiyaning tekshirish ob'ekti bo'lib o'simliklar, hayvonlar, mikroorganizmlar, odamlar, ularning organ, to'qima, hujayra va hujayra komponentlarning tuzilishi, funktsiyalari, kimyoviy tarkibi, ularda kechadigan jarayonlar hamda organizmning shahsiy va tarixiy rivojlanishi, jamolari, ularning o'zaro va anorganik tabiat bilan aloqasi hisoblanadi.*

Kalit so'zlar: *Botanika, tabiat, Fiziologiya, Sistematika.*

Biologiya tabiashunoslik fanlari qatoriga kiradi. Tekshirish ob'ektiga ko'ra biologiya fani bir qancha sohalarga bo'linadi. Botanika-o'simliklar, zoologiya-hayvonlar, anatomiya-organizm va uning organlar sistemasining tuzilishi va shaklini o'rganadi. Fiziologiya-organizm va ayrim organlar, ularning hayotiy funktsiyalarini tekshiradi. Sistematika-o'simlik va hayvonlarning sistematik guruhlari va ularning o'zaro qarindoshlik munosabatlari haqidagi fan. Paleontologiya-qazilma holdagi organizmlarni, embriologiya esa embriionning rivojlanishini tikshiruvchi sohadir. Ba'zi fanlar biologiyaning va tabiashunoslik fani boshqa sohalarining hamkorligi tufayli tarkib topgan. Organizm hayot faoliyatini tashkil etuvchi kimyoviy moddalar va jarayonlar haqidagi – biokimyó, tirik sistemadagi fizik qonuniyatlari va ko'rsatkichlarni tadqiq qiluvchi biofizika shunday fanlardir.

Biologiyaning turli sohalarida quyidagi ilmiy-tadqiqot metodlaridan keng foydalaniladi. *Kuzatish* metodi organizmlar va ularning atrofidagi muhitda ro'y beradigan hodisalarni tasvirlash va tahlil qilish imkonini beradi. Turli sistematik guruhlar, tirik organizm jamoalari, organizmlar, ularning tarkibiy qismlaridagi o'sshashlik va farqlar *taqqoslash* usuli yordamida aniqlanadi. Turli sistematik guruhlar organizm, uning organlarini tarisiy jarayonda paydo bo'lish qonuniyatlari *tarisiy* metod yordamida aniqlanadi. Bu metod yordamida organik dunyoning evolyustion ta'limoti yaratildi. *Eksperimental* metod orqali tirik tabiatdagi, organizmlardagi voqea-hodisalar boshqa metodlarga nisbatan chuqur o'rganiladi. Keyingi paytlarda elektron hisoblash tesnikasining rivojlanishi bilan biologik tadqiqotlarda modellashtirish metodidan ham foydalanilmoqda. *Modellashtirish* metodining mazmuni tirik tabiatdagi biror voqea-hodisa yoki uning muhim jihatlarini model tarzida qayta tiklab o'rganishdan iborat. Tasvirli metod matematik belgilarga aylantiriladi va ma'lum vaqtdan keyin unda qanday o'zgarishlar, hodisalar ro'y berishi mumkinligi elektron hisoblash mashinasi yordamida aniqlanadi.

Biologiyada boshqa fanlardagi kabi ko'p muammolar, o'z echimini kutayotgan masalalar, tirik tabiat sirlari mavjud.

Birinchiidan molekullarning tuzilishi va funkstiyasini aniqlash: ikkinchiidan, bir va ko'p hujaurali organizmlarning rivojlanishini tartibga solish mesanizmlarini bilish: uchinchiidan organizmlar shassiy rivojlanishdagi irsiyat mesanizmlari, ya'ni oqsil biosintezidan hujayra hosil bo'lgunga qadar tabaqalanishni oydinlashtirish: to'rtinchiidan, organizmlar tarisiy rivojlanishini aniqlash; beshinchiidan, yerda hayotning paydo bo'lish muammosini echish va tajribada isbotlash: oltinchiidan, insonlarning tabiatga ko'rsatadigan ijobiy va salbiy ta'sirini bilish: yettinchiidan odamning paydo bo'lishi bilan bog'liq bo'lgan ba'zi muammolarni hal etishdan iborat.

Yuqorida qayd etilgan muammolarni yechish biologiya fani oldida turgan asosiy vazifadir. Lekin biologiya fani nazariy muammolarni yechish bilan cheklanib qolmaydi. U juda muhim amaliy ahamiyatga ega bo'lgan muammolar echimida ham faol ishtirok etadi.

Inson tabiatni ijtimoiy mehnat faoliyatining dastlabki qadamlaridanoq o'rgana boshlagan. Uning bu sohadagi tajribasi, bilimi foydali o'simliklarni topish va ekish, yovvoyi hayvonlarni ovlash va honakilashtirish jarayonida tobora ortib borgan, takomillashgan.

Qadimgi misrlilarga ko'p shifobahsh o'simliklar, davolash vositalari, gigiena qoidalari ma'lum bo'lgan, jarrohlikning nisbatan yuksak rivoji esa anatomiya asoslarini bilishga imkon beradi. Qadimgi misrda eramizdan 3000 yil muqaddam bug'doyning 3 turi, tariq, no'hat, zig'ir, tok va boshqa o'simliklar ekilgan.

Qadimgi Hindistonda materialistik g'oyalar Misrdagiga nisbatan anchagina rivojlangan bo'lib, tabiashunoslikning dastlabki rivoji bilan uzviy bog'liqdir. Hindlarning eramizgacha bo'lgan davrdagi VIII asrda yozilgan "hayot kitibi" nomli asarida olamning moddiyligi va uning 5 ta element (er, suv, olov, havo, efir) dan iboratligi haqida fikr yuritiladi. Tirik tabiatni o'rganish ishlari medistina talablariga mos ravishda olib borilgan. Shu sababli ular 760 ta silma-sil shifobassh o'simlikni bilganlar. Murtakning rivojlanishi ustida olib borilgan dastlabki kuzatishlar ham qadimgi hindlarga tegishlidir.

Qadimgi Xitoyda ham tabiashunoslik birmuncha rivojlangan. Qishloq so'jaligida almashlab ekish joriy etilgan. Erlarni o'g'itlashda, sug'orishda birmuncha yutuqlar qo'lga kiritilgan. Qadimgi Xitoy medistinasida qo'llanilgan davolash usullarining ba'zilari (ninerapiya, kuydirish yo'li bilan davolash) hozirgacha ham ahamiyatini yo'qotgani yo'q. Eramizdan oldin 298-238 yillarda yashagan sitoylik faylasyf Syun Szi odam bilan hayvonlar o'rtasidagi farq haqida gapirib, inson aql-idrokka ega, jamiyatda yashab, o'z harakatlarini birlashtiradi, bu esa o'ziga qaraganda kuchliroq bo'lgan hayvonlar ustidan hukumronlik qilishga, ulardan o'z maqsadlarida foydalanishga imkon beradi, degan edi. O'simliklar bilan hayvonlar olamini sitoylar qadimdan o'rganganlar. Ularning klassifikastiyasi eramizgacha bo'lgan ikkinchi asr oxiri-birinchi asr boshlarida yashagan Vohgdsh asarlarida uchraydi. U o'simliklarni 5 guruhga-danaklilar, quzoqlilar, sharbatlilar yotib o'suvchilar va butalarga bo'lgan. Hayvonlar ham 5 guruhga bo'lingan. Ular jun bilan qoplanganlar, qanotlilar, zirh bilan qoplanganlar, tangacha bilan qoplanganlar va chig'anoq bilan qoplanganlar deb nomlangan. Qadimda sitoylarning tasavvuriga ko'ra, organizmlarda bir formaning boshqa formaga o'tishi nihoyatda turli-tumandir. Tirik tabiat to'g'risidagi fikrlar qadimgi Rim va Yunonistonda ham keng tarqalgan. Bularga Diogen, Empedokl, Demokrit, Anaksagor, Fales, Anaksimandir, Aristotel, Gippokrat, Teofrast, Epikur, Lukrestey Kar, Kay Pliniylarning ishlarini ko'rsatish mumkin.

Aristotel-biologiya fanining asoschisi hisoblanadi. Aristotel hayvonlar klassifikastiyasini o'rganib, tirik tabiatni o'lik jonsiz narsalardan asta-sekin va uzliksiz jarayon natijasida kelib chiqqanligini nazariy asoslab berishga urindi. Uning "Hayvonlar tarixi", "Hayvon tanasinining qismlari haqida", "Hayvonlarning paydo bo'lishi haqida" asarlarida hayvonlarni klassifikastiya solishga harakat qiladi va hayvonlarni 2 guruhga:

Qonlilar va qonsizlarga bo'ladi. U "mavjudotlar narvoni"ni tuzib, unda quyi qismida «Minerallar keyin o'simliklar-zoofitlar-quyi hayvonlar-yuqori rivojlangan hayvonlar-norvon teppasiga esa "odam" ni joylashtiradi.

Aristotel shogirdi Teofrast 450 dan ortiq o'simlik turini o'rganib, o'simlik bir turi boshqa turga aylanishi mumkin degan fikrni olg'a suradi.

O'rta asrlarga kelib, qarib X asr davomida (VI-XV) tabiashunoslik fanlari Yevropada rivojlanmay qoldi. Bu davrda din kuchayib, olimlar taqib ostiga olinib boshladi. Turlar o'zgarish va doimiy deb qaralib, bu konstepstiya «kreastionizm» (kraestio-yaratish) oqimini shakillanishiga sabab bo'ldi. Cherkov olamining yaratilishi, varcha mavjudotlarning o'zgarishini targ'ib qilib, boshqacha fikr yuritganlarning hammasini quvg'inga oldi va inkvizitsiya qildi.

O'rta asrlarda Yevropada tabiiy fanlarni o'rganish tushkunlikka uchragan vaqtda, O'rta Osiyoda fanlar rivojlana bordi. O'rta asrlarda allomalardan Al-Xorazimiy, Al-Farobiy, Al-Beruniy, Abu Ali ibn Sino va boshqalarning ishlarini ko'rsatish mumkin. Masalan: Beruniyning fikricha tabiat 5 element: bo'shliq, havo, olov, suv va tuproqdan yaratilgan. U yerni shar shaklda ekanini aytgan va Ptolomeyning Yer-olam markazi bo'lib, u harakatlanmaydi - deb aytgan fikriga qo'shilmagan va Yer Quyosh atrofida aylansa kerak degan fikrni ilgari surgan. Bu fikrlar Kopernikdan kelib V asr oldin ilgari surilgan edi. U ayniqsa «Hindiston» va «Giodeziya» asrlarida (jami asarlari 150 dan ortiq) Yer yuzining asta-sekin o'zgarib turishi tug'risidagi fikrlar berilgan. U yerda hayvonlar va o'simliklar yashashi uchun sharoit cheklangan bo'lib, tirik mavjudotlar orasida yashash va ko'payish uchun kurash borishini ko'rsatgan. Bu hayotning asosini tashkil qiladi-deydi. Beruniy fikricha tabiatdagi hamma narsa tabiat qonunlariga bo'ysingan holda yashaydi va o'zgaradi.

Beruniyning biologiya sohasidagi fikrlari ayniqsa qiziqarlidir. Uning mulohazasiga ko'ra, hayvonlar, o'simliklar rivojlanishi uchun yerda sharoit cheklangan. Shu sababli tirik mavjudotlar orasida yashash, cheksiz ko'payish uchun kurash boradi. O'simliklar, hayvonlar o'rtasidagi kurash, ko'payish va nasl qoldirish uchun intilish tirik mavjudotlar hayotining asosini tashkil etadi. Agar tevarak-atrof tabiati o'simliklar va hayvonlarning biror turi bemalol urchishga monelik ko'rsatmaganda edi, bu tur butun yer yuzasini egallagan bo'lur edi. Biroq bunday urchishga boshqa organizmlar monelik ko'rsatadi va ular orasidagi kurash ko'proq moslashgan organizmlarni ro'yobga chiqaradi. Beruniy o'zining "Hindiston" nomli kitobida tabiat daraxtdagi eng baquvvat va sog'lom novdalarning o'sishiga imkon berib, qolganlarini esa kesib tashlaydigan bog'bon kabi ish ko'radi, deb yozgan edi.

Abu Ali ibn Sino - buyuk sharq tabibi medistina fanining asoschilaridan biri hisoblanadi. Uning 5 jildli «Tib qonunlari» asari mazmuni va mukamalligi bilan ajralib turadi. U Yevropa universitetlarida qariyb V asrdan oshiqroq birdan-bir o'quv qo'llanma sifatida qo'llanilib kelingan.

Adabiyotlar ro'yhati:

1. X. To'raqulov "Молекуляр биология" Toshkent, "O'qituvchi" 1993-yil;
2. K.G. Gazaryan, V.Z. Tarontul, "Биотехнология зарубежом", Moskva, "Знание" 1990-yil;
3. "Umumiy biologiya" darsligi "Sharq" NMK. 1995-yil;
4. X.Xoliqov va boshqalar "Биотехнология", "Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti", Toshkent, 1996-yil;
5. Yu. P. Laptev, "Биологик инженерия", Toshkent, "Mehnat", 1990-yil;

ROCK PAINTINGS OF THE IRON AND BRONZE AGE

Shakhrukh Jonuzokov

Jizzakh State Pedagogical University, student of the Faculty of History

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8064120>

Anotatsiya: *Ushbu maqolada ilk temir davri tarixi, uni kelib chiqish xususiyatlari va temir davri arxeologiyasi va bronza davridagi qoyatosh suratlari to'g'risida ma'lumotlar yoritilgan.*

Аннотация: *В данной статье освещается история раннего железного века, особенности его происхождения, а также сведения об археологии железного века и наскальных рисунках эпохи бронзы.*

Abstract: *This article covers the history of the early Iron Age, the features of its origin, and information about the archeology of the Iron Age and the rock paintings of the Bronze Age.*

Kalit so'zlar; *Temir metalli, ikkinchi mehnat taqsimoti, ayirboshlash va savdo aloqalari, ko'chmanchi chorvachilik, Urartu podsholigi, temir davri yodgorliklari.*

Ключевые слова; *Железный металл, второе разделение труда, обмен и торговые отношения, кочевое скотоводство, царство Урарту, памятники железного века.*

Key words; *Iron metal, the second division of labor, exchange and trade relations, nomadic animal husbandry, the kingdom of Urartu, monuments of the Iron Age.*

During the Iron Age, great technological changes took place in production. Compared to copper and tin, iron ore is abundant in nature, and its solid quality has led to its rapid and wide spread in the production and military spheres. The transition to the use of heavy weapons, especially in agriculture, was a big event. Because during the expansion of farming areas, iron tools and weapons (axe, hoe, spade), especially strong tools such as plow with iron teeth appeared. In the Iron Age, handicrafts were separated from agriculture and separate production. turned into a farm. The development of industrial enterprises with the wide distribution of iron undoubtedly led to a radical change in social life. Large villages became centers of trade and trade, and cities grew. They were surrounded by high and thick walls made of clay and straw [1]. Thus, the large-scale use of iron and steel products had an effective effect on the development of the cities and villages of Central Asia. S.P. Tolstov, A.I. Terenozhkin and Ya. It was carried out by the Ghulomovs. Monuments of the Iron Age in the territory of Uzbekistan. av. It belongs to the 8th and 6th centuries. They were studied in Khorezm, Surkhandarya, Kashkadarya, Samarkand, Bukhara, Tashkent regions and Fergana Valley; Like Kozaliqir, Qal'aliqir and Dingilja. castle and village, city ruins, Tagisken and Uygarak cemeteries, Bokantov rock paintings were examined. In the Iron Age The first large irrigation facilities were built in Khorezm regions. Ancient people were familiar with metal as early as the Neolithic period. But the discovery of metallurgy and the acquisition of complex metallurgical skills took place in later periods. Iron is a unique metal. Its properties determine its advantage over other metals. Iron metal is abundant in nature. Of course, it was widely distributed not in the finished form, but in the form of ore. It is extracted from iron ore in a dark state and crushed in sandons. As we know, bronze objects were poured into molds in a liquid state. The melting temperature of iron is 1534°C, and the combat and labor weapons made of it have superior properties compared to the previously existing weapons due to their hardness and sharpness. The discovery of iron as a new type of metal not only changed the

material culture of its time, but also created new opportunities for technology. It laid the groundwork for socio-economic changes that took place in the following millennia. Iron was harder and sharper than its predecessors, and it was widely distributed on the earth. But people adopted it after other metals. According to written sources and archaeological data, iron metallurgy was established in the territory of the Hittite kingdom in Asia Minor. avv. It was created in the XIV-XIII centuries. Mil. avv. Iron metal was discovered in India and Iran in X-IX centuries. Mil. avv. In the IX-VIII centuries, blacksmithing was widespread in Assyria and Urartu. Mil. avv. All iron products made in the 14th century are extremely valuable art jewelry. The widespread use of iron weapons in social life, as work tools and weapons, was implemented relatively late. For example, iron in Italy in the 12th century BC, in Eastern Europe, Scandinavian countries. avv. It appeared in the 10th century.

And in China, mil. avv. Iron products were produced in VI-V centuries. It is known from sources that iron weapons began to be used here in the 9th century BC. In the Early Iron Age, agriculture and handicrafts became the main areas of production, which led to the development of society to a new level. Handicrafts took the main place in economic life and created wide opportunities for exchange. First, he developed the productive forces of productive economy and handicrafts. Handicraft products - pottery and smithy became products produced for exchange and began to acquire the character of a commodity. Because, during this period, the production possibilities reached such a level that the income from one person's work was not enough to feed him alone, but to provide for several people. Due to the beginning of the emergence of separate craft centers and their transformation into the economic basis of city life, an opportunity was created to establish trade relations. The production of many products served the development of trade relations. The state of Urartu was one of the largest kingdoms of the early Iron Age. The word Urartu is Assyrian, Urartian - Biaynili, in the Bible - the kingdom of Ararat. An ancient state in Western Asia (IX-VI centuries BC). During its prosperity, the state of Urartu covered the mountainous regions of Armenia (the entire territory of present-day Armenia, part of Turkey and Iran). The inhabitants were mainly Urartians. Its capital was the city of Tushpa (now the city of Van in Turkey), where large construction works were carried out during the reign of King Sarduri I. Mil. avv. At the end of the 9th century - the first half of the 8th century, the state of Urartu flourished. During the reigns of Menuya, Argishti I and Sarduri II, the territory of Urartu expanded considerably. Fortresses were built in the occupied regions (the city of Menuakhinili on the northern slope of Mount Ararat; Erebuni - Arin-berd hill near Yerevan; Argishtikhinili on the left bank of Araks). Slave labor was widely used in Urartu. Mil. avv. In the middle of the 8th century, the Assyrian king Tiglathpalasar III (745-727 BC) defeated the Urartu armies several times and occupied Northern Mesopotamia and Northern Syria, which were part of the Urartu state [2]. Then, during the reign of Rusa I, the country was destroyed as a result of the marches of the Assyrian troops of Sargon II. But mil. avv. In the 7th century, Urartu still maintained its position in South Transcaucasia. Rusa II (685-645 BC) built new fortresses here (including Teyshebaini). With the help of the Scythian-Cimmerian mercenary army, the kings of Urartu crushed the Kingdom of Phrygia (676 BC). The rise of the Median kingdom brought Urartu closer to Assyria. But mil. avv. At the beginning of the 6th century, Urartu was crushed by the Medes and annexed to it.

In Central Asia, the first working tools made of iron were found in monuments belonging to the IX-VIII centuries BC. But most of the objects belong to the VII-VI centuries BC. The first Iron Age in Central Asia is defined as the 1st millennium BC. Dozens of monuments such as Anov, Dalvarzin, Daratepa, Quysisoy were studied in the southern regions of the Republic of Turkmenistan, Kashkadarya and Zarafshan oasis of Uzbekistan, Fergana Valley and Tashkent and Khorezm regions. 46 of the monuments from the beginning of the 1st

millennium BC were found in the regions of Southern Turkmenistan. The cultural layers in ancient village ruins such as Anov, Yoztepa, Yelkantepa, Uchtepa, Chornoq belong to the Iron Age. One of the monuments of the Iron Age is Yoztepa, the lower layer of which is dated to 900-650 BC. During this period, the monument consisted of village dwellings occupying an area of 16 hectares and a large rectangular building-fort. Remains of a palace built on an 8 m high raw brick platform were found on the site of the fortress. The rooms were long and square [3]. Most of the ceramics of the Summer I period were made by hand. The vessels are painted with yellow angob and a geometrical pattern is applied over the angob with brown and red paint. Many monuments of the early Iron Age have been found in the territory of Uzbekistan. Afrosiyab, Daratepa, Kozalikir, Uygarak, Chust, Dalvarzin, Oktom, Kuchuktepa, Yerqorgan, Sangirtepa monuments belong to this period. At the end of the 2nd millennium BC and the beginning of the 1st millennium BC, the Chust culture in the Fergana valley was the first farming culture in Ancient Fergana, and the first village of the peasants was named Buvanamor near the city of Chust in 1951 by the archaeologist M. Ye. Voronev. It is found and studied by the spring. There are more than 70 monuments belonging to this culture in Namangan, Andijan, and Fergana regions, about 10 of which were researched by archaeologists V. Sprishevskiy, B. Matboboev, and Yu. Zadneprovskiy. According to archaeologists, BC. Military-political tribal associations were formed among the nomads in the 7th-6th centuries. The study of Tagisken tombs is of great importance in studying the history of nomadic tribes [4]. The mausoleum dates back to the millennium BC. It belongs to the IX-VII centuries and was found in the lower reaches of the Syrdarya. They are rectangular mausoleums made of raw bricks. The material culture of the early Iron Age tribes living in Central Asia was found and investigated in the lands of Bactria, Margiya and Sogdiya.

There are more than 350 of them. Horse equipment, arrows, and daggers found in the places of the Sak tribes are similar to the Scythian weapons that lived in the steppes of Eastern Europe and Asia. The Greek historian Herodotus c. Avv. It provides information about the life of the Scythians in the 5th century. Important written sources - Avesta, written monuments of the Achaemenid period and Greek historians tell about the society in the ancient regions of the early Iron Age of Central Asia. "Avesta" (translated as "Esos" from Eastern Iranian languages) is a set of Sharia laws of the peoples of Zoroastrian religion. According to the Avesta, the union of tribes of this period was a region (dahiya), a clan community was made up of a vis, and some families were made up of a nmana. The population was divided into priests, warriors, farmers and herders. The cuneiform inscriptions of the Achaemenid period (VI-IV centuries BC) were found and examined in Behistun and Nakhshi Rostam rocks, in the cities of Susa, Hamadan, and Persepolis. They consist of the king's orders and speeches on various social, political, and religious issues in ancient Persian [5]. There is information about the peoples and regions of Central Asia from the writings of the Ahmanids. The works of ancient Greek historians Herodotus and Ctesius show the historical and geographical features of the peoples of Central Asia. The study of the material and cultural monuments of the Early Iron Age indicates that during this period great social, economic and cultural changes took place in the life of the peoples of Central Asia [6].

During this period, the agricultural culture based on artificial irrigation led to the increase of additional products and private property. The cultures of Sopollitepa, Jarqo'ton, Kuzamshir, Afrosiyob, Dalvarzin and Chust indicate that many metal weapons and objects were produced in the territory of present-day Uzbekistan. Work tools made of metal led to an increase in labor productivity and a change in people's lifestyle. During the 3rd-2nd millennia BC, one of the main branches of handicrafts, pottery, developed and the pottery wheel became widespread. Trade, which played an important role in the strengthening of urban culture and statehood, became the main means of economic, social, political and cultural communication

not only with the region, but also with other regions and countries [7]. Of course, in the formation of the foundations of statehood and the rise of urban culture, not only the changes in production relations (agriculture and crafts) and the development of trade, but also the natural-geographical location of our region and the western-strategic (conflict of Eastern and Western interests)) also played an important role. The oldest cities in these socio-political, economic and cultural changes and the emergence of the first statehood were: Sopolitepa, Jarqo'ton (Surkhandarya), Yerkurgan, Uzunqir (Kashkadarya), Kukhatepa, Afrosiyob (Samarkand) and other cities. hna cities played an important role.

LIST OF REFERENCES:

1. Annayev T., Shaydullayev Sh. Surxondaryo tarixidan lavhalar. – T.,1997.
2. Asqarov A. Eng qadimgi shahar. – T., 1990.
3. Jo‘raqulov M., Isomiddinov M. O‘rta Osiyo kulolchiligi tarixidan. – Samarqand, 4. Isomiddinov M.H. Sopolga bitilgan tarix. – T., 1993.
5. Kabirov J., Sagdullayev A. O'rta Osiyo arxeologiyasi. – T., 1990.
6. Eshov B.J. Qadimgi O‘rta Osiyoning shaharlari tarixi. – T., 2006.
7. Qadimgi tarixchilar O‘rta Osiyo haqida. – T., 2008.

13-14 YOSHLI YENGIL ATLETIKACHILARDA KUCH SIFATINI TARBIYALASH USULLARI

Abdullayeva O'g'iloy Xayitbayevna

Urganch davlat universiteti

Sport faoliyati kafedrasida o'qituvchisi

oguloyabdullayeva1996@gmail.com

[**https://doi.org/10.5281/zenodo.8064247**](https://doi.org/10.5281/zenodo.8064247)

Abstract: *This article describes the methods of training the quality of strength in 13-14-year-old track and field athletes. In the work, it was emphasized that the age characteristics of students are important in training the quality of strength. In addition, it is reflected the possibility of training other qualities by training the quality of strength from physical qualities. in the process of training the quality of strength, the collection of information about learning theoretical knowledge and effective implementation of practical exercises through them, teaching theoretical and practical knowledge of the basics of sports training by using pedagogical technologies is reflected.*

Keywords: *strength development, muscle tension, isometric, isokinetic, dynamic, submaximal, maximum speed, movement, maximum effort, external resistance.*

Annotatsiya: *Mazkur maqolada 13-14 yoshli yengil atletikachilarda kuch sifatini tarbiyalash usullarini yoritib berilgan. Ishda asosan kuch sifatini tarbiyalashda o'quvchilarning yoshiy xususiyatlari ahamiyatga ega ekanligi takidlab o'tilgan. Bundan tashqari jismoniy sifatlardan kuch sifatini tarbiyalash orqali boshqa bir sifatlarni ham tarbiyalash mumkinligi aks ettirilgan. kuch sifatini tarbiyalash jarayonida nazariy bilimlarni o'rganish va ular orqali amaliy mashg'ulotlarni samarali ijro etish, sport mashg'uloti asoslari bo'yicha nazariy va amaliy bilimlarini pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali o'rgatish haqidagi ma'lumotlar jamlanmasi o'z aksini topgan.*

Kalit so'zlar: *kuchni rivojlanish, mushak kuchlanishi, izometrik, izokinetik, dinamik, submaksimal, maksimal tezlik, harakat, maksimal urinishlar, tashqi qarshiliklar.*

Аннотация: *В данной статье описаны методы тренировки качества силы у легкоатлетов 13-14 лет. В работе подчеркнуто, что возрастные особенности студентов имеют важное значение в тренировке силовых качеств. Кроме того, отражена возможность тренировки других качеств путем тренировки качества силы из физических качеств. в процессе тренировки отражается качество силы, сбор информации об усвоении теоретических знаний и эффективное выполнение с их помощью практических упражнений, обучение теоретическим и практическим знаниям основ спортивной подготовки с использованием педагогических технологий.*

Ключевые слова: *развитие силы, напряжение мышц, изометрическое, изокинетическое, динамическое, субмаксимальное, максимальная скорость, движение, максимальное усилие, внешнее сопротивление.*

KIRISH

Yengil atletikachilarda kuch qobiliyatlarining yugurish turlariga qarab yo'naltirilgan, kuchni rivojlanishi faqat mushaklar maksimal taranglashgandagina yuz beradi. Shuning uchun kuch tayyorgarligi usuliyatining asosiy muammosi, mashg'ulotlar

jarayonida mushaklar kuchlanishining eng yuqori darajasini ta'minlashdir. Yengil atletikachilarni usuliy jihatdan maksimal kuchlanishlar hosil qilishning turli yo'llari bor. O'ta og'ir yuklarni bir necha marta ko'tarish, katta bo'lmagan og'irlikdagi yuklarni ko'p martalab ko'tarish; mushaklar doimiy uzilgan holda tashqi qarshiliklarni engish va hakoza. Keltirilgan mushak kuchlanishlarini hosil qilishning quyidagi usullari mavjud:

- Maksimal urinishlar usuli;
- Chegaraviy bo'lmagan urinishlar usuli;
- Izometrik urinishlar usuli;
- Izokinetik urinishlar usuli;
- Dinamik urinishlar usuli;
- "Jadal" usul.

Ta'kidlab o'tish kerakki, usullarning bunday nomlanishi kuch mashg'ulotlari nazariyasi va amaliyotida keng tarqalgan. Ularning yaxshi tomoni qisqaligida. Lekin ilmiy nuqtai nazardan kuchni rivojlantirish usullarini bunday nomlash juda ham to'g'ri emas, chunki maksimal izotermik va izokinetik urinishlar usullari qaytarma mashqlar sinfiga ham kiradi. Mushaklarning dinamik qisqarishi nafaqat dinamik urinishlar usuliga, boshqa ko'plab usullar uchun ham xosdir.

Maksimal urinishlar usuli. Mazkur usul mashg'ulotlarni submaksimal, maksimal va o'ta maksimal og'irliklar bilan o'tkazishga asoslangan. Har bir mashq bir necha marta takrorlanadi. Bir urinishda chegaraviy va o'ta yuqori qarshilikni engan, ya'ni og'irlik 100% va undan ko'p bo'lgan holda mashqlarni takrorlashlar soni 1-2, ko'pi bilan 3 marta bo'lishi mumkin. Urinishlar soni 2-3, urinishdagi qaytarishlar orasida dam olish 3-4 daq., urinishlar orasida 2 dan 5 daqiqagacha. Chegaraga yaqin qarshiliklar bilan mashqlarni bajarishda (maksimaldan 90-95% og'irlik bilan) bir urinishdagi harakatlar qaytarilishi soni 5-6, urinishlar soni 2-5. mashqlarni qaytarish orasidagi dam olish vaqti 4-6 daq. Va urinishlar orasida 2-5 daqiqa. Harakatlar sur'ati – erkin, tezlik – eng kamdan maksimalgacha. Amaliyotda bu usulning turli yo'llari bor, ularning asosida og'irliklarni oshirishning turli usullari yotadi.

Nazarda tutish kerakki, chegaraviy yuklamalar harakatlar texnikasini nazorat qilishni qiyinlashtiradi, jarohat olish va ko'p shug'ullanib yuborish xavfini kuchaytiradi ayniqsa, bolalarda va boshlovchilarda. Shuning uchun u oliy malakali sportchilarning mashg'ulotlarida asosiy, lekin yagona bo'lmagan usuldir. U haftasiga 2-3 marta qo'llaniladi. Katta vaznlar, ba'zi hollarda 7-14 kunda bir marta ishlatiladi. 100% dan ortiq yuklar bilan mashqlar sheriklar yordamida yoki maxsus moslamalarni qo'llash yo'li bilan o'tkaziladi. 16 yoshgacha bo'lgan bolalarga bunday usulni qo'llash tavsiya etilmaydi.

Qaytarma maksimal urinishlar usuli maksimal dinamik kuchni mushaklar hajmini sezilarli ko'paytirmasdan oshirish uchun asosiy hisoblanadi. Uni qo'llash uchun sportchi oldindan tayyorgarlik ko'rgan bo'lishi lozim. Ushbu usul o'smirlarning kuch darajasini baholash uchun o'tkaziladigan nazorat sinovlari asosida yotishi mumkin. Nazorat uchun mashqlar, masalan, poldan shtangani tortish; gorizental yotgan holda shtanga ko'tarish; elkada shtanga bilan o'tirib turish.

Takroriy chegaraviy bo'lmagan urinishlar usuli. Ma'nosi-chegaraviy bo'lmagan tashqi qarshilikni to qattiq charchaguncha yoki "oxirigacha" takrorlash.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Har bir yondashuvda mashqlar tanaffussiz bajariladi. Bir mashg'ulotda 2-6 seriya bajariladi. Bir seriyada 2-4 yondashuv. Mashg'ulotlar orasidagi tanaffus 2-8 daqiqa, seriyalar orasidagi 3-5 daqiqa. Mashg'ulotlar davomida tashqi qarshiliklar kattaligi maksimaldan 40-80% ni tashkil qiladi. Harakatlar tezligi katta emas. Katta og'irlik bilan qaytarishlar soni kam bo'lganda, asosan maksimal kuch rivojlanadi yoki bir vaqtning

o'zida kuchning ko'payishi va mushaklar hajmining ortishi yuz beradi. Va, aksincha, qaytarishlar soni ko'p bo'lib, og'irlik miqdori kam bo'lganda asosan, chidamlilik sifati ortib boradi.

Bu usulni qo'llaganda mashg'ulot samarasiga mashqlarni takrorlashning har bir seriyasi yakunida erishiladi. So'nggi takrorlashlarda ishlayotgan harakat birliklari miqdori maksimumgacha etadi, ularning sinxronligi kuzatiladi, fiziologik jarayon xuddi katta qarshiliklarni engayotganday bo'ladi.

“Oxirigacha” usulining uchta asosiy yo'li mavjud:

1. Mashqlar bir mashg'ulotda “oxirigacha” bajariladi, yondashuvlar soni ham “oxirigacha” emas.

2. Bir necha urinishlarda mashqlar “oxirigacha” bajariladi, yondashuvlar soni “oxirigacha” emas.

3. Mashqlar har bir urinishda “oxirigacha” bajariladi, yondashuvlar soni “oxirigacha”.

“Oxirigacha” usulida ishlash energetik jihatdan kam unumli bo'lsada, amaliyotda keng qo'llaniladi. U harakatlar texnikasini yaxshiroq nazorat qilish, jarohlardan saqlanish, mushaklar gipertrofiyasiga ko'maklashish imkonini beradi. Va nihoyat, bu usul boshlovchilarni tayyorlash uchun yagona bo'lgan usul, chunki kuchning rivojlanishi qarshilik kattaligiga bog'liq emas. Uni hal qiluvchi rol ni kuch kattaligi o'ynagan, namoyon bo'lish tezligi esa katta ahamiyatga ega bo'lmagan hollarda qo'llash maqsadga muvofiq.

Izotermik urinishlar usuli. Qisqa muddatli maksimal kuchlanishlarni bajarish bilan ifodalanadi. Izotermik kuchlanishlar davomiyligi odatda 5-10 soniya. Kuchlanish kattaligi maksimumdan 40-50% bo'lishi mumkin va statistik kuch majmualari, turli mushak guruhlari kuchini rivojlantirishga yo'naltirilgan 5-10 mashqdan iborat bo'lishi kerak. Har bir mashq 3-5 marta, 30-60 soniya tanaffus bilan bajariladi. Navbatdagi mashqlarni bajarishdan oldin dam olish 1-3 daqiqa. Izotermik mashqlarni mashg'ulotga haftasiga 4 martagacha qo'shish mumkin, ularga 10-15 daqiqa ajratilsa kifoya. Majmuaviy mashqlar o'zgarmagan holda tahminan 4-6 hafta qo'llanilishi mumkin, so'ngra u ba'zi boshlang'ich holatlarning o'zgarishi hisobiga yangilanadi.

Izotermik mashqlarni bajarishda tana holatini yoki bo'g'imlarning burchak kattaligi jiddiy ahamiyatga ega. Elka oldi bukuvchilarining bo'g'imlarining katta burchagida mashg'ulot kuch o'sishini kam ta'minlaydi, lekin mashq qilinmayotgan bo'g'imlarga yaxshi ta'sir ko'rsatadi. Izotermik kuchlanish bo'g'im burchagi 900 da, 1200 va 1500 ga nisbatan, gavdani eguvchilarning o'sishiga katta ta'sir ko'rsatadi.

Izokinetik urinishlar usuli. Bu usulning o'ziga xosligi u qo'llanilganda tashqi qarshilik kattaligi emas, harakatning doimiy tezligi kattaligi berilishidir. Mashqlar maxsus trenajerlarda bajariladi, ular turli tezliklarda harakat qilishga imkon beradi. Masalan, krol yoki brass bilan suzishda quloqlab eshishning butun amplitudasi bo'yicha. Bu mushaklarning butun harakat davomida oqilona yuklama bilan ishlashiga imkon beradi.

Izokinetik usulda zamonaviy trenajerlarda bajariladigan kuch mashqlari bo'g'imlarning harakat tezligini 1 soniyada 0 dan 200 tagacha o'zgartirish imkonini beradi. Shuning uchun bu usul kuch qobiliyatlarining har xil turlarini – “sust”, “tez”, “portlash” kuchini rivojlantirish uchun ishlatiladi. Usul suzish, engil atletika, sport o'yinlarida – oyoq va qo'llar bilan zarbalar, koptok irg'itish va shu kabilarda kuch tayyorgarligi jarayonida keng qo'llaniladi. Mazkur usuldan foydalanilganda badan qizdirish mashqlari shart emas va shu bilan og'irliklar yordamidagi mashg'ulotlardan farqlanadi.

TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMA

Mashqlarni bajarish vaqtida odam o‘zining natijalarini monitor yoki boshqa vosita orqali ko‘rib turadi, shu asnoda o‘zi bilan o‘zi yoki boshqa shaxslar bilan bellashishi mumkin.

Dinamik urinish usuli. Maksimal tezlik yoki sur‘atda katta bo‘lmagan og‘irliklar bilan (30% gacha) mashqlar bajariladi. U tezlik kuch qobiliyatlarini – “portlash” kuchini rivojlantirish uchun qo‘llaniladi. Bir yondashuvda takrorlashlar soni 15-25 marta. Mashqlar 3-6 seriya bilan bajariladi, ular orasidagi tanaffus 5 – 8 daqiqa.

Og‘irlik vazni shunday bo‘lishi kerakki u harakat texnikasining buzilishiga sabab bo‘lmasin va harakatni bajarish vaqtida tezlikni pasaytirmasin. Masalan, vaterpolchilarda otish kuchini rivojlantirish uchun 2 kg li meditsinbol qo‘llanilganda, eng yaxshi natijalar ko‘rsatildi, nayza uloqtiruvchilarda 3 kg.

“Jadal” usul mushak guruhlarini pastga tushayotgan yukdan yoki tana og‘irligining kinetik energiyasidan foydalangan holda jadal rag‘batlantirishga asoslangan.

Bu usul asosan turli mushak guruhlarining “amortizatsiya” va “portlash” kuchini rivojlantirish uchun ham qo‘llaniladi. Misol tariqasida oyoqlarning “portlash” kuchini rivojlantirish uchun chuqurga sakrab tushish va sakrab chiqish mashqini keltirish mumkin. Amortizatsiya va undan keyingi erdan itarilish xuddi bir butunday bajarilishi kerak.

Maktab yoshidagi bolalar harakat faoliyatining rivojlanishida sezgi bosqichlari topografiyasi (A.A.Gujalovskiy bo‘yicha). 1-jadval

| Jismoniy sifatlar | Yosh davrlari (yil) | | | | | | | | | |
|-----------------------|---------------------|-----|------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| | -8 | -9 | -10 | 10-11 | 11-12 | 12-13 | 13-14 | 14-15 | 15-16 | 16-17 |
| Kuch | ●● | ●● | ++ | ●●● | ●●● | +●● | ●●● | +●● | +●● | ●●● |
| Tezkorlik | ●●● | ●●● | ++ | ●●● | ++ | ++ | ++ | + | + | ++ |
| Tezlik-kuch sifatleri | ● | ●● | +●● | +●● | +● | +●● | +●● | +●● | +● | +●● |
| Statik chidamlilik | | ++ | ●●● | | ++ | ++ | +●● | +●● | ++ | +●● |
| Dinamik chidamlilik | +● | ●●● | ●●+ | ●+ | ●●● | +● | + | ++ | +● | ++ |
| Umumiy chidamlilik | +●● | +●● | ++ | ●●● | ++ | +●●● | ++ | +●●● | ++ | +●●● |
| Egiluvchanlik | ++ | ++ | +● | ++ | ●+ | ++ | ●●● | ●●+ | +●●● | ●● |
| Muvofiqlash | ++ | ●●+ | +●●● | ++ | ++ | ++ | ++ | ++ | ++ | ++ |

Shartli belgilar:

+ - Subkritik va kritik davrlar;

● – past sezgirlik bosqichi;

●● – o‘rtacha sezgirlik bosqichi;

●●● – yuqori sezgirlik bosqichi.

Takror-seriyali urinish usuli quyidagi maqsadlarda qo‘llaniladi:

- ◆ Mushaklar hajmini maromida rivojlantirish uchun;
- ◆ Mushaklar hajmini keskin ko‘paytirish uchun;
- ◆ Insonning kuchini oshirish uchun.

Mushaklar hajmini oshirish uchun takror – seriyali usul bilan bajariladigan mashqlarning bir necha turli texnologik yo‘llari mavjud.

1-yo‘l. Vazn 75-80%. 10-12 takrorlashda harakatlarni sekin, qattiq charchash alomatlari paydo bo‘lgunga qadar bajariladi. Jami 2-4 yondashuv, oraliqlarda 2

daqiqagacha faol hordiq bilan bajariladi. Bir mashg'ulotda 2-3 guruh mushaklarga ta'sir qiladigan mashqlarni tanlash maqsadga muvofiq.

2-yo'l. Vazn 60-70%. Har birida 15-20 marta mashq ijro etiladigan 3-5 yondashuv bajariladi. Yondashuvlar orasida 2-3 daqiqa tanaffus.

3-yo'l. Vazn 80%. Bir guruh mushaklarga ta'sir etadigan 3-5 yondashuvda 8-10 tadan takrorlash bajariladi. Yondashuvlar orasida 2-3 daqiqa tanaffus. Qattiq charchagan hollarda tanaffus 5 daqiqagacha cho'ziladi.

4-yo'l. Vazn 85-95%. 4-8 yondashuvda 5-8 tadan takrorlash oraliqda 3-4 daqiqa tanaffus bilan bajariladi.

5-yo'l. Vazn 85-90%, qattiq charchash alomatlari sezilgandan so'ng sherik yordamida engib o'tish qismida 2-3 qo'shimcha mashq bajariladi. Yangi yondashuvga tayyor bo'lgungacha etadigan vaqt oralig'ida tanaffus bilan 2 yondashuvni bajarish maqsadga muvofiq.

6-yo'l. Bir xil miqdordagi takrorlashlar bajariladi, lekin navbatdagi yondashuvlarda vazn engillashib boradi. Masalan: 70x10; 65x10; 60x10. yondashuvlar orasida 2 daqiqa tanaffus. Mazkur yo'l tez charchaydigan mayda guruh mushaklarini mashq qildirishga yordam beradi.

Xulosa va tavsiyalar. Yosh yengil atletikachilarda kuch sifatini tarbiyalash usullarining ilmiy-uslubiy asoslarini o'rganish, ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish bo'yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi.

1. Kuch sifatini tarbiyalash usullarini o'rgatishga oid pedagogik, psixologik va uslubiy adabiyotlarni o'rganishdan shu narsa ma'lum bo'ldiki yosh sportchilarga kuchni rivojlantirishga qaratilgan mashqlardan samarali foydalanish yaxshi samara beradi. Harakatlarga erkinlik berish va bu harakatlarni bilish jarayonining butun tuzilmasi tizimida tartibga tushirish bilan boshqariladi.

2. Kuch sifatini tarbiyalashda pedagogik talablar hamda mezonlarni ilmiy tadqiq etishda innovatsion texnologiyalarni qo'llash orqali metodlarining har qaysisi, o'zining ijobiy tomonlari borligiga qaramasdan, tez va samarali o'rgatishni to'la-to'kis ta'minlay olmaydi. Shuning uchun amalda hamma metodlar ayrim-ayrim ham, bir vaqtning o'zida birga ham qo'llanadi va ko'proq shug'ullanuvchining faolligiga tayanish kerak ya'ni uning o'zi texnikani tahlil qilishi, imkoniyat darajasida xatolarni to'g'irlashi kerak. Bunda tayyorgarlik vositalari turli xil vaziyat va sharoitlarda eksperimental ta'sir xarakteristikasiga ega bo'lishi aniqlandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdullaev A. Xonkeldiev Sh.T Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi 2005y. 112-135b.
2. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов, М., ФиС, 1988г., 330с.
3. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар Т – 2004 йил.
4. Лях В.И. Двигательные способности школьников: основы теории и методики развития. М.: Терра-Спорт, 2000 г.
5. Нормуродов А.Н. Енгил атлетика Тошкент: 2002 йил.
6. Ниёзов И. Енгил атлетика Ўздав ЖТИ, 2005 йил.
7. Иноземтсева Л.А. Легкая атлетика и методика преподавания: Тошкент: 2001 йил.
8. Гончарова О. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш Ўз.ДЖТИ, 2005 й.

9. Легкая атлетика. Учебная пособия. ФиС. М. 1989.
10. Л.П.Матвеев. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. М., 1989.
11. Л.П.Матвеева и А.Д.Новикова. Теория и методика физическая воспитания. Под ред.. - М; Физкультура и спорт. 1986

UDK 373.3.1

O'QITUVCHIDA PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Toshmatova Mukaddasxon Azamatovna

*Andijon viloyati, Jalakuduk tumani 17 -Davlat ixtisoslashtirilgan
umum ta'lim maktabning boshlang'ich sinfi o'qituvchisi.*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8064601>

*Yangi O'zbekiston strategiyasining mustahkam tayanchi va
suyanchi bo'ladigan tarixiy-ma'naviy omil, ya'ni bizning eng katta
boyligimiz – xalqimizning ulkan madaniy merosi, intellektual salohiyati
mavjudligidir.*

**O'zbekiston Prezidenti urolli Kuchlar Oliy Bosh Qo'mondoni
SHAVKAT MIRZIYOEV**

ANNOTATSIYA

*Agarda pedagogning kasbiy mahorat dasturiga amaliy qaralsa, u holda
birinchi o'ringa uning integral sifati – o'qituvchining mahoratidan iborat bo'ladi.
Pedagogik mahoratga berilgan ta'riflar shuncha ko'p bo'lishiga qaramay, ularda
mahoratning qaysidir tomonlari albatta ifodalanadi.*

*Mahorat - bu yuqori va doimo yuksalib boruvchi tarbiya va o'qitish san'atidan iborat.
Pedagog – o'z ishining ustasi, o'z fanini chuqur biluvchi, fan va san'atning mos sohalari
bilan yaxshi tanish, amalda umumiy va yoshlar psixologiyasini yaxshi tushunuvchi, o'qitish
va tarbiyalash metodikasini har tomonlama biluvchi hamda yuqori madaniyatga ega
bo'lgan mutaxassis.*

*Pedagogik nazariyada o'qituvchi mahoratini ikki xil tushunish mavjud. Birinchisi,
pedagogik mehnatni tushunish bilan bogliq bo'lsa, ikkinchisi tarbiyada pedagog shaxsi
asosiy o'rin tutadi.*

*If the professional skills program of the pedagogue is looked at practically, then its
integral quality - the teacher's skills - will be in the first place. Despite the fact that there
are so many definitions of pedagogical skill, some aspects of the skill are definitely
expressed in them.*

*Mastery is a high and ever-evolving art of training and teaching. A pedagogue is a
master of his work, an in-depth knowledge of his subject, well-acquainted with relevant
fields of science and art, a good understanding of general and youth psychology in practice,
a comprehensive knowledge of teaching and upbringing methodology, and a highly
cultured person. expert.*

*There are two different understandings of teacher skills in pedagogical theory. The
first one is related to the understanding of pedagogical work, and the second one is the
personality of the pedagogue.*

Kalit so'zlar: *pedagogik mahorat, shaxsining professionalligi, pedagogik takt,
professional sifatlar, notiqlik san'ati, nutqning muqaddimasi, kommunikatsiya, nutq
ijtimoiy til.*

1. O'qituvchida pedagogik va psixologik qobiliyatlarni rivojlantirish yo'llari.

Pedagogik mahorat ko'p qirrali va keng ma'noli tushuncha bo'lib, uning shakllanishi va rivojlanishi uzoq vaqt davom etadi. O'qituvchining-pedagogik qobiliyatlarini, xislatlarini va professional-pedagogik mahoratini shakllantirish va rivojlantirish ichki qarama-qarshiliklarga ega hamda ko'pgina omillarning ta'sirida kechuvchi jarayondir. Bu jarayon o'z-o'zidan kechmaydi, balki boshqariladigan bo'lib, birinchi navbatda har bir o'qituvchining bilimi saviyasi, dunyoqarashi, aqliy, estetik va jismoniy rivojlanishi darajasiga bog'liqdir.

Pedagogik mahoratning va uni tashkil etuvchi qobiliyatlarning shakllanishi va takomillashuviga o'qituvchi shaxsining professional, ijtimoiy, ruhiy va ma'naviy rivojlanishidagi qarama-qarshiliklarni yengish orqali erishiladi. Tadqiqotlarning ko'rsatishicha, bu qarama-qarshiliklar quyidagilardan iborat:

- o'qituvchining bilimlari, umumiy ma'lumotlilik va xulqiy tajribasi o'rtasidagi qarama-qarshiliklar;
- o'qituvchining nimani va qanday bajarish kerakligini tushunishi va amaliy harakatlari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar;
- turli sharoitlar va vaziyatlarda o'qituvchining o'zini tutishi bilan bog'liq qarama-qarshiliklar;
- pedagogik taktining rivojlanganligi darajasi to'g'risidagi o'qituvchining shaxsiy bahosi va boshliqlari, hamkasblarining fikri, bergan bahosi o'rtasidagi qarama-qarshiliklar va boshqalar.

Bunday qarama-qarshiliklarni hal etishning muhim sharti sifatida kasbiy shakllanish va rivojlanishning murakkab jihatlarini, o'qituvchi uchun zarur bo'lgan sifatlarni tarbiyalash vazifalarini hal etishga xalaqit berayotgan omillarni bartaraf etish yo'llarini pedagog va bo'ysunuvchilar tomonidan to'g'ri tushunishni ko'rsatish mumkin.

O'qituvchining professional sifatlarining, pedagogik mahoratining va qobiliyatlarining shakllanishiga jamiyatdagi turmush tarzi, kundalik faoliyat, jamoadagi ma'naviy-ruhiy muhit va boshqa omillar ham o'z ta'sirini ko'rsatadi.

O'qituvchining hayoti va faoliyatini tahlil qilgan holda, bu jarayon bir necha bosqichlarni o'z ichiga olishini ko'rsatib o'tish mumkin.

O'qituvchida-pedagogik xislatlarning, qobiliyatlarining shakllanishiga va rivojlantirilishiga ular oliy pedagogika bilim yurtida o'qish davrida asos solinadi. Bolalarda oqituvchisiga qarab, uni yahshi ko'rib, bo'lajak -pedagogik faoliyatga nisbatan moyillik va qiziqish shakllantiriladi. Bu davrda profesional-pedagogik faoliyatning, ta'lim-tarbiya ishlari jarayoni metodikasining barcha masalalari bo'yicha zarur bo'lgan bilimlar asoslari beriladi, boshlang'ich malaka va ko'nikmalar shakllantiriladi.

O'qituvchi pedagogik mahoratini takomillashtirishda, shu jumladan, pedagogik qobiliyatlarini rivojlantirishda ularning maktabdagi ish faoliyatlarini amalga oshirish jarayoni muhim o'rin egallaydi.

O'qituvchi ish faoliyatining birinchi yillari ularning o'qituvchi va tarbiyachi sifatida shakllanishidagi muhim va mas'uliyatli davri hisoblanadi. Chunki u endi egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini amalda qo'llashi lozim bo'ladi va buning uchun shaxsiy javobgarligini his etadi.

O'qituvchining pedagogik mahoratini, qobiliyatlarini takomillashtirishda quyidagi tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

1. O'qituvchining kerakli ilmiy bilimlar bilan qurollantirish.
2. Turli vositalar va metodlar yordamida o'qituvchi shaxsiga maqsadli va tizimli pedagogik ta'sir ko'rsatish.

3. Maktabdagi faoliyatni xujjatlar talablari asosida tashkil etish.

4. O'qituvchilarni ta'lim-tarbiya jarayoniga kengroq jalb etish.

5. O'qituvchining o'z bilimlarini, umumiy madaniy saviyasini, pedagogik mahoratini oshirish maqsadida o'z ustida mustaqil ishlashini, o'z faoliyati, xulqini nazorat qilishini tashkil etish va boshqalar.

O'qituvchining pedagogik qobiliyatlarini rivojlantirish uchun o'qituvchidan doimiy ravishda o'zining bilimi hajmini va saviyasini oshirish, ilmiy izlanishlar olib borish, mamlakatimiz va jahon fani yangiliklari bilan tanishib borish, o'z ustida mustaqil ishlash talab qilinadi. Buning uchun keng imkoniyatlar mavjud. Malaka oshirish kurslarida o'qish, ilmiy anjumanlarda faol ishtirok etish, turli adabiyotlar ustida ishlash va boshqalar ana shunday imkoniyatlar jumlasiga kiradi.

Afsuski, ba'zan bir necha yil davomida ish faoliyatini yuritayotgan o'qituvchilar orasida pedagogika o'quv yurtida o'qish davomida egallagan bilimlari bilan kifoyalanib qolgan, o'zining bilimi doirasini kengaytirish, yangi, zamonaviy bilimlar bilan boyitish ustida ishlamayotganlar ham uchrab turadi.

Inson, qaysi kasb egasi bo'lmasin, bilim olishdan to'xtab qolmasligi va charchamasligi darkor. Chunki fan bir joyda to'xtab qolmaydi, u doimo harakatda bo'ladi, rivojlanib boradi. Boshqalarga ta'lim va tarbiya beruvchi shaxs esa har doim ana shu harakatning, rivojlanishning oldingi saflarida bo'lishi lozim. Pedagog o'z bo'ysunuvchilarini eskirib qolgan kechagi bilimlar bilan emas, balki ertangi kunga asos yaratadigan yangi bilimlar bilan qurollantirib borishi kerak.

Pedagogik qobiliyatlarni rivojlantirish uchun pedagog ta'lim jarayonining xususiyatlarini, qonuniyatlarini chuqur bilish, psixologik va pedagogik bilimlarni puxta egallash lozim. Shuningdek, ilg'or pedagogik tajribani o'rganish, tajriba almashish, boy pedagogik tajribaga ega bo'lgan o'qituvchilar o'tadigan mashg'ulotlarni kuzatish va o'zi ham ochiq mashg'ulotlar o'tib, ularning fikrini bilish va aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha tegishli choralar ko'rish ham pedagog- o'qituvchining kasbiy qobiliyatlarini oshirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

O'qituvchining nutq madaniyati va notiqlik san'ati.

Bir vaqtlar nutq yuksak san'atlar qatoriga ko'tarilgan, uning sirlarini maxsus maktablarda yillar mobaynida o'rganishgan. Notiqlik san'atining mashaqqati shu darajada bo'lganki, nutqidagi nuqsonni yo'qotish uchun hatto quduqlarga tushib o'tirib nutqni mashq qilishgan. Buyuk notiqlar Demosfen va Sitseronning hayoti fikrimizni isbotlaydi.

Ma'lumki, madaniy meros, ya'ni o'tmish davrlar madaniyati keyingi avlodlar madaniyatiga asos bo'lib, uni rivojlantiradigan qismi hisoblanadi. Shu jihatdan olganda mustabid davrida qadrsizlantirib yuborilgan insonparvarlik axloqi xalqlarimizning adolatsizlarcha va takabburlarcha nazardan chetda qoldirilgan o'tmishi, ilg'or axloqiy merosining yutuqlari, qadriyatlarini, afzalliklari bilan boyitilishi ayniqsa muhim. Zero, o'rta Osiyo xalqlarining tarixdagi o'rni, o'ziga xosligi, ularni jahon madaniyati hazinasiga qo'shgan xissasi bag'oyat ulug'. Notiqlik va notiqlik san'ati borasida ham Sharq, xususan Mavorounnahr va Xuroson maktabi namoyondalari jahon madaniyatining gultojisi sifatida ajralib turadi. Bu borada notiqlik san'atida o'ziga xos maktab yaratgan Husayn Voiz Koshifiy (1440-1505) butun Xuroson diyorida Husayn Bayqaroning voizi, ta'burchisi, maslahatchisi sifatida mashhur edi. U musulmon xalqlarining muqaddas kitobi qur'oni Karimga oddiy xalq tushunadigan qilib, soddalashtirib, to'rt kitobdan iborat sharh yozgan. Koshifiy o'z zamondoshlaridan farqli o'laroq, yuzni o'qish san'ati bo'yicha ham ibratli fikrlarni bayon qilgan. Voiz Koshifiy insonning chehra, soch, quloq, tishiga qarab axloqini,

fe'l-xuyini aytib berish iste'dodiga ega bo'lgan ajoyib xislat sohibi edi. Uning nomi ismi hozir ham tillardan tushmaydi.

Notiqlik san'atining nodir namunalarini yaratishda yozuvchi, shoir, san'atkor va boshqa madaniy-ma'rifiy soha vakillarining xizmatlari katta. Xatto, Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor, Hamid Olimjon, G'afur G'ulom, Shayhzoda kabi allomalarning ayrim nutqlari teran mazmuni, ijtimoiy salmog'i, emotsional ko'tarinkiligi bilan ma'naviyatimiz tarixida chuqur iz qoldirgan. G'afur G'ulomning Qozon shahrida o'tgan Abdulla To'qay yubileyida so'zlagan nutqining dovrug'i Tataristonning eng olis ovullarigacha borib yetgandi Abdulla qahhorning 60 yillik tavallud kunida so'zlagan nutqini eslaylik. Adibning «men partiyaning soldati emas, ongli a'zosiman, to'g'ri kelgan har bir kimsaga chest bermayman» degan so'zlari bir zumda «katta og'alarning» qulog'iga yetib borgan va katta idoralarda o'tirganlarni zir titratgandi.

Shuni alohida aytish kerakki, ofitser-pedagog faqat chiroyli so'zlarni qo'llay olishdangina iborat emas, balki notiq so'zning ta'siri, uning ijtimoiy ahamiyatiga ham katta e'tibor berishi kerak. Zero, notiqning saviyasi, iqtidori, salohiyati va insoniyligi u so'zlagan matnning nechog'li ahamiyatga ega ekanligi bilan belgilanadi.

Ayrim nutqlar badiiy tafakkur rivojiga ta'sir ko'rsatibgina qolmay, ijtimoiy taraqqiyotning ham muhim omiliga aylanishi mumkin. O'zbekiston xalq yozuvchisi Odil Yoqubovning SSSR xalq deputatlari qurultoyining minbaridan turib aytilgan nutqida «...o'zbeklarga ham beqiyos baxtu saodat, farovonlik, to'qlik baxsh etgani, har chorrahada ayyuhannos urib maqtanuvchi kommunistik partiya va sho'ro hukumatining riyokorligi, munofiqligi, tili boshqa-yu dili boshqa ekanligini ayovsiz fosh qilingan»ligi o'zbekning chinakam qahramonligi edi. Bu ba'zan katta-katta kitoblar qilolmagan ishni kichkina va qisqagina bir nutq qilishi mumkinligiga, minbardan turib aytilgan so'z yurakdan otilib chiqsa, boshqa odamlar qalbida ham unutilmas iz qoldirishi mumkinligini isbotlaydi Bu kabi nutqlar nafaqat badiiy tafakkur rivojiga ta'sir ko'rsatadi, Ayni paytda, ijtimoiy taraqqiyotning ham muhim omiliga aylanishi mumkin. Kommunistik partiyaning munofiqligini, amalda avvalgilarning hammasidan mudhishroq va shafqatsizroq mustamlaka siyosati yurgizganini baralla aytgan Odil Yoqubov nutqini akademik Andrey Saxarov o'sha qurultoyda o'rnidan turib olqishlagan, qurultoy deputatlari o'zbeklar ichida haqgo'y, adolatparvar, erksevar odamlar borligidan, ularni yuksak darajada tafakkur qila olishlariga yana bir bor amin bo'lgandilar. «Xudo haqi, Odilning shu nutqidan keyin, -deya hotirlagan edi qahramon munaqqidimiz Ozod Sharafuddinov,- men olis-yaqin yurtlarga borganimda qaddimni g'oz tutib, bo'ynimni egmay, indamay, qisinmay «men o'zbek ziyolisiman» deydigan bo'ldim..., Odil o'sha nutqi bilan o'zbek publitsistikasini rekord yuksaklikka ko'tardi»

Sobiq Sho'rolar davrida majlislarda, katta-kichik yig'inlarda gapiriladigan nutqlarning ichki qurilishi muayyan qolipga tushib qolgandi. Nutqning muqaddimasi partiyaga hamdu sanodan boshlanishi, avvalo partiyaga ta'zim, shon-sharaf va qulliq qilinar, so'ng erishilgan yutuqlarning olamshumulligi haqida gapirish talab qilinar edi. Shulardan keyingina, agar vaqt qolsa, asosiy masalaga o'tilar edi.

Nutq qaysi mavzu doirasida bo'lishidan qat'iy nazar nutqda notiqning hayot yo'li, yillar mobaynida kechirgan jamiki murakkabliklari, chekilgan iztiroblar aks etmog'i va shunga uxshash narsalar hayajon bilan bayon etilmog'i kerak. Shuning uchun ham odamlar yubileyini nishonlayotgan insonga oxirida so'z berganlarida uning so'zini butun vujudlari bilan eshitishga harakat qiladilar, nutqni gulduros qarsaklar bilan olqishlaydilar. Boisi, yubilyarning nutqida uning hayoti, hayajoni va samimiy mulohazasi aks etgan bo'ladi.

Uzoq davrlardan buyon kishilarning o‘zaro munosabatlarida, ular bir-birlarini tushinishlarida, fikr almashishlarida nutq, nutqiy munosabatlar hamisha muhim ahamiyat kasb etib kelgan. Bugun zamon talabiga mos ravishda tilning kommunikativ-funksional tamoyiliga asosan nutqiy faoliyatga e’tibor kuchaydi. Nutqiy faoliyat til va nutq dialektikasiga muvofiq tarzda ro‘yobga chiquvchi hodisa bo‘lib, uning har qanday turi so‘zlovchi va tinglovchi o‘rtasidagi o‘zaro munosabat vositasi hisoblanadi.

Nutqning mohiyati uning madaniyligi, ommaviyligi va ijtimoiy qimmatini bilan belgilanadi. «Madaniy nutq», «nutq madaniyati», «notiqlik» degan iboralar bor. Nutqning xarakteri anashularning mohiyatini bilish bilan izohlanadi. Ularning lingvistik birlik sifatida o‘z xususiyatlari mavjud bo‘lib, ular insonlarning o‘zaro fikr almashishdagi nutqiy jarayonning bosqichli shakllari deyish mumkin. Anashu shakllar to‘g‘ri nutq, nutq madaniyati – notiqlikdir.

Nutq madaniyati, nutqiy mahorat va notiqlik san‘atiga doir qator ilmiy ishlar muallifi, zamonamizning ajoyib notig‘i Rahimboy Jumaniyozov nutqiy faoliyatning bir-biri bilan uzviy bog‘liqligi, o‘ziga xos turlari hamda og‘zaki nutq va yozma nutq haqida talaygina ijobiy fikrlarni bayon etadi.

Muloqot vositasi *kommunikatsiya* nutqiy (og‘zaki va yozma), *paralingvistik* (tovush oxangi, gap tezligi, ovoz tembr), *kinetik* (hatti-harakat, mimika, harakatning boshqa shakllari) va narsa belgisi (haykal, rasmlar) vositalar tarzida amalga oshiriladi. Nutqiy malakaga, ko‘nikmaga ega bo‘lmagan o‘qituvchi yoki talaba tilimizning sofligini ham, boyligini ham namoyish eta olmaydi. Chinakam notiq nutq texnikasi - ovoz, nafas, to‘xtalish, oxang kabi nutqning ifoda vositalari, mashqiy jarayon bilan chegaralanib qolmasdan balki nutqiy mahorat nutqiy faoliyat qirralarini egallashga intilishi, nazariy ma’lumot va amaliy mashg‘ulotni uyg‘unlashtira olishi zarur. Ifodali o‘qish matn mazmunini yetkazishga daxldor texnik va nazariy vositalarni bilish va unga amal qilish har doim ahamiyatlidir.

Zamonamizning e’tiborli notig‘i Rahimboy Jumaniyozov o‘zining «Nutqiy mahorat» nomli risolasida notiq va voiz tushunchalari bir xil ma’noga ega emasligi, ular mohiyat e’tibori bilan alohida san‘at ekani, ularning bir-biridan farq qiluvchi tomonlari haqida ta’kidlaydiki, «Notiqlik qo‘llanish o‘rni, mavzu doirasi va ma’no qamrovi jihatidan birmuncha keng. Voizlik ham nutqiy mahorat orqali o‘z ro‘yobini ko‘rsatadi. Unda diniy, didaktik va hayotiy mazmun ustuvorlik qilgan, notiqlik dunyovilik bilan hamma davrda makonlarda har xil g‘oya va maslaklarga xizmat qilgan. Shunday ekan, voizlik notiqlikning bir ko‘rinishi degan fikr haqiqatga yaqin»

Agar o‘xshatishimiz o‘rinli bo‘lsa, bugungi kunda voiz-va’zxon ataluvchi kishilar diniy bayramlar va marosimlar – Ramazon va Qurbon hayitlari, Amri ma’ruf, Mavlud an-nabiy, Xatmi Qur’on kabi islomiy marosimlarda diniylik bilan zamonaviylikni uyg‘unlashtirgan xolda ilm, ma’rifat, shariat va axloq masalalariga doir mavzular asosida suhbat quruvchilardir.

Voizlik san‘atiga suxandonlik san‘ati yaqin turadi. Suxandonlik mohiyatan so‘z ustasi, so‘zga chechan degan ma’nolarni anglatadi va u diktir so‘zidan farq qiladi. Xalqimiz O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan artist O‘tkir Sidiqovni suhandon, so‘z ustasi sifatida qadrlaydi, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan artist Nasiba Ibrohimovani esa mohir diktir sifatida yaxshi ko‘radi.

Amir Unsurulmaoniy Kaykovus «Qobusnoma» asarining «Suxandonlik bila baland martabali bo‘lmoq zikrida» deb nomlangan yettinchi bobda suxandonlikning mohiyati,

zarurati, shartlari va xususiyatlari bilan bog‘liq muhim fikrlarni ilgari suradi. Suxandonlikning muhim shartlari – rostgo‘ylik hamda nomaqbul rostni aytishdan tiyilishda, so‘zni g‘oyatda ulug‘ligini xis qilish hamda so‘zni uvol qilmaslikda, so‘zning o‘rnida qo‘llay olish hamda undan oqilona foydalanishda deb biladi.

Kaykovusning fikridan xulosa qiladigan bo‘lsak, suhandon nafaqat chiroyli so‘zlashi, balki ma‘naviy-axloqiy jihatdan ham tarbiyali bo‘lishi zarur.

Nutqiy mahorat bu oddiy nutq emas, balki fikrni soda va chiroyli ifoda eta olishdir. Shu bois nutq madaniyati notiqlik bilan bevosita aloqador bo‘lsa ham, ular aynan bir tushunchalar emas. San‘at ma‘nosidagi notiqlik nutq madaniyatining eng yuqori nuqtasidan boshlanadi. Xalq orasida «so‘zga chechan», «gapni do‘ndiradi», «gapni qotiradi, kiyvoradi» degan iboralar yuradi. Bu notiqlik alomatlar bor kishilarga nisbatan qo‘llaniladi. Darhaqiqat ular nutqiy mahoratning ilmiy asoslaridan, uning sir-asrorlaridan voqif emas. Muayyan ma‘rifiy maqsad yoki mavzuni umumlashtirish, kompozitsion yaxlitlikda taqdim eta olish salohiyati ularda unchalik shakllanmagan bo‘ladi. Biroq har qanday xolatda – ulfatchilikda, gap-gashtaklarda, guzarlardagi suhbatlarda so‘z, nazmga va askiyaga moyilligi yuksakligi bilan «uloqni» olib ketadi.

Notiqlik tinglovchi e‘tiborini tortish asnosida chiroyli gapirish va mahliyo etish san‘atidir. Amma nutqning faqat chiroyli bo‘lishi notiq uchun kifoya qilmaydi: bema‘ni safsatlarni ham juda chiroyli qilib gapirish mumkin. Bu esa notiqlik emas, vaysaqilik sanaladi. Notiqlik nutq vositasida kishilarga muayyan g‘oya va maqsadlarni yetkazishni, ularni ma‘lum maqsadlarga yo‘naltirishni nazarda tutadi. Notiq nutqi 1-2 kishi uchun emas, keng auditoriyaga qaratilgan bo‘ladi. Shu bilan birga unda nutqning mazmuni, mantiqiy asoslariga, mundarijaviy tuzilishiga diqqat qilinadi. Notiqlikda notiq, oldindan qanday so‘zlash, nimadan boshlab, nimadan tugatish rejalarini tuzib olishi rasm emas. U go‘yo tayyorgarlik ko‘rilmagan nutqqa o‘xshaydi. Unda badihago‘ylik, hozirjavoblik ustunlik qiladi. Nutq madaniyati tugal fikr, go‘zal ifoda demakdir. Izchillik bilan bir-biriga mantiqan bog‘lanmagan tugal fikr va uning ta‘sirli ifodasi bo‘lmasa, u kishi qalbi, ongiga sig‘maydi, qabul qilinganda ham chuqur anglashilmaydi.

Nutqning to‘g‘riligi, deganda, dastaval uning adabiy til me‘yorlariga mos kelishi tushuniladi. Busiz boshqa aloqaviy sifatlar bo‘lishi mumkin emas.

Bunda o'quvchilarga quyidagi matn tarkibidan Mutal Burhonov va Abdulla Oripov mansablari, unvonlari yozilgan o'rinlarni ajratib yozish topshiriladi.

O'zbekiston Bastakorlar uyushmasi raisi, O'zbekiston Davlat konservatoriyasi professori, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis deputati, Senat a'zosi, O'zbekiston Respublikasi mualliflik huquqini himoya qilish qo'mitasi raisi, Yaponiyaning Soka universiteti professori, “O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi” unvoni, “O'zbekiston xalq artisti” unvoni, Hamza nomidagi O'zbekiston Davlat mukofoti, Berdaq nomli Qoraqalpog'iston Davlat mukofoti, “El-yurt hurmati” ordeni, “Shuhrat” medali, “Buyuk xizmatlari uchun” ordeni, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Davlat mukofoti, “O'zbekiston Qahramoni” ordeni, “Italiya yulduzi” ordeni, Hamza nomidagi O'zbekiston Davlat mukofoti, “O'zbekiston xalq shoiri” unvoni.

Darsni xulosalash

“Butun umrim davomida odamlar yodida qoladigan, sira eskirmaydigan, hamma jo'r bo'lib kuylaydigan qo'shiq yaratish niyati bilan yashadim. Niyatim sof edi. Men Davlat madhiyasi musiqasi muallifi sifatida bugun ana shu niyatimga yetdim. Shuni bilamanki, xalqim meni hech qachon unutmaydi”.

Darhaqiqat, buyuk bastakor M.Burhonov bashorat qilganidek, bugun mohir bastakor va xalq shoiri qalblarimiz va xotiralarimizda yashamoqda. Ruhlari shod bo'lsin!

O`quv mashg`ulotining yakunida uy ishi berilib, o`quvchilar bilimi izohlangan holda baholanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. N.Mahmudov, Y.Odilov, G.Ziyodullayeva . Ona tili. - Toshkent-2018.
2. N.Saidaxmedov, S.A. Abdurahimov. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiyalar. – Toshkent-2019

SANOAT KORXONALARIDA INVESTITSION FAOLIYATNI TASHKILIY- IQTISODIY MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Bakayeva Nilufar Bahriddinovna

*O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
OSIYO XALQARO UNIVERSITETI IQTISODIYOT (Tarmoqlar va sohalar bōyicha)
magistri*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8083616>

Annotation: *this article reflects the views on improving the organizational and economic mechanism of investment activity in industrial enterprises.*

Keywords: *industrial production enterprises, indicators of the competitiveness index, entrepreneurial ability, chemical industry, development, innovation, management, industry, improvement of the management system.*

Annotatsiya: *Ushbu maqola sanoat korxonalarida investitsion faoliyatni tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish borasida qarashlar o'z ifodasini topadi.*

Kalit so'zlar: *Sanoat ishlab chiqarish korxonalari, raqobatbardoshlik indeksi ko'rsatkichlari, tadbirkorlik qobiliyati, kimyo sanoati, rivojlanish, innovatsiya, boshqaruv, sanoat, boshqaruv tizimini takomillashtirish.*

Аннотация: *В данной статье находят свое выражение взгляды на совершенствование организационно - экономического механизма инвестиционной деятельности на промышленных предприятиях.*

Ключевые слова: *промышленные производственные предприятия, индекс конкурентоспособности, предпринимательские способности, химическая промышленность, развитие, инновации, менеджмент, промышленность, совершенствование системы управления.*

Jahon hamjamiyatiga integratsiyalashayotgan O'zbekiston Respublikasi uchun ham iqtisodiy rivojlanishning usutuvor yo'nalishlarini aniqlab olish kabi muhim masalalar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" PF4947-sonli Farmonida belgilab berildi. Qayd etish kerakki, mazkur me'yoriy-huquqiy hujjatda O'zbekiston Respublikasini taraqqiy ettirishning bir qancha yo'nalishlari bilan bir qatorda "Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlari" bo'linmasida tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini, xususan, sanoat ishlab chiqarishini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish masalalariga qaratilgan mulohazalar keltirib o'tildi. Bundan tashqari, mamlakat miqyosida sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirishga doir bir qancha me'yoriy-huquqiy hujjatlar ham ishlab chiqildi. Dastlabki yo'nalish O'zbekistonda sanoat ishlab chiqarishining muayyan bir tarmoqlarini rivojlantirishga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlardir.

Bundan tashqari, mamlakat miqyosida sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirishga doir bir qancha me'yoriy-huquqiy hujjatlar ham ishlab chiqildi. Dastlabki yo'nalish O'zbekistonda sanoat ishlab chiqarishining muayyan bir tarmoqlarini rivojlantirishga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlardir. Mamlakatimizda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirish, yangi industrial tarmoqlarni shakllantirish, sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish va ularni qayta jihozlash, mahsulotlar eksportini oshirish bilan

bog‘liq ishlar bevosita investitsion jarayon bilan bog‘liq. Shunday ekan, sanoat ishlab chiqarishini taraqqiy ettirishga doir qabul qilingan me‘yoriy aktlar bevosita investitsiya faoliyatini yuritishga oid tashkiliy-huquqiy hujjatlar bilan uzviy bog‘liq ravishda ishlab chiqilishi va bir-birini to‘ldirishi tabiiy. O‘zbekiston Respublikasida ham investitsiya faoliyatiga oid ko‘plab me‘yoriy – huquqiy hujjatlar ishlab chiqilgan bo‘lib, ularning eng asosiysi bu “Investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni hisoblanadi. Mamlakatimiz sanoat korxonalarida innovatsion boshqaruv samaradorligini oshirishda korxonaning strategik rivojlanish maqsadlarida innovatsion faoliyatga oid rivojlanish yo‘nalishlarini shakllantirish, innovatsiyalarni amaliyotga tabiiy etish bo‘yicha tegishli chora-tadbirlarni ishlab chiqish maqsadga muvofiq. Bunda innovatsion boshqaruv maqsadlari daraxtini shakllantirishda yuqorida taklif etilgan usuldan foydalanish yuqori samaradorlikka erishish bilan bir qatorda, korxonaning innovatsion rivojlanishining barqarorligini ta‘minlash uchun zamin yaratadi. Sanoat korxonalarida mahsulot ishlab chiqarish, korxonaning innovatsion boshqaruvi samaradorligi ko‘rsatkichlari ta‘sirida o‘zgarishi mumkin bo‘ladi. Ya‘ni sanoat korxonasida innovatsion boshqaruv to‘g‘ri tashkil etilgan bo‘lib, mahsulot ishlab chiqarish jarayonlari texnik va yexnologik jihatdan zamon talablariga qanchalik mos bo‘lgani sari ishlab chiqarish hajmi shunchalik yuqori sur‘atda ortadi.

O‘zbekiston iqtisodiyotining hozirgi holati sanoat sektorida boshqaruv samaradorligini oshirishni, biznes amaliyotida sanoat biznesining sifat jihatidan o‘shirishni va uning ichki va tashqi bozorda raqobatbardoshligini ta‘minlaydigan yangi boshqaruv vositalarini qo‘llashni talab qiladi. Mikro darajadagi sanoat iqtisodiy tizimlarini rivojlantirishning strategik manfaatlari biznesni kapitallashtirishning o‘shirishiga, uning rivojlanishining barqarorligiga va dinamik o‘zgaruvchan muhitda uzoq muddatli raqobatbardoshlikka va sanoat bozorlarining imkoniyatlariga erishishga qaratilgan. Boshqa tomondan, an’anaviy ravishda sanoat biznesini rivojlantirishni tezkor boshqarishning maqsadi joriy foyda va iqtisodiy samaradorlikni maksimal darajaga ko‘tarish hisoblanadi. Ko‘rinib turibdiki, bozor, sanoat biznesi va sanoat bozorlarining institutsional o‘zgarishi sharoitida iqtisodiy samaradorlik sanoat korxonalarini barqaror rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari bilan mutanosib ravishda tezkor boshqarish funksiyasi sifatida ko‘rib chiqish zarurati yanada dolzarb bo‘lib qolmoqda.

Kimyo sanoati markazlashgan boshqaruv doirasida yaratilgan va boshqarilib, yagona iqtisodiy majmua sifatida qurilgan. Amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar jarayonida bir xil sanoat maydonida joylashgan va bitta korxonaga vakili bo‘lgan kimyo sanoati korxonalarini bir-biridan mustaqil ravishda xususiylashtirildi va alohida aksiyadorlik jamiyatlariga ajratildi. Bu oxir-oqibat tovar zanjirlarining uzilishiga olib keldi. Sanoatning o‘ziga xos xususiyati shundaki, hatto yirik kimyoviy zavodlarda ham texnologik jihatdan mahsulotlarni yetkazib berish zanjiridagi oraliq aloqalari bo‘lib, ularning uzilishi eksportga individual aloqalarni yo‘naltirishga, korxonalar yukining keskin pasayishiga olib keldi. Prezidentimiz tomonidan qabul qilingan “Kimyo sanoati korxonalarini yanada isloh qilish va moliyaviy sog‘lomlashtirish, yuqori qo‘shilgan qiymatli kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”lgi qarori mamlakat kimyo sanoatining holatini, o‘z hududida yirik kimyoviy majmualarga ega hududlarni, shuningdek sohadagi yetakchi korxonalarini jiddiy tahlil qilish va kimyo sanoatining barqaror iqtisodiy rivojlantirish yo‘liga o‘tishiga yordam beradigan tashkiliy va iqtisodiy mexanizmlarni shakllantirish yo‘llarini izlash uchun asos yaratdi. Sanoat ishlab chiqarishining o‘shirish, korxonalarining faol rivojlanishi, ularni ijtimoiy-iqtisodiy transformatsiya sharoitida moslashtirish muammolari mahalliy va xorijiy olimlarning asarlarida aks ettirilgan.

Ishlab chiqarish samaradorligini boshqarish nazariyasi va konsepsiyasi (klassik, natija, jarayon), kimyo sanoat biznesini bozor islohotining nazariy va amaliy muammolari bo'yicha fundamental tadqiqotlar natijalari, sanoat biznesini korporativ boshqarish uchun kontseptual asos hisoblanadi. Tadqiqotning instrumental va uslubiy apparati sifatida qiyosiy, tizimli tahlil usullaridan foydalanildi. Tadqiqotning axborot va empirik bazasi O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining rasmiy statistik materiallari, ko'rib chiqilgan qator masalalar bo'yicha sanoat korxonalarining faoliyati to'g'risidagi ma'lumotlar hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanishi ko'p jihatdan ustuvor tarmoqlar, xususan, kimyo, biokimyoviy, gaz va neft-kimyo sanoatining (bundan buyon matnda kimyo sanoati deb yuritiladi) rivojlanishi bilan bevosita bog'liqdir. So'nggi yillarda sohada yaratilgan poydevor keyingi 3-5 yil davomida kimyo sanoati salohiyatining barqaror o'sish dinamikasini ta'minlashga qodir. Shu bilan birga, kimyo sanoatining barcha sohalarini uzoq muddatli progressiv rivojlantirish uchun mustahkam bazani yaratish eng ilg'or xorijiy tajribani hisobga olgan holda sanoatni o'zgartirishni tezlashtirishni talab qiladi.

O'zbekiston iqtisodiyotini isloh qilishning yangi sharoitida kimyo sanoati rivojlanishini strategik qayta isloh qilish maqsadida, kimyo sanoatini o'zgartirishning asosiy uzoq muddatli strategik yo'nalishlari aniqlandi:

- texnologik transformatsiya-mahalliy xom ashyodan, shu jumladan organik sintez va nanotexnologiyalar orqali yarim tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish uchun yangi quvvatlar asosida xom ashyodan tayyor mahsulotga ko'p bog'lanishli qiymat zanjirlarini yaratish. Shu bilan birga, qayta ishlanmagan xom ashyo (tabiiy gaz, sanoat tuzi, paxta sellyulozasi, sirka kislotasi va boshqalar) eksportini bosqichma-bosqich kamaytirish mamlakatda ularni chuqur qayta ishlashni tashkil etish orqali; - iqtisodiy munosabatlar tizimini o'zgartirish-birinchi navbatda qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari va kimyo sanoati korxonalarini o'rtasidagi munosabatlar sohasidagi davlat aralashuvini cheklash va eskirgan rejalashtirish va tarqatish tizimidan butunlay voz kechish; - mulkiy munosabatlar tizimini o'zgartirish-sanoatda yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish va kimyo sanoati korxonalarini xususiylashtirishga xususiy kapitalni, shu jumladan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish orqali kimyo sanoati korxonalarida davlat ulushini tubdan kamaytirish, shuningdek korxonalar faoliyatida davlat hokimiyati organlarining aralashuviga yo'l qo'ymaslik ; - raqamli transformatsiya-moliyaviy, moddiy va kadrlar harakatini boshqarish, mahsulotlarni markalash, xalqaro moliyaviy hisobot standartlari asosida buxgalteriya tizimlarini joriy etish sohasiga zamonaviy dasturiy ta'minot tizimlarini joriy etish; - fan va ishlab chiqarish o'rtasidagi o'zaro aloqalarni o'zgartirish-innovatsion jarayonlarni tashkil etish va ilg'or xorijiy tajribalar asosida zamonaviy texnologiyalarni o'tkazishda fan va ishlab chiqarish o'rtasidagi o'zaro aloqalarning yangi tizimini tashkil etish; - kadrlar tayyorlash tizimini o'zgartirish-sohada kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish, shuningdek yuqori malakali mahalliy va xorijiy mutaxassislar tomonidan yaratilayotgan mavjud va yangi ishlab chiqarish obyektlarini kadrlar bilan ta'minlash.

O'zbekistonda kimyo mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 30 %ga ortgan bo'lib, bunga asosiy sabab sifatida korxonalarda amalga oshirilgan rekonstruktsiya ishlaridan keyingi samarali faoliyati hisoblanadi. So'nggi o'n yillikda respublikada kimyo mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi 9 barobarga ortdi. Respublika bo'yicha kimyo mahsulotlarini ishlab chiqarish sur'atiga katta hissa qo'shib kelayotgan hududlardan biri bu Farg'ona viloyatidir. Farg'ona viloyatida kimyo mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 31 % ya'ni respublika o'sish ko'rsatkichlariga yaqin tendensiya aniqlandi.

Rivojlanish deganda korxonani doimiy, maqsadga muvofiq takomillashtirish, uning tarkibiy va funksional tarkibini yangilash, o'zgaruvchan muhitda ishlashning umumiy samaradorligini ta'minlash, yetarli daromad va tegishli xarajatlar tufayli xodimlar, boshqa korxonalar va tashkilotlar, davlat oldidagi barcha majburiyatlarni bajarish tushuniladi.

"Rivojlanish - qisqartirish" koordinatalarida korxonalar rivojlantirishning turli holatlari, shu jumladan faol rivojlanish, barqaror rivojlanish, qayta qurish holati va bankrotlik holati ko'rib chiqiladi. Korxonaning faoliyati va rivojlanishiga bevosita to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatadigan omillardan resurs yetkazib beruvchilar, iste'molchilar va raqobatchilar ta'kidlangan. Bilvosita ta'sir omillari orasida, birinchi navbatda, ilmiy-texnik taraqqiyot yo'nalishlarining, shu jumladan jahon kimyo sanoatida, texnologik tuzilmalarning rivojlanishi va o'zgarishi, shuningdek davlatning sanoat va iqtisodiy siyosatining ta'siri ko'rib chiqiladi.

Ushbu tadqiqot shuni ko'rsatadiki, korxonalar ishlashi kerak bo'lgan tashqi muhit, kimyo sanoati murakkab dinamik muhit bo'lib, sezilarli o'zgaruvchanlikka ega bo'lgan eng muhim omillarning ko'pligi va xilma-xilligi bilan ajralib turadi va adaptiv boshqaruvni yaratish zarurligini asoslaydi, uning vazifasi tizimning moslashuvchanligini saqlab qolishdir. Shu bilan birga, moslashuv muammolarini hal qilishni ikki darajaga ajratish mumkin: mikroiqtisodiy-aniq iqtisodiy subyektlarning yangi iqtisodiy sharoitlarga bevosita moslashishi va makroiqtisodiy - rivojlanish va texnik xizmat ko'rsatish, shu jumladan davlat organlari tomonidan bozorda ishtirok etilishidir. Kimyo sanoati yuqori moddiy va energiya intensivligi bilan ajralib turadi. Moddiy xarajatlar kimyoviy mahsulotlar narxining 70% dan ortig'ini tashkil qiladi va boshqa tarmoqlar orasida issiqlik energiyasi iste'moli bo'yicha birinchi va elektr energiyasi iste'moli bo'yicha uchinchi o'rinda turadi. Yoqilg'i va energiya narxi ishlab chiqarish tannarxida 11% dan 25% gacha bo'lgan ulushlarga to'g'ri keladi.

So'nggi yillarda sanoatning barqaror iqtisodiy rivojlanish imkoniyatini cheklaydigan asosiy omillar mavjud, bu birinchi navbatda: - iqtisodiy islohotlarning eng muhim vazifasini, ya'ni ishlab chiqarishni modernizatsiya qilishdan manfaatdor bo'lgan samarali egasini shakllantirishni ta'minlamagan xususiyashtirishning samarasiz sxemalari va mexanizmlari. Xususan, xususiyashtirishning eng ommaviy bosqichida kimyo majmuasida yangi mulkdorlarning moliyaviy majburiyatlari 25% dan kam bajarildi. - raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarish uchun zarur shart-sharoitlarni ta'minlamaydigan past texnik daraja bilan ajralib turadigan sanoat ishlab chiqarish salohiyatining holati. Ishlab chiqarilgan kimyoviy mahsulotlarning yarmidan ko'pining sifat ko'rsatkichlari jahon standartlari talablariga javob bermaydi, bu yaqin kelajakda kimyo sanoat korxonalari uchun nafaqat tashqi, balki ichki bozorida ham vaziyatni jiddiy ravishda murakkablashtiradi. - tabiiy monopoliyalar mahsulotlari (tabiiy gaz, neftni qayta ishlash zavodi mahsulotlari, elektr energiyasi, temir yo'l) uchun narxlar va tariflarning o'sish sur'atlari oshib bormoqda. Uch yil davomida kimyoviy mahsulotlar narxlarining oshishi bilan sanoat iste'molchilari uchun elektr energiyasi narxlarining oshishi.

Energiya resurslari narxlarining o'zgarishiga to'g'ridan-to'g'ri mutanosib ravishda kimyo majmuasi korxonalari foydalanadigan eng muhim xom ashyo va materiallar narxlarining o'sishi tezlashdi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, zamonaviy sharoitda O'zbekistonda kimyo sanoatini barqaror rivojlantirish muammosini hal qilish davlatning barcha darajalarida, shu jumladan davlat, sanoat, mintaqaviy darajada va alohida korxonada sanoatni tartibga solishning tashkiliy va iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirishni talab qiladi. Bu yerda asosiy rol davlatga tegishli bo'lishi kerak, uning maqsadi mamlakat kimyo majmuasini rivojlantirishni tezlashtirish bo'lishi lozim.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 26-maydagi “2017–2021-yillarda qayta tiklanuvchi energetikani yanada rivojlantirish, iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada energiya samaradorligini oshirish chora-tadbirlari dasturi to‘g‘risida”gi PQ–3012-son qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining ID-9413-son “O‘zbekiston Respublikasini 2030 yilga qadar ijtimoiy-iqtisodiy kompleks rivojlantirish kontsepsiyasi to‘g‘risida”gi qarori.
3. “Raqamli O‘zbekiston — 2030 Strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 05.10.2020 yildagi PF-6079-son O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni

MOYLARNI SPEKTRAL TAHLIL QILISH

Kamolov Jo‘rabek Jalol o‘g‘li
Buxoro davlat universiteti doktranti

Kamolova Shahlo Jalol qizi
Buxoro davlat universiteti magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078721>

Annotatsiya. Moyning ko‘ffisiyentlari to‘lqin uzunliklariga bog‘liqligi spektri 600-1100 nm to‘lqin uzunliklar sohasida o‘lchandi. Oziq-ovqat yog‘lari uchun xarakterli bo‘lgan yutilish sohasidagi kritik nuqtalar 760 nm va 920 nm oraliqdagi hamda 1030 nm to‘lqin uzunliklarni kuzatdim. Moylarning optik xossalarini qizil to‘lqinliklar sohasida o‘rganildi.

Iste‘mol moylarini 340nm dan 600nm gacha bo‘lgan to‘lqin uzunliklari sohasida yutilish yoki o‘tkazish ko‘ffisiyentlarini kuzatish imkonibo‘lmadi. Shuning uchun 600nm dan 1100nm to‘lqin uzunliklar sohasida kuzatildi va o‘rganildi.

Kalit so‘zlar: Spektrofotometr, JS-16, JS-18, OS-12, OS-14 va KS-14 yorug‘lik filtrlari, dog‘langan va dog‘lanmagan paxta, zig‘ir kungaboqar moylari, (FTIR) IRPrestige-21IRAffinity-1/FTIR-8400S infraqizil spektrofotometr markali qurilmasi.

Spektrning ko‘rinadigan sohasidan u yoki bu qisimni ajratib olish uchun ko‘p miqdordagi absorbsion yorug‘lik filtrlari mavjud. Jumladan bo‘yalgan shishadan iborat bo‘lgan JS-16, JS-18, OS-12, OS-14 va KS-14 yorug‘lik filtrlari. Chiziqli spektrga ega bo‘lgan yorug‘lik manbalari ikkita spektral chiziq to‘g‘ri keluvchi monoxromatik yorug‘lik oqimini ajratadigan yorug‘lik filtri monoxromatik yorug‘lik oqimini ajratadigan filtr tayyorlanadi masalan, simob lampasi uchun shisha va jilatin yorug‘lik filtrlarining kombinatsiyalaridan iborat bo‘lgan yorug‘lik filtrlari ishlab chiqilgan. Ular simobning alohida chiziqlarini ajratib beradi va o‘tkazuvchanlikni katta integral ko‘ffitsenti bilan xarakterlaydi.

Yaqin vaqtlargacha spektrining ultrabinafsha sohasi uchun suyuq yorug‘lik filtrlaridan foydalanishga to‘g‘ri kelayapti. Buning uchun suyuqliklarning o‘zi yoki ba‘zi moddalarning suyuqlikdagi eritmasi ishlatiladi.

Spektrning ultrabinafsha sohasi uchun ultrabinafsha qisqa sohasining u yoki bu qismini ajratuvchi yorug‘lik filtrlari tayyorlash osonroq. Ultrabinafshaning tor sohasi uchun shaffof bo‘lgan ya‘ni spektrining uzun to‘lqinli sohasini ham ajratuvchi yorug‘lik filtrlari tayyorlash biroz qiyinroq. Faqat ultrabinafsha uchun butunlay yoki kerakli darajada kuchli saqlab qoluvchi absorbsion yorug‘lik filtrlarini tayyorlash undan ham qiyinroq.


Ba‘zan bu maqsadda brom va xlorning eritmaları ishlatiladi. 5 sm qalinlikdagi to‘yingan brom bug‘lari xona tempraturasida spektrning ko‘k qismi uchun shaffofmas va yashil qismi uchun qariyib shaffofmas bo‘lib hisoblanadi. Brom bug‘larining qoniqarli shaffofligi 3800 A dan boshlanib, spektrining ultrabinafsha sohasi tomon 2300 A gacha suriladi.

Bromning eritmaları yoki bug‘larining o‘rniga 100 sm³ suvga 10mlg kontsentratsiyada 5mm li qatlamga 5 sm qalinlikdagi brom bug‘larining shaffofligini beradigan nitrozodimetilanilinni ishlatish mumkin. Ultrabinafsha spektrining juda tor sohaslarini ajratish kerak bo‘lgan bromli yorug‘lik filtri nitrozodimetilanilin yorug‘lik


filtrini kaliy va natriyni xlorli yoki bromli tuzlarining eritmalarini bilan aralashma holdagi qo'rg'oshin tuzlarining eritmalarini kombinatsiyalab ishlatish mumkin.

Eritmada xlor yoki brom ionlari bo'lganda qo'rg'oshin tuzlarining yutish spektri kuchli deformatsiyalanadi. Bu esa shaffoflik sohasini to'liq uzunliklar shkalasida ma'lum chegaragacha surish imkonini beradi. Afsuski undan yorug'lik filtrlarining integral o'tkazuvchanlik koeffitsientlari kichik bo'ladi.


Spektr ultrabinafsha qismini ko'rinuvchi qismdan ajratish uchun temir aralashmalaridan xoli bo'gan nikel sulfat eritmalarini va kobalt sulfat eritmalarini ishlatiladi. Ko'rsatilgan eritmalar aralashmasi spektrning ko'rinadigan qismni qariyb butunlay yo'qotadigan yaxshi yorug'lik filtrlari olishga imkon beradi.



1-chizma. Dog'langan va dog'lanmagan paxta yog'ida yorug'lik yutilish koeffitsiyentining to'liq uzunligiga bog'liqligi.



2-chizma. Dog'langan va dog'lanmagan kungaboqar yog'ida yorug'lik yutilish koeffitsiyentining to'liq uzunligiga bog'liqligi.



3-chizma. Dog'langan va dog'lanmagan zig'ir yog'ida yorug'lik yutilish koeffitsiyentining to'lqin uzunligiga bog'liqligi.

Tajriba natijalarini adabiyotlar bilan solishtirib ko'rib olingan natijalar adabiyotdagi natijalar bilan mos kelishi aniqlandi.

Spektrning ko'rinish soxasini infraqizil soxasidan ajratuvchi yorug'lik filtrlari mavjud. Ko'rinishchi soxaga yaqin bo'lgan infraqizil soxa mis xlor eritmalar yordamida yaxshi ajraladi. Buni 4- chizmada kuzatish mumkin. 2-egri chiziq 2 sm qalinlikdagi xlorli misning 2 – 2,5 % li eritmasi . 1 - egri chiziq 1 sm qalinlikdagi distillangan suv. Spektrning ko'rinishchi soxasidan uzoqroqda bo'lgan infraqizil soxa oddiy suvli filtr bilan ajraladi.

Xulosa.

Moyning koeffitsiyentlari to'lqin uzunliklariga bog'liqligi spektri 600-1100 nm to'lqin uzunliklar sohasida o'lchandi. Oziq-ovqat yog'lari uchun xarakterli bo'lgan yutilish sohasidagi kritik nuqtalar 760 nm va 920 nm oraliqdagi hamda 1030 nm to'lqin uzunliklarni kuzatdim. Moylarning optik xossalarini qizil to'lqinliklar sohasida o'rganildi.

Iste'mol moylarini 340nm dan 600nm gacha bo'lgan to'lqin uzunliklari sohasida yutilish yoki o'tkazish koeffitsiyentlarini kuzatish imkonibo'lmadi. Shuning uchun 600nm dan 1100nm to'lqin uzunliklar sohasida kuzatildi va o'rganildi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Эркин Ш. и др. Технология получения тонкослойных гетероструктур n-cds/p-cef3 и исследование их электрических свойств //Results of National Scientific Research International Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 326-338.
2. Erkin o'g'li D. S. Quyoshdantushayotgannurlanishningenergiyabalansi //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 132-135.
3. Erkin o'g'li D. S. New Technologies for Vulcanization of Elastomeric Compositions //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 334-337.
4. Davronov S. E. O. G. L. O'ZBEKISTON VA HINDISTON UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA FIZIKA FANI DARSLIKLARINING QIYOSIY TAHLILI //Scientific progress. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 223-228.
5. Erkin o'g'li D. S. FTORID-IONLI VA SUPER-IONLI QOPLAMALARNI O'RGANISH. – 2022.

6. Djurayevich A. J. Opportunities Of Digital Pedagogy in A Modern Educational Environment //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2021. – Т. 3. – С. 103-106.
7. Djuraevich A. J. Zamonaviy ta'lim muhitida raqamli pedagogikaning o'rni va ahamiyati //Eurasian Journal of Academic Research. – 2021. – Т. 1. – №. 9. – С. 103-107.
8. Умаров С. Х. и др. Удельные сопротивления и тензорезистивные характеристики кристаллов твердых растворов системы $\text{TlInSe}_{1-x}\text{CuInSe}_x$ //Журнал технической физики. – 2019. – Т. 89. – №. 2. – С. 214-217.
9. Ashurov J. D. Nuclear medicine in higher education institutions of the republic of uzbekistan: Current status and prospects //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2022. – Т. 3. – №. 07. – С. 118-121.
10. Umarov S. K. et al. Single crystals of $\text{TlIn}_{1-x}\text{Co}_x\text{Se}_2$ ($0 \leq x \leq 0.5$) solid solutions as effective materials for semiconductor tensometry //Technical Physics Letters. – 2017. – Т. 43. – С. 730-732.
11. Djurayevich A. J. Education and pedagogy //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2021. – Т. 3. – С. 179-180.
12. Djorayevich A. J. EXPLANATION OF THE TOPIC" USE OF RADIOPHARMACEUTICALS IN GAMMA THERAPY" IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS USING THE" THOUGHT, REASON, EXAMPLE, GENERALIZATION (THREG)" METHOD. – 2022.
13. Ashurov J. D. THE IMPORTANCE OF ORGANIZING THE COOPERATION BETWEEN TEACHER AND THE STUDENTS IN THE CREDIT-MODULE TRAINING SYSTEM //Modern Scientific Research International Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 16-24.
14. Ashurov J. KREDIT MODUL TIZIMIDA JORIY QILISHDA O 'QITUVCHI VA TALABALARNING HAMKORLIKDA ISHLASHINING AHAMIYATI //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 6 Part 2. – С. 42-47.
15. Umarov S. H., Hallokov F. K. Piezophotorestrictive qualities of p-TlInSe₂ monocrystals //Евразийский Союз Ученых. – 2018. – №. 6 (51). – С. 38-42.
16. Temirov S. A. Yorug „lik interferensiyasini o“rganishda “phet” da tuzilgan dasturlardan foydalanish //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. 4. – С. 274-277.
17. Temirov S. A. Experimental results of the paraboloid concentrator //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 66-70.
18. Temirov S. KOMPOZITSION QOPLAMALARNING ISSIQLIK BARQARORLIGINI TADQIQ QILISH //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 6 Part 2. – С. 184-187.
19. Temirov S. VAKUUMLANGAN QUYOSH ISSIQLIK QABUL QILUVCHI ELEMENTINING LABORATORIYA MAKETINI SINOVDAN O 'TKAZISH //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 173-177.
20. Khusniddinova A. D., Muhiddinovich Z. X. INVESTIGATION OF AUTOMATION OF THE CONTROL UNIT OF THE TURRET HEAD OF THE LATHE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 11. – С. 346-350.
21. Абдуллаева Д. Х. ТРЕБОВАНИЯ, ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫЕ К ПРОГРАММНО РЕАЛИЗОВАННЫМ ЛОГИЧЕСКИМ КОНТРОЛЛЕРАМ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 68-71.

22. Khusniddinovna A. D., Nurilloevich Y. M., Radzhabovich E. D. Use of Computing Platforms of General Purpose as A Hardware Base //International Journal of Human Computing Studies. – 2021. – Т. 3. – №. 8. – С. 46-50.
23. Khusniddinovna A. D. DEVELOPMENT OF THE NETWORK MODEL OF THE EXPERIMENTAL STAND FOR TESTING THE OPERABILITY OF LOGIC CONTROL SYSTEMS //E Conference Zone. – 2022. – С. 161-163.
24. Абдуллаева Д. Х. ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СТРУКТУРЫ ПРЕДПРИЯТИЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОБРАБАТЫВАЮЩИХ ЦЕНТРОВ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 72-74.
25. Khusniddinovna A. D. Methods of Testing Logical Control Systems //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 28. – С. 247-249.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдурахманов А.А
ЎзМУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078734>

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда электрон тижоратни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги қоидалари муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: Электрон тижорат, электрон битим, электрон ҳужжат, шартномалар, электрон маълумотлар алмашинуви, рақамли имзо.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматриваются правовые нормы Республики Узбекистан и зарубежных стран, регулирующие отношения между участниками предпринимательской деятельности при осуществлении электронной коммерции с использованием электронных документов.

Ключевые слова: Электронная коммерция, электронная сделка, электронный документ, договоры, электронный обмен данными, цифровая подпись.

RESUME:

This article discusses the legal norms of the Republic of Uzbekistan and foreign countries that regulate relations between business participants in the implementation of e-commerce using electronic documents.

Key words: Electronic commerce, electronic transaction, electronic document, contracts, electronic data interchange, digital signature.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда алоқа ва Интернетдан кенг фойдаланилмоқда, бу эса кўплаб ҳужжатларнинг электрон айланишидан фойдаланиш имконини яратмоқда. Дунёда вужудга келган эпидемиологик вазият давлат фаолиятининг барча соҳаларида ҳужжатларни электрон шаклда алмашиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштирди. Айтиш мумкинки, мавжуд эпидемиологик вазият тадбиркорлик соҳасини ўзгарган вазиятга фаол жавоб беришга ва бизнес иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг шартлари ва шаклларини ўзгартиришга ундади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, электрон тижоратда ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш ва сотиш келажакда уларни анъанавий шаклда амалга оширишдан афзалроқ бўлиши мумкин [1].

Миллий ҳуқуқий тизимларда электрон тижорат тушунчаси ягона маънога эга эмас. Унинг кўлами турлича бўлиб, миллий қонунчиликда ушбу институтга қай даражада эътибор қаратилиши билан белгиланади. Яъни, агар илгари миллий юрисдикцияларда тижорат ҳуқуқи мезонлари ишлаб чиқилган бўлса энди улар электрон тижорат мазмунини белгилайдилар. Мисол учун, Европа мамлакатларида бир қатор чекловлар қўлланилади. Нотариал тасдиқлашни талаб қилувчи шартномалар, давлат органларида рўйхатдан ўтишни талаб қилувчи шартномалар, оила ва мерос ҳуқуқи соҳасидаги битимлар интернет тармоғи орқали тузилмайди [2].

Бирок, электрон тижорат Интернетдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган турли муносабатларни қамраб олади. Бу нафақат Интернет орқали сотиш, балки хизматлар (тиббий, юридик, бошқа профессионал маслаҳатлар, шунингдек, банк ва молиявий хизматлар) кўрсатишни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу мақолада электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда электрон тижоратни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги қоидалари муҳокама қилинади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда электрон тижорат фаол ривожланмоқда, у тобора хилма-хил ва кенгайиб бормоқда. Агар электрон тижорат соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у доимо кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда ва бу, албатта, электрон тижоратга янада кўпроқ қизиқиш уйғотади. Электрон тижорат тадбиркорликнинг муҳим элементиدير. Электрон тижоратнинг ҳуқуқий принципи шундан иборатки, шартнома тузган томонлар шартноманинг фақат электрон шаклда тузилганлиги сабабли унинг ҳақиқийлиги ва мажбурийлигига шубҳа қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ҳозирда кунда Ўзбекистон Республикасида “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун мавжуддир. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистонда электрон соҳасидаги битимларни умумам олганда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Мамлакатимизда бу турдаги ижтимоий муносабатлар ўзининг шаклланиш жараёнидадир. Олимлар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар электрон тижорат соҳасида юзага келадиган муайян муаммоларга эътибор беришмоқда. Бирок олимларнинг электрон тижорат муаммосига бўлган қизиқишига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда электрон тижорат соҳасида тузилган битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мантиқий изчил яхлит назарий концепцияси мавжуд эмас, бу эса қонунчиликни такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий назария АКТ, халқаро электрон айланманинг ривожланишидан ортда қолмоқда. Ҳуқуқий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тижорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишни талаб қилади. Ушбу муносабатларнинг кўшимча мураккаблиги уларнинг «хорижий элемент» иштироки билан боғлиқлиги ҳисобланиб, кўпинча тижорат битимлари иштирокчилари турли юрисдикцияларга тегишли бўлади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йил ичида энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди [3].

Цивилист олим Р.Ж.Рўзиевнинг таъкидлашича фуқаролик ҳуқуқи назариясида тадқиқот объекти сифатида номланмаган шартнома қонунчилигимизда кўрсатилганидек, “қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган” ибораси билан тавсифланади. Яъни, номланмаган шартноманинг табиати амалдаги фуқаролик қонунчилигимизда унинг белгиланмаганлиги (ном берилмаганлиги)да намоён бўлади. Яна шундай бир факт эътиборни ўзига тортадики, аксарият юридик адабиётларда номланмаган шартнома тушунчаси ФКда номи кўрсатиб ўтилмаганлиги, эътироф этилмаганлиги билан таърифланади [4]. Хусусан, россиялик цивилист олим Н.И.Клейн таъкидлашича, “РФ ГК 421-моддаси 2-қисми ГК да назарда тутилмаган шартномалардан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади. Айни пайтда РФ ГК 8-моддасида, агар шундай шартнома қўлланилган тақдирда у қонунга зид келмаслиги шарт” [5]. Цивилист олим В.Р.Топилдиевнинг фикрича, янги

технологиялар янги имкониятларни, янги воситаларни, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш усулларини, ҳуқуқ эгасига интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланишдан даромад олиш, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишнинг янги усуллари ва шаклларини яратади бу эса электрон тижорат соҳасини янада ривожланишига олиб келади [6].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасида битим ёзма шаклда тузилиши белгиланган, лекин электрон ёки бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда битим тузиш ҳақида норма белгиланмаган. Шунингдек ушбу модданинг 3-қисмида хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоши-иродасининг мазмунини ифодаладиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонунчиликда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади деб белгилаб қўйилган [7].

Электрон тижорат соҳасида Ўзбекистон Республикасида қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги 792-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” 29.04.2004 йилда қабул қилинган 611-П-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2016 йилдаги 185-сон “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724 қарори.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2015), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги (2004), “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2020) Фармони ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчилик, фуқаролик ҳуқуқининг умумий нормаларига қарамасдан, Интернетдаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ривожланишнинг дастлабки босқичидамиз. Қонунчиликни тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу эса назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш йўлида юзага келадиган ҳуқуқий тўсиқлар орасида махсус қонунчиликнинг тарқоқлиги ва бирлаштирилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўз навбатида электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларни ўрганиш заруриятдан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни қабул қабул қилинган бўлиб, унда, қуйидаги қоидаларни акс этилган:

– электрон тижоратда шартномалар тузиш жараёнида электрон хабарларнинг мақомини шакллантириш ва батафсил баён этиш;

– электрон тижорат соҳасида илғор хорижий ҳуқуқни қўллаш тажрибасини интеграция қилиш имконини берувчи электрон тижорат иштирокчилари фаолиятини соддалаштирадиган ягона ҳужжатларни қўллаш амалиётини жорий этиш;

– электрон тижоратни бошқаришда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– истеъмолчининг шахсига доир ва бошқа маълумотлари таркибини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;

– электрон тижорат соҳасидаги рақамли активлар билан боғлиқ операцияларнинг хусусиятларини ақс эттириш.

Электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий тартибга солишни қамраб олган асосий ҳужжатлар 1996 йилдаги “Электрон тижорат тўғрисидаги қонун” ва 2001 йилдаги “Электрон имзолар тўғрисидаги қонун” ҳисобланади[8].

Ушбу қонунлар қабул қилгунча ўн икки йиллик тайёргарлик кўрилди. 1984 йилда ЮНСИТРАЛнинг XVII сессиясида БМТ Бош котибининг “Маълумотларни автоматик қайта ишлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари” номли маърузасида электрон тижорат соҳасида қонун қабул қилиш зарурияти борлигини айтиб ўтган эди. [9].

Шундай қилиб, 1996 йилги ЮНСИТРАЛнинг Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилиниши учун қуйидаги ҳужжатлар асос сифатида олинди:

- “Маълумотларни автоматик қайта ишлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари” маърузаси (1984);

- “Компьютер ёзувларининг ҳуқуқий қиймати” (1985);

- “Электрон воситалар ёрдамида шартномалар тузишга оид ҳуқуқий масалаларни дастлабки ўрганиш” (1990);

- “Электрон маълумотлар алмашинуви” (1991);

- “Электрон маълумотлар алмашинувининг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида”ги намунавий қонун лойиҳаси (1994). [10].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш имкониятлари йилдан йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ривожланиши миллий ишлаб чиқарувчиларимизга янги бозорлар очиш, янги мижозлар топиш имкониятларини яратади. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича танланган ва амалдаги йўлдан тўғри бориш, келажакда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон бозорининг етакчи вакиллари билан бирига айлантиради. Ўзбекистонда электрон тижорат бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодий ривожланишимизда ўз аксини топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Яковенко А. (2019). Гражданско-правовая специфика сделок в электронной коммерции. Обзор законодательства Узбекистана, (2), 33–37. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/12621

2. Ананько А. Электронная форма сделки в международной торговле. <http://www.russianlaw.net/law/doc/a124.htm>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси//<https://president.uz/uz/lists/view>.

4. Р.Ж.Рузиев Номланмаган шартноманинг ҳуқуқий моҳияти. –Т., Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2015 №1. 19-23 бетлар.

5. Клейн Н.И. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). – М.: Юрид.фирма “Контракт”: ИНФРА – М, 2005. – С.945.
6. В.Р.Топилдиев. Замонавий технологияларни фуқаролик ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Фуқаролик ҳуқуқий фанларини ривожлантириш тенденциялари ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2022. 47-61 бетлар.
7. Топилдиев В. “Фуқаролик ҳуқуқи”. I қисм. “Университет”. -Т.: 2014.-288 б.
8. Ананько А. Электронная форма сделки в международной торговле. <http://www.russianlaw.net/law/doc/a124.htm>
9. Официальные отчеты Генеральной Ассамблеи, тридцать девятая сессия, Дополнение № 17 (А/39/17) (1984 год), Ежегодник ЮНСИТРАЛ, том XV: 1984 год R.86.V.2
10. Doing E-commerce in Europe. // Baker & McKenzie, 2001. P. 3.

E-COMMERCE: LEGAL REGIME AND DEVELOPMENT PROSPECTS

Abdurahmanov Abdumutal Abdujabborovich
National University of Uzbekistan
Master's Degree in Business Law
Gmail: abdumutalabdurakhmanov@gmail.com

Abduganieva Gulruh Mansur qizi
3rd year student of the Faculty of Social Sciences of the Mirzo Ulugbek National
University of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078757>

Abstract. *The article presents the characteristics of e-commerce/trade, briefly discusses the structure of online commerce. The given regulatory legal acts in force on the territory of the Russian Federation regulate the activities of domestic enterprises in the field of electronic commerce. In conclusion, the prospects for the development of e-commerce in the world market are analyzed, as well as a graph of the growth rate of orders on Internet sites.*

Key words: *e-commerce, e-commerce, online commerce, legal regime, regulations, legislation.*

INTRODUCTION.

The development of information technology has led to the automation of certain areas of banking structures, as well as to the computerization of various areas of the marketing activities of corporations. This forward-looking improvement has shaped e-commerce, which in turn has influenced the positive progress of the global economy. The main essence of e-commerce lies in the fact that the implementation of business results takes place on the Internet, that is, using tele information systems. The rapid growth of online commerce is driven by significant efficiencies and low costs.

Thus, e-commerce is characterized as an operation that is carried out in the teleinformation network (for example, the use of smartphones, computers, etc.), after which the rights to use the service / product are determined.³⁹

E-commerce is the activity of commercial enterprises aimed at marketing products through electronic means of information exchange.

The American economist D. Kozier developed a cycle of electronic commerce, which consists of five systems:⁴⁰

- access to the information;
- order;
- payment;
- fulfillment of an order;
- after-sales service and support.

³⁹ Shaydullina V. K. E-commerce and prospects for its development in the global economy // Bulletin of the State University of Management. - 2019. - No. 3. - S. 114-119.

⁴⁰ Kozier and Erbs Fundamentals of Nursing, Volumes 1-3, 5th edition. 5th edition | Published by (August 28th 2020) - Copyright © 2021

This cycle is quite simple, however, the exact and conscientious execution of each of the systems will lead to a positive result of the company's work.

Electronic commerce can be carried out at different levels, for example, trade can be conducted both on the intranational market and on the international one. The second one is more difficult to implement, because there are a number of differences in taxation, banking structures, and customs fees.

Online trading can function in different sectors of trade cooperation. So, depending on the parties involved in the relationship, the following sectors of e-commerce are distinguished, where the relationship between:

- B2B (business to business) – by legal entities;
- B2C (business to consumer) – by legal entities and individuals;
- B2G (business for government) – by legal entities and government organizations;
- C2C (consumer to consumer) - individuals;
- G2C (government for the consumer) - government organizations and individuals.

Each of the sectors has its own characteristics, goals and methods of relationships between the participants, which must be taken into account and correctly applied in the process of Internet commerce.

RESULTS OF THE RESEARCH.

E-commerce every year occupies an increasing market share in the global economy and is rapidly becoming an independent part of the global economy. Therefore, it is especially important to understand which legal acts in force will be applicable in the field of online trading.

There is no special legal regime applicable to electronic commerce in the Republic of Uzbekistan, however, there are separate legal acts that can be used as part of the implementation through electronic commerce. Knowledge of legal documents will allow you to carry out trading activities through online sales within the framework of the legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as understand your rights and obligations.

Thus, in the legislation of the Republic of Uzbekistan there are a number of basic regulatory documents that allow regulating the work of companies in the online trading mode:

- Regulations aimed at organizing trading activities:
- Constitution of the Republic of Uzbekistan;
 - Civil Code of the Republic of Uzbekistan;
 - Tax Code of the Republic of Uzbekistan;
 - Law on e-commerce
 - Regulation "On the procedure for state registration of business entities";

The presented list of regulations represents the current legal regime of electronic commerce, with the help of which entrepreneurs can use it as a defense of their interests and the legal fulfillment of their obligations to the parties. However, as noted earlier, there is no special legal regime governing electronic trade relations in Uzbek legislation.⁴¹

The development of separate legal provisions for e-commerce at this stage of the development of online sales is most important due to the sharp growth in online orders by consumers on various trading platforms, especially during the spread of coronavirus infection. The impact of the pandemic was felt particularly sharply by small and medium-sized enterprises, as retail space was closed, obligations remained, but the sale of products was impossible. It was the described period that became a dynamic impetus towards the rapid development of online business and the transition of enterprises to new conditions.

⁴¹ Shaydullina V. K. E-commerce and prospects for its development in the global economy // Bulletin of the State University of Management. - 2019. - No. 3. - S. 114-119.

Thus, companies had to adapt to the changed external environment in order to maintain their business.

Analyzing the presented graph of the dynamics of the number of orders in online stores over the past 9 years, the rapid growth of orders began in the last 3 years, for example, since 2019, consumers have begun to prefer virtual shopping to traditional by 37% more. First of all, this increase is caused by the spread of coronavirus infection since the end of 2019, when citizens no longer had an alternative option for buying goods and acquiring services. In turn, this gave a huge impetus to various corporations to develop in electronic commerce and adapt to modern conditions of market relations.

Also, according to the forecast for the development of Internet commerce for the next 5 years, taking into account the impact of the coronavirus, built by the Data Insight agency, the average growth in Internet commerce from 2019 to 2024 (CAGR) will be 33.2%. Over the years, the market for sales of material goods via the Internet will grow from 1.7 to 7.2 trillion rubles.⁴²

This positive dynamics will significantly affect the development and establishment of electronic commerce, capturing an increasing share in the economy of both Russia and the world as a whole.

Thus, e-commerce is becoming a modern new way to carry out transactions online using computer and information and communication networks. This method opens up the possibility of implementing business transactions electronically using the Internet. Therefore, in order to meet the new changing conditions of market relations, as well as economic and technical conditions, it is necessary to form appropriate legislation that regulates the work of enterprises at the modern level.

CONCLUSION

E-commerce has many advantages because it works around the clock, providing access to a wide range of users. It allows you to save time when buying and choosing a product, and gives you the opportunity to familiarize yourself with a wide range of products. It is not limited by the working hours, the territory, or the psychological mood of the seller. E-commerce is beneficial for both producers and consumers because it helps overcome the traditional barriers of remote location and lack of information about market opportunities. In addition, due to e-commerce, employment in the field of Internet services will increase significantly. Internet commerce is a relatively young segment of the economy of Uzbekistan and is actively developing. The Republic of Uzbekistan is ready to occupy high positions in the e-commerce market. A good business organization will help promote Uzbekistan on the Internet, taking into account all the problematic issues such as competitive prices, a wide range of products, and the choice of a delivery method. The e-commerce market of the Republic of Uzbekistan is attractive not only for local players, but also for foreign investors.

LIST OF REFERENCES:

1. Shaydullina V. K. E-commerce and prospects for its development in the global economy // Bulletin of the State University of Management. - 2019. - No. 3. - S. 114-119.
2. Ketko N.V., Electronic business: study guide / N.V. Ketko, A.V. Kopylov, N.N. Skeeter. - Volgograd: VolgGTU, 2020. - 80 p.
3. Gorgodze T.E., The impact of coronavirus infection on the development of e-commerce // Bulletin of the Samara State Economic University. - 2020. - No. 9. - S. 34-39.

⁴² Global E-Commerce Market (2020 to 2024) - Insights & Forecast with Potential Impact of COVID-19 - ResearchAndMarkets.com

Оиладаги эру-хотин муносабатларидаги миллий қадриятларимиздан бири қуйида ўз аксини топган : “Топилганда қандок, Пўлатжон!- эру-хотин водий томондаги удумга кўра бир- бирларига тўнғич фарзандининг исми билан мурожаат қилишар экан.Фақат Ойчечак опа Пўлатжон деса, Ўткир ака Пўлатжон дерди”⁷¹. Умри бўйи душманлик қилиб, ҳаёти сўнгида Эрбой Пўлатдан қилган ёвузликлари учун кечирим сўраб бориши ҳам эътиқодимизнинг бир намоёнидир : “Кечир, Пўлат, мендек заҳарли илонни , кечир!..-Эрбой ота Пўлат отанинг икки кўлидан маҳкам тутган кўйи, гавдаси билан пастга эгилиб, йиғлаб юборди...”⁷²

Инсон қанчалик гуноҳкор бўлмасин, ҳалқимизда биродарга қийин вазиятларда ёрдам қўли чўзилади, руҳий далда берилади.

“Лекин кўни- кўшни, маҳалла- кўй, отасининг уруғлари-қариндошлари бирин сирин ҳол сўраб келишиб, унинг жонига ора кира бошлашди”⁷³ Ҳалқимиз меҳмондўстлигини ифодаланиши қуйидаги жумлаларда кўринади:

“Турсун отанинг неварга ўғли боягина Пўлат отага дарвозани очгани-елкасига сочик ташлаб, бир кўлида обдаста , бир кўлида чилапчин билан келди.Унинг изидан неварга қизи билагида ташланган дастурхону иккита нон, бир чойнак чой , тўртта пиёла, ликопчада қаймоқ кўтариб кирди.

– Ассалому-алайкум! Келинг, Пўлат ота!

– Ваалайкум ассалом! Ке, қизим, ке.”⁷⁴

Ва ниҳоят, асарнинг кульминацион нуқтаси-ота ўз ор-номуси, шаънини гўёки никоҳсиз болани дунёга келтирган якка-ю-ёлғиз қизи Севинчи жонига қасд қилади. “ “Бундай гуноҳни жазосиз қолдириб бўлмасди.....Мен ота қилиши керак бўлган ишни қилдим:гуноҳкорни жазоладим!” дегани деган эди.Лекин туриб- туриб юрагининг аллақайси бир пучмоғидаги ғашликни ҳис қилиб қоларди.

Отанинг фикру зикри ана шу ўйлар билан банд бўлиб, ўзи билан ўзи қолди дегунча Яратганга илтижо қилар- да, содир этган гуноҳи – одам ўлдиргани учун авф тилар, намоз ўқир, рўза тутар, ҳамда ўлим деган ўша муқаддас ҳодисани кутарди.”⁷⁵ Бу романда ёзувчи қаҳрамонларни руҳий ҳолатини ифода этишда миллий деталларга ҳам кўп эътиборини қаратган, масалан дурра деталининг функционал жиҳатларига мурожаат этамиз: “Вой, Худойим- ей, болажонимни ўзинг асрагин!” дея пичирлар, юзи кўзидан оқаётган терни кўлидаги каттагина дурра билан артиб турарди.”⁷⁶

“Неварам йўқолиб қолди!.. кўлидаги дуррасини кўзларига босиб пиқ- пиқ йиғлаб юборди.”⁷⁷

“Яшасин, ўлим!”дея ҳайқиргиси келади-я инсонни!..” оқ дурранингостидаги отанинг калласида ана шундай ўйлар ғужғон айланарди.”⁷⁸

“Ота бошидаги дуррани кўтариб, қаршисида бир неча эркак кишининг қорасини кўрди.”⁷⁹

Дурра ўзбек ҳалқида меҳмонларга мезбонлар томонидан нон, қанд -курс туғиб бериладиган пахта матодан тикилган буюм бўлиб, у ёзнинг жазирама кунларида даструмол сифатида ҳам қўлланилади. Одатда , кекса ёшдаги эркаклар белига

⁷¹ Юқоридаги манба, – Б.168

⁷¹ Юқоридаги манба– Б.175

⁷²Юқоридаги манба,–Б. 176

⁷³ Юқоридаги манба,–Б.185

⁷⁴ Юқоридаги манба. –Б.180

⁷⁵ Юқоридаги манба. –Б. 91-92

⁷⁶ Юқоридаги манба. –Б.92

⁷⁷ Юқоридаги манба. –Б.176

⁷⁸ Юқоридаги манба. –Б.177

⁷⁹ Юқоридаги манба. –Б.192

белбоғ бойлаб юришади. Белбоғ қадимдан мардлик, жасурлик рамзи ҳисобланиб келинган. Бежизга ҳалқимизда “Белинга белбоғинг борми?”, деб сўралмайди. Кекса отахонлар чорси, дуррани белларига белбоғ қилиб бойлашади, бу кези келганда уларга сочиқ, даструмол вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айганда, ҳар икки ижодкор асарларида деталнинг барча турлари иштирок этиб, улар: асарда бадиий эстетик вазифа бажаради. Бундан ташқари, С.Цвейг ва У.Ҳамдам асарларида детал: 1) образ руҳий ҳолатини беришда, 1) образлар муносабатини ифодалашда; 3) муаллиф концепциясини акс эттиришда, 4) асар бадиийлигини оширишда; 5) китобхонга образли тасаввурлар ҳосил қилишда; 6) бадиий ифоданинг таъсирчанлигини оширишда хизмат қилди.

.Шунингдек, бадиий детал қаҳрамонларни, сюжетни, муҳитни яна ҳам жонлироқ тасвирлаб, асарда бир нечта вазифаларни бажаради. С.Цвейг ва У.Ҳамдам ўз ижодларида деталдан унумли фойдаланишган бўлиб қаҳрамон психологик портретини яратишда деталлар муҳим роль ўйнайди, деталлар ўқувчига образли тасаввурлар бериш билан бирга, матн бадиийлиги ҳам таъминлайди.

ЭКПОРТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА ТЕЗЛАШТИРИШДА ЮК-КУЗАТУВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (электрон инвойс ва СМГС мисолида)

А.Шадманкулов

Божхона институти кафедра бошлиғи, и.ф.н., доцент;


Н.Рахмонова

Божхона институти ўқитувчиси (r.r.nargiza@umail.uz)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8081287>

Ўзбекистонда ҳам халқаро савдо жараёнларини рақамлаштириш борасида сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар амалга оширилди: БЮДни божхона органига юбориш, расмийлаштириш, товарга оид сертификатларни олиш ва бошқалар тўлиқ рақамлашган. Аммо, бугунги кунда ташқи савдо юқларига оид юк-кузатув ҳужжатлари (накладной, инвойс ва б.) қоғоз нусхада расмийлаштирилмоқда ва уларнинг электрон нусхалари божхона ва бошқа назорат қилувчи органларга тақдим этилади. Иқтисодий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги бу каби ҳужжатлари рақамлаштиришни ва бу орқали экспорт-импорт жараёнларини янада тезлаштиришни тақозо этмоқда.

БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Economic and Social Commission for Asia and the Pacific - ESCAP) экспертлари томонидан 2019 йилда Ўзбекистоннинг трансчегаравий қоғозсиз савдога тайёрлиги баҳоланган [4].



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий қоғозсиз савдога тайёрлиги бўйича кўрсаткич таҳлили (2019 йил) [4]

Халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистонда экспорт-импорт жараёнларининг рақамлашганлиги 60 % баҳоланган (1-расм). Унга кўра, Ўзбекистон сўнгги йилларда ташқи савдони соддалаштириш ва енгиллаштириш борасида анча ишлар амалга оширилганлиги, шунингдек, келгусида савдодаги харажатларни янада камайитириш, савдога оид жараёнларни янада соддалаштириш ва рақамлаштириш орқали ўзининг рақобатбардошлигини ошириши мумкинлиги таъкидланган.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2022 йил 17 февралда “Божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш масалалари” бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда [2] темир йўл, авиа ва автомобиль транспорти орқали амалга оширилаётган экспорт ва импорт жараёнларидаги барча қоғоз ҳужжатлардан тўлиқ воз кечиш, уларни рақамлаштириш вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-122-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштирув жараёнларини рақамлаштириш бўйича “Йўл харитаси”да импорт товарларининг юк-кузатув ҳужжатларига божхона ходимлари томонидан муҳр ва штамп қўйиш амалиётини рақамлаштириш орқали бекор қилиш белгиланган.

Ушбу Фармон билан экспорт йўналишидаги темир йўл вагонларини электрон буюртма қилиш ва импорт товарлари ҳужжатларини электрон қабул қилиш имкониятларини яратиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ахборот тизимларини “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига интеграция қилиш режалаштирилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу режалар темир йўлларда ташиладиган товарларга оид юк-кузатув ҳужжатларни рақамлаштириш ва қоғоз билан расмийлаштириладиган ҳужжатлардан воз кечиш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ягона ойна ахборот тизимида темир йўл вагонларини онлайн буюртма қилиш ва онлайн тарзда накландой (СМГС) шакллантириш имконияти мавжуд. Аммо ушбу имкониятдан бугунги кунда Ўзбекистон ичидаги ташувлар учун қўлланилмоқда.

Тадқиқот давомида мамлакатимиздаги йирик экспортёр ташкилот “Навоийазот” ОАЖ ўрганилди. Ушбу ташкилот томонидан ички ташувларда йилига ўртача 12 000 та вагонда юклар ташилиб, ҳозирда ички ташувлар учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ягона ойна ААТ орқали электрон СМГС шакллантирилмоқда. Ушбу ташкилот томонидан йилига ўртача ички ташувлар учун 12 000 та, экспорт учун 7 500 та СМГС расмийлаштирилишини, 1 дона қоғоз нусхадаги СМГСнинг нарҳи ўртача 15 000 сўмни ташкил этишини инобатга олсак, ушбу ташкилот юкларини ташишга қоғоз накландой учун йилига ўртача 300 млн. сўм маблағ харажат қилинади.


Бундан ташқари СМГСда кўп йўл қўйиладиган техник ва орфографик хатоликларни қоғоз накландойга нисбатан электрон СМГСда бир мунча осон ва тезроқ тузатиш мумкин.

Ҳуқуқий асос: СМГС келишувининг 15-моддасида қоғоз ёки электрон бўлиши мумкинлиги белгиланган. [1]

Бугунги кунда бир қатор ривожланган давлатларнинг экспорт, импорт ва транзит ташувларда электрон СМГСдан фойдаланиш тажрибаларини мисол тариқасида кўриб чиқиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

Россия Федерацияси Федерал божхона хизматининг 2015 йил 1 июндаги 1035-сонли буйруғига [10] асосан, 2017 йилдан бошлаб темир йўлларда амалга ошириладиган халқаро ташувларда электрон юк-кузатув ҳужжатларини қўллаш жорий этилган.

Қуйидаги расмда Россия Федерацияси темир йўллар ташкилоти юк-кузатув ҳужжатларини ва маълумотларни электрон алмашишда бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги келтирилган (2-расм). Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, Россия, Қозоғистон, Финландия, Эстония, Литва, Латвия, Белоруссия, Украина давлатлари темир йўл ташкилотлари ўртасида ҳужжатларни электрон алмашинилиши йўлга қўйилган. Россия, Германия, Польша, Хитой, Монголия, Озарбайжон давлатлари ўртасида темир йўлларда ташиладиган товарлар тўғрисида электрон маълумот алмашилади.




2-расм. Россия “Темир йўллари” ОАЖнинг халқаро ташувларда бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги схемаси [5]

Агар Ўзбекистон ҳам юқоридаги давлатлар билан СМГС ҳужжатларини электрон алмашишни йўлга қўйса (бунинг учун аввало экспорт товарлар учун СМГСни электрон шакллантиришни йўлга қўйилиши талаб этилади), мамлакатимизга темир йўл транспортида кириб келаётган товарларнинг юк-кузатув ҳужжатини улар амалда божхона чегарасига етиб келгунларига қадар олишимиз ва ушбу маълумотларни хавфларни бошқариш тизими орқали қайта ишлаб, хавф даражаларини аниқлаб, товар етиб келгач божхона назоратининг қандай шаклини қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Шунингдек, импорт товарларининг СМГСларини олдиндан электрон олиниши уларнинг қоғоз нусхаларидан воз кечилишига имкон яратади. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122-сонли Фармони билан берилган топшириқ (импорт товарларининг юк-кузатув ҳужжатларига божхона ходимлари томонидан муҳр ва штамп қўйиш амалиётини рақамлаштириш орқали бекор қилиш) ижросини таъминлашга замин яратилади.

Темир йўл ташувларида электрон ҳужжатлардан фойдаланадиган яна бир неча илғор тажрибаларга эътибор қаратсак, ЕИ давлатлари учинчи давлатларга товарларни экспорт қилганда ёки импорт жараёнларида электрон СМГС/ЦИМ қўлланилади (3-расм).



3-расм. ЕИ ва учинчи давлатлар ўртасида темир йўлда ташиладиган транзит товарлар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш схемаси [9]

Белоруссияда ҳам ташқи ташувларда электрон ҳужжатлардан фойдаланилади. 2016 йилдан Россия ва Беларуссия ўртасидаги темир йўл транспортида ташиладиган товар айланмаси деярли 100 % қоғозсиз-электрон шаклда амалга оширилган.

- 2016 йилдан Россия-Литва-Белоруссия йўналишидаги (ва қайтиш йўналишидаги) бўш темир йўл юк вагонлари электрон накладной асосида ҳаракатланиши йўлга қўйилган. [6]

Электрон ҳисобварақ фактура (инвойс)ни жорий этиш юзасидан, ташқи савдода товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви, шунингдек, улар устидан божхона назорати таъминлаш, божхона тўловларини ундириш, ишончли божхона статистикасини юритиш ҳамда хавфни бошқариш тизимини қўллашда инвойс ҳужжати муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина давлатларда шартномалар ўрнига юк-кузатув ва ҳисоб-китоб ҳужжати сифатида инвойсдан, шу жумладан электрон инвойсдан фойдаланилади. Электрон инвойдан фойдаланиш қоғоз нусхадаги инвойсдан фойдаланишдан кўра 60-80 %гача ҳаражатларни тежайди. [11]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарорида электрон ҳисобварақ-фактуралар товарларнинг экспорт ва импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштирилишида тадбиқ этилмаслиги белгилаб берилган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, ташқи савдо юкларини ташишда қўлланиладиган ҳужжатлардан СМГС ва инвойсни электрон шаклга ўтказишга зарурият пайдо бўлмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистоннинг юқори даражадаги савдо ҳамкорлари бўлган давлатларда (Россия, Хитой, Туркия, Эрон, Қозоғистон) халқаро юк ташувлар кўламини ошириш ушбу жараёнда қўлланиладиган ҳужжатларни электронлаштиришга бўлган талаби ошмоқда;

учинчидан, ушбу ҳужжатларни электрон шаклда қўлланилмаётганлиги Ўзбекистон экспорт ҳамда транзит салоҳиятига салбий таъсир қилмоқда, ушбу ҳужжатларни расмийлаштиришда ортиқча вақт ва харажат талаб қилинмоқда, шунингдек импорт товарлари тўғрисида товар амалда божхона ҳудудига кириб келишидан олдин маълумотга эга бўлиш имконияти кам;

тўртинчидан, ташқи савдо юкларини расмийлаштиришда уларни давлат чегара постларида узоқ вақт ушланиб қолинишига, натижада давлатни нуфузли халқаро рейтинглар (масалан: LPI)да ўз ўрнини яхшилашга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда;

бешинчидан, республиканинг рақамли иқтисодиётга ўтиш баробарида ҳамда мамлакат электрон ҳукуматининг таркибий қисми бўлган халқаро ташувлар жараёнини рақамлаштириш, унда қўлланиладиган ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, халқаро савдода юк-кузатув ҳужжатларини рақамлаштириш борасида ўрганилган жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- экспортга юбориладиган товарларга электрон ҳисобварақ-фактура (инвойс)ни жорий этиш. Ўзбекистон миқёсидаги олди-сотти жараёнлари электрон инвойс асосида амалга оширилаётганлиги боис миллий тадбиркорларда инвойсни электрон шакллантириш бўйича билим, кўникма, тажриба ва имкониятлар борлигини инобатга олиб, шунингдек, Россия, Қозоғистон каби асосий ҳамкор давлатларда ташқи савдода электрон инвойс қўлланилиши ва улар билан электрон тарзда ҳужжатларни алмашишни йўлга қўйиш имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда халқаро юк ташишларда **синов** тариқасида электрон инвойсни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

- халқаро ташувларда фойдаланиладиган барча юк-кузатув ҳужжатларини “Ягона дарча” БААТ орқали инвойс асосида электрон шакллантириш имконини яратиш. Бунда ТИФ қатнашчиси товар тўғрисидаги маълумотларни фақат бир маротаба инвойсни шакллантираётганда дастурга киритади. Бошқа барча ҳужжатлар СМГСни ва аризалар (сертификатлаш ва бошқа назорат қилувчи органларга юбориладиган) ушбу инвойс асосида шакллантирилади ҳамда қўшимча маълумотлар билан тўлдирилади. Натижада бир товар тўғрисидаги маълумотларни турли ҳужжатлар расмийлаштиришда қайта-қайта дастурга киритиш олди олинади ва ортиқча харажатлар сарфи камайишига олиб келади.

- темир йўл транспортида ташиладиган товарларга оид юк-кузатув ҳужжатларини рақамлаштириш (электрон СМГС) тизимига ўтиш. **1-босқичда** экспортга мўлжалланган товарларни электрон СМГС орқали жўнатиш; **2-босқичда** асосий ҳамкор давлатлар билан электрон СМГСларни алмашишни йўлга қўйиш; **3-босқичда** импорт товарлари амалда мамлакатимизга етиб келгунга қадар улар тўғрисидаги юк-кузатув ҳужжатларининг электрон нусхаларини ҳамкор давлатлардан олиш натижасида импорт товарларининг юк-кузатув ҳужжатларига божхона ходимлари томонидан муҳр ва штамп қўйиш амалиётини рақамлаштириш орқали бекор қилиш;

Темир йўл транспортида халқаро ташувларни электрон тарзда амалга оширилиши учун кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланилган амалиёт – электрон накладной (СМГС) лардан мамлакатимиз ташқи савдо юкларини ташишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маълумот учун: бугунги кунда Ўзбекистон ичидаги ташувларда электрон СМГСдан фойдаланилади.

Асос: СМГС келишувининг 15-моддасида СМГС қоғоз ёки электрон бўлиши мумкинлиги белгиланган [1]. Электрон накладнойдан фойдаланиш ва ҳуқуқий асослари “Functional and Legal Specifications for the Electronic CIM/SMGS Consignment Note”да келтирилган.

Электрон кўринишдаги СМГСни халқаро ташкилотлар шафелигида халқаро ташишларда қўллаш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорликда синов тариқасида ўтказиш, мисол учун, Марказий Осиёда ИТ технологияси бўйича илғор ҳисобланган Қозоғистон билан биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, юқоридаги таклифларни амалиётга жорий этиш орқали қуйидаги **натижаларга** эришиш мумкин:

- ТИФ қатнашчиси томонидан ягона тизим орқали (бир маротаба) юк-кузатув ҳужжатларини расмийлаштириш, шу жумладан вагон ва контейнерларни буюртма қилиши ва тегишли назорат қилувчи органларга (божхона, сертификатлаш органлари, транспорт компаниялари ва б.) юбориши ва онлайн тарзда жараёнларни кузатиш имкониятига эга бўлади;

- қоғоз нусхадаги ҳужжатларни сотиб олиш ва сақлаш ҳаражатлари камаяди;

- ҳужжатларни электрон тарзда шакллантиришда ўрнатилган логистик назорат (логистический контроль) натижасида техник ва орфографик ҳатоликлар олди олинади;

- электрон ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланганлиги сабабли, унга бегона шахслар томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар китириш имконияти чекланади;

- товарларни божхона расмийлаштируви ҳамда божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати бўйича сифатли ва тез расмийлаштируви амалга ошади, тирбандликлар олди олинади ҳамда божхона тизими фаолияти самарадорлиги ортишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соглашение о Международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС) от 01 ноября 1951 г.

2. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев. “Божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари” бўйича йиғилиши. 2020 йил 17 февраль

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи;

4. UNESCAP “Readiness Assessment for Cross-Border Paperless Trade: UZBEKISTAN”, Bangkok, Thailand Copyright © United Nations 2019, 93 pages, page-3

5. Региональное совещание ЭСКАТО ООН - ОСЖД по гармонизации правил и положений для облегчения международных железнодорожных перевозок

6. Minutes of the Expert Meeting, Permanent Working Group for Coding and Informatics (04-05.09.2017, Warsaw)

7. “Механизм «единого окна» и информационные технологии в международном железнодорожном сообщении”, Астана, 20-21.12.2017

8. М.А.Гончар “Формирование электронного сервиса перевозок грузов по принципу «Одного окна»” статья, Актуальные вопросы и перспективы развития транспортного ч.

9. https://www.cit-rail.org/secure-media/files/documentation_en/freight/glv-cimsmgs/e-fb_cim-smgs_en_2016-01-01.pdf?cid=291691

10. Приказ ФТС России от 1 июня 2015 г. N 1035 "Об утверждении Временного порядка совершения таможенных операций в отношении железнодорожных транспортных средствперемещаемыхими товаров в международном грузовом сообщении при представлении документов и сведений в электронном виде"Приказ ФТС России от 01.06.2015 № 1035. Таможенные документы | Альта-Софт (alta.ru)

11. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-tamozhennyh-organov-v-sovershenstvovanii-vneshnetorgovyh-operatsiy-respubliki-uzbekistan>, мурожаат санаси: 23.05.2022 йил 1.06.2022 й

TANQIDIY FIKRLASH HAQIDA QARASHLAR

Pak Kseniya Grigorevna

Urganch Davlat Pedagogika instituti

*Pedagogika fakulteti "Pedagogika, bo'shlang'ich va maktabgacha ta'lim metodikasi"
kafedrası 70110501-Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) rus
tili yo'nalishi 221 guruh magistrant talabasi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8082725>

Annotatsiya. Mazkur maqolada tanqidiy fikrlashning bugungi kundagi dolzarbligi va ahamiyati ko'rsatilib o'tilgan. Shuningdek maqolada bir qator mutaxassislarining tanqidiy fikrlash haqida fikrlari yoritilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Tanqidiy fikrlash, metod, maktab, globallashuv, ta'lim.

KIRISH

Globallashuv davrida istalgan mavzu haqida ma'lumot topish juda oson. Buni internet orqali amalga oshirish oson, biroq kerakli va to'g'ri ma'lumotni topish va tanlash kerak. Buni amalga oshirish kishidan mavzu yuzasidan bilim va sinchkovlikni, shuningdek to'g'ri va ishonchli yoki aksincha noto'g'ri, yolg'on ma'lumotni tanqidiy o'rganishni talab qiladi. Shu o'rinda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning quyidagi gaplari yodimizga tushadi: "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak".[1]

ASOSIY QISM

"Tanqidiy fikrlash" tushunchasi XX asr o'rtalarida pedagogika faniga kirib kelgan. Birinchilardan bo'lib tanqidiy fikrlash atamasi K. Popper tomonidan ishlatilgan. Unga ko'ra har bir tirik organizm muammolarni "hal qiluvchi" vazifasini bajaradi. Atrofdagi ma'lumotlar dunyo tirik organizmning ma'nosini tasdiqlash yoki rad etish sifatida qaraladi bu hodisani oldindan beradi. Bunday vaziyatda tanqidiy fikrlash – haqiqatni izlash va xatoni bartaraf etish usuli sifatida ishlaydi. Tanqidiy fikrlash masalasi b'yicha ish olib borgan xorijiy mutaxassislardan, E. De Bono, J. Daniya, M. Lipman, D. Halpern, D. Klouz. A. E. Petrovlarning so'zlariga ko'ra, tanqidiy fikrlash refleksiv xususiyatga ega bo'lib, bunda inson o'z tafakkurini va uning to'g'riligini o'rganadi.

A. Veretennikova tanqidiy fikrlashni belgilashda, uni baholashni shakllantirishga qaratilgan ruhiy holatlar, xususiyatlar va jarayonlar tizimi sifatida taqdim qiladi.

V. A. Shamis va L. A. Malts ta'kidlaganidek, tanqidiy fikrlash – xatolarni topish va ularni tuzatishni o'z ichiga oladi. I. A. Pshonkovskayaning asarlarida tanqidiy fikrlash – aks ettirish va baholashning murakkab jarayoni, shuningdek unga ijodiy fikrlash asos sifatida qaraladi. Uning fikricha, ijodiy va tanqidiy fikrlash jarayonlari o'zaro bog'liq deb qaraladi. Tanqidiy fikrlashning eng to'liq tavsifini taniqli monografiya muallifi D. Halpern bergan, ya'ni unga ko'ra: "Tanqidiy fikrlash – bu kerakli yakuniy natijaga erishish ehtimolini oshiradigan kognitiv texnikadan foydalanishdir". Ushbu ta'rifda tanqidiy fikrlash – fikrlashni nazorat qilish, asoslash va maqsadga muvofiqligi bilan ajralib turadigan narsa sifatida va muammolarni hal qilish, xulosalar chiqarish, ehtimoliy baholash va qaror qabul qilishda qo'llaniladigan fikrlash turi sifatida qaraladi. Shu bilan birga, bunda fikrlovchi muayyan vaziyat va hal qilinadigan vazifa turi uchun asosli va samarali bo'lgan ko'nikmalardan foydalanadi.

Tanqidiy fikrlash-bu qo'llab-quvvatlash nuqtasi, tabiiy g'oyalar va ma'lumotlar bilan o'zaro aloqa qilish usuli. Biz ma'lumotni tanlash muammosi bilan turamiz.[3]

Tanqidiy fikrlashning eng batafsil ta'rifi R. Pol tomonidan keltirilgan. U o'zining ilmiy izlanishlarida tanqidiy fikrlash atamasini talqin qildi va quyidagi fikrlarni ta'kidladi:

- 1) tanqidiy fikrlash – bu fikrlash jarayoni haqida o'ylash;
- 2) dunyo haqidagi ma'lumotlarning ko'payishi natijasida fikrlash usullari ham o'zgaradi, ular fikrlarni aniq bayon qilish kerak bo'lgan joyda paydo bo'ladi va aql doimiy ravishda rivojlanib boradi.
- 3) tanqidiy fikrlash – XXI asrda ta'lim sohasidagi o'zgarishlarning asosi sifatida shakllandi.

Xuddi shu fikr A. V. Tyaglo va T. S. Varapay tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, ular axborot inqilobi nafaqat texnika va texnologiyalarda, balki inson tafakkurida ham kuzatilishini ta'kidladilar. Zamonaviy insonning tafakkuri, uning fikriga ko'ra moslashishi kerak, shuningdek, axborot oqimlariga va olingan axborot ma'lumotlarini tanqidiy tahlil qila olishi bilan ajralib turadi. Tanqidiy fikrlash axborot jamiyatida moslashish mexanizmi vazifasini bajaradi.

Jonson tanqidiy fikrlashni “insonga taklif qilingan fikr haqida sog'lom fikr bildirishga imkon beradigan aqliy faoliyatning o'ziga xos turi” deb ta'riflagan.

V. M. Bryushinkin tanqidiy fikrlash tushunchasini konkretlashtirib, “tanqidiy fikrlash – bu yo'naltirilgan aqliy harakatlar ketma-ketligi” deb ta'kidlagan.

L. A. Kalinnikov o'zining “Kantning tanqidiyligi va tanqidiy fikrlashni shakllantirish” asarida tanqidiy fikrlashda transsendental aks ettirish zarurligini ta'kidlaydi, bu fikrlovchi subyektdan ongning qaysi funksiyalari uchun o'z-o'zidan hisobot berishni talab qiladi. fikrlash ishlatiladi: qiymat yo'nalishi uchun, bilish yoki qidirish uchun maqsadga erishish vositalari.

Mahalliy pedagogikada Sorina G. V. tanqidiy fikrlashning ahamiyatini yuqori baholab, tanqidiy fikrlash o'z intellektual faoliyatiga nisbatan aks ettirish ko'nikmalarini yuqori darajada rivojlantirishni, ilmiy darajada fikrlash qobiliyatini, hukmlar, savollar, xulosalar bilan ishlashni, mantiqiy fikrlashning rivojlangan usullarini qo'llashni o'z ichiga olishini ta'kidlaydi.

Taniqli olim E. I. Fedotovskaya tanqidiy fikrlashni psixologik nuqtai nazardan ko'rib chiqadi. Unga ko'ra fikrlash va mulohaza yuritish jarayonini belgilaydigan aqliy operatsiyalarga e'tibor qaratiladi: sintez, tahlil va baholash, muammolarni aniqlash, farazlarni ilgari surish, vaziyatlarni aniqlashtirish, dalillarni tahlil qilish va boshqalar kabi.

Tanqidiy fikrlash tushunchasini kengaytirib, T. F. Noel-Tsigulskaya uning aloqa va shaxsiyat psixologiyasi bilan bog'liqligini ta'kidlaydi va kognitiv faoliyatning motivatsiyasi, o'z-o'zini anglash bilan bog'liqligini ochib beradi. Psixologik va pedagogik fanning muhim ahamiyati tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish nuqtai nazaridan tanqidiy fikrlashni o'rganish jihati hisoblanadi. Shunday qilib, D. Kluster tanqidiy fikrlash – bu tortishuv qobiliyati, bu erda subyekt qarshi dalillarni, bayonotlarni ilgari surish qobiliyatiga ega hisobot nuqtasi sifatida ishlaydigan dalillar va dalillar bilan qo'llab-quvvatlang.

M. Lipmen kundalik va tanqidiy fikrlash belgilarini, ularning farqlarini aniqlash bilan taqqoslashni keltiradi. Unga ko'ra tanqidiy fikrlashga ustunlik beriladi, chunki u mantiqiy va mazmunli fikrlarning aniq ifodasidir.

Kundalik va tanqidiy fikrlashni umumiy taqqoslash:

| | |
|--|--|
| Kundalik fikrlashning xarakterli belgilari: | Tanqidiy fikrlashning xarakterli belgilari: |
| Axborotga ishonch | Axborotning turli xil talqinlarini taxmin qilish |

| | |
|--|--|
| Uyushma bo'yicha tushunchalarni birlashtirish | Printsiplar, mexanizmlarni tushunish |
| Yetarli asoslarsiz taxmin | Gipotezani qurish |
| Faktlar, hodisalarni tasodifiy guruhlash | Faktlar, hodisalarning asosli tasnifi |
| Deklaratsiya qilinmagan intuitiv taxmin asosida fikrlar, mulohazalar | Asosli fikr bildirish |
| O'z-o'zidan afzallik | Vaznli, hukmni baholash |
| Qo'llab-quvvatlanmasdan hukmlarni shakllantirish mezonlar | Mezonlar asosida hukmlarni shakllantirish |
| O'z-o'zidan xulosalar shakllantirish | Xulosalarning mantiqiy formulasi, faktlarni dastlabki tanqidiy tahlil qilish |

Jadvalning mazmunini A. P. Korochanskiyning so'zlari bilan umumlashtirish mumkin. U tanqidiy fikrlash ba'zi hodisalarni salbiy inkor etish bilan cheklanib qolmasligini, balki ijobiyni tasdiqlashga qaratilganligini ta'kidlaydi. Tanqidiy fikrlash rivojlanishining muhimligini ta'kidlab, D. Kluster faol ish shakllaridan foydalanish zaruratiga urg'u beradi va bunga asosan, juftliklarda, guruhlarda ishlashni, bahs va munozaralar o'tkazishni, tinglash qobiliyatini rivojlantirishni, o'z nuqtai nazarini aniq shakllantirishni va buning uchun javobgar bo'lishni taklif qiladi. Mashhur pedagog va psixolog J. Stil: "Fikrlash bosqichida dialogga ruxsat berish orqali o'qituvchi bir xil masala bo'yicha fikrlarning turli xil variantlarini ko'rish va ko'rib chiqish imkoniyatini beradi. Bu o'quv jarayonini qayta ko'rib chiqish va o'zgartirish vaqti" [4]

A. N. Shuman tanqidiy fikrlash tushunchasiga kompleks yondashuvni taklif etadi. Uning fikricha, tanqidiy fikrlash – bu mavzu bo'yicha argumentativ bo'lmagan usullarning namoyon bo'lishi, ular o'z-o'zidan etarli emas, oddiy sxemalar bo'lib, ularni vazifaga qarab aniq to'ldirishni talab qiladi. A. N. Shumanning fikricha, bunday yondashuv standart sxemalar doirasida mumkin emas va tanqidiy fikrlashga tayanishni talab qiladi, bu erda eski fikrlarni tanqid qilish va yangi g'oyalarni ilgari surish birlashtiriladi. Ular tanqidiy fikrlashning quyidagi xususiyatlarini ajratib ko'rsatishadi: izchillik, murakkablik, hukmlar ketma-ketligi, ko'p istiqbollilik, metakognitivlik (aks ettirish va ko'p darajali, sistematiklik mavjudligi). A. N. Shuman tanqidiy fikrlashning ikkita tamoyilini ilgari surdi: minimalizm va universalizm. Minimalizm printsiplari shundan iboratki, subyekt minimal vositalar to'plami bilan maksimal muvaffaqiyatga erishishga harakat qiladi. Universalizm tanqidiy fikrlashni har qanday faoliyatga tatbiq etish va har xil turdagi vaziyatlarga tatbiq etish bilan bog'liq. A. N. Shumanning fikricha, bu tamoyillar fikrlash qobiliyati mavjud bo'lganda amalga oshirilishi mumkin. Bunday mulohaza ma'lumotli bo'lishi va mantiq qonunlariga asoslanishi kerak. Fikrlash uchta darajada bo'lishi mumkin: sintaktik, semantik va pragmatik. Bu darajadagi yondashuv A. N. Shumanga tanqidiy fikrlash darajasini ajratishga imkon berdi: deduktiv, ehtimollik va dialektik. Deduktiv daraja fikrlashni mantiqiy to'g'riligini belgilaydi. Ehtimollik darajasi – empirik ma'lumotlarni tahlil qilish qobiliyati. Dialektik daraja – subyektning o'z sadoqatiga ishonirishga tayyorligini aks ettiradi.

B. N. Peritonkinning ta'limotiga qaytsak, tanqidiy fikrlash – bu asossiz yolg'on g'oyalarni rad etish uchun yangi faktlar va dalillarni izlashga tayyorlikdir. Tanqidiy fikrlash dogmatik fikrlashning teskarisidir, ya'ni bunda faktlarni qabul qilish e'tiqod asosida, ularga tanqidiy qarashsiz amalga oshiriladi. Tanqidiy fikrlash har doim o'rnatilgan qarashlardan xabardor bo'lishga tayanadi. Shunday qilib, tanqidiy fikrlash uni amalga oshirishning 4 bosqichiga ega: o'tmishdoshlarning qarashlarini o'zlashtirish; izchillik to'g'risida

o'rganilgan qarashlarni tekshirish; qarama-qarshiliklarni aniqlash va yangi g'oyalarni ilgari surish.

Tanqidiy fikrlash tuzilishi, K. Popper, D. Dyui, D. Halperning fikriga ko'ra, quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi: tanqidiy munosabat (nomuvofiqliklarni qidirish) va tanqidiy dalillar (nomuvofiqliklarni asoslash). I. N. Griftsova, G. V. Sorina norasmiy mantiq, argumentatsiya, tanqidiy fikrlashning umumiy asoslari bor deb hisoblashadi. Ularning barchasi bir-biriga bog'langan va norasmiy fikrlash usullariga yo'naltirilgan va fikrlash kontekstlari to'g'risida xabardor bo'lishga va fikrlash subyektining individual xususiyatlarini (his-tuyg'ular, kayfiyat, holatlar) hisobga olishga intiladi. Fikrlashtizimlashtirish va umumlashtiruvchi xususiyatga ega va u aniq bir narsa bilan bog'liq bo'lmagan tarzda faoliyat, kasbiy soha va fikrlash sohasidan qat'i nazar rivojlanadi. Ular pragmatik yo'nalishga ega. Ularning xarakteri izchil, dialogik savol-javob xarakteriga ega.

Tanqidiy fikrlash ko'plab olimlar (M. Veksler, A. I. Lipkina, L. A. Rybak, U. M. Mungal, A. S. Bayramov) tomonidan fikrlashning boshqa turlari bilan o'zaro bog'liq holda ko'rib chiqiladi (samarali, mantiqiy, ijodiy, muammoli). Shaxsiy sifat shaxsning mentalitetini qanday aks ettiradi. "Fikrlash - bu nutq bilan uzviy bog'liq bo'lgan shaxsning kognitiv faoliyati jarayoni bo'lib, u atrofdagi voqelikni maqsadli, umumlashtirilgan va vositachilik bilan aks ettirish, yangi narsani topish va kashf etishga qaratilgan." [2]

Rasmiy-mantiqiy rejada faoliyat jarayonida ongni boshqarishi kerak bo'lgan aksiomalar, ya'ni fikrlash, V. Ruggiero tomonidan tashkil etilgan eng aniq aksiomalar aniqlanadi:

- 1) haqiqat subyektivdan ko'ra obyektivroq, u ixtirodan ko'ra ko'proq kashfiyotdir;
- 2) agar ikkita hukm bo'lsa (bu erda va hozir bir xil hodisaga nisbatan yoki jarayon) bir-biriga zid yoki ulardan biri noto'g'ri bo'lishi kerak;
- 3) inson ongi xato qilishi mumkin;
- 4) g'oyalarning o'z natijalari bor.

D. Kluster tanqidiy fikrlashni ajratib turadigan quyidagi jihatlarni ajratib ko'rsatgan: 1) tanqidiy fikrlash – bu mustaqil fikrlash; 2) ma'lumot – bu tanqidiy fikrlashning boshlang'ich nuqtasi va hech qanday tarzda yakuniy nuqtasi emas (bilim motivatsiyani yaratadi, ularsiz odam tanqidiy fikrlay olmaydi); 3) tanqidiy fikrlash savollar berish va zarur bo'lgan muammolarni tushunish, qaror qabul qilishdan boshlanadi; 4) tanqidiy fikrlash ishonchli dalillarga intiladi; 5) tanqidiy fikrlash – bu ijtimoiy fikrlash (boshqalar bilan bahslashish, ularning nuqtai nazarini aniqlashtirish).

Ushbu xususiyatlarni ta'lim sohasida nisbatan aniqlab, A. L. Kost tanqidiy fikrlashning asosiy ko'nikmalarini ta'kidlaydi:

I - muammoning ta'rifi: ochiq savollarni shakllantirish, noyoblarni topish xususiyatlari, faktlarni to'plash, vazifalarni belgilash va muammoni aniqlash, alohida-alohida o'tish.

II - tasnif: o'xshashlik va farqlarni topish, guruhlash, tartiblash, taqqoslash, farqni ko'rsatish.

III – o'zaro munosabatlarni izlash: qismlar va butun o'rtasidagi aloqalarni o'rnatish, maqsadlarni belgilash, tahlil qilish, sintez qilish, ketma-ketlik va tartibni tan olish, foydalanish, induktiv va deduktiv fikrlash.

IV - xulosalarni shakllantirish: sabab va oqibatni aniqlash, farqni aniqlash, xulosa chiqarish, baholash.

XULOSA VA MUNOZARA

Shunday qilib, tanqidiy fikrlash ta'lim faoliyatining kuchayishini ta'minlaydi va katta o'quvchining malakali rivojlanish darajasini aks ettiradi. Tanqidiy fikrlashga ega bo'lgan o'rta maktab o'quvchisi o'zini takomillashtirish qobiliyatiga ega, bilimlarning turli

sohalaridagi ilmiy tushunchalarni o'zlashtiradi, ularni masalani har tomonlama o'rganish holatini aniqlashtirish uchun fikrlash va mulohaza yuritish jarayoniga kiritadi, axborot manbasining echimi va ishonchliligini baholash mezonlarini aniq belgilaydi. Maktabda o'qish paytida ushbu fikrlash usulini o'zlashtirish zarur masaladir. Tanqidiy fikrlash – bu munozarali hodisa bo'lib, u qo'shimcha ilmiy tadqiqotlar va tajribani amaliy umumlashtirishni talab qiladi.

ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Sh.M.Mirziyoyev “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak”. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-shtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo’ljallangan shtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bagishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza. 2017-yil 14-yanvar.

2. Орлова, В. А. Психология в вопросах и ответах: учебное пособие [Текст] / Б.А. Орехова. - М.: КНОРУС, 2009. - 200 с.

3. Загашев И.О., Заир-Бек С.И. Критическое мышление: технология развития: пособие для учителя. – СПб; Альянс «Дельта», 2003.

4. Основы критического мышления / Дж. Стил, К. Мередит, Ч. Темпл, С. Уолтер. – М., 1997. – С. 35

ALISHER NAVOIY IJODI

Xolnazarova Gulnora Fayzullayevna

*Surxondaryo viloyati Muzrabot tumani 14-umumiy o'rta ta'lim
maktab o'qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8082782>

Annotatsiya: *Ushbu maqolada, "Majolis un-nafois"da badiiy mahorat masalasi, kitoblari Turk tilining rivojlanishiga qo'shgan hissasi, shoir mavzuni estetik didi, adabiy muhitning yetakchi tendensiyalaridan kelib chiqib yoritishga urinadi hamda muayyan bir g'oyani ilgari suradi. Aynan shu sababli, bir mavzu doirasidagi asarlarni qiyosiy tahlil etishda, har ikki ijodkorning mushtarak yoxud xos jihatlarini ko'rsatish bosh mezon bo'lgani haqida so'z yuritiladi.*

Kalit so'zlar: *Sharq adabiyoti, "Majolis un-nafois", tanqidchi, tilchi, mushtarak.*

Kirish qismi:

"Majolis un-nafois"da badiiy mahorat masalasiga ancha e'tibor berilgan. Tanqidchi kitobda keltirilgan misollar va har bir shoirniig zikri orqali she'riyat xodimlari oldiga badiiy mahoratni oshirish, buning uchun esa tinmay ijodiy mehnat qilish kerakligi talabini qo'yadi. Navoiy badiiy jihatdan pishiq asar yaratish uchun shoirniig keng ma'lumotli, san'atning boshqa turlari bilan tanish bo'lishi kerakligini ham uqtiradi.

"Majolis un-nafois"da shoirlarga tavsif berishda ulardan ba'zi birlarining musiqa, xattotlik, rassomlik, naqqoshlik san'atlariga aloqadorligini ham qayd qilgan. Shuni ham eslatib o'tish kerakki, Navoiy u yoki bu shoirning yuqorida tilga olganimiz san'atlar bilan mashg'ul bo'lishini samimiyat bilan ma'qullaydi. Bundan ma'lum bo'ladiki, Navoiy adabiyotning san'atning boshqa turlari bilan aloqada bo'lishini, xususan she'riyatning musiqa bilan bog'lanishi natijasida uning ta'siri yanada kuchayishini tushungan. Ma'lumki, Navoiyning o'zi faqat shoir, olim va yozuvchigina emas edi, balki san'atkor, aniqrog'i mohir musiqachi va bastakor ham edi. U zamonasining mashhur san'atkori Xoja Yusuf Burhondan musiqani chuqur o'rgangan edi. Shuning uchun Navoiy o'zining badiiy qarashlarida she'riyat bilan shug'ullanuvchi kishilarni san'atning faqat bir tarmog' bilan cheklanib qolmaslikka, musiqani va shunga o'xshashlarni o'rganishga da'vat etadi. Ana shu qoidaga amal qilgan shoirlarni esa alohida ta'kidlab o'tish bilan ularni boshqalarga namuna qilib ko'rsatadi. Bu jihatdan uning Mavlono Sohib Balxiy, Mavlono Binoiy, Xoja Yusuf Burhon va boshqalar haqida yozganlari diqqatga sazovordir. Masalan: "Mavlono Sohib Balxiy bovujudi she'r fanida mahoratlik kishi erdi, advor va musiqiy ilmida komil erdi va o'z g'azallarini o'z amallarig'a boglabdurkim, aning fazoyilig'a dalolat qilg'ay", yoki Xoja Yusuf Burhon haqida gapirib, "ko'proq o'z she'riga musiqiy bog'lab erdi", deb yozadi.

Demak, "Majolis un-nafois" XV asrda zamondoshlarga bagishlangan tazkirachilik an'anasini rivojlantirgan asar bo'lib, shu davr adabiy va madaniy hayotini o'rganishda qimmatli manbalardan biridir. Ikkinchi tomondan, "Majolis un-nafois"da Alisher Navoiyning badiiy aqidalari, shaklparastlikka qarshi keskin kurashi, san'atning turli tarmoqlari o'rtasidagi munosabatini tushunishi va shu kabi qator masalalar o'z aksini topgan. Shuning uchun bu asarning ahamiyati tazkira doirasidan ancha kengdir.

"Majolis un-nafois" XV asr ikkinchi yarmidagi adabiy muhitni keng qamrab olganligi va unda zullisonayn-turkigo'y hamda forsigo'y shoirlar haqida ma'lumot berilgani tufayli u o'sha davrning uzida katta qiziqish uyg'otdi. Natijada forsigo'ylarning ham undan

bahramand bo`la olishlari nazarda tutilib, XVI asrning yigirmanchi yillaridayoq fors-tojik tiliga ilovalar bilan tarjima qilindi. Bunday tarjimaning biri 1521-1522 yilda Hirotda Sulton Muhammad Faxriy Hirotiy tomonidan amalga oshirilib, "Latoifnoma" deb atalgan bo`lsa, ikkinchisi 1522-1523 yilda Istambulda Muhammad Hakimshoh G`azviniiy tomonidan bajarildi. XVI asrning oxirlarida Shoh Ali ibn Abdulali degan muallif ham "Majolis un-nafois"ni fors-tojik tiliga o`girgan. Keyingi davrdagi ma`lumotlarga ko`ra, "Majolis un-nafois" XVIII asrda Hindistonda yashagan Abdulboqi Sharif Ramazoniiy tomonidan to`rtinchi marta fors tiliga tarjima qilingan ekan.

Ko`rinadiki, "Majolis un-nafois" XVI-XIX asrlar davomida turkiy-o`zbek va forsiy tilda Sharqda keng tarqalgan muhim manbalardan hisoblanib, uning ma`lumotlaridan foydalanish, asarda qo`llanilgan an`analarni davom ettirib, o`zbek, tojik, ozarbayjon, fors tillarida tazkiralari yaratish holati ko`zga tashlanadi.

Alisher Navoiyning adabiyotshunos olim va tanqidchi sifatidagi faoliyati haqida so`z borganda uning "Mezon ul-avzon"i ham muhim ahamiyatga ega. Chunki bu asarda Navoiy o`zbek adabiyotshunosligi tarixida birinchi bo`lib aruz va uning qonun-qoidalarini to`g`risida so`z yuritdi. Bu masalani Navoiyning o`zi ham alohida ta`kidlab, shunday yozadi:

"G`araz bu maqolotdin va maqsad bu muqaddimotdin bu erdikim, chun turk alfozi bilakim, nazm voqe` bo`lubtur, anga zobitae va qonune yo`q erkondur va ul fan rivoji uchun kishi aruz fannida kitobe yo risolae bitmaydur... bu sababdin bu ilm zobitasiga salam suruldi". Shuni ta`kidlash lozimki, Navoiygacha va uning zamonida arab va fors-tojik she`riyatini asosida aruzning xususiyatini yorituvchi ko`pgina risolalar mavjud bo`lib, Navoiy ulardan yaxshigina xabardor edi. Shuning uchun "Mezon ul-avzon"ning kirish qismida arab adabiyotshunosi Xalil ibn Ahmad, "ilm ustodi Qays" (Shamsiddin Qays Roziy), Xoja Nasir Tusiy va Abdurahmon Jomiylarning bu sohada xizmatlari eslatib utilgan. Ammo Navoiyning bu masalada o`tmish ustodlaridan farq qiluvchi xizmati shundan iboratki, u turkiy, xususan o`zbek tilida yaratilgan she`riyat tajribasi asosida aruz qonun-qoidalarini bayon etdi va shuning bilan birga, turkiy xalqlar she`riyatiga xos bo`lgan she`riy shakl va vaznlarni ham birma-bir ta`riflab berdi. Natijada Navoiy bu ishi bilan faqat adabiyot tarixi masalalaridan so`z yuritgan adabiyotshunos bo`lib qolmadi, balki turkiy she`riyat nazariyasiga doir kuzatishlarini ham umumlashtirishga erisha oldi.

Demakki, bu sohada ham Navoiy tadqiqotchi sifatida faoliyat ko`rsatib, o`zidan oldingi mualliflar va zamondopshari tomonidan yaratilgan aruzga doir risolalarda bo`lmagan ma`lumotlar va xulosalarini kiritdi. Bu jihatdan uning asar oxiridan o`rin olgan tuyug, chinga (changiy), muhabbatnoma, orzuvoriv, turkiy shidagi mulohazalari diqqatga sazovordir. Chunki ular aslida turkiy xalqlar og`zaki ijodining mahsuli bo`lib, Navoiydan oldin hech bir aruz risolasiga kiritilmagan edi. Navoiy kuzatishlarida bu misollar keltirilishining ahamiyati shundaki, ularda yozma adabiy janrlarning xalq og`zaki ijodi janrlari bilan o`zaro aloqasi xususida so`z boradi.

Alisher Navoiyning turkiy va forsiy she`riyat, uning zabardast namoyandalari ijodidagi mulozhazalari hamda o`z asarlari to`g`risida yozganlari "Muhokamat ul-lug`atayn"da ham uchraydi. Diqqatga sazovor joyi shundaki, Alisher Navoiy salafarlari va zamondoshlari haqida juda muxtasar tarzda so`z yuritisa-da, ammo har bir shoir ijodining o`ziga xos xususiyatlarini, qaysi janrda qobiliyatlarini ko`rsata olganliklarini mahorat bilan belgilaydi. Jumladan, u XIV asrning mashhur shoiri Salmon Sovajiy haqida shunday yozadi:

"Suxanpardoz ustozli oliyshon Xoja Kalimiddin Salmon, qasida maydonining chobuksavoridur va o`z zamonining benazir suxanguzori, mashhurdurki, chun masnu qasidasi tartibiga qalam surubtur, o`n sakkizda itmom yetkurubdur. Voqyea ishe

qilibdurki, nazm ahli aning taammuqida hayron va taammulida sargardondur-lar". Yoki, "Hazrati Shayx Muslihiddin Sa'diy... g`azal tavrı muxtareidur", "masnaviyda ustozı fan Firdavsiy va nodiri zamon Shayx Nizomiy va jodui Hind Xusrav..." Turkiy tilda she`r bitishda Sakkokiy, Haydar Xorazmiy, Otoyı, Muqimiy, Yaqiniy, Amiriy va Gadoiylar maydonga kelgan bo`lsalarda, Mavlonı Lutfiyning alohida mavqyega ega ekanligi ham uqtiriladi.

Demak, bu asarda Navoiy faqat tilshunos olim emas, balki adabiyotshunos sifatida ham ko`zga tashlanadi.

Xulosa qismi:

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Alisher Navoiyning ijodi shunday ijodki "Obi Zamzam "suvi kabi totlidir.Uni qancha kôp ôqisakda uning asarlariga tôymaymiz.

Bugungi kunda 7 yoshdan boshlab 70 yoshgacha bôlgan yoshlar orasida Alisher Navoiyni tanimaydigan inson topilmaydi.Hamma uning asarlarini sevib ôqiydi.Yanada kôproq Navoiy ijodiga yoshlarni jalb etish hamda u kabi buyuk shaxslarni yetishtirib chiqarishni xulosalash mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alisher Navoiy asarlari. 15 tomlik, 14-tom G`fur G`ulom nomidagi adabiyot va san`at nashriyoti.-T.1967, 127-bet.
2. Ko`rsatilgan asar. 125-128-bet.
3. B. Valixo`jayev. O`zbek adabiyotshunoslik tarixi. Toshkent "O`zbekiston" 1993.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ЯДЕРНОЙ МЕДИЦИНЫ СТУДЕНТАМ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Ашууров Жасур Джурсаевич

Заведующий кафедрой «Инновационные и информационные технологии в медицине, биофизики» Бухарского государственного медицинского института, PhD.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8085159>

Аннотация: В данной статье освещается важность внедрения методов, основанных на инновационном подходе к преподаванию ядерной медицины в период реформ в системе высшего образования, а также результаты влияния на качество и эффективность образования.

Ключевые слова ядерной медицины, презентаций, биофизика и радиология, Ядерная медицина и технологии, Радиационное медицина и технологии.

Введение. Успехи прикладной ядерной физики последних лет оказали большое влияние на развитие многих направлений и в том числе и ядерной медицины. Особое значение и перспективным в этом направлении является использование атомной энергии в медицинских целях. Данная область науки в последние годы обогатилась новыми, очень ценными методами исследования жизненных процессов, диагностики и лечения заболеваний. В частности, появление методов радионуклидной диагностики и радионуклидной терапии в ядерной медицине привело к ощутимым изменениям в медицине и широкому использованию гибридных методов визуализации, аналитических методов и компьютерной томографии в медицинских учреждениях мирового уровня.

Исходя из этого в наши дни растет осознание того, что ядерная медицина зависит от наличия высококвалифицированных медицинских работников, прошедших соответствующее обучение и подготовку по эффективному использованию различного рода аппаратуры и устройств применяемых для ранней диагностики и своевременной терапии [1]. Однако во многих странах мира объем знаний в области ядерной медицины недостаточен для поддержки целевых программ обучения и создания ресурсов. В других странах и в частности в нашей Республике имеются учебные программы и ресурсы, но они не соответствуют требованиям растущей отрасли.

Традиционно в Узбекистане ядерная медицина как отдельный предмет, преподается в Национальном университете Узбекистана и в Самаркандском государственном университете в виде серии лекций, проводящийся в небольших студенческих группах на основе презентаций. В медицинских ВУЗах основы ядерной медицины преподаются пределах таких предметов как биофизика и радиология. В ходе этих занятий мало внимания уделяется самостоятельному обучению студентов, а также интерпретации проводимых исследований в области радиологии или ядерной медицины [3]. По завершению курса проводится итоговый опрос в устной или письменной форме, либо в виде компьютерных тестов.

Также еще одной из проблем в обучении ядерной медицины является ограниченная возможность демонстрации различных экспериментальных процессов, причиной которого является то, что многие опыты пагубно влияют на

организм человека, а в базах учебных заведений нет возможности использовать все средства и меры предосторожности. Именно по этой причине в процессе приобретения студентами знаний, навыков и квалификаций, связанных с ядерной медициной, наряду с традиционными ресурсами необходимо изучение возможности использования электронных образовательных ресурсов, в том числе мультимедийных средств [2].

Вдохновленные проводимыми реформами в системе высшего образования в нашей стране, мы решили провести научные исследования и педагогические эксперименты с целью разработки нового подхода в преподавании ядерной медицины на основе инновационных обучающих технологий. Для достижения данной цели мы разработали новую учебную программу и создали учебники, учебно-методические пособия, а также мультимедийные учебники для обучения студентов основам ядерной медицины и способам использования программного обеспечения для диагностической медицинской визуализации результатов исследований.

Учебная программа предмета охватывает такие понятия, как физические основы ядерной медицины, атомное ядро и ядерные реакции, ионизирующее излучение, радиоактивный распад, действие радиации на вещество, в том числе воздействие ионизирующих излучений на биологические объекты, в зависимости от направления обучения и специализации. Данные фундаментальные понятия являются наиболее важными и способствуют созданию основы для развития мировоззренческих представлений студентов об окружающем мире, а также получения знаний о практической ядерной физике.

Особое внимание при усовершенствовании методов преподавания уделяется развитию теоретического, практического и творческого мышления у студентов с применением продуктивного метода в сочетании с репродуктивным методом. Использование данного сочетания методов учитывает обучение студентов умению видеть проблемную ситуацию и находить оптимальное решения для выхода из этих проблемных ситуаций, а также способствует активному участию их на занятиях. Они уже не получают готовых знаний, а должны искать способ решения новой задачи, опираясь на собственный опыт и умения. Еще один важный момент: проблемная ситуация заставляет учащихся осознать недостаток своих знаний, побуждает их искать новые знания и умения. А поиск - одно из важнейших условий развития творческого мышления [4]. Так же данная структура занятия побуждает студентов учиться.

Апробация данной методики была проведена на студентах параллельных групп направления медицинской физики Национального университета Узбекистана и Ташкентского государственного технического университета. В ходе проведения педагогического эксперимента были отобраны контрольные и экспериментальные группы. В первой группе занятия проводились традиционными методами, а во второй группе с применением инновационного подхода и продуктивного метода в сочетании с репродуктивным методом.

В преподавании ядерной медицины с применением инновационного подхода нами установлено положительные изменения в мотивации к изучению и освоению ресурсов со стороны студентов, которая способствует формированию умений решать будущие профессиональные задачи на основе физических знаний. Об этом свидетельствуют и результаты проведенного нами опроса среди студентов после окончания занятий. При анкетировании мы выясняли мнения студентов о занятиях инновационного характера и все они дали положительную оценку.

Результаты анализа проведенных нами экспериментов с применением

критерия Стьюдента показали эффективность инновационного подхода в экспериментальных группах, по сравнению с традиционными занятиями в контрольных группах. Доверительный интервал оценок по предмету ядерная медицина был определен как 4,4 с вероятностью 0,94. Эффективность обучения ядерной медицины равна 1,24.

Высокой эффективности нового метода на занятиях по ядерной медицине также способствовало применение созданных электронных ресурсов и мультимедийных средств, дающих возможность в наглядной форме продемонстрировать суть основных понятий [5,6].

Новый мультимедийный учебник предназначенной обучению медицинской визуализации, состоит из электронных лекций, виртуально представленных 3 мерных изображений, анимацию, контрольных вопросов, обязательных тестовых заданий и упражнений, которые способствует экономит время преподавателей в ходе проведения занятий. Учебные материалы в рамках нового метода разработаны в виде небольших модулей, их можно легко повторно использовать при обучении различных групп [7].

В конечном итоге, результатом применения инновационного подхода в преподавании ядерной медицины является улучшение качества образования, проявляющийся определенным уровнем систематизации, взаимосвязи, взаимообусловленности полученных студентами знаний, навыков и умений. Повышается интерес учащихся к предмету, в связи с использованием мультимедийных учебников, структура которых состоит из электронных лекций, виртуально представленных 3 мерных изображений, контрольных вопросов, обязательных тестовых заданий и упражнений, включающих чтение и интерпретацию результатов диагностических исследований. Все вышеперечисленное, является эффективным инструментом для обучения студентов основным компетенциям ядерной медицины, и к тому же способствует самостоятельному обучению студентов, о чём свидетельствует также результаты проведенного анкетирования.

Статья написана на основе педагогического анализа материалов подготовленных в рамках инновационного проекта № АМ-ПЗ-2019062031 «Создание мультимедийных учебников для бакалавров и магистров по направлениям «Атомная энергетика», «Ядерная медицина и технологии», «Радиационная медицина и технологии»», мы выражаем благодарность авторам учебников.

Литература:

1. Трансконтинентальное обучение: МАГАТЭ открывает платформу дистанционного онлайн-обучения datol // Бюллетень МАГАТЭ 55-4-декабрь 2014. –С. 34-35.,
2. Ashurov, Jasur Djuraevich. "Nuclear medicine in higher education institutions of the republic of uzbekistan: Current status and prospects." *Academicia Globe: Inderscience Research* 3.07 (2022): 118-121.
3. Фройденберг Л.С., Бокиш А., Бейер Т. Проблемно-ориентированное обучение в виртуальном пространстве: Первые опыты ядерной медицины. *GMS Z Med Ausbild* 2010; 27: Док73.
4. Рахматова З. "Роль интерактивных методов в обучении студентов самостоятельному мышлению" *Экономика и социум*, no. 10-2 (101), 2022, pp. 521-524.

5. Djurayevich, Ashurov Jasur. "Opportunities Of Digital Pedagogy in A Modern Educational Environment." *Journal of Pedagogical Inventions and Practices* 3 (2021): 103-106.
6. Ashurov Jasur Djorayevich. (2022). EXPLANATION OF THE TOPIC "USE OF RADIOPHARMACEUTICALS IN GAMMA THERAPY" IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS USING THE "THOUGHT, REASON, EXAMPLE, GENERALIZATION (THREG)" METHOD. *European Scholar Journal*, 3(12), 68-71.
7. Djuraevich, Ashurov Jasur. "Zamonaviy ta'lim muhitida raqamli pedagogikaning o'rni va ahamiyati." *Eurasian Journal of Academic Research* 1.9 (2021): 103-107.
8. Умаров С. Х. и др. Удельные сопротивления и тензорезистивные характеристики кристаллов твердых растворов системы $TlInSe_{2-x}CuInSe_2$ //Журнал технической физики. – 2019. – Т. 89. – №. 2. – С. 214-217.
9. Umarov S. K. et al. Single crystals of $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ ($0 \leq x \leq 0.5$) solid solutions as effective materials for semiconductor tensometry //Technical Physics Letters. – 2017. – Т. 43. – С. 730-732.
10. Djurayevich A. J. Education and pedagogy //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2021. – Т. 3. – С. 179-180.
11. Ashurov J. D. THE IMPORTANCE OF ORGANIZING THE COOPERATION BETWEEN TEACHER AND THE STUDENTS IN THE CREDIT-MODULE TRAINING SYSTEM //Modern Scientific Research International Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 16-24.
12. Ashurov J. KREDIT MODUL TIZIMIDA JORIY QILISHDA O 'QITUVCHI VA TALABALARNING HAMKORLIKDA ISHLASHINING AHAMIYATI //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 6 Part 2. – С. 42-47.
13. Umarov S. H., Hallokov F. K. Piezophotorestrictive qualities of p-TlInSe₂ monocrystals //Евразийский Союз Ученых. – 2018. – №. 6 (51). – С. 38-42.
14. Эркин Ш. и др. Технология получения тонкослойных гетероструктур n-cds/p-cef3 и исследование их электрических свойств //Results of National Scientific Research International Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 326-338.
15. Erkin o'g'li D. S. QUYOSHDANTUSHAYOTGANNURLANISHNINGENERGIYABALANSI //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 132-135.
16. Erkin o'g'li D. S. New Technologies for Vulcanization of Elastomeric Compositions //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 334-337.
17. Davronov S. E. O. G. L. O'ZBEKISTON VA HINDISTON UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA FIZIKA FANI DARSLIKLARINING QIYOSIY TAHLILI //Scientific progress. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 223-228.
18. Erkin o'g'li D. S. FTORID-IONLI VA SUPER-IONLI QOPLAMALARNI O'RGANISH. – 2022.
19. Khusniddinova A. D., Muhiddinovich Z. X. INVESTIGATION OF AUTOMATION OF THE CONTROL UNIT OF THE TURRET HEAD OF THE LATHE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 11. – С. 346-350.
20. Khusniddinova A. D. Methods of Testing Logical Control Systems //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 28. – С. 247-249.

21. Абдуллаева Д. Х. ТРЕБОВАНИЯ, ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫЕ К ПРОГРАММНО РЕАЛИЗОВАННЫМ ЛОГИЧЕСКИМ КОНТРОЛЛЕРАМ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 68-71.
22. Абдуллаева Д. Х. ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СТРУКТУРЫ ПРЕДПРИЯТИЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОБРАБАТЫВАЮЩИХ ЦЕНТРОВ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 72-74.
23. Khusniddinovna A. D., Nurilloevich Y. M., Radzhabovich E. D. Use of Computing Platforms of General Purpose as A Hardware Base //International Journal of Human Computing Studies. – 2021. – Т. 3. – №. 8. – С. 46-50.
24. Khusniddinovna A. D., Mukhiddinovich Z. K. Approach to Testing Logical Control Systems of Technological Equipment //Texas Journal of Engineering and Technology. – 2022. – Т. 9. – С. 48-52.
25. Urinov N. F., Khusniddinovna A. D. Functional model of a software-implemented controller. – 2021.
26. Fayzilloevich U. N., Khusniddinovna A. D. Analysis of Log-Files of Technological Devices //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 28. – С. 391-394.
27. Urinov N. F., Khusniddinovna A. D. Software-implemented controller and its functional purpose //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 1-4.
28. Ёринов Н. Ф., Абдуллаева Д. Х. ПРОБЛЕМА ПОСТРОЕНИЯ ПРОГРАММНЫХ СИСТЕМ ЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМ ОБОРУДОВАНИЕМ //PEDAGOGS journali. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 27-30.
29. Ёринов Н. Ф., Абдуллаева Д. Х., Жураев Ж. М. СИСТЕМЫ ЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ //Актуальные вопросы и перспективы развития науки, техники и технологии. – 2021. – С. 28-32.
30. Jalol o'g'li J. et al. QOPLAMALARNI MIKROSKOPIYA VA RENTGEN-FAZAVIY TAHLIL USULIDA TADQIQ QILISH ANALIZ //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 198-205.
31. Olimovich S. S., Ugli K. Z. J. To Secure Your Paper As Per UGC Guidelines We Are Providing A Electronic Bar Code.
32. Jalol o'g' K. J. et al. KERMET QOPLAMALI INGICHKA PLASTINKANI ISITISH VA SOVITISH NOSTASIONAR JARAYONNING MATEMATIK MODELINI ISHLAB CHIQUISH. – 2023.
33. Olimovich S. S. et al. Higher education and teaching modern physics in it //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – Т. 11. – №. 04. – С. 73-76.

SUN'IY INTELLEKTNI RADIOLOGIYADA QO'LLASH MODELLARI VA TASVIRLARNI O'QITISH MASALALARI

Raximov Quvvatali Ortiqovich

Texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori(PhD),

Farg'ona davlat universiteti

quvvatali.rahimov@gmail.com

Kuchkarova Maxsudaxon Rasuljon qizi

Farg'ona Davlat Unversiteti 1-bosqich magistranti

kuchkarova93@yandex.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8085258>

Annotatsiya: Ushbu maqolada sun'iy intellektning tibbiyotga tadbiri hamda radiologiya sohasida qo'llanilish usullari, algoritmlari va modellari haqida aytib o'taman. Shuningdek, tasvirlarni aniqlikda mashinaga o'rgatilishi, kasalliklarni erta tashxislashda sun'iy intellekt tizimlaridan foydalanish va erishilgan natijalarning tahlillarini bayon qilaman.

Kalit so'zlar: Machine learning, Deep learning, Convolutional neural network (CNN), Viola Jones algoritmi.

Hozirgi kunda juda tez rivojlanib borayotgan yo'nalishlardan biri sun'iy intellekt va uning ko'plab amaliy masalalarga tadbiri etilayotganini ko'rishimiz mumkin. Jumladan, bilimga asoslangan tizimlar, turli aqliy o'yin turlari, mashina tarjimonlar, intellektual robotlar, tasvir va obrazlarni tanish, o'qitish va o'z-o'zini o'qitish kabi yo'nalishlarda rivojlanmoqda.

O'zbekiston sharoitida ushbu yo'nalishga bo'lgan talab yuqori va qo'llanilish sohalaridagi muammolar o'z yechimini kutmoqda. Shulardan biri tibbiyot sohasiga tadbiri etish masalasidir. Bu yerda dastlab hal etiladigan muammolardan biri bemorlarni ma'lumotlar bazasini tashkil etishdir, chunki bizga ma'lumki, sun'iy intellekt katta ma'lumotlar bazasi bilan ishlaydi. Xususan, juda kech aniqlanadigan kasalliklar mavjud bo'lib, ular o'zini 10-15 yilda namoyon etadi. Bularga turli onkologik kasalliklarni va tashxislash uzoq vaqt talab etiladigan patologiyalarni misol qilish mumkin. Shu o'rinda radiologiya sohasiga sun'iy intellektni tadbiri jarayonlari katta hajmdagi tasvirlarni o'qitish, ularni kichik qismlarini tanish va tasxislash masalalarini o'z ichiga oladi.

Tasvirlarni tanish qanday amalga oshadi?

Obyekt yoki tasvirni tanib olish – bu turli xil ananaviy kompyuter ko'rish vazifalarini o'z ichiga olgan butun bir jarayon:

Tasvir tasnifi: tasvirni belgilash va toifalarini yaratish.

Obyektning lokalizatsiya qilish: tasvirdagi obyektning joylashishini, uni chegarolovchi quti bilan o'rab olish orqali aniqlash.

Obyektning aniqlash: chegaralangan qutilar yordamida obyektning mavjudligini aniqlash va uni tegishli sinfga ajratish.

Obyektning segmentatsiyalash: turli elementlarni farqlash. Rasmning har bir elementini aniqlash va topish.

Jarayonlar va modellar:

Machine learning orqali o'rgatish va tasvirni aniqlash tizimlari bir necha muhim bosqichlardan o'tishni talab etadi:

O'rnatish, o'qitish va sinovdan o'tkazish:

Dastlab machine learning nimani izlash kerakligini aniq bilishi kerak. Unga ishlashga qaror qilingan parametrlarni uzatish kerak. Chegara qutilarini o'lchamlarini va uning ichida qanday elementlar borligini aniqlash juda muhimdir. Buning uchun machine learning ba'zi ma'lumotlar: rasmlar, videolar yoki fotosuratlar bilan ta'minlashi zarur. Bu elementlar kelajakda ma'lumotlarni tahlil qilishda samaraliroq natijaga erishish imkonini berdi. Bunda turli xil obyektlarni farqalash uchun Neyron tarmog'i tomonidan ishlatiladigan ma'lumotlar kutubxonasini bir turini yaratadi.

Ikkinchidan, model o'quv bosqichiga o'tishi, ma'lumotlar to'g'ri ishlashi uchun dasturga kiritilishini ta'minlash zarur. Bu bosqich Convolutional neural network(CNN)ning muayyan obyektlarini aniqlash va ularni correspondent sinflarda aniq tartibga solish uchun o'rgatishga mo'ljallangan.

Xususiyatlar paketi(Bag of features) modeli:

Bu modellar paketi tahlil qilinadigan tasvirni va namunaviy fotosuratni hisobga oladi va keyinchalik modeldagi algoritm tahlil qilish uchun namunadagi tasvirdagi piksel naqshlarini maqsadli rasmning ba'zi qismlari bilan moslashtirishga harakat qiladi.

Viola Jones algoritmi:

Bu algoritm yuzni tanib olishda qo'llaniladigan eng keng tarqalgan algoritmlardan biri. U odamlarni yuzini skanerlaydi, yuzlardan ayrim xususiyatlarni ajratib oladi va ularni tasniflaydi.

Convolutional neural network(CNN):

Machine learning inson miyasi bergan ma'lumotlarga tayanadi va odamlar tomonidan nazorat qilinadi. Birinchi navbatda, mos yozuvlar tasvirlari to'plamini yetkazib berish, uni obyektlarni ajratish va usulni sinab ko'rishga o'rgatish jarayoni amalga oshiriladi. CNN-bu Deep Learning texnikasining namunaviy arxitekturasidir. CNN algoritmi mashinalarga rasmda kuzatilgan barcha obyektlarning juda yuqori aniqlik bilan aniqlash va tasniflash imkonini beradi. Bu turdagi algoritm turli darajadagi idrok qatlamlari bilan ishlaydi. Masalan, biz qatlam ranglarini, boshqasi shakllarini, keyingisida obyektlarning teksturasini va hakazolarini tahlil qilishimiz mumkin natijada jarayon yakunida barcha qatlamlarning superpozitsiyasining bashorat qilishiga erishamiz.

Yuqoridagi model va algoritmlardan foydalanib kasalliklarni tashxishlash mumkin. Bunga misol sifatida pnevmoniyani aniqlashda qo'llanilgan Sun'iy intellekt tizimlarini keltirish mumkin Global pandemiya o'pka bilan bog'liq kasalliklarni o'rganishni tezlashtirdi.


Masalan, tadqiqotchilar CNN ga asoslangan modelni ishlab chiqdilar va u COVID-19 sabab bo'lgan pnevmoniyani aniqlashda 98% aniqlikka erishdilar.

Rasm sarlavhasi: heatmap COVID-19 sabab bo'lgan pnevmoniya va oddiy pnevmoniya.

Ma'lumotlar manbai: hindawi.com CXR yordamida Deep Learning ga yordam beradigan avtomatlashtirilgan pnevmoniyani aniqlash va tasniflash.



a) COVID-19 sabab bo'lgan pnevmoniya



b) odatiy pnevmoniya

Sun'iy intellekt tizimlari radiatsiya dozasini kamaytirishga, shuningdek, tibbiy skanerlarning tasvir sifatini yaxshilashga va erta bosqichda bemorlarni tashxislashga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Tibbiyotda sun'iy intellekt bo'yicha dayjest” Abdurahmonov I.Y. Turdiqulov SH.O'. Abduvaliev A.A. 15-noyabr Tibbiyotda sun'iy intellekt DAYJEST O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazi Toshkent - 2021 y.
2. “SUN'IY INTELEKTNING ASOSIY YO'NALISHLARI” Amirkulov Ch.J. Abdualimov D. A. Daminov Sh.F. Eshnazarov N. X.
3. <https://www.itransition.com/ai/radiology>

MURAKKAB KO'P KOMPOONENTLI MUHITNING OPTIK MODELINI TANLASH.

Davronov Shaxbos Erkin o'g'li

*Abu Ali Ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot instituti "Tibbiyotda innovatsion
axborot texnologiyalari, Biofizika" kafedrasida assistenti*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8085572>

Annotatsiya: Murakkab kompozitsion tizimlarni modellashtirish shaxsiy tajribasi asosida, tarkibiga oksidlar aralashmasi metallaridan birini uglerodli qaytarish yo'li bilan olingan nanokompozitsion materialni saqlagan selektiv yutib oluvchi qoplamlarning optik xususiyatlarini yetarlicha aniqlikda modellashtirish imkonini beradigan kompyuter dasturi yaratildi.

Kalit so'zlar: Selektivlik, modellashtirish, amplituda, selektiv yutib oluvchi qoplama, nanokompozitsion qoplama.

Selektiv qoplamlarni kompyuter modellashtirish asosida tekis to'lqinlar yaqinlashuvida statsionar to'lqin tenglamasini yechish yo'li bilan olingan rekurrent formulalar yotadi. Yutib oluvchi qatlamlarni o'z ichiga olgan selektiv yutib oluvchi qoplamlarning optik xususiyatlarini modellashtirish, aks ettirish va uzatish amplituda koeffitsiyentlari uchun yakuniy ifodalarga tez ostsillanadigan funktsiyalar kirganligi sababli har doim ham adekvat natijalarga olib kelmaydi. Bunday sistemalarda interferentsiya sharti yutib oluvchi qatlamlar mavjudligi yoki qalin zaif yutib oluvchi qatlamlar tufayli buziladi. Masalan, issiqlik quyosh qurilmalarining sirti selektivligi bir nechta plyonkalar tizimi: alyuminiy qatlamosti, yutib oluvchi va ravshanlashtiruvchi (prosvetlyayushchego) qatlam bilan ta'minlanadi. Yutib oluvchi qatlamining qalinligi d odatda tushayotgan quyosh nurlanishining to'lqin uzunligidan λ kattaroqdir. Bunday holda, kogerentlik shartlari buzilganligi sababli, bunday tizimlarda interferentsiya paydo bo'lmaydi. Shuning uchun, tarkibiga yutib oluvchi qatlamlar kirgan selektiv yutib oluvchi qoplamlarning optik xususiyatlarini modellashtirish uchun biz matritsa usulini (o'tkazish matritsasi usuli) tanladik. Bu usulda $j-1$ chegaradagi elektr maydonining normal komponentasining qiymati j chegaradagi elektr maydonining normal komponentasini chiziqli o'zgartirish yo'li bilan olinadi:

$$\begin{bmatrix} E_{(j-1)^-}^{(t)} \\ E_{(j-1)^-}^{(r)} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \frac{\exp(i\varphi_j)}{g_{j-1}} & \frac{f_{j-1} \exp(-i\varphi_j)}{g_{j-1}} \\ \frac{f_{j-1} \exp(i\varphi_j)}{g_{j-1}} & \frac{\exp(-i\varphi_j)}{g_{j-1}} \end{bmatrix} \begin{bmatrix} E_j^{(r)} \\ E_j^{(t)} \end{bmatrix} \quad (1.3)$$

$$f_{j-1} = \frac{N_{j-1} - N_j}{N_{j-1} + N_j}, \quad g_{j-1} = \frac{2N_{j-1}}{N_{j-1} + N_j} \quad (1.4)$$

Bu yerda: N_j , $\varphi_j = \frac{2\pi}{\lambda} N_j d_j$, d_j – sinish kompleks ko'rsatkichi, j -chi plenka fazaviy va geometrik qalinligi. Matritsali yozuvning qulayligi muhitlar bo'linishi chegarasida to'lqinli maydon komponentlarini bog'lovchi rekurrent protseduraning soddaligi va ixchamligidan iborat. Ketma-ket qo'llash (1.4) orqali, oxirgi plyonka va taglik bo'linishi chegarasida, ya'ni m -chi chegarada chegaraviy shartlarni hisobga olgan holda, yorug'lik tushadigan muhit tomonidan aks ettirilgan va o'tgan to'lqinlarning elektr maydoni amplitudalarini qo'yidagi shaklda olish mumkin:

$$\begin{bmatrix} E_{0^-}^{(t)} \\ E_{0^-}^{(r)} \end{bmatrix} = M_1 M_2 M_3 \dots M_{m-1} \begin{bmatrix} E_{(m)^-}^{(t)} \\ E_{(m)^-}^{(r)} \end{bmatrix} = M \begin{bmatrix} \frac{1}{2} \left(1 + \frac{n_m}{n_{m-1}} \right) \\ \frac{1}{2} \left(1 - \frac{n_m}{n_{m-1}} \right) \end{bmatrix} \quad (5)$$

Oksidlar aralashmasida metallardan birini uglerodli qaytarish yo'li bilan olingan nanokompozit materialni saqlagan selektiv yutib oluvchi qoplamalarning optik xususiyatlarini prognozlash (modellash) ko'p komponentli sistemalarning optik xususiyatlarini tavsiflovchi adekvat matematik modelni yaratmasdan bo'lmaydi. Model ko'p komponentli sistemalarning optik doimiylari yoki dielektrik funksiyasining komponentlarning konsentratsiyasi va optik doimiylariga bog'liqligini hisobga olishi kerak.

Hozirgi vaqtda ko'p komponentli dispers tizimlarning dielektrik xususiyatlarini tasniflash ularning fazaviy tuzilishining tashqi belgisiga ko'ra amalga oshiriladi. Fazoda xaotik fluktuatsiyalanadigan dielektrik doimiyli statistik tizimlar, shuningdek, dielektrik funksiyali ϵ_1 dispers faza **1** (to'ldiruvchi) zarrachalari ϵ_2 dielektrik funksiyali uzluksiz dispersion muhitida **2** (matritsa) tarqalgan matritsali tizimlar mavjud. Agar muvofiq komponentlarning hajmiy ulushlari f_1 va f_2 bo'lsa, u holda statik tizim uchun dielektrik funktsiya ϵ_2 o'zining komponentlariga nisbatan simmetrik bo'ladi $\epsilon_m = \varphi(\epsilon_1, \epsilon_2, f_1, f_2) = \varphi(\epsilon_2, \epsilon_1, f_2, f_1)$, ya'ni **1** va **2** fazalar ekvivalent bo'ladi. Matritsali tizim holatida dispers faza va dispers muhit ekvivalent emas, shuning uchun indekslar o'zgarganda ϵ_m funksiyaning shakli o'zgaradi (fazalar inversiyasi): $\epsilon = \varphi(\epsilon_1, \epsilon_2, f_1, f_2) \neq \varphi(\epsilon_2, \epsilon_1, f_2, f_1)$. Tarkibida uchta komponent: metall va ikkita oksid bo'lgan nanokompozitsion materialning optik xususiyatlari komponentlarning konsentratsiyasi va optik doimiylariga bog'liq bo'ladi. Shuning uchun uch komponentli muhit optik xususiyatlarini modellash uchun Bruggeman samarali muhit modeli tanlandi. Umumiy holatda, tarkibiga m komponent kirgan statistik tizim uchun Bruggeman formulasi qo'yidagi ko'rinishga ega:

$$\sum_{i=1}^m f_i \frac{\epsilon_i - \epsilon_m}{\epsilon_i + 2\epsilon_m} = 0 \quad (1.6)$$

$$\sum_i f_i = 1$$

Bu yerda: ϵ_i , f_i – i -chi komponentning dielektrik o'tkazuvchanligi va hajmiy konsentratsiyasi; ϵ_m – samarali muhit (aralashma) dielektrik o'tkazuvchanligi. Ikki komponentli muhit (oksidlar aralashmasi) uchun formula (1.3) ni yaqqol ko'rinishda yozamiz:

$$f_1 \frac{\epsilon_1 - \epsilon_m}{\epsilon_1 + 2\epsilon_m} + f_2 \frac{\epsilon_2 - \epsilon_m}{\epsilon_2 + 2\epsilon_m} = 0 \quad (1.7)$$

$$f_1 + f_2 = 1 \quad (1.8)$$

Agar (1.7) dan ϵ_m ni ifodalasak, u holda ikkita ildizga ega bo'lgan kvadrat

tenglamani olamiz. Uch komponentli muhit (metall va oksidlar aralashmasi) uchun ifoda (1.6) qo'yidagi ko'rinishga ega:

$$f_1 \frac{\varepsilon_1 - \varepsilon_m}{\varepsilon_1 + 2\varepsilon_m} + f_2 \frac{\varepsilon_2 - \varepsilon_m}{\varepsilon_2 + 2\varepsilon_m} + f_3 \frac{\varepsilon_3 - \varepsilon_m}{\varepsilon_3 + 2\varepsilon_m} = 0 \quad (1.9)$$

$$f_1 + f_2 + f_3 = 1 \quad (1.10)$$

Agar (1.9) dan ε_m ni yaqqol ifodalasak, u holda uchinchi darajali tenglamaga ega bo'lamiz. Ma'lumki, doimiy koeffitsientlarga ega bo'lgan uchinchi darajali tenglama, diskriminantdan bog'liq ravishda, bitta haqiqiy va ikkita kompleks ildizga, ikkitasi o'zaro teng bo'lgan uchta haqiqiy ildizga, yoki uchta turlicha haqiqiy ildizga ega bo'lishi mumkin.

Xulosa.

Adabiyotlar tahlili va murakkab kompozitsion tizimlarni modellashtirish shaxsiy tajribasi asosida, tarkibiga oksidlar aralashmasi metallaridan birini uglerodli qaytarish yo'li bilan olingan nanokompozitsion materialni saqlagan selektiv yutib oluvchi qoplamalarning optik xususiyatlarini yetarlicha aniqlikda modellashtirish imkonini beradigan kompyuter dasturi yaratildi.

Algoritm asosida (1.7) va (1.9) formulalar, shuningdek optik o'lchashlarni matematik qayta ishlash yotadi. Metallarni oksidlar aralashmasidan uglerod bilan qisman qaytarish usuli yordamida quyosh pechida nanokompozitsion kermet materiallari sintez qilindi. Sintez uchun boshlang'ich komponentlar kontsentratsiyalarining turli nisbatlarida $\text{Cr}_2\text{O}_3 - \text{NiO} - \text{C}$, $\text{TiO}_2 - \text{NiO} - \text{C}$, $\text{TiO}_2 - \text{CuO} - \text{C}$, $\text{Cr}_2\text{O}_3 - \text{TiO}_2 - \text{C}$ tizimlari asosidagi kompozitsiyalarni ishlatdik. Shixtani eritish nurlanish oqimining quvvatini o'zgartirgan holda URAN-1 radiatsion isitish qurilmasida va kamida 800 Vt/sm^2 nurlanish oqimi zichliklarini o'zgartirib 3 kVt quvvatga ega quyosh pechi yordamida eritildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

15. Трансконтинентальное обучение: МАГАТЭ открывает платформу дистанционного онлайн-обучения *datol* // Бюллетень МАГАТЭ 55-4-декабрь 2014. –С. 34-35.,
16. Ashurov, Jasur Djuraevich. "Nuclear medicine in higher education institutions of the republic of uzbekistan: Current status and prospects." *Academicia Globe: Inderscience Research* 3.07 (2022): 118-121.
17. Фройденберг Л.С., Бокиш А., Бейер Т. Проблемно-ориентированное обучение в виртуальном пространстве: Первые опыты ядерной медицины. *GMS Z Med Ausbild* 2010; 27: Док73.
18. Рахматова З. "Роль интерактивных методов в обучении студентов самостоятельному мышлению" *Экономика и социум*, no. 10-2 (101), 2022, pp. 521-524.
19. Djurayevich, Ashurov Jasur. "Opportunities Of Digital Pedagogy in A Modern Educational Environment." *Journal of Pedagogical Inventions and Practices* 3 (2021): 103-106.
20. Ashurov Jasur Djorayevich. (2022). EXPLANATION OF THE TOPIC "USE OF RADIOPHARMACEUTICALS IN GAMMA THERAPY" IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS USING THE "THOUGHT, REASON, EXAMPLE, GENERALIZATION (THREG)" METHOD. *European Scholar Journal*, 3(12), 68-71.
21. Djuraevich, Ashurov Jasur. "Zamonaviy ta'lim muhitida raqamli pedagogikaning o'rni va ahamiyati." *Eurasian Journal of Academic Research* 1.9 (2021): 103-107.
22. Умаров С. Х. и др. Удельные сопротивления и тензорезистивные характеристики кристаллов твердых растворов системы $\text{TlInSe}_2 - \text{CuInSe}_2$ // Журнал технической физики. – 2019. – Т. 89. – №. 2. – С. 214-217.

23. Umarov S. K. et al. Single crystals of $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ ($0 \leq x \leq 0.5$) solid solutions as effective materials for semiconductor tensometry //Technical Physics Letters. – 2017. – Т. 43. – С. 730-732.
24. Djurayevich A. J. Education and pedagogy //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2021. – Т. 3. – С. 179-180.
25. Ashurov J. D. THE IMPORTANCE OF ORGANIZING THE COOPERATION BETWEEN TEACHER AND THE STUDENTS IN THE CREDIT-MODULE TRAINING SYSTEM //Modern Scientific Research International Scientific Journal. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 16-24.
26. Ashurov J. KREDIT MODUL TIZIMIDA JORIY QILISHDA O 'QITUVCHI VA TALABALARNING HAMKORLIKDA ISHLASHINING AHAMIYATI //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 6 Part 2. – С. 42-47.
27. Umarov S. H., Hallokov F. K. Piezophotoreistive qualities of p-TlInSe₂ monocrystals //Евразийский Союз Ученых. – 2018. – №. 6 (51). – С. 38-42.
28. Эркин Ш. и др. Технология получения тонкослойных гетероструктур n-cds/p-cef3 и исследование их электрических свойств //Results of National Scientific Research International Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 326-338.
15. Erkin o'g'li D. S. QUYOSHDANTUSHAYOTGANNURLANISHNINGENERGIYABALANSI //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 132-135.
16. Erkin o'g'li D. S. New Technologies for Vulcanization of Elastomeric Compositions //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 334-337.
17. Davronov S. E. O. G. L. O'ZBEKISTON VA HINDISTON UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA FIZIKA FANI DARSLIKLARINING QIYOSIY TAHLILI //Scientific progress. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 223-228.
18. Erkin o'g'li D. S. FTORID-IONLI VA SUPER-IONLI QOPLAMALARNI O'RGANISH. – 2022.
19. Khusniddinova A. D., Muhiddinovich Z. X. INVESTIGATION OF AUTOMATION OF THE CONTROL UNIT OF THE TURRET HEAD OF THE LATHE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 11. – С. 346-350.
20. Khusniddinova A. D. Methods of Testing Logical Control Systems //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 28. – С. 247-249.
21. Абдуллаева Д. Х. ТРЕБОВАНИЯ, ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫЕ К ПРОГРАММНО РЕАЛИЗОВАННЫМ ЛОГИЧЕСКИМ КОНТРОЛЛЕРАМ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 68-71.
22. Абдуллаева Д. Х. ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СТРУКТУРЫ ПРЕДПРИЯТИЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОБРАБАТЫВАЮЩИХ ЦЕНТРОВ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 72-74.
23. Khusniddinova A. D., Nurilloevich Y. M., Radzhabovich E. D. Use of Computing Platforms of General Purpose as A Hardware Base //International Journal of Human Computing Studies. – 2021. – Т. 3. – №. 8. – С. 46-50.
24. Khusniddinova A. D., Mukhiddinovich Z. K. Approach to Testing Logical Control Systems of Technological Equipment //Texas Journal of Engineering and Technology. – 2022. – Т. 9. – С. 48-52.
25. Urinov N. F., Khusniddinova A. D. Functional model of a software-implemented controller. – 2021.
26. Fayzilloevich U. N., Khusniddinova A. D. Analysis of Log-Files of Technological Devices //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 28. – С. 391-394.

27. Urinov N. F., Khusniddinova A. D. Software-implemented controller and its functional purpose //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 1-4.
28. Ўринов Н. Ф., Абдуллаева Д. Х. ПРОБЛЕМА ПОСТРОЕНИЯ ПРОГРАММНЫХ СИСТЕМ ЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМ ОБОРУДОВАНИЕМ //PEDAGOGS journali. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 27-30.
29. Ўринов Н. Ф., Абдуллаева Д. Х., Жураев Ж. М. СИСТЕМЫ ЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ //Актуальные вопросы и перспективы развития науки, техники и технологии. – 2021. – С. 28-32.
30. Jalol o'g'li J. et al. QOPLAMALARNI MIKROSKOPIYA VA RENTGEN-FAZAVIY TAHLIL USULIDA TADQIQ QILISH ANALIZ //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 198-205.
31. Olimovich S. S., Ugli K. Z. J. To Secure Your Paper As Per UGC Guidelines We Are Providing A Electronic Bar Code.
32. Jalol o'g'li K. J. et al. KERMET QOPLAMALI INGICHKA PLASTINKANI ISITISH VA SOVITISH NOSTASIONAR JARAYONNING MATEMATIK MODELINI ISHLAB CHIQISH. – 2023.
33. Olimovich S. S. et al. Higher education and teaching modern physics in it //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – Т. 11. – №. 04. – С. 73-76.

SAN`ATGA BAXSHIDA UMR

Mamatkulov Maxammadjon

*Yunus Rajabiy nomidagi O`zbek milliy musiqa sanati instituti "Maqom xonandaligi"
kafedراسi o`qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8085676>

Annotatsiya: *Maqom ilmi va san`atini puxta egallagan ijodkor, sozanda, "Do`stlik" ordeni sohibi, Yunus Rajabiy nomidagi O`zbek milliy musiqa san`ati instituti dotsenti, Rahmatilla Samadov 53 yildan beri umrini maqom ijrochiligiga bag`ishlab kelayotgan jonkuyar va fidoiy ustoz. Ushbu maqolada esa, Rahmatilla Samadov haqida ma`lumotlar asosida ijrochi o`qituvchining shaxsiy fikrlari bayon qilinadi.*

Kalit so`zlar: *maqom, san`at, millat, doira, musiqa cholg`ulari.*

Аннотация: *Рахматилла Самадов, творец, музыкант, кавалер ордена "Дружбы", доцент Узбекского национального института музыкального искусства имени Юнуса Раджаби, уже 53 года посвятил свою жизнь исполнению макама. В данной статье на основе информации о Рахматилле Самадове представлены личные мнения исполнительного учителя.*

Ключевые слова: *мақом, искусство, нация, доира, музыкальные инструменты.*

Annotation: *Rakhmatilla Samadov, a creator, musician, holder of the order of "Friendship", associate professor of the Uzbek National Music Art Institute named after Yunus Rajabi, has been devoting his life to the performance of maqom for 53 years. In this article, based on the information about Rakhmatilla Samadov, the personal opinions of the executive teacher are presented.*

Key words: *maqom, art, nation, doira, musical instruments.*

San`at o`rgatilmaydi – san`at o`rganiladi...

Dunyoda turli millatlar ham elatlar ham ko`p. Lekin O`zbek millati o`ziga xosligi, madaniyati, san`ati, qadriyatlarini bilan ajralib turadi. Ayniqsa o`zbek san`atining milliy kuy-qo`shiq-lari-yu maqomlari. Ayniqsa, cholg`u san`ati haqida so`z boradigan bo`lsa, birinchi navbatda ijrochilarimizga jo`r bo`ladigan sozlari haqida va sozlarni mohirona so`zlatadigan ustoz cholg`uvchilarga e`tibot qaratsak mubolag`a bo`lmaydi. Cholg`u asboblari juda ko`p. Lekin har bir cholg`u asbobiga usul berib, uni bir maromda ushlaydigan bir cholg`u sozi borki, u siz boshqa sozlarni o`zi, xatto ashulalar ham xomdek, go`yo. Ha, siz farqlaganingizdek, bu Doira cholg`usidir. O`zbek cholg`ulari orasida Doira cholg`usi qadim davrlardan xalqimiz orasida keng ommalashib kelgan milliy cholg`ularidan biri hisoblanadi. Respublikamizning turli vohalaridagi arxeologik qazilmalardan topilgan tarixiy obidalardagi doira va doirasimon cholg`ularda ijro etayotgan tasvirlar uning qadim zamonlardan amaliyotda keng qo`llanilganligidan givohlik beradi.

Bu maqolam, aynan Doira cholg`usi haqida emas. Aksincha, ushbu cholg`u asbobini bir necha yillardan beri ishtiyok ila ham mutaxassis sifatida yoshlarga o`rgatib kelayotgan, ham ijrochi, Yunus Rajabiy nomidagi O`zbek milliy musiqa san`ati instituti "Maqom cholg`u ijrochiligi" kafedراسi dotsenti, ustoz Rahmatilla Samadov haqida boradi. Rahmatilla Samadov 1953-yili 20-fevralda Toshkent shahrida oddiy ishchilar oilasida dunyoga kelgan. 1968-yilda o`rta maktabni tamomlab, 1969-yilda Hamza Hakimzoda

Niyoziy nomidagi musiqa bilim yurtiga doira sinfiga o`qishga qabul qilinadi. Ushbu o`quv dargohida Yo`ldosh To`laganov ustozidan doira sirlarini o`rgangan. 1973-yilda ushbu bilim yurtini yakunlab, shu yilning o`zida O`zbekiston Davlat Konservatoriyasi, “Sharq bo`limi” kafedrasiga doira mutaxassisligi bo`yisha o`qishga kiradi. Talabalik davrlarida esa O`zbekiston Respublikasida Xizmat ko`rsatgan artist To`ychi Inog`omov qo`lida tahsil oladi. Suhbatimiz davomida Rahmatilla Samadov:” Doirani qo`linga tutqazib, mana shu Doira bo`ladi – deb tanishtirgan, ushbu cholg`u soziga mehr qo`yishiga sababchi bo`lgan ustozim To`ychi Inog`omov bo`ladilar” – deb ta`kidlab o`tdi. Qolaversa, O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan san`at arbobi Faxriddin Sodiqovning cholg`u va maqom asnamblaridan dars olgan. Maqom usullarini menga qunt bilan o`rgatgan ustozim – Dodaxo`ja Sottixo`jayev bo`lganlar deb faxr bilan aytdi ustoz Rahmatilla Samadov. 1978-yilda Konservatoriyani muvaffaqiyatli tamomlab, Yunus Rajabiy nomidagi maqom ansamblida doirachi sozanda sifatida ish faoliyatini boshlagan. 1976-yildan 1999-yilgacha ushbu maqom ansamblida mehnat qilib, faoliyat olib bordim, ko`plab xonanda va xofizlarga sozandalik qildim – deydilar Rahmatilla aka.

Ustoz otangdek ulug` - deb bekorga aytishmagan. Har bir insonni barkamol va yetuk bo`lib kamol topishida uning ota-onasi va ustozari katta ro`l o`ynaydi. Bu dunyoga kelishimizga sababchi bizning ota-onalarimiz bo`lishsa, butun bilimini, san`atini, madaniyatini o`rgatgan bu bizning ustozlarimiz hisoblanishadi. Ustozni hurmat qilsang, ustoz darajasiga yetasan degan maqollar ham bor – deydi Rahmatilla Samadov. Insonning san`ati zo`r bo`lsa ammo odobi bo`lmasa u hayvondan battardir. Odamzot har bir narsaga mehr qo`yishi kerak. Aks holda biror bir ishni mehr bilan qilmasangiz u siz o`ylagandek go`zal va ajoyib chiqmasligi mumkin. Aynan doira cholg`usiga mehr qo`yib, bor kuch va bilimini singdirgan Rahmatilla Samadov bugun shogirdlari va talabalari ardog`idagi ustoz. Bu san`atda seniki, meniki degan iboralar bo`lmaydi, san`atga shogird bo`lib keldingmi, shogird bo`lib ketasan – deb ko`p ko`p nasihat qilardilar rahmatli ustozim Faxriddin Sodiqov – deydi bizning mohir doirachimiz.

Jamiyat yaxshi bo`lishi uchun, insonning o`zi avvalo odobli bo`lishi kerak. Bu san`at fidoiylikni talab etadi. Inson o`z san`atidan qandaydir manfaat kutishi kerak emas, aksincha shunday fikr-u hayollarda yursa ulkan jarlikka kelib qoladi go`yo. Talabalik yillarida ham, qolaversa ish faoliyati davrida ham ko`plab chet el davlatlariga o`zbek san`atini dunyolarga yoyishda sababchi bo`lgan. Jumladan: Yaponiya, Fransiya, Gollandiya, Hindiston, Riga va bir qancha yevropa davlatlariga tahsif buyurib yurtimiz san`atini namoyish etib kelgan.

Ustoz Rahmatilla Samadov “Bahor” ansambli raqqosalariga doirachi jo`rnavez ham bo`lib faoliyat olib brorgan. Yuzma-yuz suhbat qurayotganimizda jami 110ta ijrochi xofizlarga jo`rnavezlik qilganligini aytdi. Bir necha san`at darg`alarini sanab o`tishni joiz deb bildim.

1. O`zbekiston Xalq Artisti – Orifxoji Alimaxsumov
2. O`zbekiston Xalq Xofizi – Orifxon Xotamov
3. O`zbekiston Xalq Xofizi – Eson Lutfullayev
4. O`zbekiston Xalq Xofizi – Ochilxon Otaxonov
5. O`zbekiston Xalq Xofizi – Mahmud Yo`ldoshev
6. O`zbekiston Xalq Artisti – Komuna Ismoilova kabi buyuk xalq xofizlari, xalq artistlariga jo`rnavezlik qilgan.

500ga yaqin shogirdlarning sevimli ustoz. Ochig`i juda hayratda qoldim, axr yuqoridagi raqamlar oddiy raqamlar emas. Dunyoning turli nuqtalarida qolaversa, yurtimizning har bir viloyatida shogirdlarim bor – deydi ustoz. Hozirgi kunda Rahmatilla Samadov bilan birga yelkama-yelka ishlab kelayotgan shogirdlari borligini aytdi. Nodir Zokirov, Ilhom

Turdiyev, Farxod To`rxonov, Azizbek Ergashev, Umidjon Malikov, Abbos Bakirov, Quadratilla Samadov shular jumlasidandir.

Mohir sozanda Rahmatilla Samadov, O`zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 30yilligi ko`krak nishoni hamda “Do`stlik” ordeni sohibi hisoblanadi. Qolaversa, ustozning “An`anaviy doira ijrochilik asoslari” va “ Zarblar xazinasini” deb nomlangan kitoblari nashrdan chiqqan. Yurtimizdagi barcha ijrochi yoshlar foydalanishi mumkin. O`z ishining ustasi bo`lgan, mohir sozanda Rahmatilla Samadov san`at sohasida 53yildan beri faoliyat olib kelmoqda.

Maqom ijrochiligidagi ushbu darg`alarni ko`rib, suhbatlashib: bu kabi ilmi, talabalar ardog`idagi ustozlar san`atimiz rivoji uchun zarurligini angladim. Zero, o`zbek maqom san`atida shunday ulug` va ilmi ustozlarimiz bor ekan, san`atimiz yanada yuksalishda davom etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Rahmatilla Samadovning o`zi bilan suhbat.
2. R. Abduazimov “Cholg`u ijrochiligi asoslari” . “Musiqqa” – 2016-yil 60-bet
3. O`zbek An`anaviy musiqqa ijrochiligi xrestomatiyasi. “O`qituvchi” – 1995-yil 145-bet.

TURIZM SOHASIDA XIZMATLAR SIFATINI RIVOJLANISHINING ASOSIY VAZIFALARI

Yulchiyev Asiljon Ortikali o'g'li
Iqtisodiyot va servis kafedrasi o'qituvchisi,
ORCID-0000-0002-6598-2194

Luqmonov Shohruhbek Ma'murjon o'g'li
Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish yo'nalishi talabasi,
Fargona davlat universiteti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8087074>

Annotatsiya: *Turizm sohasida xizmatlar sifatini rivojlanishining asosiy vazifalari muxum bo'lib xizmatlar sifatini rivojlantirish orqali mamlakatimizga tashrif buyurayotgan turistlar oqimini ko'paytirish, aholini ish bilan taminlash, turizmga bevosita va bilvosita aloqador bo'lgan tarmoqlarni rivojlantirish hamda yalpi ichki maxsulotdagi xizmatlar ulushini ko'paytirishga erish mumkin bo'ladi.*

Kalit so'zlar: *Xizmatlar sifatini rivojlanishi, xizmatlar bozori, turizm xizmatlari, turistik xizmatlarning o'ziga xos xususiyatlari.*

Kirish. Turizm sohasi hozirgi vaqtda eng tez suratlarda o'sib kelayotgan sohalardan biriga aylandi va hozirda neftni qazib olish va qayta ishlash, avtomobil ishlab chiqarishdan keyin turizm sohasi dunyoda uchinchi o'rinda bormoqda. Bazi bir mutaxassislar va ekspertlarning takidlashicha yaqin kelajakda turizm sohasining dunyo yalpi ichki mahsulotidagi ulushi sezilarli darajada o'sib neft va mashinasozlik sohaslarini ham quvib o'tadi degan fikrlarni aytib o'tishdi.

Natijalar. Xizmatlar bozori o'zining malum ko'rsatkichlari bilan boshqa bozorlardan farq qilsa ham ba'zi xislatlari bilab ya'ni istemolchiga yo'naltirilganlik, erkin raqobat, istemolchini talab va didiga qarab maxsulot va servislarni taqdim qilish kabi sifatlari bilan boshqa bozorlarga o'xshaydi.

Xizmatlar odamlar va jamiyat extiyojlarini qondirdigan maxsus istemol qiymati sifatida qaraladi. Xizmatlarning o'ziga xos xususiyati xizmatni ishlab chiqish va qabul qilish bir xil zamon va makonda sodir bo'lishi, bundan tashqari uni saqlashning imkonsizligi, xizmatning sifatini uni taqdim qilayotgan xodimga bog'liq bo'lishidir. Bundan tashqari xizmatlar moddiy emasligi, uni moddiy maxsulotlarga qaraganda uni baxolashni ancha qiyinlashtiradi. Baxolash ko'pincha istemolchini xulq atvori, didi, xizmat xaqidagi bilim va ko'nikmalaridan kelib chiqib baxolanadi.

Turizm xizmatlari boshqa xizmatlarga o'xshab moddiy ko'rinish bilan bevosita bog'liq bo'lmasa ham, aholining hayot sifati, turmush darajasi va umumiy farovonligiga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Bu xizmatlar boshqa bir qancha xizmatlar bilan bir qatorda odamlarning mentalitetini o'zgartirishga va ruhiy holatini yaxshilashga yordam beradi. Turistik xizmatlar ham o'ziga xos xususiyatlarga ega, masalan, boshqa xizmatlarda uchramaydigan ma'lum turdagi qulaylik va dam olishni ta'minlash qobiliyatiga ega. Turizm xizmatlarining ayrim o'ziga xos xususiyatlari 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Turistik xizmatlarning o'ziga xos xususiyatlari va ularning mazmuni

| T/p | Xizmatlarning o'ziga xos xususiyatlari | Shu xususiyatlarning mazmun-moxiyati |
|-----|---|---|
| 1. | Turistik xizmatlarning bir vaqtning o'zida ham ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatga ega ekanligi | Turistik xizmatlarning ijtimoiy ahamiyati bevosita aholining ish bilan ta'minlashi, daromadlarning oshirishi, hayot sifati va darajasining oshirilishi bilan belgilanadi. Iqtisodiy ahamiyati bevosita uning hudud va mamlakat iqtisodiyotiga qo'shayotgan hissasi, xizmatlar sohasidagi o'rni, turistik mahsulotlar ishlab chiqarishi va boshqalar bilan belgilanadi. |
| 2. | Turistik xizmatlarning oldi-sotdi jarayonida moddiy shaklda namoyon bo'lmasligi | Turistik xizmatlar ham boshqa xizmatlar singari oldi-sotdi jarayonida moddiy shaklda namoyon bo'lmaydi, balki bir vaqtning o'zida iste'mol qilinadi. Xizmat ko'rsatuvchining xizmati uning professionalligiga mos ravishda iste'molchining ham mazkur xizmatdan qanchalik manfaatdor bo'lishligini nazarda tutadi va natijada ularning umumiy saviyasiga bog'liq bo'ladi. |
| 3. | Turistik xizmatlarni saqlash imkoniyatining yo'qligi | Turistik xizmatlarni ham boshqa xizmatlar singari saqlash imkoniyati yo'q, chunki u bevosita ko'rsatilayotgan jarayonda iste'mol qilinadi, uning sifati ham shu jarayonning o'zida iste'molchi tomonidan baholanadi. |
| 4. | Turizm xizmatlarining xizmat joyida ko'rsatilishi va boshqa joyga olib ketilishining imkoniyatining yo'qligi | Turizm xizmatlari nomoddiy bo'lishi, uni saqlash va tashish imkoniyatining yo'qligi hamda mazkur xizmat iste'mol qilinadigan payt va joyida ko'rsatilishi uni boshqa joyga olib ketilishining imkoniyatining yo'qligi bilan xarakterlanadi. |
| 5. | Turistik xizmatlarni ko'rsatishda iste'molchi, xizmat ko'rsatuvchi va turistik mahsulot bir vaqtning o'zida hozir bo'lishligi | Turistik xizmatlarning yana bir muhim xususiyati uni ko'rsatish jarayonida iste'molchi, xizmat ko'rsatuvchi va turistik mahsulot (xizmat) bir vaqtning o'zida hozir bo'lishi zarurligi bilan xarakterlanadi. |
| 6. | Turizm xizmatlar sifati va raqobatbardoshligi | Turistik xizmatlarni ko'rsatuvchi korxonalar va firmalar juda yuqori tavakkalchilik (risk) sharoitida ishlaydi. Agar sifatli xizmatni ta'minlay olmasa, raqobatda imkoniyatni boy berib qo'yishlari ehtimoli juda baland bo'ladi. |

Zamonaviy turizmni rivojlantirishda sifatning ahamiyati o'ziga xos bo'lib, sifat biznes muvaffaqiyati uchun xalqaro raqobatda eng muhim omillardan biriga aylangan va sifatni doimiy ravishda yaxshilash biznes uchun yaxshi ma'noga ega. Bu ayniqsa keng ko'lamli turizm sektoriga taalluqlidir, bu erda "yangi" sayyohlik yo'nalishlarining tobora ko'payib borayotgani destinatsiyalar bo'yicha marketing bo'yicha mutaxassislarni va operatsiyalar bo'yicha menejrlarni o'z mahsulot takliflarini farqlashga yo'naltirilgan

raqobatbardosh strategiya sifatida xizmat ko'rsatish sifatini oshirishga sarmoya kiritishga majbur qildi.

Sifatni boshqarish xodimlarning ma'naviyati va ishdan qoniqishini oshirishga olib keladi.

Agar xodimlar sifat dasturini tayyorlash va amalga oshirishda ishtirok etsalar va ular tizimni o'zlari uchun ham foydaliroq deb bilishsa, ular ko'proq g'ayratli, qoniqarli va sodiq bo'lishadi. Bunga rahbariyat va xodimlar o'rtasidagi aloqani yaxshilash orqali erishish mumkin. To'g'ri sifat menejmenti xodimlarning qo'nimsizligini kamaytiradi va bu xarajatlarni kamaytirishga olib keladi. Natijada sifat menejmenti mehmondo'stlikni rag'batlantiradi va barcha xodimlar bir xil yo'nalishda yani mehmonlarning xoxish va istaklarini qondirish yo'lida birlashadilar. Shuning uchun o'z ishiga va mas'uliyatiga chinakam sadoqatli xodimlarni ishga olish juda muhimdir.

Mijozlarga to'g'ri xizmat ko'rsatish qimmat reklamadan ko'ra samaraliroq.

Mijozlarga xizmat ko'rsatishni yaxshilash turizm sanoati uchun muhim ahamiyatga ega. Ba'zan marketing, reklama va savdo tashviqotlariga ko'p pul sarflashdan ko'ra, ularning ehtiyojlarini qondirish orqali mijozlarning tavsiyalariga tayanish osonroq va arzonroqdir. Har 10 ta mehmondan 9 tasi ta'tilni do'stlari va qarindoshlarining tavsiyasi bilan o'tkazishi isbotlangan.

Sifat menejmenti muhim hodisalar bilan kurashishni yaxshilaydi.


Har bir mehmonning o'ziga xos umidlari, ehtiyojlari va fikrlari bor. Xodimlar qanchalik xushmuomala bo'lishidan qat'i nazar, g'alati xato yoki tushunmovchilikdan qochib bo'lmaydi. Bunday hodisalar "tanqidiy hodisalar" sifatida tavsiflanadi. Bular xizmat ko'rsatish tarmog'idagi turli darajadagi nuqsonlar bo'lib, natijada mehmonlarning kutganlarini qondira olmay qoladi va shuning uchun norozilikni keltirib chiqaradi. Mehmonlar tanqidiy voqealarni eslab qolishadi va ular haqida gapirishdan tortinmaydilar.

O'Neill turizm sohasida xizmat sifatining raqobatga tasiri va raqobatbardoshlikni oshirishda ahamiyati haqida o'z izlanishlarida quyidagi xulosaga keldi ya'ni turizm industriyasi doimiy ravishda o'z bozoridagi o'rnini global raqobatga qarab ko'rib chiqishi kerak. Mijozning biznesi uchun raqobatlashayotgan sayyohlik yo'nalishlari soni tobora ortib bormoqda va mijozlar ma'lum bir xizmat yoki mahsulotga sodiq bo'lishga moyil emas, balki haqiqiy qiymatni taqdim etadigan innovatsion g'oyalarni izlaydilar. Agar tashrif buyuruvchining sifat va pul qiymatiga bo'lgan umidlari bajarilmasa, ular qaytib kelmaydilar va ularning qarori do'stlarining dam olish joyini tanlashiga ham ta'sir qiladi degan xulosa bergan.

Xizmatni baholash uchun turli xil mijozlar guruhlari tomonidan turli mezonlardan foydalaniladi va bu mezonlar vaziyat va sharoitga qarab farqlanadi. Mijoz sifatni belgilaydi va uning qoniqishi sifat ko'rsatkichlarini o'lchash uchun asosdir.

Turizm sohasida xizmatlar sifatini rivojlanishining asosiy vazifalari 2-rasmda keltirilgan bo'lib ularning axamiyati turizm korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish hamda xizmatlar bozorida yuqori ulushga ega bo'lish va boshqa vazifalari mavjuddir.

Turizm industriyasidagi eng muhim voqealardan biri bu mijozlar nuqtai nazaridan xizmat ko'rsatish sifatiga e'tiborning kuchayishidir. Bu xizmat ko'rsatish jarayonida mijozlar ustunligining kuchayishi natijasidir. Hozirgi vaqtda mijozlar sayohat haqida ko'proq ma'lumotga ega va tobora ko'proq tajribali sayohatchilar bo'lib, bu ularni xizmat ko'rsatuvchi provayderning malakasiga kamroq bog'liq qiladi, masalan. sayohat agentligi. Mijozning ustunligi oshgani sayin, u tobora ko'proq talabchan bo'ladi.



2-rasm Turizm sohasida xizmatlar sifatini rivojlanishining asosiy vazifalari

Sifatni yaxshilash yo'llaridan biri bu tub o'zgarishlarni kiritishdir, ya'ni mavjud tizimni boshqa yaxshisi bilan almashtiriladi. Bu odatiy xizmatdan tashqariga chiqish va yangi dizaynlar, protseduralar, usullar, xizmat tushunchalari va xizmatlarni taqdim etish tizimlarini ishlab chiqishni anglatadi. Boshqacha aytganda - innovatsiya. Masalan sayohat agentligi paketli turlarda ko'proq tanlov taklif qilish o'rniga, ommaviy moslashtirish strategiyasidan foydalanishi kerak (har xil individual paketlarga sozlanishi mumkin bo'lgan modulli komponentlarni yaratish). Mijozlar ko'proq paketli turlarni tanlashni xohlamaydilar; ular faqat kerakli narsani xohlashadi.

Turizmda mijozlar izlayotgan sifat turistik korxonaning xizmat ko'rsatish sifatidan ko'ra ko'proq narsani anglatadi – bu, shuningdek, sifat menejmenti faqat bitta kompaniyaning resurslariga bog'liq emasligi sababli ancha murakkab bo'lgan maqsadli hudud muammosidir.

Turistik mahsulot nafaqat bir nechta xususiy etkazib beruvchilar (turish joylari, ovqatlanish, sayohat tashkilotchilari, attraksionlar, dam olish tadbirlari), balki davlat muassasalari (yo'llar, kommunal xizmatlar, teatrlar, muzeylar) tomonidan ishlab chiqarilganligi sababli, xususiy va davlat korxonalari yaqindan hamkorlik qilib turistlarni dam olishi va turistlarni extiyoji va istaklarini qondirishi uchun xarakat qilishlari talab etiladi. Bu shuni anglatadiki, turizm hududi (turizm destinatsiyasi) ning sifatini faqat biznes nuqtai nazari bilan rivojlantirish ancha qiyin ishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Lehtinen, U. and Lehtinen, J.R. (1982), "Service quality ± a study of dimensions", unpublished working paper, Service Management Institute, Helsinki, pp. 439-60.
2. O'Neill, M. (2002). Service quality evaluation in the higher education sector: An empirical investigation of students' perceptions. Higher Education Research & Development, 21(1), 23-39. P.R. Ism atullayev, B.M. Axmedov, P.M. M atyakubova, G. X. Xamroqulov, Sh.A. Turayev Sifat menejmenti tizimi va uni sertifikatlashtirish
3. Gilbert, G. and Veloutsou, C. (2006). A cross-industry comparison of customer satisfaction. Journal of Services Marketing, 20(5), pp.298-308. Min, H., Min, H. and

- Chung, K. (2002). Dynamic benchmarking of hotel service quality. *Journal of Services Marketing*, 16(4), pp.302-321. Wilkins, H., Merrilees, B. and Herington, C. (2007). Towards an understanding of total service quality in hotels. *International Journal of Hospitality Management*, 26(4), pp.840-853.
4. Nasridinova, T. O. (2022). The role of tourism in the development of the economy and increasing its attractiveness in the republic of Uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management Review* Issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(01), 14-20.
 5. Teshabaeva, O., & Yulchiev, A. (2022). Innovative marketing strategy aimed at maximizing the development of the tourist industry in Uzbekistan. *Asia pacific journal of marketing & management review* issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(05), 1-6.
 6. Axunova, O., Teshabaeva, O., & Yulchiev, A. (2021). Analysis of the status, movement and level of funding of fund funds in foreign enterprises. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 450-460.
 7. Юлчиев, А. О. (2022). Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришда бюджет ташкилотларини молиялаштириш. *Modern scientific research achievements*, 1, 6-11.
 8. Ergashovna, A. O., & Eshmuhammadovna, S. D. (2022). Efficiency of using modern management methods in management of enterprises. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(2), 107-114.
 9. Юлчиев, А. О. У., & Зайлобиддинов, Д. Н. (2022). ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Academic research in educational sciences*, 4(1), 91-100.
 10. Тешабаева, О. Н. (2022). Статистический анализ развития туризма в Узбекистане. *ОАК.Педагогика ва психология журнали-Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар*, 1, 104-112.
 11. Mahmudovna, G. G., & Nasridinova, T. O. Role of information systems on tourism development in Uzbekistan.
 12. Teshabaeva, O., & Karimova, M. (2023). O'zbekiston iqtisodiyotini investitsiyalash jarayonlari, uning rivojlanish tendensiyalari va xususiyatlari. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(5 Part 4), 93-100.
 13. Yulchiyev, A. (2022). Ways to improve the development and management of foreign economic activity at industrial enterprises of Uzbekistan. *international journal of social science & interdisciplinary research* issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 155-166.
 14. Юлчиев, А. О. (2022). Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришда бюджет ташкилотларини молиялаштириш. *Modern scientific research achievements*, 1, 6-11.
 15. Юлчиев, А. О. Ў. (2022). Миллий тўқимачилик маҳсулотларини халқаро бозорларга йўналтиришда мультибрендинг стратегияни қўллаш усулларининг истиқболлари. *Scientific progress*, 3(3), 868-875.
 16. Jamoliddinova, M. D. (2023). Strategy for the development of innovative tourism services in the field of marketing in uzbekistan. Publishing House "Baltija Publishing".
 17. Тешабаева, О. Н., & Ташматова, Н. Х. (2023). Ўзбекистон республикасида аграр секторда тадбиркорлик ривожланишининг ўзига ҳос жиҳатлари. *Academic research in educational sciences*, 4(1), 22-30.
 18. Тешабаева, О. Н., & Ахунова, О. (2021). Развитие цифровой экономики Узбекистана и его основные направления. *Pedagogical sciences and teaching methods*, 6, 85-92.

19. Teshabaeva Odina Nasridinovna, & Raxmonaliyev Ortig'ali Boxodir o'g'li. (2023). Strategic prospects for the economic development of the entrepreneurial environment in Uzbekistan. *Modern Scientific Research International Scientific Journal*, 1(3), 59–71. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7978711>
20. Teshabaeva Odina Nasridinovna, & Holbekova Dildoraxon Axatjon qizi. (2023). Sanoat tarmoqlari tarkibidagi korxonalar faoliyati raqobatdoshligi holatining iqtisodiy tahlili. *Results of national scientific research*, 2(5), 31–45. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7933914>.

O'QUV MUASSASALARIDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR ASOSIDA TARBIYA ISHINI RIVOJLANTIRISHNI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Abdullayeva Shoxidaxon Shamsiddinovna

Farg'ona viloyati, Beshariq tumani 2-son kasb-hunar maktabi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8105522>

Annotation: *this article presents information on the peculiarities of the development of educational work in educational institutions on the basis of modern approaches.*

Keywords: *personal worldview (both scientific and religious), modern knowledge, teachers, coaches and parents, the term "upbringing".*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada o'quv muassasalarida zamonaviy yondashuvlar asosida tarbiya ishini rivojlantirishni o'ziga xos xususiyatlari borasida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *shaxsiy dunyoqarash (ham ilmiy, ham diniy), zamonaviy bilim, o'qituvchilar, murabbiylar va ota-onalar, «tarbiya» atamasi.*

KIRISH. (Introduction)

O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy siyosatida milliy o'zlikni anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlarini o'zlashtirish orqali shaxs bilan jamiyat o'rtasida uyg'unlikni vujudga keltirish, ehtiyojlarning xususiylikdan umumiylikka o'sib o'tishining qondirilishi har jihatdan voyaga yetayotgan yoshlarning qobiliyatlari, iste'dodlari, ichki imkoniyatlari, o'ziga xos individual-psixologik xususiyatlarini tadqiq etishni, shuningdek, rivojlantirishni talab etadi. Yosh avlodning shaxs va subyekt sifatida shakllanishi, aqliy rivojlanishi, tarbiyalanganlik darajasini aniqlamasdan turib, o'rta maxsus va oliy ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish mumkin emas. Jamiyatning infrastrukturalarida, guruhiy shaxslararo munosabatlarda demokratiya prinsiplarining qaror topishi, fuqarolar o'rtasida teng huquqlilik, subyektlilik, hamkorlik, hamdardlik (empatiya) mezonlari turmush tarziga aylana boshlashi kishilik dunyosining jahonshumul ijtimoiy - tarixiy g'alabasining yorqin ifodasidir. Hozirgi davrda shaxsning robotlashuviga chek qo'yilishi, o'zining mustaqil inson (subyekt) tarzida namoyon bo'lishi uchun moddiy-ma'naviy negiz barpo etilishi, shaxsiy dunyoqarash (ham ilmiy, ham diniy), barqaror e'tiqod, mustahkam pozisiya, qat'iy iroda, o'tkir va bukilmaz g'oyani egallashga imkon yaratdi. Ana shunday umumbashariy ahamiyat kasb etuvchi ijtimoiy voqelik, hodisa, ijtimoiy tasavur va ehtiyoj mamlakatimizda shaxsni markaziy figura sifatida tan olinishi va rivojlanishning harakatlantiruvchisi tarzida baholanishi pedagogik bilimlarning zaruratga aylanganligini anglatadi.

Insonshunoslik fanida inson-jamiyat, jamiyat-inson shaklida o'zaro ta'sirni taqozo etar ekan, birinchi va ikkinchisi ham to'g'ri, ham teskari aloqani o'rnatishi joiz. Abdulla Avloniy o'z davrida bashorat qilganidek: "Agar pedagogika insonni har tomonlama tarbiyalashni xohlar ekan, unda insonni har tomonlama o'rganishi zarur"[1]. Xuddi shu bois, ta'lim-tarbiya jarayonida barkamol insonni shakllantirish Iozim, uning natijasi, mahsulati orqali mustaqil fikrlovchi, ijodiy izlanuvchi, kuchli irodali, ishchan, g'oyaviy e'tiqodli, ma'naviyati yuksak, pok vijdonli shaxsni kamol toptirish joiz. Chunki "subyekt-subyekt" munosabatni amalga qaror toptirmasdan turib, tarbiyalanganlik darajasini aniqlash imkoniyatiga ega bo'lmaymiz. Bu o'rinda pedagogika katta ahamiyat kasb etadi, jamiyatning barkamol shaxsni yetishtirishdek maqsadiga mos kelishi ayni muddaodir.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov o'z nutqlarida yoshlarga katta ishonch bildirib, O'zbekiston kelajagi yoshlar qo'lida ekanligini ta'kidlar ekan, avvalo, yoshlarni shunday ishonchga javob bera oladigan insonlar qilib etishtirish O'qituvchi va tarbiyachilarning fidokorona mehnati bilan bog'liqligini nazarda tutadi. Jamiyatimiz talab etayotgandek har tomonlama yetuk, komil insonni tarbiyalab etishtirishda O'qituvchining o'rni beqiyosdir.

Birinchi Prezidentimiz fikricha, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirishdagi asosiy muammo ham mana shu erda. O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim bersin, deb talab qilamiz, ammo, zamonaviy bilim berish uchun, avvalo, murabbiyning o'zi ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak» Bundan ko'rinib turibdiki, o'qituvchining o'zi awalambor, zamonaviy bilim bilan qurollangan bo'lishi lozim. Ma'lumki, boshlang'ich sinflarda bolaning dunyoqarashi, didi, salohiyati shakllanadi. Shuning uchun kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ta'lim-tarbiya jarayoniga eng yetuk, tajribali murabbiylarni jalb etish lozim.

Bugungi kunda mamlakatimizda tarbiya jarayonlariga har qachongidan ham ko'proq e'ibor qaratilmoqda. Bunga misol qilib, 2020-yil 6-iyundagi Vazirlar Mahkamasining 422-son qarori asosida "Tarbiya" fani konsepsiyasi ishlab chiqilganini, Xalq ta'limi vazirining 2020-yil 10-iyuldagi 161-son buyrug'i asosida maktablarda tarbiya fanining o'qilishi joriy etilganini aytishimiz mumkin. Avvalo, tarbiya nima o'zi? degan savolga javob bersak.

Tarbiya – aniq maqsadga yo'naltirilgan ta'sir jarayoni: shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma'naviy, madaniy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan uzoq muddatli amaliy pedagogik jarayon. Insonning jamiyatda yashashi uchun zarur bo'lgan hissiyotlarga ega bo'lishini ta'minlash yo'lida ko'riladigan chora-tadbirlar yig'indisi hisoblanadi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tarbiya fani milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari g'oyasi asosida tashkil qilinmoqda. Bundan maqsad, XXI asr ko'nikmalarini shakllantirish, o'quvchilarni muvaffaqiyatli ijtimoiy hayotga tayyorlash, ma'naviy-axloqiy fazilatlarini rivojlantirish, raqobatbardosh va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdir.

Tarbiya metodlari - pedagog-o'qituvchilarning o'quvchilarga ta'sir ko'rsatish usullari, vositalari, tarbiyalanuvchilarga barkamol shaxs xislatlarini singdirish maqsadida tarbiya jarayonini pedagogik jihatdan maqsadga muvofiq tashkil etish yo'llaridir.

Tarbiyaning maqsadi – ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, rivojlanishi, yo'nalishi, ijtimoiy munosabatlar mazmunidan kelib chiqib belgilanadi. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida tashkil etilayotgan tarbiyaning asosiy maqsadi barkamol shaxsni tarbiyalab, voyaga yetkazishdan iborat. Kadrlar tayyorlash milliy modelimizning bosh muddaosi – barkamol shaxs va intellektual salohiyatli mutaxassis tayyorlashdan iborat bo'lib, O'zbekistonning xalqaro andozalardagi zamonaviy taraqqiyotini ta'minlay oladigan, mustaqil fikr yuritadigan, tafakkurli, malakali, bilimli mutaxassis, ayni paytda insonning ichki sifatlari barq urib kamolotga yetgan kadrlar tayyorlashni ko'zlaydi. Mazkur maqsadni amalga oshiruvchi asosiy omillardan biri tarbiya jarayonidir. Tarbiyaning maqsad-natijasi barkamol avlodni tarbiyalashdir. Bu jarayon ikki tomonlama bo'lib, uyushtirish va rahbarlikni, shuningdek, o'quvchi shaxsining o'zi tomonidan faollik ko'rsatishni taqozo etadi. Bu jarayonda pedagog yetakchi vazifani bajaradi, chunki, u ijtimoiy tarbiyaning umumiy maqsadlari, mohiyatini tushunadi, maqsad yo'lida amalga oshirilayotgan vazifalar tizimidan xabardor, tarbiya shakllari, metodlari va vositalarni asosli, ilmiy tarzda tanlab oladi va tarbiyaga tatbiq etadi.

Bugungi kunda o'qituvchiga qo'yilayotgan muhim talablardan biri, ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan tanishish, amalda qo'llash va shular orqali bolalarni mustaqil fikrlashga o'rgatishdan iboratdir.

Jahon pedagogikasida «tarbiya» atamasi keng qamrovli tushuncha sifatida baholanganligi tufayli, uning mohiyati xususida turli nazariyalar mavjud. Tarbiyani kattalar

(o'qituvchilar, murabbiylar va ota-onalar)ning bolalarga ta'sir ko'rsatish jarayoni sifatida tushunish eng ko'p tarqalgan tendensiyadir. Bu o'rinda kattalar to'g'ri deb hisoblaydigan, baholaydigan ideallar, maqsadlar, vazifalar, normalar va talablarga muvofiq tarzda ta'sir ko'rsatish ko'zda tutiladi, albatta.

Tarbiyani bunday tushunish haqiqatga yaqinroq, biroq u bir tomonlama xususiyatga ega bo'lib, mazkur jarayonning faqat muayyan qismini aks ettiradi, xolos. Tarbiyaga bunday ta'rif berishda bolaga kattalarning ta'siri yo'naltirilgan obyekt sifatidagina qaraladi. Pedagogika ham tashabbuskor va mustaqil shaxslami tarbiyalashni nazarda tutadigan bo'lsa, u tarbiyalanuvchiga pedagogika jarayonida faol harakat qiluvchi subyekt rolini beradi. Shaxsning o'zi, o'z xulq-atvori xususiyatlari, jamiyatdagi mavqeini tasavur qilish orqali hosil bo'lgan obraz - «Men»-obrazi deb atalib, uning qanchalik adekvatligi va reallikka yaqinligi insonning jamiyatdagi ijtimoiy mavqeini belgilaydi va barkamollik mezonlari bo'lib hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. A.Avloniv. Turkiv guliston yoxud axloq - T., «Fan», 96-b
2. Gulova, M.N. Innovatsion pedagogik texnologiyalar: darslik. DPT muassasalari uchun qo'llanma / MN Gulova, 4-nashr, qayta ko'rib chiqilgan. - M.: IT akademiyasi, 2013. - 208 b.
3. Selevko, G.K. Zamonaviy ta'lim texnologiyalari: darslik. nafaqa / G.K.Selevko. - M.: Xalq ta'limi, 1998. -- 256 b.

"SURXON- ULUG‘ AVLIYOLAR BESHIGI"

Mashhura Egamberdiyeva

*Termiz davlat universiteti Tarix fakulteti
3-bosqich talabasi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8106813>

Annotatsiya: *Surxon vohasi qadimdan ilm-fan va diniy bilimlar tarqalgan obod o'lkalardan biri bo'lib kelgan. Bu yerda Zardushtiylik, buddaviylik kabi dinlar keng rivoj topgan. Buddaviylik dinning keng tarqalishida Termizlik rohib-kohinlarning o'rni alohida bo'lgan.*

Kalit so'zlar: *Avliyolar, Termiziy allomalar, ilm-fan, Surxon vohasi, Al-Hakim at-Termiziy.*

Surxon vohasi qadimdan ilm-fan va diniy bilimlar tarqalgan obod o'lkalardan biri bo'lib kelgan. Bu yerda Zardushtiylik, buddaviylik kabi dinlar keng rivoj topgan. Buddaviylik dinning keng tarqalishida Termizlik rohib-kohinlarning o'rni alohida bo'lgan.

O'lkada Islom dini kirib kelganidan so'ng ba'zi qadimiy urf-odatlar asta-sekin bu din bilan uyg'unlashib, Islomiy mazmun va ko'rinish kasb etdi. Islom dini an'analari rivoj topishida ham Termiziy allomalarning o'z hissalarini mavjud. Islom dinining oltin davri bo'lmish IX-XI asrlarda Movarounnar, xususan termizlik ulamolarning munosib o'rinlari bo'lganligi ma'lum. Ushbu tarixiy shaxslar o'rgangan diniy va dunyoviy ilmlar asrlar osha bugungi kungacha xalqimizning keng dunyoqarashini shakllantirishga, uning manaviy qiyofasini boyitishda xalqimizning jahon sivilizatsiyasida munosib o'rin topishida o'z o'rniga egadir.

Mustaqillik yillari davomida ulug' bobolarimizning nomlari ulug'lanib, ularning muborak qadamjolari obod etildi. Ko'plab ziyoratgohlar ta'mirlanib bobolarimizning maqbaralari tiklandi va ruhlari shod etildi. Chunki muqaddas joylarda dafn etilgan ulamolarning ko'pchiligi Surxon vohasining ijtimoiy-iqtisodiy va ma'daniy hayotida o'ziga xos mavqega ega bo'lgan, dunyoviy va diniy ilmlarning rivojiga har tomonlama munosib hissa qo'shgan, xalqimizning hurmatiga sazovor bo'lgan shaxslar hisoblanishadi.

Xususan Surxon vohasida ulamolarning juda ko'plab qadamjolari va ziyoratgohlari mavjud. Bunda diniy va dunyoviy olimlarning ziyoratgohlarini obod qilish davlatimiz siyosatida munosib o'rin olgan. Ulamolimiz Sa'd ibn Abu Vaqqos, Abdurahmon ibn Avf, Abu Xurayra, Axtam sahoba, Xo'ja hasan Ilg'oriy, Hazrat sulton Valiy, Alouddin Attor, So'fi Olloyor va boshqalarning qadami tekkan muqadas ziyoratgohlar obodonlashtirilmoqda. Al-Hakim at-Termiziy ziyoratgohi viloyatimizdagi eng katta ziyoratgohlardan biri hisoblanadi.

Abu Abdulloh Muhammad ibn al-Xasan ibn Bashir nafaqat zoxiriy balki, botiniy ilmlarni ham chuqur egallaganligi uchun "at-Termiziy" deb nom olgan. Shuningdek u xalq orasida "al-Hakim" deb ham shuhrat qozonadi. [1]

Al-Hakim at-Termiziy mashhur muhaddis va tasavvuf shayxlaridan biri bo'lganlar. U kishiga ulug' ulamolar, xususan, Abu Turob an-Naxshabiy, Yaxyo ibn Jallo, Ahmad ibn Xisraviylarning qo'lida ta'lim olgan.² Hayotlari davomida Shom, Bag'dod, Misr kabi joylarda bo'lganlar, u yerlik olimlar bilan muloqot qilganlar. Tasavvuf va so'fiylik ilmi eng rivoj topayotgan bir paytda ulug' bobomiz Makka, Madina, Kufa, Basra, Bag'dod, Hamadon, Nishopur kabi islom olamining mashhur shaharlarida bo'lganlar. Bu shaharlarda

jahon klassik tasavvuf ulamolarining g'oyalarini o'rgandilar, xususan Zunnun al-Misriy(Zunnuniya tariqati asoschisi), Boyazid al-Bistoliy(Tayfuriya tariqati asoschisi), Junayd al-Bag'dodiy(Junaydiya tariqati asoschisi), Abu Mansur al-Xalloy kabi ulamolar shular jumlasidandir. Al-Hakim at-Termiziy Eronning Nishopur shahriga borib u yerda "Hakimiya" tariqatiga asos soladilar. "Hakimiya"ning maqomatlari, nizomlari, pir va muridlarga qo'yiladigan talablar, zikr va ibodat usullariga bag'ishlab "Kitob an-Najoh" (Yo'l-yo'riqlar kitobi), "Xatm al-avliyo" (Valiylar muhri), "Irshod at-Tolibin"(Toliblarga yo'riqnom) kabi kitoblarni yozgan.³

Al-Hakim at-Termiziy 400 dan ortiq asarlar yozgan, Ulardan 57 tasi bizgacha yetib kelganligi haqida ma'lumotlar bor. "Nazoir al-Qur'on" , "Navodir al-usul" , "Usul al-Muvahiddin" , "Isbot al-ilal ash-shar'iy" , "Kitob shahr as-salot" , "Navro'znoma" , "Solnoma" kabi kiotblari jahonga mashhurdir.⁴

Al-Hakim at-Termiziy Termizga qaytgach Jayhuning Balx shahri va Payg'ambar oroli ko'rinib turadigan eng baland va bahavo ho'shmanzara joyini tanlab masjid va xonaqoh bunyod ettiradi. Bu maqbara eski Termizda Amudaryo bo'ya joylashgan bo'lib uzoq yillar tolibi ilmlar uchun xizmat qilgan.

Ulug' olim vafot etganlaridan so'ng shu xonaqohga dafn etilgan.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki Surxon vohasi bunday ulug' shayx va pirlarning yurtidir. Termiziy allomalar, ularning ilmiy merosini o'rganish biz yoshlarning eng birinchi vazifalarimizdan bo'lishi lozim. Bobolarimiz qioldirib ketgan ilm asosida xalqimizning buyuk ma'naviyati, chuqur ilmiy salohiyatini jahon madaniyatidagi o'rnini chuqur tahlil etmog'imiz lozim. Shuningdek ulamolarimizning kitoblarini o'qib o'rganib kelajak yoshlarimizni shu ruhda tarbiyalash bizning ustovor vazifamiz deb bilaman. Islomiy odob-axloq, tarbiya borasidagi fikrlarni Termiziy bobolarimiz asarlarida juda ham keng o'rganishimiz mumkin.

Adabiyotlar:

1. Usmonov I. Al-Hakim at-Termiziyning "Navodir al-usul"asari-hadis va tasavvuf ilmiga oid muhim manba.-T.: Toshkent Islom universiteti, 2007. B-14
2. Кныш А.Д «Мусульманский мистицизм.краткая история»-С.Петербург.: Дилья, 2008. С-118
3. Omonturdiyev J. Al-Hakim at-Termiziy ta'limoti- T.: Universitet, 2000. B-40.
4. H.Karomatov va boshqalar tahriri ostida- Buyuk allomalarimiz-T.: Toshkent Islom universiteti, 2002. B-13.

THE ROLE OF THE TANBUR SOUND IN THE PERFORMANCE OF THE MAQAM INSTRUMENT

Mamatkulov Makhammadjon

*Teacher of the Uzbek National Institute of Musical Art
named after Yunus Rajabi*

Shomurodova Mohichehra Abdunabiyevna

*Senior teacher of the Uzbek National Institute of Musical Art
named after Yunus Rajabi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8106835>

Abstract. *This article discusses the history of the formation of Uzbek folk instruments and the role of the Tanbur sound in our musical heritage and the period of its formation. Also, information is given about the fact that the Tanbur word existed in the Middle Ages and has passed through a number of stages of development until now.*

Keywords: *Tanbur, national musical instruments, historical manuscripts, musical treatises, ethnography, history, music.*

Annotatsiya: *Milliy qoshiqlarimiz moziy sadosi hisoblanadi. Ozbekiston Respublikasi, Buxoro viloyatining chekka tumanlaridan biri bolgan Olot tumanining madaniyati, sanati qolaversa, aynan shu tumanga xos bolgan olan-u kuy-qoshiqlari haqida ushbu maqolada fikr yuritiladi.*

Kalit sozlar: *milliy qoshiqlar, olanlar, Buxoro viloyati, Olot tumani, madaniyat, sanat.*

Аннотация: *Наши народные песни – это музыкальные звуки. Помимо культуры и искусства Олотского района, являющегося одним из отдаленных районов Бухарской области Республики Узбекистан, в данной статье будут рассмотрены народные песни и песни, характерные для этого района.*

Ключевые слова: *народные песни, Олан, Бухарская область, Олотский район, культура, искусство.*

INTRODUCTION

According to the sources, the word Tanbur is a Persian heart-scratcher, i.e. tan means heart, bur-scratch, or the word tanbur is written from the Greek word tanbura. However, it is not clear how true these ideas are. According to Fitrat's tariff, it is known that "Tanbur is an instrument of the peoples of Central Asia - donbra is an ancient form of tanbur and it is a very ancient instrument." According to Darvish Ali, in ancient times, Tanbur was two-stringed, and later a third string was added to it, which is why Tanbur is called Setor, i.e. three-stringed, in some books.

MATERIALS AND METHODS

Tanbur is the most important of our national instruments. Because in ancient times, our statuses were performed on the Tanbur instrument. The position of the tanbur curtains is the basis of our maqam works, i.e. considering the sound line as a criterion, and the possibility of its performance occupies a unique place in the interpretation of our melodies.

If we give information about the making of the tanbur sound, the tanbur is made of mulberry wood. The bowl (head part) is carved in the shape of a pear and a long handle is attached to it. The bowl is closed with a thin wooden lid. A large intestine curtain is attached

to the handle and special curtains are attached to the cover for high sounds. The thickness of the frets is important in providing a comfortable and tanbur-like wail and melodious sounding when expressing the small intervals encountered in the performance by crushing the strings. Tanbur has four brass wires. Strings 1, 2, 4 are tuned in unison 3rd quarter fifth, and in ancient times, there was another way of tuning the tanbur, which was adapted for statuses. Tanbur is mainly tuned to fa, sol tufus in the big octave. The sound volume is about two and a half octaves [1].

RESULTS AND DISCUSSION

Tanbur is played by wearing a special iron nail on the index finger of the right hand. When played, only the first string is clicked, and the rest serve to keep it in tune. Tanbur has been widely used as a leading instrument in the performance of maqam, either singly or as a leading instrument in the hands of hafiz.

The tanbur sound has been tuned in three different ways in history, i.e. in Rost status, the 3rd string is lowered by a fifth, Buzruk, Dugoh, a fourth lower in Iraq, and lowered by a second in Navo and Segoh. Currently, Tanbur is mostly tuned in fourths and sometimes in fifths. Tanbur is a musical instrument mainly intended for performance of maqam works.

The first musical instruments emphasized in the culture of music are related to the history of the most ancient times. As a result of the researches of leading scientists, our national musical instruments have reached our times through the images on rock sculptures, terronotas (a man made of clay and a musical instrument in his hand), various miniatures, wood carvings, and household chores. In this, great archaeologists, ethnographers, historians - source historians and art historians made a great contribution.

Musicologist Amuly mentions the names of Shirvani and Turkish tanburs in his works in the 16th century. In addition, there is information about the tanburi - flute, which is played with a bow, that is, Sato sozi. The period when the Tanbur word gained a certain high position in a wide scope is mainly the 16th - 17th centuries, which corresponds to the period of the rule of the Timurids. The dictionary meaning of the word tanbur, as noted by the great musicologist Darvishali Changi from Bukhara in the 16th century, is tan - heart, bura - vibration, and it means a sound that shakes the human heart. The strings of the tanbur sound were originally two, and now one more string has been added to it. Iranian tanbours consist of three and even five strings [2].

In the next period, famous musicologists Fayzulla Karomatov, O. Boyko, I. Nizomi, Murodulla Abdukarimov, A. Petrosyans, Usta Usman Zufarov studied the sound of tanbur. There is a lot of information about musical instruments that have reached us with their artistry through world history and images. As we mentioned above, there are many types of tanbur sound. These are types of tanbur, setor, chortor, panjtor, shashtor, setor. Hindus also have tanpura-like words called "Tanpura". They are known as Khurasan, Iran, Bukhara, Baghdad, Badakhshan. It is possible to perform various unique musical works on the tanbur and suitable instruments. But the tanbur sound is mainly intended for the performance of folk tunes and Shashmaqom problems, as well as for accompanying classical songs [3].

Great skill and patience were required from the creators of national words. We learned from the conversations with the masters that there were times when they tried to make the same instrument for many years (from the conversation with the master K. Muqimov from Bukhara). Music makers paid a lot of attention to the raw material (wood) of the instrument and approached it very carefully. During the preparation of the wood, the masters kept it in a special dark house to protect it from sunlight, wind, rain, water, snow, moisture and soil effects, and insects. When choosing apricot and mulberry wood, attention was paid to the sweetness of apricot kernels, and the sweetness and richness of mulberry

wood in mulberry wood. They saved wood for five to twenty years to make instruments. Thus, the following technology is used in the production of tanbur sound [4]: Resonator housing (Kosa room)

- Handle (Grif)
- Throat, throat
- Cover, cover (deka)
- Torgir (Wire retaining hooks)
- Ears
- Shaitanharrak
- Curtains
- Strings (Wires)
- Harrak
- Nokhun, don't hurt.

CONCLUSION

The national pride, traditions, and values of each nation are expressed in musical instruments, and the sound emanating from them is also adapted to it. The art of performance in musical instruments is a tool that glorifies the spirituality of humanity, that is, it is a product of folk art, and it is a miraculous and expressive instrument that has been formed among the masses since time immemorial, made by skilled musicians, and is becoming more and more perfect. All these serve as the basis for the shape of the instruments to be created and the criterion of nationality. Throughout history, musical instruments have always been paid attention to, along with their educational aspects.

REFERENCES

1. Y. Rajabi. Uzbek folk music. Tashkent Publishing House "Badiy-Lituratry" 2013.
2. T. Ye. Solomonova. History of Uzbek music. -T.: "Teacher" publishing house. 2011.
3. TDPU with statutory name (Res.ilm.anjuman). The issue of music education in the continuous education system. -T.: 2019.
4. O. Fayziev. Music teaching methodology Tashkent 2017.

MASOFADAN O'QITISHDA TA'LIM BOSHQARUV TIZIMLARINING O'RNI

Alimova Madina

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU tadqiqotchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8106862>

Annotatsiya: Mazkur maqolada masofaviy ta'lim haqida fikrlar, uni tashkillashtirish jarayonida ta'limni boshqaruv tizimlarining ahamiyati haqida qarashlar berilgan.

Kalit so'zlar: internet, elektron darslik, masofadan o'qitish, LMS, ta'limni boshqaruv tizimlari, iSpring Learn, Google Classroom, Moodle, LearnDash, Canvas, metodika.

Internet manbalari, elektron darsliklar, audio-video darslar hamda masofadan o'qitishning dasturiy vositalaridan foydalanish bugungi kun talabidir. Zamon talabiga mos kadrlarni tarbiyalash unga jahon standartlari asosida ilm berish maqsadida metodik qo'llanmalar, yangi axborot texnologiyalari joriy etilmoqda. Kompyuter savodxonligi zamonaviy shaxsning muhim belgisiga aylanishga ulgurdi. Axborot texnologiyalari davrida an'anaviy ta'lim bilan birga masofaviy o'qitish shakli ham rivojlanmoqda. "COVID-2019 epidemiyasi butun dunyo hamjamiyatini masofaviy ish, ta'limga, onlayn muloqotga o'tishga majbur qildi. Dunyodagi barcha ta'lim muassasalari talabalarni, o'qituvchi hamda xodimlarni yuqumli infeksiyadan himoya qilish maqsadida vaqtincha yopildi. YUNESKO tadqiqotlariga ko'ra pandemiya 143 mamlakatda 1,2 milliardga yaqin o'quvchining ta'lim jarayoniga ta'sir ko'rsatdi. [1] Masofaviy ta'lim sohasida katta o'zgarishlar yuz berdi. Masofaviy o'qitishni o'zi nima? Masofaviy o'qitish — zamonaviy axborot-kommunikatsiya va raqamli texnologiyalarga asoslangan ta'lim tizimi. U o'quvchiga ma'lum standartlar, ta'lim qonun-qoidalarini asosida o'qituvchi bilan muloqot olib borish hamda xohlagan vaqtida, istalgan joydan turib mustaqil ravishda shug'ullanish imkoniyatini ta'minlaydi. O'qituvchi uchun esa maxsus axborot muhiti yordamida o'z o'quv materiallarini o'quvchiga taqdim etish va o'quvchilarning o'zlashtirishini masofadan turib kuzatib borish imkoniyatini yaratadi. [2] Shu o'rinda masofaviy ta'lim qachon paydo bo'ldi? degan savol ham o'rinli bo'ladi. "Masofaviy ta'limni shakllanish bosqichlari beshta bo'lib mazkur maqolada ulardan to'rttasi haqida ma'lumot beramiz chunki birinchi bosqich tilni joriy etilishi haqidagi qarashlar masofaviy ta'limni rivojlanish bosqichlarini tushunish uchun ahamiyatli deb hisoblamadik. Yozuv ixtiro qilinishi olimlar tomonidan ikkinchi informatsion inqilob sifatida e'tirof etiladi. Biroq masofaviy o'qitishning shakllanishini o'rganish doirasida biz yozuvni paydo bo'lishiga birinchi informatsion inqilob sifatida qaradik. Axborotni qayta ishlash sohasida yozuv ixtiro qilinishi bilan katta o'zgarish sodir bo'ldi ya'ni yozuv orqali to'plangan bilimlarni keyingi avlodlarga qoldirish imkoniyati yaratildi. XVI asrning o'rtasida ma'lumotlarni bir to'plam holida nashrdan chiqishi ya'ni kitobni ixtiro qilinishi ma'lumotlarni saqlash va uzatishda tubdan o'zgarishlarni keltirib chiqardi hamda ikkinchi axborot inqilobi bo'la oldi. Uchinchi axborot inqilobi elektr, telefon, radio va televideniyaning paydo bo'lishi bilan bog'liqdir. To'rtinchi axborot inqilobi kompyuter texnologiyalarni ixtiro qilinishi deb hisoblanadi." [3]

Isaak Pitmanni masofaviy ta'limning asoschisi deb ayta olamiz. 1840-yilda u pochta orqali (corresponding learning) studentlarga stenografiyani o'rgatishni boshladi. Masofaviy ta'limdagi keyingi qadam Ch.Tusen va G. Lanchenshteydlar tomonidan

tashlangan. Ular 1856-yili Berlinda sirtqi ta'lim shaklidagi institutga asos solishgan. O'qituvchilar talabalarga o'quv materiallari, metodik ko'rsatmalar va nazorat ishlari hamda bajariladigan mashqalrning javoblarini pochta orqali yuborishgan. E.Kojarinovani ta'kidlashicha 1873-yilda Anna Eliot Tiknor Amerikada masofaviy ta'limni rivojlantirish uchun ilk qadamlarni qo'ygan. U pochta orqali masofadan o'qishni istagan ayollar uchun Tiknor jamiyatiga asos solgan. 1874-yili AQShning Illinoys universiteti o'qituvchisi Ayzek Pitman pochta orqali o'qitish dasturini yaratishni taklif qildi. 1892-yil Chikago universitetida masofadan o'qish istagini bildirgan talabalar uchun ilk bo'limlar tashkil etilgan edi. [3]

1960-yillarda masofaviy ta'lim shakli xalqaro e'tirof etildi hamda YUNESKO tomonidan qo'llab quvvatlanishi sababli turli mamlakatlarda rivojlandi. Yangi ta'lim shakli siyosatchilarni e'tiborini ham tortdi. Xususan Angliyaning bosh vaziri G.Vilson 1963-yilda "Efirli universitet"ni tashkil etilishi haqida e'lon qildi. Mazkur tashkilot talabalarini o'qitish jarayonida masofaviy ta'lim texnologiyalarini (pochta orqali yozishmalar, radio va televideniye) qo'llovchi ta'lim muassasalarini birlashtirishi kerak edi. Olimlar, siyosatchilar hamda xalqaro tashkilot (YUNESKO)ning samarali harakatlari va mehnati sababli 1969-yilda Angliyada Ochiq universitet (Open University) tashkil etildi. Hozirgi kunda masofaviy o'qitish borasida katta tajribaga ega universitetlardan hisoblanadi. [3]

Hozirgi kunga kelib internet orqali masofadan o'qish va o'qitish imkoniyatini raqamli texnologiyalarning rivojlanishi bilan bog'lash mumkin. Masofadan o'qitish jarayonida informatsion va kommunikatsion texnologiyalardan unumli foydalanish talab etiladi. Hozirda internet, elektron darslik, elektron pochta, multimedia o'quv qo'llanmalari, video konferensiya, audio-video materiallar, ta'lim jarayonini boshqaruvchi tizimlar kabi terminlar zamonaviy yoshlarning kundalik leksikonidan o'rin olgan faol so'zlardir. Shu sababli masofaviy o'qitishni XXI asr ta'limi deb aytishimiz mumkin. Masofadan turib ta'lim olish orqali talabada mustaqil bo'lish, o'z o'zini nazorat qilish ko'nikmalari shakillanadi. Ta'lim jarayonini masofaviy shaklda tashkil etish uchun ta'limni boshqaruv tizimlari (LMS – Learning management systems)dan foydalaniladi. "Ta'lim boshqaruv tizimlari (LMS — learning management systems) — bilim olish faoliyatini tashkil etish va boshqarish uchun mo'ljallangan hamda video dars, ma'ruza materiallari, taqdimot, kitob kabi o'quv materiallari majmuasidan iborat muloqot rejimida ishlay oladigan inson-mashina majmuasi yoki masofaviy ta'lim shakli"[2] . Ta'lim muassasalari bilan bir qatorda yangi bilimlarni beruvchi o'quv markazlari ham ta'limni boshqaruv tizimlaridan unumli foydalanishlari mumkin. TBT orqali biron ta'limiy kurs uchun bilimlar bazasini yaratish, boshqarish hamda tekshirish jarayonlarini amalga oshirish imkoniyati mavjud. Bunday dars jarayonini tashkil etuvchi o'qituvchidan pedagogik mahorat va salohiyatdan tashqari texnologik qurilmalar hamda yuqori AKT kompetentligi talab etiladi. O'z navbatida o'rganuvchi ham texnologik qurilmalar, kompyuter savodxonligi bo'yicha yetarli ko'nikmalarga ega bo'lishi kerak. Ta'limni boshqaruv tizimlari ish jarayonidan uzilmagan holda bilim olish imkonini berishi bilan qulay hisoblanadi. Bunday tizimlardan foydalanish avvalo zamon bilan hamnafaslikni ta'minlash boshqa tarafdin o'qish uchun ketadigan harajatlarni kamaytiradi. LMSning afzaliklaridan yana biri darslarni o'zaro kelishgan holda tashkil etish mumkinligi ya'ni dars jadvalining moslashuvchanligidir. Baholash jarayonida ham bir qancha qulayliklar mavjud xususan darsga qatnashish, o'zlashtirish kabi ma'lumotlarni tizimda belgilab borilishi istalgan paytda statistik hisobotni olish imkoniyatini beradi. Demak, LMS tizimlarining asosiy vazifalari o'quv kontentlari bilan ishlash, o'quv jarayonni boshqarish, baholash, foydalanuvchilar o'rtasida o'zaro aloqa hamda statistikadir.

Hozirda faol qo'llanilayotgan bir qancha LMS platformalari mavjud. Quyida ular haqida qisqacha ma'lumot beramiz.

Schoology (<https://www.schoology.com/>) — ta'lim muassasalari uchun mo'ljallangan bulutli LMS. Schoology Google Drive, Microsoft OneDrive, Blackboard Collaborate, Moodle, PowerSchool, Evernote va YouTube bilan birlasha oladi. Shuningdek, u maktab ma'lumotlari tizimi bilan sinxronlashadi. O'qituvchilarga o'quvchilar bilan o'quv materiallari va topshiriqlar yuzasidan fikr almashish hamda o'quvchilar va ularning ota-onalari bilan uyushgan holda aloqa o'rnatish imkoniyatini beradi.

iSpring Learn (<https://www.ispringsolutions.com/ispring-learn>) platformasi ta'lim muassasalari va kompaniyalarda kadrlar tayyorlash uchun ishlab chiqilgan. Biroq ayni paytda amalda asosiy mijozlari sifatida ta'lim muassasalari faoliyat yuritmoqda. Platformaning ma'ruza muharriri bo'limi yordamida modul va uning materiallari (matnli, audio, video, taqdimot, simulyator, topshiriq, test va b.) kiritiladi. Hisobotlar bo'limi yordamida foydalanuvchilar faoliyati hamda o'zlashtirish natijalari tahlili va statistikasini yuritish mumkin.

Google Classroom (<https://classroom.google.com/>) — ta'lim uchun mo'ljallangan platforma bo'lib, kurs/sinfni yaratish va o'quvchilarni qo'shish, kerakli o'quv materiallarini kiritish va o'quvchilarga taqdim etish, o'quvchilarga topshiriqlar berish, ularning ishlarini baholash va faoliyatini kuzatib borish, o'quvchilar bilan muloqot qilish kabi imkoniyatlarni taqdim etadi. Google Classroomda Googleda akkauntga ega xohlagan foydalanuvchi kurs yaratishi mumkin.

Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) (<http://moodle.org/>) masofaviy ta'lim olish muhiti hisoblanib, sifatli masofaviy kurslarni yaratish uchun mo'ljallangan. Bu dasturiy mahsulot dunyoning 100 dan ziyod mamlakatlarida ishlatiladi. Bepul tarqatiladigan bu dasturiy majmua o'zining funksional imkoniyatlari, o'rganishdagi soddaligi va ishlatishdagi qulayligi bilan foydalanuvchilarning ko'plab talablarini qanoatlantira oladi. Moodle masofaviy ta'limda o'qitish jarayonini to'la qo'llab-quvvatlash uchun keng doiradagi, jumladan, o'quv materiallarini turli usullarda berish, bilimlarni tekshirish va o'zlashtirish nazoratini amalga oshirish kabi imkoniyatlarni beradi.

LearnDash — ommabop kontent boshqaruv tizimi (CMS)da sinflar yaratish, ularni boshqarish, o'zgartirish va nashr etish imkonini beruvchi ishonchli plugin. Bu plugin WordPress platformasi tarkibida ishlaydi. Shu sababli, agar ta'lim muassasasi kompyuteriga WordPress o'rnatilgan bo'lsa, qo'shimcha ravishda LearnDash pluginini o'rnatgan holda o'quv kurslarini yaratish mumkin. Plugin bir necha kursni yaratish va ularning tarkibini bitta sinfdan boshqa sinfga nusxalash imkonini ham beradi. Shuningdek, kontent tarkibidagi funksiyalar yordamida sertifikat hamda nishonlarni rasmiylashtirish mumkin. [2]

Yuqorida ma'lumotlari keltirilgan TBT platformalari qatorida bizga nisbatan kamroq tanish bo'lgan "Canvas" LMS ham bor. "Canvas" ta'limni boshqaruv tizimi keng tarqalgan ommaviy ochiq interaktiv onlayn tizimlardandir. Ushbu tizim talabalar bilan sinxron (video konferensiya formatda) hamda asinxron formatda aloqada bo'lish imkonini beradi. O'qituvchi o'quv materiallarni joylashtiradi, topshiriqlarni bajarish muddatini belgilaydi, talaba esa berilgan materiallarni o'rganadi hamda o'ziga qulay vaqtda joylashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Yangi kurslar yaratish (strukturali yoki modullarga bo'lingan kontent joylashtirish imkoni bor) mumkin. Misol uchun ma'ruza materiallarini taqdimot yoki video ma'ruza shaklida yoki matnli hujjat holida, mustaqil ishlash uchun beriladigan vazifalarni test, nazorat ishi, guruh bo'lib loyiha ustida ishlash va boshqa turli

shakllarda joylashtirish mumkin. Asosiy va qo‘shimcha adabiyotlar bilan ta‘minlash, qo‘shimcha manbalarni ham matn, video va audio formatda joylashtirish mumkin. Ishlab chiqilgan kurslarni import qilish va arxivlash, talabalarning bilish jarayonini baholashda ball-reytingli tizimni avtomatlashtirish (har bir ish turi uchun ball belgilash, baholanyapgan har bir ishni mezonlarini ko‘rsatish, topshiriqlarni bajarish muddatini belgilash, avtomatlashtirilgan umumiy baholarni hisoblash funksiyalarini faollashtirish) mumkin. Bundan tashqari tizim elektron yozishmalar rejimida, “muhokamalar” bo‘limida yoki har bir alohida topshiriqqa sharh qismi orqali talabalar bilan aloqa qilish imkoniyatini taqdim etadi. U nafaqat o‘qituvchi balki boshqa ta‘lim oluvchilarga ham baholash imkonini berish bilan birga guruh bo‘lib vazifalarni bajarishlari ham mumkin. [4]

Xulosa qilib aytganda bugungi kundagi globallashtirish jarayonida masofaviy o‘qitish oliy ta‘lim muassasalari bilan bir qatorda malaka oshirish kurslari, qayta tayyorlov kurslari, xorijiy til o‘rgatish markazlari uchun ham muhimdir. Masofaviy ta‘limni tashkil etishda ta‘limni boshqaruv tizimlaridan samarali foydalanish sifatli ta‘lim sari ilk qadamdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://www.unesco.org/en/covid-19/education-response>
2. Fayziyeva M.R., Sayfurov D.M. Informatika va axborot texnologiyalari, umumiy o‘rta maktabning 8-sinfi uchun darslik. Toshkent “Tasvir”,2020, 60-bet
3. Пьянников М.М. К вопросу об истории дистанционного образования. <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-ob-istorii-distantsionnogo-obrazovaniya>
4. Тимошенко Т. Е., Штукарева Е. Б. Использование возможностей LMS Canvas при реализации балльно-рейтинговой системы (на материале курса «Русский язык и культура речи»). Журнал Педагогика. Вопросы теории и практики .Pedagogy. Theory & Practice .2022. Том 7. Выпуск 7. С. 722-730 | 2022. Volume 7. Issue 7. P. 722-730.

EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ATROF MUHITNI MUHOFAZA QILISH USULLARI

Saydaev O'ktam Tashbekovich

*Sirdaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi
Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi katta o'qituvchisi*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8138285>

Anotatsiya: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-aprelda imzolangan "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5024-sonli Farmoni.

Kalit so'zlar: Suv resurslari, Orol dengizi, botanika, zoologiya, mikrobiologiya, kimyo, tuproqshunoslik, o'simlikshunoslik, biosfera.

Kirish: O'zbekiston avvalgi tuzumdan Orol dengizining qurib borishi bilan bog'liq ekologik inqirozni, aholi salomatligi va atrof-muhit holatiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan, suv va yer resurslarini yo'qotgan yerlarni meros qilib oldi.

1980 yillar oxirida O'zbekistondagi ekologik muammolar shunchalik kuchayganki, Respublika hukumatining 1988 yil aprel oyida qabul qilgan qarorida davlatning atrof-muhitni muhofaza qilish bo'yicha davlat organi – O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi Qoraqalpog'iston Respublikasidagi Qo'mitaning hududiy bo'linmalari viloyatlar (tumanlar), shuningdek Toshkent shahri tashkil qilingan davlat organlari maxsus yechim bo'lgan.

Ekologik xavfsizlik sohasida davlat boshqaruvini tubdan yaxshilash maqsadida va respublikada atrof-muhitni muhofaza qilish, ekologik sharoitni yaxshilash, chiqindilarni atrof-muhitga zararli ta'sirini oldini olish va aholi salomatligi, aholi turmush tarzi sifati va darajasini oshirish uchun qulay sharoit yaratish, chiqindilar bilan ishlash tizimini uzoq vaqt mobaynida yaxshilash, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 21 apreldagi № PF-5024 «Ekologiya va atrof-muhit sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida» farmoniga muvofiq va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 21 apreldagi № PF-2915 «O'zbekiston Respublikasi ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi faoliyatini tashki etishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi O'zbekiston Respublikasining ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasiga aylantirildi.

O'zbekiston Respublikasining ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi (bundan buyon matnda Davlat ekologiya qo'mitasi) ekologiya atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va takror ishlab chiqarish sohasida davlat organi bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga hisobot beradi. Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Davlat ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish qo'mitasi tizimida ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish bo'yicha Qoraqalpog'iston Respublikasi qo'mitalari, shuningdek viloyatlar va Toshkent shahrining ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'yicha hududiy boshqarmalaridan tashkil topgan.

Qoraqalpog'iston Respublikasi ekologiya qo'mitasi qoshida va atrof-muhitni muhofaza qilish qo'mitasi, ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmalari, tumanlar atrof-muhitni muhofaza qilish bo'linmalarida, «Toza Hudud» davlat unitar

korxonasining shaharlar va shuningdek, respublika tumanlarida maishiy chiqindilarni yo‘q qilish bo‘yicha xizmatlar ko‘rsatish uchastkalari asosida tuman hokimliklarining obodonlashtirish bo‘limlari tuzildi.

Asosiy qism: “Ekologiya”termini 1866 yilda kirib kelgan, lekin ekolog kasbi ancha kech, taxminan XX asr o‘rtalarida paydo bo‘lgan. 1972 yilda insoniyatni taraqqiy ettirish bo‘yicha Xalqaro Stokgolm konferensiyasida jiddiy ekologik muammolar mavjudligini isbotlovchi raqam va dalillar keltirilgan. Ana shundan so‘ng insonlar bu borada jiddiy bezovtalana boshlashgan. SHunday qilib, butun dunyoda tabiatni asrash keng targ‘ib qilina boshlandi.

Ammo “ekolog” ixtisosligiga ega bo‘lish imkoniyati faqat XX asr oxirida yaraldi. Ekologiya – tirik organizmlarning atrof-muhit bilan o‘zaro munosabatini o‘rganadigan biologik fan. Birinchi ekologlar - biologlar bo‘lib, ular asosan yovvoyi tabiatni asrash, yo‘qolib borayotgan va noyob turlarni himoya qilish bilan shug‘ullanishgan.

Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi bo‘yicha mutaxassislarining hozirgi kundagi faoliyat doirasi ancha kengaydi. Unga inson va tabiatning o‘zaro munosabatlari bilan bog‘liq bo‘lgan ixtiyoriy muammolar kiradi.

Ekologlar – suv, er, havoning holatini, sanoat chiqindilarining insonlarga, o‘simlik va hayvonot dunyosiga ta’sirini o‘rganishadi. Agar zararli moddalarning miqdori kritik darajadan yuqori bo‘lsa, sabablarni aniqlab, vaziyatning qanday kechishini oldindan aytib berishadi. Mutaxassis-ekologlar kosmik raketalar uchirishning oqibatlarini o‘rganishadi, zararli mahsulotlar faoliyatini va radioaktiv chiqindilardan foydalanishni kuzatishadi hamda nazorat qilishadi. Ular tabiatdagi kataklizmalar sabablarini izohlashadi va insonlarning tabiatga ta’sirini imkon qadar kamaytirish yo‘llarini ishlab chiqishadi. Lekin, hamma joyda bo‘lgani kabi, hujjatlarni rasmiylashtirish ularning ham anchagina vaqtlarini “o‘g‘irlyadi”.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish, qulay ekologik vaziyatni barqaror ta’minlash, hududiy birliklarning samaradorligini oshirish, shuningdek, 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasining rivojlanishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha harakatlar strategiyasining maqsadlariga muvofiqlashtirish hamda davlat boshqaruvida ma’muriy islohotlar kontseptsiyasi doirasida davlat boshqaruvining samaradorligini ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasida quyidagilar tuzilgan:

– Biologik xilma-xillik va qo‘riqlanadigan tabiiy hududlarni muhofaza qilish va ulardan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi va yuridik shaxsni tashkil qilmasdan chiqindilarni yig‘ish, saqlash, tashish, yo‘qotish, qayta ishlash, ko‘mib tashlash va yo‘q qilish nazorati inspeksiyasi bazasida ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish nazorati inspeksiyasi;

– Respublika ixtisoslashtirilgan sanitariya tozalash korxonalari assotsiatsiyasi;

– Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va rivojlantirish markazi va billing tizimi asosida davlat unitar korxonasi shaklida ekologik axborot markazi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va multimediyani joriy etish.

Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi - juda mas’uliyatli va ezgu ish. Siz ana shunday mas’uliyatli va xayrli ishni zimmangizga olishni istasangiz, kasbni egallashda kimyo, fizika, biologiyani chuqur o‘rganishingiz, keyinroq esa, tashkilotlar buyurtmasiga ko‘ra, oqava suvlar va chiqindi gazlar oqimining matematik o‘lchovlari hamda hisob-kitoblariga tayyor bo‘lishingiz kerak bo‘ladi.

Ixtisoslashgan ekologlarning shug‘ullanish sohasi juda ham keng va ular bozor talablari asosida belgilanadi: chiqindilarga munosabat; ekologik audit va konsalting; laboratoriya va dala tadqiqotlari; atrof muhitning ekologik holatini monitoring va nazorat

qilish; amaliy ekologik dasturlarni ishlab chiqish; dasturiy ta'minotni yaratish; ekologik jihozlarni ishlab chiqarish.

Hozir butun dunyoda chiqindilarni qayta ishlashga yo'naltirilgan sanoat tarmoqlari kengayib bormoqda. Bu nafaqat ekologik, balki iqtisodiy jihatdan ham ancha foydali, shuning uchun ham chiqindilarni guruhlash bo'yicha ham ishlar olib borilmoqda. Ya'ni, farmatsevtik, oziq-ovqat, plastik, shisha, metall, qurilish chiqindilari va shunga o'xshash chiqindilar uchun maxsus rangga va belgiga ega alohida konteynerlar o'rnatilmoqda. Chiqindilarni qayta ishlash natijasida ajralib chiqadigan zaharli gazlarning atmosfera va ozon qatlamiga ta'sirini kamaytirish maqsadida, maxsus filtrlil ulkan qurilmalar ham ishlab chiqarilgan.

Ha, tabiatni asrash borasida ulkan ishlar amalga oshirilishiga qaramasdan, yirik kimyo komplekslaridan chiqariladigan oqava suv va zaharli gazlar atrofdagi o'simlik va hayvonot dunyosi uchun nihoyatda xavfliligicha qolmoqda. Oqava suvlar tarkibidagi moddalar suvning fizik, kimyoviy va biologik xususiyatlarining o'zgarishiga sabab bo'ladi. O'simliklar uchun zarur bo'lgan suv, baliq xo'jaligi va insoniyat uchun zarur bo'lgan ichimlik suvi muammolarini keltirib chiqaradi.

Shuningdek, dozimetriya xizmati – turli tabiiy va texnik sabablarga ko'ra, atrof-muhitga tarqaladigan radioaktiv nurlanishlarning miqdorini aniqlash, zaruriy paytlarda Favqulodda vaziyatlar boshqarmalariga ma'lumot va signallar berish ham ekologlar vazifasiga kiradi. Aniqroq aytadigan bo'lsak, bu ishni dozimetristlar amalga oshirishadi. Dozimetrist – radioaktiv nurlanish darajasini o'lchovchi mutaxassis. Ularning asosiy ish qurollari – dozimetr.

Davlat ekologiya qo'mitasi qoshida O'zbekiston ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish ilmiy-tekshirish instituti, O'zbekiston ekologik qo'mitasi, «Eko-Energiya» Ilmiy-innovatsion markazi, Ilmiy-Axborotlar markazi kabi bo'limlar faoliyat ko'rsatmoqda.

O'zbekiston Respublikasining atrof-muhitni muhofaza qilish siyosati mamlakat ekologik xavfsizligini va atrof-muhitni muhofaza qilish, ekologik vaziyatni yaxshilash, chiqindilarning atrof muhitga zararli ta'sirini oldini olish, aholi turmush darajasi va sifatini yaxshilash uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish, chiqindilarni yig'ish, saqlash, tashish, qayta ishlash va utilitatsiya qilishga yo'naltirilgan.

Xulosa: Xulosa qiladigan bo'lsak, ekologik muammolar – bugunning eng dolzarb muammolaridan bo'lib, atrofimizdagi olam muhofazasi har birimizning vazifamiz va burchimizdir, lekin soha mutaxassislarining bu boradagi mas'uliyatlari ancha yuqori. Kelajak avlodlar uchun toza havo, yashil tabiat va musaffo osmonni ta'minlashda sizga omad tilaymiz, bo'lajak tabiat qo'riqchilari! Tabiatni seving!

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-aprelda imzolangan "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5024-sonli Farmoni.
2. <https://lex.uz/>
3. <http://library.ziyonet.uz/>

PSIXOLOGIYA TARMOQLARI

Shomirzaev Otabek Quvonovich

Sirdaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi

Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchisi.

shomirzayevfb@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8138356>

Anotatsiya: *Psixologiyani o'rganish odamni psixika haqidagi va psixik hayotning xilma-xil hodisalari haqidagi bilimlar bilan boyitibgina qolmay, shu bilan birga odamning aqliy faoliyatini ham o'stirishga yordam beradi, yangi bilimlar, ko'nikmalarni tezroq egallash, yangi nazariy va amaliy vazifalarni to'g'ri hal qilish qobiliyatini shakllantiradi, o'z fikrlarini nutqda to'g'ri ifodalay bilish va boshqalarning nutqini to'g'ri tushuna bilishda ham o'z ifodasini topadi. Albatta, fan bilan shug'ullanish, ilm olish, izlanish insonni kamolga yetkazadi.*

Kalit so'zlar *Psixologiya, ruhiy jarayonlar, pedagogik psixologiya, psixika, differensial psixologiya, Antik davr, Ob'ektiv metodlar.*

Kirish: **Psixologiya**-inson faoliyati va hayvonlar xatti-harakati jarayonida voqelikning psixik aks etishi, ruhiy jarayonlar, holatlar, hodisalar, xislatlar to'g'risidagi fan, psixologiyaning tadqiqot predme-tiga sezgilar va idrok obrazlari, tafakkur va hissiyot, faoliyat va muomala kabi psixologik jarayonlar, kate-goriyalar kiradi.

Psixologiyaning asosiy vazifalari-psixika qonuniyatlarini, inson ruhiy holatlari shakllanishini filogenetik va ontogenetik tarak,-qiyot birligida ochishdan iboratdir.

Mazkur vazifalar yechimini topishda Psixologiya bir tomondan, biol. fani sohalari bilan, jumladan, fiziologiya bilan, boshqa tomondan esa, sotsiologiya, pedagogika, madaniyat tarixi, mantik hamda ijtimoiy fanlar bilan jips aloqaga kirishadi. Psixologiya eng avvalo, psixikaning insonga xos shakli bo'lmish ong va o'zini o'zi anglashni tadqiq etadi.

Antik davrdan boshlab psixologik bilimlar falsafa va tibbiyot fanlari negizida rivojlanib kelgan. Yunon shifokorlari Gippokrat, Erasistrat psixikaning organi miya ekanligini bilganlar va inson jonini koinotning ashyoviy bo'lagi sifatida (Demok-shyaning moddiyunchiligi asosida) talqin qilganlar. Ularning g'oyalari Platonning jon abadiyligi to'g'risidagi ta'limotiga qarama-qarshi qo'yilgan.

Aristotel «Jon to'g'risida»gi asarida psixologik tushunchalar tizimini ishlab chiqdi.

O'rta asrlarda psixikaga nisbatan har xil ko'rinishdagi g'ayritabiiy qarashlar hukmronlik qildi. Shu tufayli psixologik bilimlar rivojlanmay qoldi. Ammo ba'zi faylasuflar va shifokorlar (Ibn Sino va b.) asarlarida bu sohada olg'a qadam qo'yildi. Inson xususiyatlari to'g'risidagi ma'lumotlar qad. qo'lyozmalar, yodgorliklarda o'z aksini topa boshladi. Turli mamlakatlarda va shaharlarda tuzilgan akademiyalarda (Xorazm, Samarqand, Kiev, Moskva va b. shaharlarda) Psixologiya yuzasidan tinglovchilarga saboq berilgan.

Hozirgi zamon psixologiyasi ko'p tarmoqli psixologik bilimlar tizimidan iborat fan hisoblanib, o'zining tadqiqot predmetiga ega bo'lgan ko'plab sohalardan tashkil topgan: umumiy Psixologiya, aviatsiya psixologiyasi, harbiy Psixologiya, differensial psixologiya, psixofiziologiya, muhandislik psixologiyasi, kosmik psixologiya, huquq psixologiyasi, tibbiyot psixologiyasi, neyropsixologiya, patopsixologiya, pedagogik

psixologiya, mehnat psixologiya, sport psixologiyasi, maxsus psixologiya, ijodiyot psixologiyasi, menejment psixologiyasi, marketing psixologiyasi, ijtimoiy psixologiya, yosh psixologiyasi, tashkiliy psixologiya, din psixologiyasi, oila psixologiya psixologiyasi, psixologiya tarixi, genetik psixologiya, amaliy psixologiya, eksperimental psixologiya, kasb psixologiyasi, psixolingvistika, siyosiy psixologiya va boshqa psixologiyaning tarmoqlarga ajralishining asosiy sababi uning tarkibida tatbiqiy sohalar vujudga kelishidir.

Asosiy qism: Psixologiya sanoatda, jamiyat boshqaruvida, ta'lim tizimida, sog'liqni saqlash, madaniyat, sport, transport, radio, televidenie. tuzilmalarda muhim masalalarni hal qilishda faol ishtirok qilmoqda.

Psixologiya erishgan yutuqlari shaxs imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish va ularni harakatga keltirishda alohida ahamiyat kasb qilmoqda hamda shu asnoda mehnat samaradorligini oshirishga ta'sir o'tkazmoqda. Zamonaviy Psixologiyada elektron-hisoblash texnikasi, elektr va kimyoviy vositalar yordami bilan psixikani chuqur o'rganish kabilar qo'llanilmoqda.

Psixologiya dao'zini o'zi kuzatish (introspeksiya) metodi atrofida keskin bahslar davom etmoqda. Ba'zi yo'nalishdagi psixologlar uni tadqiqot o'tkazishning asosiy metodi deb ta'kidlasalar, boshqalari esa uning cheklanganligini e'tirof qila-dilar, buning o'rniga ob'ektiv metodlardan foydalanishni tavsiya etadilar. Ob'ektiv metodlar tufayli psixikaning moddiy negizi aniklangan, inson ichki munosabatlari bilan sub'ektiv holatlar sababiy bog'liqligi yakka shaxsda, jamoada namoyon bo'lishi dalillangan. Jahon hamjamiyatida AQSh, Angliya, Fransiya, Germaniya, Rossiya, Shveysariya mamlakatlarida institutlari va markazlarida, psixologik izlanishlar keng ko'lamda olib borilmoqda.

Psixik jarayonlar ham boshqa hodisalar kabi o'z qonunlariga ega. Idrok qilish, his qilish va tafakkur jarayonlari qanday namoyon bo'ladi? Odamning qobiliyati qanday o'sib boradi va xarakteri qanday tarkib topadi? Psixologiya ilmi ana shunday nozik masalalar bilan shug'ullanadi.

Psixologiya juda qadimgi fanlardan bo'lib, bundan taxminan ikki yarim ming yillar muqaddam maydonga kelgan. «Psixologiya» yunoncha «psyux» - «jon» umumiy holatda ruh va «logos» – ilm, ta'limot degan ikki so'zdan iborat bo'lib, «jon yoki ruh haqidagi ta'limot» degan ma'noni anglatadi.

Qadim zamonlarda tashqi olamdan ta'sir qilayotgan narsalarning nerv sistemasi yordamida miyada aks ettirilishini odamlarning tushunishi qiyin bo'lgan.

Shuning uchun ular murakkab aks ettirish hodisalarini jon bilan bog'lab tushuntirganlar.

Shu tufayli psixologiya fani qadim zamonlarda jon haqidagi ta'limot sifatida maydonga kelgan. Hozirgi kunda psixologiya fani o'zining qadimgi nomini saqlab qolgan bo'lsa ham mazmunan batamom o'zgarib ketgan.

Agar biz psixologiyaning mazmunini hozirgi davr talabidan kelib, tushuntiradigan bo'lsak, shunday ta'rif berishimiz mumkin: «Psixologiya fani psixik jarayonlar va inson shaxsining psixologik xususiyatlari haqidagi fandır».

«Psixologiya sohasida mukammal darsliklar yozila boshlangan davrga salkam 160 yil bo'ldi. Shu davr ichida juda ko'plab ilmiy tadqiqot natijalarini o'z ichiga olgan monografiyalar, darsliklar qo'llanmalar yozildi. Lekin bu bilan fan o'zining jamiyat oldidagi vazifalarini to'laqonli bajara oldi, degan xulosa chiqarib bo'lmaydi.

Sababi, psixologiya sohasida faoliyat ko'rsatgan barcha olimlar ko'proq diqqatlarini mavhum shaxs va individual psixologiyaga qaratdilar.

Vaholanki, inson, uning barkamolligi, jamiyat taraqqiyotiga bevosita ta'siri masalasi o'tgan asr oxiriga kelib o'ta dolzarb va muhim muammolar qatoridan joy oldi. XX asrda erishilgan yutuqlardan eng muhimi shu bo'ldiki, inson o'z aql-idroki, tafakkuri va ijobiy salohiyati bilan murakkab texnika, elektronika va boshqa shunga o'xshash global texnologiyalarni kashf etdi».

XXI asr bo'sag'asida barcha fanlar qatori Milliy psixologiyamiz yangicha mazmun kashf etdi. Bu islohotlarning barchasi inson omilini har qachongidan ham yuqori saviyaga ko'tarib, xalqimiz psixologiyasining zamon va makondagi o'rnini, nasl-nasabini, o'zligini, kelib chiqishini, insoniyat tarixida tutgan o'rnini, uning rivojiga qo'shgan hissasini, milliy iftixorini, g'ururini mustaqil va xolisona anglab olishidir.

Agar xalqimiz o'zining milliy psixologiyasiga, boy tarixiga ega bo'lsa, u o'zi kechirgan ijtimoiy-psixologik jarayonlarni chuqurroq tushunadi.

Psixologiya sohasidagi bu izlanishlar yetakchi psixolog olimlarimiz ilmiy faoliyatida mujassamlangan va ular tomonidan jamiyat, inson psixologiyasi va ma'naviyati ilmiy-nazariy tahlil qilinadi. Shuni hisobga olish kerakki, odamdagi barcha psixik jarayonlar va shaxsiy xususiyatlar o'z-o'zicha yuzaga kelmaydi.

Psixik jarayonlar (ya'ni sezish, idrok, xotira, tafakkur, xayol, nutq va shu kabilar) ham, shaxsning psixik xususiyatlari (ya'ni ehtiyojlari, qiziqishlari, malaka va odatlari, xarakteri qobiliyatlari,) ham odamning mavjud faoliyati jarayonida namoyon bo'ladi. Shuning uchun psixologiya fani insonni turli faoliyatlarda o'rganadi. Shu sababli inson shaxsining mohiyati barcha ijtimoiy munosabatlar yig'indisidan iboratdir.

Shunday qilib, psixologiya fani qandaydir jon, ruh xaqidagi fan bo'lib qolmay, balki aniq psixologik jarayonlar, ya'ni aks ettirish jarayonlari va inson shaxsining psixologik xususiyatlari haqidagi fan hamdir. Kengroq ma'noda oladigan bo'lsak, psixologiya fani psixik jarayonlarning va shaxs psixologik xususiyatlarining namoyon bo'lishi va taraqqiyot qonunlarini o'rganadigan fandır. Psixologiyani o'rganishda shuni alohida hisobga olish kerakki, insonning butun ongli hayoti ikkita fiziologik-organik hayot va psixik hayotdan iboratdir.

Psixo-fizik o'zaro ta'sir nazariyasi asoschilarining fikricha, psixik hodisalar bilan fiziologik hodisalar o'z mohiyatlari jihatdan har xil hodisalar bo'lsa-da, bir-birlariga o'zaro ta'sir etib turadilar. Natijada fiziologik hodisalar psixik hodisalarni yuzaga keltiradi.

Odamning kundalik hayot faoliyati ana shu tarzda davom etaveradi. Shunday qilib, biz hayot qonunlariga asoslangan psixologiyani, uning mohiyati va taraqqiy etish tizimlarini o'rganar ekanmiz, psixikani inson miyasining mavjud voqelikni aks ettirish xossasi deb bilishimiz zarur. Psixikaning nerv fiziologik asoslaridan ham ozmi-ko'pmi xabardor bo'lishimiz lozim.

Ong ijtimoiy-tarixiy sharoitda odam mehnat faoliyatining tarkib topishi hamda til yordamida boshqa odamlar bilan munosabatda bo'lishi natijasidir.

Ongning yashash usuli va ong uchun nimaningdir borligi bilimdir. Demak, ongning birinchi ta'rifi uning turli bilimlar yig'indisidan iborat ekanligidir. Ongning ikkinchi ta'rifi odamning o'z-o'zini anglash jarayonida namoyon bo'ladi.

Odam tirik mavjudotlar tarixida birinchi bo'lib obyektiv olamdan ajralib chiqdi va o'zini tevarak atrofdagi muhitga qarama-qarshi qilib qo'ydi.

Odam «Men» degan tushunchani «Men emas» degan tushunchadan ajratadigan bo'ldi. Shu tariqa odam ongli mavjudot sifatida o'zini-o'zi anglay boshladi. Shunday qilib, psixologiya fani inson shaxsiga xos bo'lgan ana shu xususiyatlarning yuzaga kelishi va namoyon bo'lish qonuniyatlarini o'rganishni maqsad qiladi.

Ammo psixologiya bu sohada alohida o'rin tutadi. Inson psixologiyani o'rganar ekan, avvalo o'z aql-idrokini, uning jarayonlarini bilib oladi, unga diqqat e'tibor beradi.

Aql faoliyatini kuchaytiradigan shart-sharoitni bilib oladi va shu bilan o'z aql-idrokining ko'proq o'sishiga zamin hozirlaydi. Bundan ko'rinadiki, o'quv muassasalarida faoliyat ko'rsatayotgan har bir pedagog, maorif ishining rahbari psixologiyani bilishi muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi vaqtda ishlab chiqarishning hamma tarmoqlarida, mehnatni tashkil etishning har xil turlarida psixologiya yetakchi o'rin tutmoqda.

Yoshlar tanlagan kasbning har bir turi odamdan tegishli bilim va mahorat talab qilishi bilan birga maxsus psixologik sifatlarga ega bo'lish kerakligini ham taqozo etadi. Shu sababli tanlangan ixtisosga qarab murakkab va mas'uliyatli kasb turlarini bajarishga to'g'ri keladigan kishilar maxsus psixologik tekshirishdan o'tkaziladi.

Masalan, kosmonavtlarni, uchuvchilarni, katta va kichik mashina haydovchilarni, paxtaning qator oralariga ishlov beruvchi mexanizatorlarni tanlashda talabgorlar xotirasi juda o'tkir, diqqat faoliyati turg'un va murakkab harakatlarni tez bajara oladigan, tafakkur jarayonlari ancha shakllangan yoshlarni ajratib olish maqsadida tekshirib ko'riladi.

Korxonalar va boshqa xo'jalik, madaniy va ma'muriy muassasalarning hamda tashkilotlarning rahbarlari kadrlarni tanlay bilish, ularni joy-joyiga qo'ya bilishi, ularga odilona rahbarlik qila olishi kerak. Buning uchun esa ularning qobiliyati, xarakteri, muomala madaniyati, ma'naviy-axloqiy tuyg'ulari, mehnatga munosabati va boshqa shu kabi sifatlarning mohiyatini bilishi kerak.

Psixologiya tibbiyot sohasi bilan ham qadimdan bog'lanib kelgan. Kasalliklar orasida turli xildagilari uchraydi, bunday kasalliklarni ham asosan psixologik tadbirlar yordamida davolash katta samara beradi.

Vrach kasalliklarni bir-biridan yaxshiroq ajrata olishi uchun odamning psixologik xususiyatlarini, holatini ham bilishi kerak. Vrach bemorga psixik ta'sir ko'rsatish vositalarini ishonirish, maslahat berish va boshqa kabilarning ahamiyatini bilishi zarur.

Xulosa: Psixologiya fani sud, prokuratura, militsiya, harbiy ishlarda ham muhim rol o'ynaydi.

Sud hay'ati yoki tergovchi ayblanuvchining ruhiy holatini, guvohlarning so'roqda aytgan gaplarini psixologik jihatdan tahlil qila bilishi zarur.

Aybdorlarning individual emotsional xususiyatlarini ham bilib olishga to'g'ri keladi.

Bularning hammasidan o'rinli foydalanish uchun insonni psixikasini bilish, psixologiyani o'rganishning ahamiyati benihoya katta.

Shuningdek, psixologiyani bilish kundalik turmush uchun ham ahamiyatlidir.

Hamma doimo boshqa kishilar davrasida bo'ladi, muayyan munosabatlar tanish-bilishlik, oshna-og'aynigarchilik va boshqa shu kabilar tufayli o'zgalar bilan muomalada bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentabrdagi PF-5544-son Farmoni
2. <https://lex.uz/>
3. <http://library.ziyonet.uz/>

ILMIY TADQIQOTLARNI PROGNOZLASHTIRISH

Jonibekov Shuhrat Baxtiyorovich

Sirdaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi

Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchisi.

shuxratbekjonibekov1987@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8138423>

Anotatsiya: Prognozlash bu kelajakni, harakatdagi hatosini baholash, shuning uchun makroiqtisodiy jarayonlarni, tarmoqlarni o'zaro aloqadagi holatlarini prognozlashda ko'proq dinamik tarmoqlararo balans modellardan foydalanish maqsadiga muvofiq hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Ilmiy texnika ishlanmalar, Gipoteza, Prognoz, atrof muhit, resurslarni prognoz qilish, fundamental tadqiqotlar, prognozlashda ekspert baholash.

Kirish: Ilmiy-texnik taraqqiyotni prognozlash yuqori darajada murakkab bo'lganligi uchun kolloktiv ekspertlar usullaridan ko'proq foydalaniladi. Ilmiy texnika ishlanmalarni prognozlashtirishning asosiy vazifasi bu mavjud ishlanmalar o'rtasidagi eng yaxshisini tanlash, uning mehnat samaradorligiga ta'siri, har bir mahsulotga bo'ladigan xarajatlarning kamayishi, ishchi xizmatchilarning moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondirilishi, tabiiy resurslardan ratsional foydalanish, atrof muhitga ta'siri kabilarni o'z ichiga oladi.

Asosiy qism: Shuni ta'kidlash kerakki, o'zlashtirilgan mahsulotni ishlab chiqarish uchun, ishlab chiqarish jarayoniga ta'sir etuvchi barcha omillar barqaror bo'lishi kerak. Ishlab chiqariladigan yangi mahsulot esa korxonaning barcha ko'rsatkichlarini tubdan o'zgartirish mumkin, ya'ni ajratilgan resurslarni taqsimlanishi, ishlab chiqariladigan mahsulot hajmining o'zgarishi va boshqalar.

Prognozlashtirish jarayonida bular asosiy omillar bo'lib hisoblanadi.

Ilmiy texnika taraqqiyotini prognozlashda seriyali ishlab chiqarish quyidai vazifalarni bajaradi: yangi texnika, texnologiya, materiallarni amaliyotga tadbiiq etilishi, iqtisodiyotni barcha sohasida mehnat samaradorligini oshirish, energiyadan, asosiy fondlardan foydalanish samaradorligini oshirish, ishlab chiqariladigan mahsulot sifati yaxshilanishi kabi vazifalarni qamrab oldadi.

Ishlab chiqarish resurslari talabini prognozlashtirish.

Tarmoqning uzoq muddatli (perspektiv) talabi, hajmi va ishlab chiqarish strukturasi belgilashda ular uchun kerakli bo'lgan xom ashyo, mehnat va moliyaviy resurslarni prognoz qilish kerak.

Ushbu talab hisobining asosini tarmoq mahsulot biriligi, resurs xajmi, mehnat xajmi va jamgarma xajmi kabi ko'rsatkichlar (koeffitsient) tashkil etadi. Xisobotlar natural xamda qiymat shaklida ko'rsatiladi.

Tarmoqning xom-ashyo resurslariga talabi mahsulot ishlab chiqarilishi uchun kerakli moddiy resurslarning qiymat shaklidagi xarajatlarini o'z ichiga oladi.

Tarmoq haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lish uchun prognozlashtiriladigan ob'ektning barcha tashkil etuvchilari faoliyati haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lishi kerak, masalan, ilmiy texnik va konstruktorlik tajribalar holati; ishlab chiqarish texnik bazasining rivojlanishi; ishlab chiqarishning tashkiliy texnik darajasi; mahsulotning iste'mol darajasi

va uning qondirilishi darajasi; tashkilotning xo‘jalik boshqaruvi rivojlanishi va ishlab chiqarishning ijtimoiy sharoiti va boshqalar. Prognozlashtirishning barcha turlari bir-biri bilan bog‘liq bo‘lib, ular tarmoq prognozlashtirish strukturasi shakllantiradi.

Iqtisodiy prognoz ob‘ektlariga qo‘yiladigan talab bu prognoz srukturasi va tashkil etuvchilarini tuzish. Har bir iqtisodiy prognoz o‘zida:

qisqa prognoz yo‘nalishi tahlili; uning zamonaviy holati; kelajakda rivojlanish yo‘nalishi; prognozlash davrida sodir bo‘ladigan muammolar va ularning yechimlari natijalarini amaliyotga tadbiiq etish;

olib borilayotgan ilmiy izlanishlar, tajriba izlanishlar va ularni prognozlash davrida va undan tashqarisida kutilayotgan natijalar;

fundamental tadqiqotlarni baholash;

berilgan vaqt oralig‘ida prognoz natijalari, takliflarini ko‘rib chiqish, ushbu natijalarni ijtimoiy va iqtisodiy oqibatlarini baholash.

Prognoz qilingan natijalarni amaliyotga tadbiiq etish uchun har bir prognozga quyidagilar zarurdir:

berilgan davr mobaynida sodir bo‘layotgan asosiy voqealarni aniqlab, prognoz natijalariga ta‘sirini aniqlash;

prognoz natijalarini eng yaqin va eng uzoq amalga oshish davrini va ushbu vaqt o‘zgarishiga ta‘sir etuvchi omillarni aniqlash;

prognoz jarayonini ishlatilish sohasini yoki umumiy sohasini prognozlatirilayotgan ob‘ektga boshqa ob‘ektlar tomonidan ichki va tashqi ta‘sirini sifat va miqdor jihatdan aniqlash;

prognoz natijalarini amalga oshirish uchun kerak bo‘ladigan xom-ashyo, energiya, mehnat va moliyaviy resurslar hajmini aniqlash; prognozlash natijalarini texnik iqtisodiy va boshqa ko‘rsatgichlar bo‘yicha baholash.

Innovatsion tadqiqot loyihalari va ularning natijalarini prognozlash.

Ilmiy texnika taraqqiyotining bosqichlarini tahlil qilish, ularni bir biridan farqi va vazifalarini aniqlab beradi.

Ular nafaqat maqsadi balki faoliyati ko‘rsatgichlari mohiyati bilan ham farqlanib turadi.

Ilmiy texnika taraqqiyotini har bir bosqichini prognozlashda quyidagicha ketma-ketlikka amal qilinishi lozim: fundamental va amaliy tadqiqotlarni prognozlashda tizimli tahlil va sintez usulidan, ekspert baholash usulidan, ssenariylardan, “maqsadlar daraxti”ni tuzishdan, morfologik tahlillardan foydalanish kerak.

Bu muammolarni bir tizimga keltirish, qarorlarni maqsadli natijalarini topish, ko‘p sonli baholash variantlarini tuzish, tadqiqotning eng maqbul yo‘nalishini tanlash va boshqa bir qator imkoniyatlar yaratadi.

Bu bosqichda ma‘lumotlarning yetarli bo‘lmaganli sababli statistik usullardan foydalanish qiyinchilik tug‘dirishi mumkin va prognozlashtirilayotgan jarayon qanday xususiyatga ega ekanligini aniqlash qiyin bo‘ladi.

Ushbu holatda bevosita ekspert usullaridan keng foydalanilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Ishlanmalarni prognozlash.

Bu bosqichni prognozlashda, iste‘mol hajmini aniqlash, shu jumladan tarmoqlar aro balans usulidan ham foydalaniladi. Yangi mahsulotning texnik iqtisodiy ko‘rsatgichlarini prognozlashda ektropolyatsiya, petentni hujjatlashtirish va ilmiy texnika axborot tahlili, ekspert baholash usullari kombinatsiyasi usullaridan foydalaniladi. ishlab chiqarish jarayoniga tayyorlov, seriyali ishlab chiqarish va ekpluatatsiya bosqichlarini prognozlashda

ekspert baholash usulidan, ekstropolyatsiya usulidan, omillar tahlilidan, imitatsion usulidan foydalaniladi.

Bu bosqichni prognozlashdi, balanslashtirilgan hisob kitoblar tizimi asosiy o'rinda turadi.

Uning tarkibiy qismi quyidagilar iborat:

iste'mol qilinadigan va jamg'ariladigan mahsulotlarning ishlab chiqarish balansi;
milliy daromadning taqsimlanishi va ishlatilishi bo'yicha ishlab chiqarish balansi;
ishlab chiqarish tarmoqlar aro balansi va mahsulotlarning taqsimlanishi;

mehnat resurslar balansi;

asosiy fonlar balansi;

ishlab chiqarish quvvati balansi;

umumiy moddiy va asosiy turdagi mahsulotlar balansi;

moliviy balanslar;

barcha turdagi resurslar va me'yorlari.

Prognozlashtirishni mukammallashtirishning muhim yo'nalishlari.

Prognozlash bu kelajakni, harakatdagi hatosini baholash, shuning uchun makroiqtisodiy jarayonlarni, tarmoqlarni o'zaro aloqadagi holatlarini prognozlashda ko'proq dinamik tarmoqlararo balans modellardan foydalanish maqsadiga muvofiq hisoblanadi.

Prognoz natijalarning sifatini oshirish uchun prognoz ob'ektning xususiyatlarini chuqur o'rganib, uning har bir elementini vaqt birligida o'zgarishini chuqur o'rganish, tadqiqot qilish zarur.

Iqtisodiyotning makrodarajasi o'ta murakkab tizim hisoblanadi. Chunki barcha tarmoqlar bir biri bilan bevosita ajralmas holda bog'liqdir.

Alohidabir tarmoqning rivojlanishini prognoz qilmoqchi bo'lsak, uning boshqa tarmoqlar bilan bog'liqlik darajasini inobatga olmaslik prognoz natijalarini talablarga o'liq javob bermaydi.

Prognoz asosida makrodarajada shakllantirilgan rejani amalda bajarilishini ta'minlash, tarmoqlar o'rtasida disproporsiya bo'lmasligi, tarmoqlararo materiallar xarajatlari qanday bo'lishi kerakligi, yakuniy, yalpi va materiallar xarajatlari o'rtasidagi miqdoriy bog'liqlikni aniqlash faqat tarmoqlararo balans modellari asosida amalga oshirilishi mumkin.

Prognoz, gipoteza va reja xaqida tushunchalar

Gipoteza- umumiy nazariya dairasidagi ilmiy bashoratni tavsiflaydi.

Bu shuni anglatadiki, gipotezani tuzish dastlabki bazaviy nazariya va u asosida tadqiq etilayotgan ob'ektlarning faoliyat ko'rsatishi va rivojlantirishning ochilgan qonuniyatlari hamda sabab-oqibat aloqalarini tashkil etadi.

Gipoteza darajasida harakatlarning umumiy qonuniyatlarini ifodalovchi ushbu ob'ektlarning sifat jihatidan tafsiloti beriladi.

Prognoz- gipotezadan farqli ularoq yanada yuqori aniqlikka ega, chunki nafaqat sifat o'lchamlariga, balki miqdoriy o'lchamlarga asoslanadi, shu bois ob'ektning kelajakdagi holatini miqdoriy jihatdan ham tavsiflashga imkon beradi.

Prognoz aniq amaliy nazariya darajasida bashoratlarni nazarda tutadi.

Shunday qilib, prognoz gipotezadan noaniqlik darajasi past hamda yuqori darajali haqqoniyligi bilan farq qiladi.

Shu bilan birga prognozning tadqiqot qilinayotgan ob'ekti, hodisa bilan bo'lgan to'g'ridan-to'g'ri aloqasi mavjud emas: prognoz ehtimollik tavsifiga ega.

Reja aniq muayyan maqsadlarni qo'yish va tadqiq etilayotgan ob'ektning aniq hodisalarini bashoratlashni ko'zda tutadi. Unda belgilangan vazifalarga muvofiq tarzda rivojlanishning yo'llari va vositalari qayd etiladi, qabul qilingan boshqaruv qarorlari asoslanadi. Uning eng asosiy farq qiluvchi jihati - topshiriqning aniqligi va ko'rsatmali ekanligidadir. Shunday qilib, rejada bashoratlash yanada aniq holda namoyon bo'ladi. Prognoz kabi reja ham aniq amaliy nazariya natija va yutuqlarga asoslanadi.

Prognozlash shakllari o'z mohiyatiga ko'ra boshqarish va rejalashtirish tizimida bir-biri bilan va tadqiq etilayotgan ob'ekti bilan uzviy bog'liqlikda bo'lib, ob'ektning o'zining aniqliligi bilan istiqboldagi harakatlarini bilish bosqichlarining ketma-ketligini ifodalaydi.

Ushbu jarayonning dastlabki qadami – ob'ektni u uchun yangi belgilangan holatiga o'tkazish rejasini tuzish hisoblanadi. Buning uchun eng muhim vositasi umumilmiy bashoratlash va reja o'rtasida bog'lovchi zanjir sifatida ishtirok etuvchi prognoz xizmat qiladi.

Gipotiza umumiy tavsilotiga ega bo'lsa ham, usiz hech qanday ilmiy boshqarish va rejalashtirishni amalga oshirib bo'lmaydi. Gipoteza ushbu jarayonga ta'sir etib, uni tuzish uchun muhim axborot manbasi hisoblanadi. Ko'p holatlarda gipotiza bevosita rejalarni ishlab chiqishda ham huddi shu vazifani bajaradi.

Rejalashtirish bilan prognozlash bir biri bilan chambarchas bog'liq.

Reja va prognoz o'z mohiyatiga ko'ra rejaning ijtimoiy ishlab chiqarishini boshqarishda yetakchi bug'in sifatida hal qiluvchi rol uynayotgan sharoitda bir-birini o'zaro to'ldiruvchi rejalashtirish bosqichlarini ifodalaydi.

Bunda prognoz mavjud amaliyotning istiqbolda rivojlanish imkoniyatlariga qaratilgan omil sifatida xizmat qiladigan bo'lsa, prognozlash - rejalarni ishlab chiqish dastagi sifatida namoyon bo'ladi.

Prognozlash shakllari o'z mohiyatiga ko'ra boshqarish va rejalashtirish tizimida bir-biri bilan va tadqiq etilayotgan ob'ekti bilan uzviy bog'liqlikda bo'lib, ob'ektning o'zining aniqliligi bilan istiqboldagi harakatlarini bilish bosqichlarining ketma-ketligini ifodalaydi.

Ushbu jarayonning dastlabki qadami – ob'ektni u uchun yangi belgilangan holatiga o'tkazish rejasini tuzish hisoblanadi. Buning uchun eng muhim vositasi umumilmiy bashoratlash va reja o'rtasida bog'lovchi zanjir sifatida ishtirok etuvchi prognoz xizmat qiladi.

Gipotiza umumiy tavsilotiga ega bo'lsa ham, usiz hech qanday ilmiy boshqarish va rejalashtirishni amalga oshirib bo'lmaydi.

Gipoteza ushbu jarayonga ta'sir etib, uni tuzish uchun muhim axborot manbasi hisoblanadi. Ko'p holatlarda gipotiza bevosita rejalarni ishlab chiqishda ham huddi shu vazifani bajaradi.

Rejalashtirish bilan prognozlash bir biri bilan chambarchas bog'liq.

Reja va prognoz o'z mohiyatiga ko'ra rejaning ijtimoiy ishlab chiqarishini boshqarishda yetakchi bug'in sifatida hal qiluvchi rol uynayotgan sharoitda bir-birini o'zaro to'ldiruvchi rejalashtirish bosqichlarini ifodalaydi.

Bunda prognoz mavjud amaliyotning istiqbolda rivojlanish imkoniyatlariga qaratilgan omil sifatida xizmat qiladigan bo'lsa, prognozlash - rejalarni ishlab chiqish dastagi sifatida namoyon bo'ladi.

Tizim bir-biriga o'zaro ta'sir etuvchi elementlari, ularning xossalari va aloqalari mavjud bo'lgan butun bir kompleks sifatida qaralishi mumkin.

Umuman olganda tizim – bu moddiy dunyoda elementlari mavjud bo'lgan, butun bir kompleksning ob'ektiv mavjudligiga asoslangan ilmiy abstraksiya.

Tizimning murakkabligiga oid faraz faqatgina uning elemenlariga emas, balki ular o'rtasidagi ko'p tarmoqli hamda ko'p qirrali aloqalarga, tizimning butunligiga doir maxsus xususiyatlarning namoyon bo'lishiga va uning kutilayogan holatiga bog'liq.

Bu orqali murakkab tizimni ham elementlarning katta miqdori, ham ularning xilma-xil aloqalari aniqlaydi.

Murakkab tizimning xususiyatlarini ta'riflashda, avvalo, uning yaxlitlik xususiyatidan boshlaymiz.

Murakkab tizim tarkibidagi biror bir element (qism)larda mavjud bo'lmagan xususiyatlarni namoyon qiladi.

Demak, murakkab tizim uning tarkibini tashkil etuvchi qismlar va ularning xususiyatlari miqdoriga qaraganda ko'proq jihatlarni namoyon etadi.

Murakkablik va yaxlitlikning o'zi tizimning yangicha xususiyatlarini vujudga keltiradi.

Xulosa: Bunda prognoz mavjud amaliyotning istiqbolda rivojlanish imkoniyatlariga qaratilgan omil sifatida xizmat qiladigan bo'lsa, prognozlash - rejalarni ishlab chiqish dastagi sifatida namoyon bo'ladi. Tizim bir-biriga o'zaro ta'sir etuvchi elementlari, ularning xossalari va aloqalari mavjud bo'lgan butun bir kompleks sifatida qaralishi mumkin.

Umuman olganda tizim – bu moddiy dunyoda elementlari mavjud bo'lgan, butun bir kompleksning ob'ektiv mavjudligiga asoslangan ilmiy abstraksiya.

Tizimning murakkabligiga oid faraz faqatgina uning elemenlariga emas, balki ular o'rtasidagi ko'p tarmoqli hamda ko'p qirrali aloqalarga, tizimning butunligiga doir maxsus xususiyatlarning namoyon bo'lishiga va uning kutilayogan holatiga bog'liq. Bu orqali murakkab tizimni ham elementlarning katta miqdori, ham ularning xilma-xil aloqalari aniqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentabrdagi PF-5544-son [Farmoni](#)
5. <https://lex.uz/>
6. <http://library.ziyonet.uz/>

ZILZILA VA UNING OQIBATLARI

Egamberdiyev Ilxom Ergashevich

*Sirdaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi
Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi uslubchi-o'qituvchisi
egamberdiyevilhom76@gmail.com*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8138567>

Anotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998 yil 27 oktyabrdagi "Texnogen, tabiiy va ekologik tuzdagi favqulodda vaziyatlar tasnifi to'g'risida"gi 455-sonli Qarori yoritiladi.

Kalit so'zlar: mantiya, seysmologiya, tektonik zilzilalar, aftershoklar, epitsentr, gipotsentr, magnituda, elektromagnit to'lqinlar, mikroelementlar.

Kirish: Zilzila, yer qimirlash — yer po'stida yoki mantiyaning yuqori qismida to'satdan siljish, sinish yoki o'pirilish ro'y berishi oqibatida vujudga keladigan va to'lqinsimon tebranishlar tarzida uzoqlarga tarqaladigan yer osti silkinishlari va tebranishlari. Sabablariga ko'ra, tektonik, vulqoniy va o'pirilish zilzilalariga bo'linadi. Yer po'stining xar xil chuqurligida tabiiy kuchlar ta'sirida sodir bo'ladigan silkinishlar tektonik zilzilalar deyiladi.

Ular yer qa'ridagi harakat va jarayonlarning mahsuli bo'lib, bu jarayonlarning kinetik quvvat tarzida birdan (1 min.da) sarflanishi oqibatidir. Vulqoniy va o'pirilish zilzilalari tabiatda juda kam sodir bo'ladi; ular kuchi jixatidan tektonik zilzilalarning eng kuchsizi bilan tenglashadi.

Yer sharida sodir bo'ladigan zilzilalar soni yil davomida bir necha yuz mingga yetishi mumkin. Shulardan aksariyat ko'pchilik qismi seysmograflarga sezadigan kuchsiz zilzilalar bo'lib, odamlar sezadiganlari bir necha mingga yetadi. Xalq xo'jaligiga zarar yetkazadigan zilzilalar esa bir necha o'ndan bir necha yuztagacha bo'lishi mumkin. Bir yil davomida sodir bo'lgan hamma zilzilalar natijasida taxminan 0,510" J kinetik quvvat ajralib chiqadi. Bu quvvat miqdori juda katta bo'lishiga qaramay, yer qa'rida sodir bo'ladigan jarayonlardan ajralib chiqadigan umumiy quvvatning 0,5% inigina tashkil etadi.

Asosiy qism : Zilzila nima? Yer po'stida yoki mantiyaning yuqori qismida to'satdan siljish, sinish yoki o'pirilish ro'y berishi oqibatida vujudga keladigan va to'lqinsimon tebranishlar tarzida uzoqlarga tarqaladigan yerosti silkinishlari va tebranishlari zilzila deyiladi.

Bir yil davomida bir necha yuz ming zilzila yuz berishi mumkin, ularning aksariyati faqatgina seysmograflar sezadigan kuchsiz zilzilalar bo'lib, odamlar sezadiganlari bir necha mingga yetadi, vayronkor yer silkinishlari esa bir yilda bir necha o'ndan bir necha yuztagacha bo'lishi mumkin. Zilzilalar yer sharining tektonik jihatdan eng faol bo'lgan (masalan, bir qismi O'zbekistonga kirgan Tyan-Shan, Afg'onistondagi Hindikush, Tojikistondagi Pomir kabi) tog' tizmalari joylashgan hududlarda ko'proq bo'ladi.

Zilzila vaqtida nima qilish kerak?

Zilzila vaqtida birlamchi qoida, bu — vahimaga tushmaslikdir. Agar bino ichida bo'lsangiz, stol yoki stul tagiga kirib oling. Shu yo'l bilan tepadan qulashi mumkin bo'lgan narsalardan (masalan, devor parchasidan) himoyalanasiz. Eshik tagida (eshik joylashgan oraliqda) turib oling — ular binoning boshqa qismlariga qaraganda mustahkamroq bo'ladi. Agar tashqarida bo'lsangiz, bino, daraxt, suv yoki elektr simlariga yaqin bormang — elektr

uzatkichlari suvga qulashi natijasida unga yaqin turganlar uchun o'ta xavfli vaziyatni yuzaga keltirishi mumkin. Mashinada bo'lsangiz, mashina ichidan chiqmang, lekin u bino, devor yoki boshqa qulashi mumkin bo'lgan obyekt yaqinida turgan bo'lsa, tashqariga chiqib, avtomobilingiz yonida cho'kkalab turing. Zilzila to'xtaganidan keyin ham xavfsiz joydan chiqmasdan, biroz kutib turing.

Zilzilani oldindan bilish mumkinmi?

Zilzila haqida aniq ma'lumot beradigan tizim hali yaratilmagan, shuning uchun ham qachon va qayerda hamda qanday kuchdagi zilzila ro'y berishini oldindan aytishning hozircha iloji yo'q. Faqatgina zilzila vaqtida sodir bo'ladigan o'zgarishlar aniqlangan xolos. Bundan tashqari zilziladan darak beruvchi omillar ko'p. Masalan — forshok (zilzila oldidan sodir bo'ladigan to'liqlar).

O'zbekiston Fanlar akademiyasi Seysmologiya instituti laboratoriya mudiri, akademik Qahhorbek Abdullabekovning so'zlariga ko'ra, 1984-yil yanvar oyida Namangan viloyatining Pop tumani atrofida kuniga bir—ikkita mayda zilzilalar qayd etilgan, oradan bir oy o'tib esa bunday forshoklarning soni sutkasiga 100-150 taga yetgan. Shunda mahalliy ma'muriyatga zilzila sodir bo'lishi haqida xabar berilgan va haqiqatan ham Popda 8 balli zilzila ro'y bergan. Lekin forshoklar doim ham kuzatilmaydi. Masalan, 1966-yilgi Toshkent zilzilasi arafasida forshok bo'lmagan, faqat aftershoklar kuzatilgan. 1978-yili Andijondan 120 kilometr janubda Oloy zilzilasi ro'y bergan. O'shanda yerosti suv tarkiblari va magnit maydonlari o'zgargani qayd etilgan va oxirgi marta zilziladan 6 soat avval mahalliy ma'muriyatga zilzila xavfi borligi haqida xabar berilgan. "O'shanda Andijonda rahbarlar soat 24:00 gacha kutib o'tirgan, biroq oxiri zilzila bo'lishiga ishonmay hamma uy-uyiga tarqagan.

So'nggi yillarning eng dahshatli yer silkinishi-2011-yil 15 mingdan ortiq odamning hayotiga zomin bo'lgan Buyuk Sharqiy yapon zilzilasi va Yer sharining kuchli zilzilalar sodir bo'ladigan mintaqalarini seysmik jihatdan faolligiga qarab ikkita asosiy hududga bo'lish mumkin; birinchisi, geografik kenglik yo'nalishida Alp, Karpat, Kavkaz, Kopetdog', Tyanshan, Pomir, Himolay, ikkinchisi, meridional yo'nalishda -Tinch okeanining ikki qirg'og'i bo'yicha va qisman quruqlik mintaqasida joylashgan.

Bunday seysmik faollashgan joylarga Janubiy Amerikadan Antarktidagacha, Yevropa va Osiyo qit'asining shimoliy qismi, Markaziy va G'arbiy Afrika, Avstraliya va b. hududlar kiradi.

Demak, Markaziy Osiyo uning seysmik jihatdan faol bo'lgan Kopetdog', Tyanshan, Pomir tog'lari tufayli seysmik faol mintaqaga kiradi.

Yer po'sti yoki yuqori mantiya qatlamidagi zilzila paydo bo'lgan ma'lum bir hajm zilzila o'chog'i, uning markazi deb hisoblangan nuqta esa gipotsentr, gipotsentrning yer yuzasidagi proyeksiyasi zilzila epitsentri deyiladi.

Epitsentr va gipotsentr oralig'idagi masofa zilzilaning yer yuzidan chuqurligini ko'rsatadi. Zilzila o'chog'i O'rta Osiyo hududida, aksariyat hollarda,

Yer sathidan 5-50 km chuqurlikda joylashgan bo'ladi. Yer sharining ma'lum hududlarida zilzilalar o'chog'i 200-300, hatto 700 km gacha chuqurlikda bo'lishi ham mumkin.

Zilzila tufayli yer yuzidagi silkinishlar ballarda o'lchanadi.

Silkinishlar epitsentrda eng kuchli bo'lib, undan uzoqlashgan sari kuchi pasaya boradi. Epitsentr atrofidagi eng kuchli silkinishlarni belgilab, ular tutashgan chiziq ichidagi maydon (sath) pleystoseys hudud deyiladi.

Ba'zi uylarda suvoqlar ko'chib tushadi. Imoratlar shikastlanadi, g'ishtli devorlar yoriladi. Xom g'isht va paxsadan qurilgan ba'zi uylar buziladi, tog'larda ba'zan qoyalar ko'chadi. Imoratlar kuchli shikastlanadi, tog'larda surilmalar yuz beradi. G'isht, betondan

ishlangan uylar butunlay yoki qisman buziladi, yer osti quvurlari uziladi. Qoyalar qulab, tepaliklar suriladi, yerdagi yoriqlarning eni 10 sm gacha boradi. Yer yuzida katta (eni 1 m gacha) yoriqlar paydo bo'ladi. To'g'on va qirg'oq dambalari ishdan chiqadi, temir yo'llar bukiladi. Yangi ko'llar paydo bo'ladi. Yer yuzida keng va chuqur jarliklar hosil bo'ladi, yer vertikal va gorizontol yo'nalishda silkinadi. Tog'larda qoyalar ag'dariladi, ko'prik, to'g'on, temir yo'llari butunlay buziladi.

Yer qiyofasi, relyefi o'zgaradi. Yer yuzi burmalanadi, baland qoyalar ag'dariladi, daryolar o'zanini o'zgartiradi. Ko'ndalang to'lqin esa o'rtacha 5 km/s tezlikda, yuza to'lqinlar esa eng sekin tezlikda tarqaladi. Qayd qilingan to'lqinlarning yozuviga qarab zilzila epitsentridan stansiyagacha bo'lgan masofani aniqlash imkonini beradi. Shu maqsadda ko'ndalang va bo'ylama to'lqinlar orasidagi vaqtning epitsentr uzoqligiga bog'liqligi har xil hudud uchun o'rganiladi.

Bu bog'liqlik chizma ko'rinishida bo'lib, u godograf deb yuritiladi va zilzila ma'lumotlarini ishlash va o'rganishda muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Zilzila to'lqinlarining umumiy quvvati magnituda (M) bilan belgilanadi.

U shartli son bo'lib, yer sathidagi muhit zarralarining siljish amplitudasiga to'g'ri keladi. Bu qiymat seysmik stansiyalar qayd qilgan yozuvlar — seysmogrammalardan aniqlanadi. „A“ harfi bilan belgilangan kattalik $K = \lg \xi$ zilzilaning quvvatlilik sinfi deb ataladi.

Masalan, magnitudasi 5 ga teng ($M = 5$) bo'lgan zilzila o'chog'idan 1012 J quvvat ajraladi, ya'ni $K = 12$. zilzila kuchini ifodalash uchun turli seysmik shkalalar taklif etilgan.

Ulardan biri - 1917 yilda Halqaro seysmik assotsiatsiya tomonidan qabul qilingan 12 balli Merkalli -Kankani -Ziberg shkalasi bo'lib, u hozirgacha bir qancha Yevropa mamlakatlarida qo'llaniladi.

Ikkinchisi -AQSH da Vud va Nyumanlar tomonidan 1931 yilda Merkalli shkalasini bir oz mukammallashtirilgan 12 balli MM shkalasi qisoblanadi.

Uchinchisi - Rossiyada S. V. edvedev tomonidan ishlab chiqilgan 12 balli shkaladir.

1964-yil Parijda Yunesko ning seysmologiya va seysmobardosh qurilish bo'yicha o'tkazilgan davlatlararo yig'ilishida tavsiya etilgan MSHK=1964 12balli shkala S. V. Medvedev (Moskva), V. Shponxoyer Iyena, Germaniya) va V. Karniklar (Praga) tomonidan tuzilgan.

Zilzila kuchini aniqlashning juda ko'p usullari va belgilari bor. Pekin zilzilaning yer yuzida namoyon bo'lishi ballarda aniqlanganligi bilan zilzilaning aniq, quvvatini ballar ifodalaymaydi. Shuning uchun zilzilaning haqiqiy kuchini ko'rsatuvchi o'lcham -magnituda hisoblanadi.

Magnituda 1940y.lar boshlarida amerikalik tadqiqotchilar Ch. Rixter va B. Gutenberglar tomonidan kiritilgan va quyidagicha ifodalanadi:

$M = \lg A, \text{ mkm} + 1,32 \lg X, \text{ km}$. Bu yerda:

A - seysmik to'lqin amplitudasi yoki mkm surilishi,

X-seysmograf joylashgan yerdan zilzila epitsentrigacha bo'lgan masofa.

Xalqaro ma'lumotlarda zilzila kuchi magnituda orqali Rixter shkalasida beriladi.

Eng kuchli zilzilaning magnitudasi 9 gacha yetishi mumkin. Zilzila quvvati (Ye) Joulde o'lchanadi. Zilzila quvvati bilan magnitudasi o'rtasida bog'lanish quyidagicha ifodalanadi:

$\lg E - aM + V$. Zilzilaning yer yuzida bir xil kuch bilan namoyon bo'lgan nuqtalarini tutashtiruvchi chiziqqa izoseysta chizig'i, zilzila kuchining hududda tarqalishini ko'rsatuvchi izoseystalar to'plamiga izoseystalar xaritasi deyiladi.

Yer qa'ridagi tektonik, harakatlar faollashgan qismi va uning tevarak atrofida fizikaviy va kimyoviy jarayonlar ham faollashadi. Jumladan, tog' jinslarining zichligi,

elektr o'tkazuvchanligi, magnitik xossalari, elektromagnit to'liqlar tarqatish xususiyati, yer sathining vertikal va gorizontal holati kabilar o'zgarishi mumkin.

Mazkur hududlarda mavjud bo'lgan burg'i quduqlari orqali olinayotgan neft, gaz, suv miqdori keskin o'zgarishi, yer osti suvlarining kimyoviy tarkibi, mikroelementlar, gazlar miqdori ham o'zgaradi.

Ushbu sanab o'tilganlar zilzila sodir bo'lishi arafasida keskin va ko'p miqdorda o'zgarib, zilzilaning darakchilari sifatida qaralishi mumkin.

Ular zilzilalarni oldindan aytib berish muammosini hal qilishda juda muhim ahamiyatga ega. Bu borada Yer sharining seysmik jihatdan faol bo'lgan barcha hududlarida ko'p yillik halqaro va milliy dasturlar asosida to'xtovsiz izlanishlar olib borilayapti.

Zilzila vaqtida harakatlanish tartibi:

Yesalrhr silkinishini tavsiflaydigan belgilar quyidagilardan iborat:

1. Yer ostki suvlarining fizik-kimyoviy tarkibining o'zgarishi (laboratoriyada aniqlanadi);
2. Qushlar va uy xayvonlarining bezovtalanishi, gaz xidining kelishi, xavoda chaqmoq chaqishi va yorug'lik paydo bo'lishi;
3. Bir-biriga yaqin, lekin tegmayotgan elektr simlaridan uchqun chiqishi, uylarning ichki devorlarida zangori shu'lalar paydo bo'lishi va lyuminitsent lampalarining o'z-o'zidan yonishi.

Mana shu belgilarni bilgan xar bir fuqaro yoki zilzila xaqida xabar eshitganda, sarosimasiz va ishonchli xarakat qilishi kerak.

Zilzila xaqida oldindan xabar berilsa, ayni tashlab chiqishdan avval, gaz va boshqa isitgich asboblarni o'chirish, bolalar va qariyalarga yordam berish, zarur buyumlarni, oziq-ovqat, dori-darmonlarni va hujjatlarni olib, ko'chaga chiqishlari kerak.

Agar zilzila kutilmaganda boshlanib qolsa, u xolda deraza va eshik oraliqlariga yoki ko'taruvchi ustunlar tagiga turib olish zarur.

Dastlabki silkinish zarbasi tinishi bilan zudlik bilan tashqariga chiqish kerak. Shuni esdan chiqarmaslik kerakki, ko'p qavatli binolarning eng nozik, ishonchsiz joylari zinapoya va lift shaxtalaridir. Shuning uchun zilzila boshlangan paytda zinapoyalardan yugurish tavsiya etilmaydi va liftlardan foydalanish taqiqlanadi.

Korxonalar va muassasalarda zilzila paytida ish to'xtatiladi. Elektr toki suv, gaz va bug'lar to'xtatilib, fuqarolar muxofazasi qismlaridagi ishchi va xizmatchilar oldindan belgilab qo'yilgan joyga to'planadilar, boshqalar esa xavfsiz joylarda bo'ladilar.

Zilzila vaqtida uyda bo'lmagan fuqarolar uyga shoshmasligi, chunki o'sha joy raxbarlarining ko'rsatmalarini diqqat bilan kutib, unga rioya etgan holda xarakat qilishlari kerak. Zilzila vaqtida jamoat transportining to'la to'xtatilishini kutib bolalarni, nogiron va qariyalarni tushirish kerak.

Yurib ketayotganda sakrab tushib qolish yaramaydi, zilzila vaqtida jabrlanganlarga asosan yordamni fuqarolar muxofazasi qismlari beradi, lekin zarur bo'lgan xollarda axolining ham yordam berishi maqsadga muvofiqdir.

Xulosa: Zilzila bu tabiiy ofatlar ichida eng taxlikalasi bo'lib, kuchli zilzilalardan so'ng kuchli inson hayoti va sog'ligiga jiddiy ta'sir ko'rsatadi shuningdek, kuchli moddiy talofatlar va iqtisodiy zarar keltiradi.

Shunday ekan zilzilalarga tayyorgarlik bo'yicha bilim va ko'nikmalarimizni doimiy ravishda mustaxkamlab borishimiz talab etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi_Vazirlar Mahkamasining 1998 yil 27 oktyabrdagi “Texnogen, tabiiy va ekologik tUSDagi favqulodda vaziyatlar tasnifi to‘g‘risida”gi 455-sonli Qarori.
2. <https://lex.uz/>
3. <http://library.ziyonet.uz/>

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

| | | |
|-----|---|----|
| 1. | Y.A.Matyakubova, Z.B.Alloberganova, D.M.Qabulova, D.A.Mambetsoburova BUG'DOYNING BOBUR NAVIDA O'SIMLIK BO'YI VA YOTIB QOLISHGA CHIDAMLILIGIGA O'G'IT ME'YORINI TA'SIRI | 5 |
| 2. | Asfandiyorov Ma'rufjon Mansur o'g'li TALABALARNING AUDUTORYADAN TASHQARIDA FIZIKADAN OLGAN BILIMLARINI MUSTAQIL ISHLAR YORDAMIDA SHAKLLANTIRISH | 8 |
| 3. | Sharipov Shohruz Faxriddin o'g'li O'ZBEKISTONDA BANK SOHASIDA XUSUSIYLASHTIRISH SIYOSATI TARIXI | 13 |
| 4. | Досжанова Гулжайнар Файзуллаевна, Тажетдинова Бибиназ Бахтияровна О ВЛИЯНИИ КОМПЛЕКСНЫХ МОДИФИКАТОРОВ НА ОСНОВЕ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИХ ОТХОДОВ НА СВОЙСТВА КВАДРАТНОГО БЕТОНА | 17 |
| 5. | Batirova Zinat Nuratdinovna, Sultonova Nargisa Shonazarovna BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILAR FAOLLIGINI OSHIRISH | 21 |
| 6. | Xatamova Munisa Mamadulla kizi SOME CONSIDERATIONS REGARDING THE EXPRESSION AND COMPOSITION OF EXCLAMATIONS | 25 |
| 7. | Ovliyakov Husan Ruziboy o'g'li KIBERJINOYATCHILIK TURLARI VA UNING OLDINI OLISH MASALALARI | 29 |
| 8. | Бахтиёр Ражабович Менглиев “МАЪРИФАТПАРВАРЛИК АДАБИЁТИ” ТУШУНЧАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТИЗИМИ | 32 |
| 9. | Ergasheva Nilufar Usar qizi, Ro'ziqulov Fazliddin Shukurovich ANALYSIS OF STYLISTIC CONNOTATION IN THE TEXT | 38 |
| 10. | Parpiyev Sardor Ikramjon ogli THE IMPORTANCE OF THE COORDINATION OF ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND THE USE OF TECHNOLOGIES | 40 |
| 11. | С.С.Носирова, Д. Насимов «ЗАРРИН ИПЛИ НАМОЁНДА – ҲАЗРАТ НАҚШБАНД ДУРУ-ГАВҲАРЛАРИ» | 43 |
| 12. | Файзуллаева Райхон Абдуллаевна МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗОНИНГ ИРФОНИЙ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА | 48 |
| 13. | Kh.T. Saydullaeva, T.A. Djuraev, Kh.A. Yuldashev THE EFFECT OF CERTAIN SUPRAMOLECULAR COMPLEXES ON WHEAT GRAIN VIRTUE AND CHLOROPHYLL AMOUNT | 54 |
| 14. | Aveozov Ismoil Yoshuzoq o'g'li QIYMATLARNING O'ZGARISHINI HISOBGA OLGAN HOLDA VVER-1200 REAKTORI UCHUN ATOM ELEKTR STANTSIYASINING SAMARADORLIGINI HISOBLASH | 58 |
| 15. | Sharafutdinova Gulnara Rustamovna “THE IMPORTANCE OF ACTIVE LEARNING STRATEGIES IN THE CLASSROOM” | 64 |
| 16. | Muhiddinova Kamola Botir qizi “ENGAGING AND MOTIVATING STUDENTS THROUGH GAMES” | 67 |
| 17. | Islomova Sayyora Zafarovna “THE ROLE OF COLLABORATION AND COOPERATION AMONG STUDENTS IN CLASS” | 70 |
| 18. | Abdullayeva Nargiza Rashidovna CREATING A POSITIVE LEARNING ENVIRONMENT IN ENGLISH LANGUAGE CLASSES | 73 |
| 19. | Patullaeva G.S., Mámбеталиева Q TIL BILIMINDE LINGVOMÁDENIY IZERTLEWDIŃ TARIYXI | 75 |

| | | |
|-----|---|-----|
| 20. | Raxmonova Muxlisa Azim qizi, Nargiza Rasuljanovna Ismatullayeva XITOYCHA REKLAMA MATNI TARJIMASI BORASIDAGI NAZARIY QARASHLAR | 77 |
| 21. | Esonturdiyeva Nasiba Toshmurodovna MATEMATIKA DASRLARIDA O'QUVCHILAR TA'LIMI | 82 |
| 22. | Ibragimova Zulfiya Raximovna MATEMATIKA FANINI O'QITISHDA INNOVATSIYA | 86 |
| 23. | Abdullayeva Shoxidaxon Shamsiddinovna PSIXOLOGIYA FANINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI | 88 |
| 24. | Zufarova Nargiza Nigmat kizi OPTICAL COMMUNICATION NETWORK MANAGEMENT METHOD AND ALGORITHM | 91 |
| 25. | Raximboeva Iroda Ergashboevna BIOLOGIYA FANI O'RGANISH METODOLOGIYASI | 94 |
| 26. | Shakhrukh Jonuzokov ROCK PAINTINGS OF THE IRON AND BRONZE AGE | 97 |
| 27. | Abdullayeva O'g'iloy Hayitbayevna 13-14 YOSHLI YENGIL ATLETIKACHILARDA KUCH SIFATINI TARBIYALASH USULLARI | 101 |
| 28. | Toshmatova Mukaddasxon Azamatovna O'QITUVCHIDA PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI | 107 |
| 29. | Хамидова Муниса Мумин кизи ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНТЕГРАТИВНЫХ МЕТОДОВ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ УРОКОВ РУССКОГО ЯЗЫКА | 116 |
| 30. | Хамидова Муниса Мумин кизи ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧЕВОЙ КОМПЕТЕНЦИИ УЧАЩИХСЯ | 119 |
| 31. | Musurmanova Saodat Xaitmuratovna TARIX FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR | 123 |
| 32. | Абдусаттарова Гузал Муса кизи ОСОБЕННОСТИ СЕМАНТИЧЕСКОЙ И СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕРИВАЦИИ СОВРЕМЕННОГО РУССКОГО ЯЗЫКА | 128 |
| 33. | Гуламов Мухаммад Исакович ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ НАЗАРИЙ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА | 135 |
| 34. | Абдукодиров Абдурашид Толибжонович ОБ ОДНОЙ КРАЕВОЙ ЗАДАЧЕ С НЕЛОКАЛЬНЫМИ УСЛОВИЯМИ, СВЯЗЫВАЮЩИМИ ЗНАЧЕНИЯ ИСКОМОЙ ФУНКЦИИ НА ХАРАКТЕРИСТИКАХ, ЛЕЖАЩИХ В РАЗНЫХ ПОЛУПЛОСКОСТЯХ | 139 |
| 35. | Achilova Zarina Saidovna "BOSH HARFLAR IMLOSI" MAVZUSINI O'RGANISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH | 144 |
| 36. | Bakayeva Nilufar Bahriddinovna SANOAT KORXONALARIDA INVESTITSION FAOLIYATNI TASHKILIY- IQTISODIY MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH | 148 |
| 37. | Kamolov Jo'rabek Jalol o'g'li, Kamolova Shahlo Jalol qizi MOYLARNI SPEKTRAL TAHLIL QILISH | 153 |
| 38. | Абдурахманов А.А ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ | 158 |
| 39. | Abdurahmanov Abdumutal Abdujabborovich, Abduganieva Gulruh Mansur qizi E-COMMERCE: LEGAL REGIME AND DEVELOPMENT PROSPECTS | 163 |
| 40. | Najmiddinov O'tkir Rustamovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KIMYO SANOATIDA INNOVATSION FAOLIYATINI SAMARALI RIVOJLANTIRISH | 167 |
| 41. | YUSUPOVA GULXUMOR, SOBIROVA SHOHSANAM | 170 |

| | | |
|-----|--|-----|
| | LINGVOKULTUROLOGIYA VA FRAZELOGIYA MASALASI (O‘ZBEK VA NEMIS TILLARI MISOLIDA) | |
| 42. | Ибодат Рустамова, Дилноза Муротова БАДИЙ ДИТАЛ – ПСИХОЛОГИК ТАСВИР ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИ СИФАТИДА | 177 |
| 43. | А.Шадманкулов, Н.Рахмонова ЭКПОРТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА ТЕЗЛАШТИРИШДА ЮК-КУЗАТУВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (электрон инвойс ва СМГС мисолида) | 184 |
| 44. | Pak Kseniya Grigorevna TANQIDIY FIKRLASH HAQIDA QARASHLAR | 191 |
| 45. | Xolnazarova Gulnora Fayzullayevna ALISHER NAVOIY IJODI | 196 |
| 46. | Ашуров Жасур Джураевич ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ЯДЕРНОЙ МЕДИЦИНЫ СТУДЕНТАМ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ | 199 |
| 47. | Raximov Quvvatali Ortiqovich, Kuchkarova Maxsudaxon Rasuljon qizi SUN‘IY INTELLEKTNI RADIOLOGIYADA QO‘LLASH MODELARI VA TASVIRLARNI O‘QITISH MASALALARI | 204 |
| 48. | Davronov Shaxbos Erkin o‘g‘li MURAKKAB KO‘P KOMPONENTLI MUHITNING OPTIK MODELINI TANLASH | 207 |
| 49. | Mamatkulov Maxammadjon SAN‘ATGA BAXSHIDA UMR | 212 |
| 50. | Yulchiyev Asiljon Ortikali o‘g‘li, Luqmonov Shohruhbek Ma`murjon o`g`li TURIZM SOHASIDA XIZMATLAR SIFATINI RIVOJLANISHINING ASOSIY VAZIFALARI | 215 |
| 51. | Abdullayeva Shoxidaxon Shamsiddinovna O‘QUV MUASSASALARIDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR ASOSIDA TARBIYA ISHINI RIVOJLANTIRISHNI O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI | 221 |
| 52. | Mashhura Egamberdiyeva "SURXON- ULUG‘ AVLIYOLAR BESHIGI" | 224 |
| 53. | Mamatkulov Makhammadjon, Shomurodova Mohichehra Abdunabiyevna THE ROLE OF THE TANBUR SOUND IN THE PERFORMANCE OF THE MAQAM INSTRUMENT | 226 |
| 54. | Alimova Madina MASOFADAN O‘QITISHDA TA‘LIM BOSHQARUV TIZIMLARINING O‘RNI | 229 |
| 55. | Saydaev O‘ktam Tashbekovich EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ATROF MUHITNI MUHOFAZA QILISH USULLARI | 233 |
| 56. | Shomirzaev Otabek Quvonovich PSIXOLOGIYA TARMOQLARI | 236 |
| 57. | Jonibekov Shuhrat Baxtiyorovich ILMIY TADQIQOTLARNI PROGNOZLASHTIRISH | 240 |
| 58. | Egamberdiyev Ixom Ergashevich ZILZILA VA UNING OQIBATLARI | 245 |

Note!!! The numbers in the articles included in the journal "Innovation Science and Research" indicate that the information is correct and that the authors are personally responsible for the content of the article.

International Scientific Journal
Innovation Science and Research
Volume 1 Issue 2

LLC “Innovation Science and Research”

License №:083239 23.05.2023

Address: Uzbekistan, Tashkent city, Almazar District, Beshkurgon-3 1/84

Sciencejournal.uz, https://t.me/sciencejournals_uz, +998887804449